

САИД АХМАД



*танланган
асарлар*



III жилдик

II
ЖИЛД



ҳаҗвиялар,
пъесалар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАХРИИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2000

КИТОБХОННИНГ ҚУЛОФИГА АЙТАДИГАН ГАПЛАРИМ

Бир ёзувчи ўртоғим менга таъна килди:

— Нима киласиз, хажв ёзиб. Жиддий хикоялар ёзвермай-сизми?

— Нима учун ёзмаслигим керак экан? — дедим ажабланиб.

— Лев Толстой битта ҳам ҳажвий ҳикоя ёзмаган.

— Толстой ўзбек эмас-да. Ўзбек бўлганда албатта ёзарди, — дедим ҳазил килиб.

Хар гал хажв ёзастганимда ўша ўртоғимнинг гаплари эсимга тушади. Шу гапнинг ўзи битта ҳажвий ҳикояга мавзу эмасми, деб ўйлаб қўяман.

Мабодо бирор, фалончи дунёдан кулмай ўтиб кетди, деса, кулоғимга уйланмай ўтиб кетди, деб эштилади. Кулмаслик ўзини ўзи роҳатдан, ҳузур-халоватдан тийин демакдир. Кулмаслик, ўзи оч бўлишига қарамай, олдинга кўйилган лаззатли таомга қўл урмай, сўлагини ютиб ўтириш билан баробар.

Култи одамнинг ичидан чикади. Демак, ичи тоза одам кулади. Ичиди губори бор одам куломайди. Кулиш, кулмаслик одамнинг ўз птицерида эмас. Култиси қистаб турган одамнинг бўйинга атом бомбасини осиб кўйсантиз ҳам барибир кулаверади. Кулганда ҳам силкин-силкиниб кулади.

Кизик! Кулмайдиган одам хасис бўлади. Ўзим кўп кузаттганман. Нега шунака, билмайман. Буниакаларнинг уйига меҳмон келмайди. Ўзини ҳам бирор меҳмонга чакирмайди. Мабодо адашиб келиб колса, зиёфатни фурбатга айлантиради.

Кувноқ одам сермеҳмон бўлади. Уйидан одам аримайди.

Устоз Fafur Ғулом ана шунака кувноқ, завки батанд одам эди. Қачон борманг, уйи тўла одам. Гурра-гурра кулги. Теша тегмаган латифалар шу жойда айтиларди. Ўзи тўқиган латифалар тандирдан узилгандек буғи чикиб турганича дастурхонга кўйиларди. Ҳеч ким у кипичалик латифани дўндириб айтольмасди.

Ёзувчининг ёзгани ўзига ўхшайди деган гап бор. Fafur аканинг ёзганлари худди ўзи эди. Бу мумтоз санъаткорнинг ҳикоялари орасидан шундоккина ўзи кўринниб турарди. Кўзлари, юз ифодалари, хозир сизларни боплаб кулдираман, деб турганга ўхшарди.

Шахсга сифиниш пайтларида никоҳ тўйларимиш митингга ўхшаб қолганди. Кискача докладдан кейин иккى томондан иккита партком, иккита комсомол комитетининг котиби, касаба

уюшмаси раислари сўзга чиқишарди. Сиёсий кўшиклар, сиёсий ракслар ижро этиларди. Тўйда факат қулти бўлмаеди. Чунки ўша пайтларда қулгидан сиёсий хато қидириларди. Шунака «сиёсий хато» жабрини тортганларнинг кўпини кўрганмиз.

Хозирги тўйларимиз кизикчисиз ўтмайди. Машхур комик артистларимиз Эргаш Каримов, Обид Асомов, Мирза Ҳолмсдовлар катнашмаган тўй тўйдек бўлмай колди. Ҳожибой Тожибоев иштирок этган тўй дастурхонига ичкиллик кўймаса ҳам бўлади. Мехмонлар қулгидан кайф қиласдилар.

Хажвсиз адабиётнинг бир чети кемтиқ бўлиб колади. Ўриснинг Гоголи, Чехови, Туркнинг Азиз Несини, Озорбайжоннинг Собир Тоҳирзодаси, Украяннинг Остап Вишняси, Козокнинг Содиқбек Адамбекову Туркманинг Каминаси бўлмаса адабиёти жуда гарип бўлиб коларди.

Бугун Несъмат Аминов билан Анвар Обиджон бўлмаса ўзбек адабиёти битта тұгмаси қадалмаган кўйлакка ўхшаб колмасмиди? Ҳаётимизга шулар файз киритиб турғанини тан олишимиз керак.

Завки баланд, серқулги, кувнок ўқувчи, бу китоб сизники. Кулмайдиганлар ўқимасин! Агар ўқиса, илло-билло рози эмасман.

МУАЛЛИФ



ҲАЖВИЯЛАР

БИР ЎПИЧНИНГ БАХОСИ

Бугун жуғрофия ўқитувчиси дарсга келмади. Хомток қиласман, деб сўридан йиқилиб, оёғини синдирипти. Ажойиб «хушхабар»дан кейин бир зумда синф бўшади-колди.

Бундай қулай пайтдан фойдаланай деб, Сотвонди уйга эмас, шаҳар марказидаги «Маданий моллар» магазинига караб йўл олди. Батареяни ўтириб қолгани учун чўнтақда олиб юрадиган ёсову ўтичасидек радиоси гапирмай кўйган.

У дўконга келганда соат беш минути кам бир бўлганди. Эшикни тортди, очилмади. Пештахта оркасида стакандан лабини чўччайтириб қайнок чой хўплаётган сотувчи Сўйдихон эшик томонга имо килди. Сотвонди ҳали шошганидан қарамаган экан. «Перерив» деган ёзув илиб кўйилганини энди кўрди.

Сўйдихон атир шишасини чайқатиб қопкоғини чикарди-да, икки қулоғининг тагига, томоқларига тегизди. Кейин ойнакка караб соchlарини тузатган бўлди. У эшикка чиқиб, дўконни қулфлаётганида Сотвонди илтижо килди.

Опажон, иккитагина батарея керак бўлиб қолувди, бервораколинг, катта танаффус тугамай дарсга етиб борай.

Сўйдихон унинг гапларини эшитмади. Эшитса хам парво қилмай ҳаммаёқни атир ҳидига тўлдириб, бир зумда кўздан фойиб бўлди.

Эшик олдида сигарета, жевачка, «Сникерс» сотиб ўтирган кампир ёнига соч-соқоли ўсиб кетган, белбоғига киличдек пичоқ осган бадхўр бир бесёнақай йигит келди.

— Биззи хотин қани? — деди у.

Ундан саратон офтобида қолган қозонсочиқнинг кўланса ҳиди буруқсиб кетди.

— Абетка кетди, — деди кампир. — Вой болам-е, яна ичисан-да. Мунақа қилаверсанг, бир кун эмас, бир кун хотининг сени ташлаб кетади-я!

Маст унинг гапларига парво қилмай қўл силтади.

— Ўн сўм қарз бериб туриңг, хотиним келганда беради.

— Бермайди. Тунов куни олган беш сўмни зўрга ундиридим. Бундан бўён эрим пул сўраса берманг, деб тайинлаган. Ўзинг бинойидек кўли гул қассобсан. Топиштушишнг ҳам икки рўзғорга етарди. Топганингни шу арак ўлгур сўриб ташлади.

Маст бир мункидию одамлар оқимиға кўшилиб кетди.

Қассобларнинг хотинларига осон тутиб бўлмайди. Ҳар куни бир ўлимдан қоладилар. Айниқса маст қассоблар тушларида ҳам алаҳсираб мол сўядилар. Уйқусираб хотинини сўйиб кўйганлар ҳам кўп бўлган. Шунинг учун ҳам қассобларнинг хотинлари кечаси пичоқ, болталарни бекитиб қўядилар.

Сотвонди нима қилишини, каёққа боришини билмай, ҳайрон турарди. Сотувчи опа бир соатсиз қелмайди. У кўчнинг нарири бетидаги истироҳат боғига кириб музқаймоқ емокчи бўлди. Аксига олиб, музқаймоқ дўкони ҳам берк экан. У боғ айланиб анча юрди. Анхор бўйидаги мажнунтол тагида ўтириб дам олмоқчи бўлди. Бу ердаги скамейка ҳам банд. Икки ошиқ-мошиқ бир-бирининг пинжига сукулиб, хўрсаниб ўтиришипти. Улар анхорга караб ўтирганликлари учун орқада ким борлигини билишмасди. Эркак бўйини чўзib аёлнинг юзидан ўпди. Аёл қиқирлаб қулди. Шунда йигит уни елкасидан тортиб ўзига қаратди-да, яна чўпиллатиб ўпа бошлиди. Йигитнинг дўплиси скамейка оркасига тушди. Қўл узатиб олаётгандан кўзи Сотвондига тушдию қимирламай қолди. Ердан олган дўпини худди бир тонналик юқ бўлиб түюлди. У дўпини нима қилишини билмай бақрайиб тураверди.

У Сотвондининг дадаси Тўлаган эди. Ота-бола анча пайтгача кўз уриштириб қолишиди. Охири Тўлаган ғазаб билан боласига ўшқирди:

— Мактабга бормай буёкларда нима қилиб юрибсан, ахмок?

— Ўзингиз ишга бормай, бегона хотин билан нима қилиб юрибсиз? — деди Сотвонди ҳам бўш келмай. Тўлаган ёнидаги жувонга қаради.

— Сиз кетаверинг, чойимизга пашша тушди. Бу ахмок билан ўзим гаплашиб қўйман.

Жувон ўрнидан турғанда Сотвонди унинг юзини аниқ кўрди. У «Маданий моллар» дўконидаги Сўйдихон эди. У бетартиб очилиб кетган ёқасининг тутгалирини қадаб,

иқки кўкрагининг тагини кафти билан беозор кўтариб, Сотволдига еворгудек бўлиб қаради. Кейин қизил қум сепилган йўлқадан жаҳл билан юриб кетди.

Ота-бала боғ дарвозасигача жим келишиди.

— Ўзинг яхши боласан-ку, ойнингга айтмай қўяқол, — деди ялинган оҳангда дадаси.

— Айтаман, — деди қатъий қилиб Сотволди.

— Айтма, болам, ойнингни жаҳлини биласан-ку.

— Барibir айтаман. Сизни бир қаратэ қилиб кўйсин.

Сотволдининг онаси ростдан ҳам аёллар ўртасида қаратэ бўйича мамлакат чемпиони эди. Оёғининг бети билан иякка тепса, ҳар қандай одам ҳам чирпирак бўлиб кетади.

— Жон болам, айтма. Айтмасанг, батарей олиб бераман.

— Чироғингизни пишириб енг. Магнитофон олиб берсангиз айтмайман.

— Вой-бў, жуда қиммат нарса-ку. Бўпти, сен кетавер, кечкурун ўзим олиб бораман.

— Ҳозир олиб берасиз.

— Оббо, жудаям хирасан-да. Лўлимисан, нима бало.

Бола эмас, шилемшиқ, шилқим бир нарса экансан. Бўпти, юр.

— Японскийсидан бўлсин...

Тўлаганнинг тишлари қичирлаб кетди.

Хуллас, Сотволди уйга яп-янги магнитафонини қўтариб келди. Эртасига ёк бу хабар ўртоқларининг қулогига етди. Етти-сақжиз бола ҳар хил кассеталарни опкелиб роса бақиртиришиди.

Кечқурун Марҳаматхон эрига ҳасрат қилиб қолди:

— Болангизни тергаб қўйинг, уйимиз бозор бўлиб кетди-ку.

Тили қисик Тўлаган ўғлига гўрни бир нима дёёладими.

— Ҳа, энди, бир-иқки кунда қўнглига тегади, тинчиб коласаң, — деб қўяқодди.

Тўлаган йишданк келса хотини тўрсайиб ўтирибди. Ярамас бола сирни очиб қўйган шекилли, деб юраги орқага тортиб кетди. Ўғлини четга чақириб, ойнингга ҳеч нима демаганмидинг, деди кўрқа-писа.

— Йўк, — деди Сотволди. — Энди айтмоқчи эдим.

— Айтакўрма. Айтсанг калтак ейсан, — деди у боласига пўписа қилиб.

— Видео олиб берсангиз айтмайман. Бўлмаса албатта айтаман.

Тўлаган дод деб юборай деди. Урмоқчи бўлиб мушт қўтариб, мушт боланинг бошига келганда панжалари ёзилиб кетди. Бошини силай бошлиди.

— Жон болам, айтмагин.

— Айтаман.

— Болам, болажоним, дўмбоқ болам, оппоқ болам...

— Лагаңбардорлик қилманг, фойдаси йўқ.

Ичкари уйдан Марҳаматхоннинг овози келди.

— Ота-бала нимани гайлашяпсизлар?

Тўлаган шошиб жавоб қилди.

— Футболчӣ Миржалол Қосимов тўғрисида гаплашамзиў.

— Гап битта, — деди Сотволди. — Ё видео олиб берасиз, ё ойимдан калтак ейсиз. Хоҳлаганингизни танланг. Аммо-лекин эртага кундуз соат ноль-ноль иккода видео столимнинг устида бўлсин, — дедиу чиқди-кетди.

Тўлаган пешонасига шапиллатиб урганича қолди.

Эртасига ўқищдан воҳлиқкина қайтган Сотволди соат икки бўлиши билан эшик олдига чиқди. Дадаси билан ишлайдиган киши машинада ҳали картон кутиси очилмаган видео билан иккита кассета олиб қелди.

Сотволдининг ётоги ҳар хил нарсаларга аста тўлиб борарди. Айтганча, у Суйдининг дўконига бориб, бермасанг, эрингта айтаман, деб битта фотоаппарат билан беш-ўнта рангли плёнка ундириб келди. Уша кундан бошлаб Сотволдининг кўзидан витринада турган видео камера кетмай қолди. Барibir, шуни ҳам ундираман, деб дилига тугди.

Бу бола эр-хотинга жуда қимматга тушганди. Негадир уларнинг болалари турмасди. Икки-уч ойгина яшаб, уларни доғда қолдириб кетарди. Мана шу Сотволди дунёга келганда ирим қилиб болани туғуруқхонадан ўзлари эмас, қўшиллари Анзират хола олиб келган ва икки киши гувоҳлигига уларга минг сўмга сотган эди. Номининг Сотволдилиги ҳам шундан эди.

— Хотин, — деди Тўлаган бир куни. — Бир нарсага ҳайронман. Менинг бурним япаски, сенинг иягинг паст. Мен буёдойранг, сен оппоққинасан, боламиз нечукким қирра бурун, коп-кора, соchlари жингала, худди Пушкиннинг бола пайтига ўхшайди. Мабодо туғуруқхонада бироннинг боласига айрибоши қилиб қўйишмаганмикин? Ўргумизда бунаканги башарали одам бўлмаган эди шекилли. Лўли-пўлининг боласи?

— Э, гапингиз курсин...

— Уша сен ётган родломда биронта лўли хотин түфмаганмиди?

Марҳаматхон ўйланиб қолди.

— Қайдам. Бир лўли хотин бола кўрди, дегандек гап бўлганди шекилли.

Тўлаган икки тиззасига шапиллатиб уриб, ўрнидан туриб кетди.

— Ана, айтмадимми? Бу бола лўли, қиликлари ҳам лўлича. Дутор олиб бердим, қарамади, рубоб олиб бердим, ушлаб ҳам кўрмади. Чилдирма олиб келганимда қўлимдан юлиб олди-ю, дараанглатиб ҷалишга тушиб кетди. Лўлилар чилдирмага ўч бўлади-да. Ўн иккига энди кирди, мўйлаби чикяпти. Умуман, лўли болаларнинг мўйлаби тез чиқади дейишади.

Тўлаганнинг кўнглига фулув тушди.

— Ҳамма айб Анзират холада. Туғуруқхонадан қанақа болалигини суроштирмай, қанақасини берса индамай кўтариб келаверган.

— Ўлган одамнинг орқасидан маломат кильманг, гунонга ботасиз. Уялинг-е, ўз болангиздан тоғмоқчисиз-а? Боламиз, худога шуқур, если-хушли, ойдек бола. Хали кўрасиз, бир-икки йилда лочиндеқ, қарчигайдек бўлиб кетади. Бу гапни бир айтдингиз, иккинчи оғзингизга олманг.

— Хўп, хўп, — деди айтган гапидан пушаймон бўлган Тўлаган. — Бир айтдим-қўйдим-да.

Сотоволди «Маданий моллар»га келганда Суйдининг эри пештахтага тирадиб, ана йиқиламан, мана йиқиламан, деб аранг турилти. Сотоволди уни кўриб эски қадронлардек куюқ кўриша кетди.

— Амаки, яхши юрибсизми, кўринмайсиз? Одамлар сизни жуда зўр қассоб, молни оёғини бойламасдан сўйиб ташлайверади, дейишади. Шу ростми?

— Рост, — деди у.

Суйдихоннинг бу хира, безбет, шилким бола эримга қадрон чиқиб қолди-ку, ҳамма гапни айтиб берган бўлса-я, деган гап кўнглидан ўтди.

— Хой, оповси, эр-хотин гаплашаёттандага ўртага тушмада, ўргилай. Ҳозир сен чиқиб тургин, амакинг кетгандарида ўзим чақираман.

Сотоволди мастга қараб, бўпти, амаки, ҳали гаплашамиз, деб ташкарига чиқиб кетди.

Кампир эшик олдида касод бозоридан нолирди.

— Шу бугун олтитагина жевачка сотдим. Манави сўқим ёнимга келиб ўтириб олади. Болалар унинг важжатидан кўркиб, яқинимга келишмайди.

Кампирнинг ҳасратидан чанг чиқарди.

— Биласанми, болам, бу пиёниста ўлгир аввалги хотинини сўйиб қўйиб, ўн икки йил ётиб келган. Шундан кейин ҳам кўзи очилмади.

Сал ўтмай маст гандираклаб-гандираклаб, қўлида иккита беш сўмликни ғижимлаганча чиқиб вино дўконига кириб кетди. Сотоволди ичкарига кирди.

— Амакингга ҳеч нарса демадингми? — деди Суйди хавотирланиб.

— Энди айтмоқчийдим, гаплашгани қўймадингиз-ку.

— Жинни-минни бўлганимисан, тунов куни фотоаппарат берганимда бирорвга айтмайман, деб сўз бергандинг-ку, нега айниб қолдинг?

— Мени лакиллатаман, деб ўйламанг. Бу битта фотоаппарат билан битадиган иш эмас.

— Ҳа, нима билан битади, бўлмасам? — деди алам билан Суйди.

— Жирилламанг, эрингиз аввалги хотинини сўйиб кўйганини эсингиздан чиқазманг.

Суйдининг кўзлари тиниб кетди. Бу безбет болани нима килса бўлади. Уриб бўлмаса, сўқиб бўлмаса. Айтган нарсасини бермасанг, шармандангни чиқарса. Э, худо, қандоқ балога гирифтор қилдинг мени.

— Айт, яна нима деб қолдинг?

Сотоволди биқининга «Тошиба» деб ёзилган видеокамерани имлаб қўрсатди.

— Вой, мени хонавайрон қиласан-ку, биласанми, бу камера неча сўм турали?

— Мен билишим шарт эмас, сиз билсангиз бўлди-да.

— Айнанай, сендан, ўргилай сендан, сал арzonроқ нарса сўрагин. Эрим ўлгир-ку, совдадан пеш тушган пулни пеш олиб турилти. Энди сенинг қилиғинг ортиқча бўляпти. Чўнтақда олиб юрадиган транзистор радио бераколай.

— Уни кейинги келганимда берасиз.

— Вой менгина ўлай, ҳали яна келаман дегин.

— Албатта-да, — деди Сотоволди. — Тез-тез келиб турман. Камерани берасизми ё бермайсизми? Битта гапиринг. Ҳозир ташкарига чиқиб келай, амаким кетиб қолмадимикин?

— Шошма, — деди Суйди жаҳл билан, камерани пештахта устига тақиллатиб қўяркан. — Ма, ол, худоёх худовандо шу камера...

— Қарғаманг. Жаҳлим ёмон. Рози бўлмасанги, олмайман.

— Вой, ноз қилади-я, бу безбет.

Сотвонди камерани күтариб чиқиб кетаркан, Сүйди орқасидан жовраб қолди.

— Шу дўконда иккинчи корангни кўрмай. Мени бўғизлаб кетдинг! Ўлдирдинг!

Унинг безовта овозидан хушёр тортган эри эшикка бош сўқди.

— Нима гап, тинчликми?

— Дўконда каламуш пайдо бўлиди. Кўриб қўркиб кетдим.

— Кап-катта хотин каламушдан қўрканингта ҳайронман.

Сотвондинг дадаси Сўйдиҳонни ўпганга ҳам бир ойдан ошди. Бу орада Сотвонди дадасидан моторли велосипед, Сўйдиҳондан нархи палон пултиқ рангли телевизор, дадасидан жез тутгали костюм, Сўйдиҳондан қўнғирок чаладиган электрон соат, дадасидан кўчада юриб ҳам гаплашадиган масофали телефон, Сўйдиҳондан компьютер ўйин ундириди. Булар ҳали холва. «Маданий моллар»да кўзини ўйнатиб турган бутун дунёдаги жами телекўрсатувларни бемалол оладиган спутник антеннаси ни мўлжаллаб қўйган.

Бирон хафта оралатиб Сотвонди ўша антеннани ундиргани «Маданий моллар»га борган эди, дўкон берк экан. Нима қилишини билмай ўйланиб турган эди, жевачка сотадиган кампир:

— Кутмай қўякол, болам. Сўйдиҳон бояқиш ҳали-бери келмайди. Дўкон печатланган. Ревизиядан кирқ бир минг камомад чиқди. Уч кун ичида тўлаб қўймасонг, ишингни судга оширамиз, дейишитти. Бечора бўйнидаги ўн олти катор марваридларини, билагузугу зирақларини рўмолчасига тугиб бозорга кетди.

Тавба, Сотвондинг хисобига қараганда, камомад ўттиз саккиз минг бўлиши керак эди-ку. Нега бунақа қўп хисоблашдийкин...

Сотвонди спутник антеннасидан умидини узиб, дадасининг дўкони томон кетди.

Кичкинагина тижорат дўконида дадаси шериги билан жанжаллашаётган экан.

— Ахир шу бир ой ичида 22 минг сўм олдингиз. Аввалги ойда олганларингизни қўшиб хисоблагандага 54 минг сўм бўлади. Бу дўконни очганимизда иккаламиз 50 минг сўмдан қўшган эдик. Энди сиз билан ора очик бўлдик. Шерикликдан чиқдингиз, калитни беринг...

Оббо ғулти-е, уч минг сўм қўшиб хисоблади-я. Дадасининг қанча олганини мен биламан-ку.

Сотвонди қолган гапларни эшитмай орқасига қайтди. Мана, иккى ойдирки, у на Сўйдиҳондан, на дадасидан бирон нима ундиради.

Дадаси ҳар қуни эрталаб мардикор бозорига чиқиб кетганича кечқурўн коронги тушгандаги ҳориб-чарчаб қайтади. Ёстиқка бош қўяди-ю, пиш-пиш ухлаб қолади.

Дадасига раҳми келган Сотвонди бир кўнглида: «Дадамни тилла магазинида ишлайдиган Доно хола билан танишириб қўйсаммикин», деб ўйлаб ҳам қўрди. Марваридлари шода-шода, узуклари, зирақлари бриллиант. Нимаси кийин, гапга солиб туриб битта ўпса бўлди. Эри баджахл мелиса, тўплюнчасиям бор. Буёни менга қўйиб берсин. Эрингга айтаман, десам, тамом. Боплайман.

Кунора даромад қилиб ўрганган Сотвонди «бечора» жудаям сикилиб кетди. Охири велосипедига қўнғироқ олиш учун «Динамо» магазинига борган эди, тротуарга табуретка қўйиб жевачка, сигарет, лоторея сотаётган Сўйдиҳонни қўриб қолди. Унинг ёнида эри емга тўйган буқадек бўлиб пишқириб, қилинадек пичоги билан тирногини олиб ўтиради.

Энди Сўйдиҳоннинг ҳар биттаси тешиккулчадек кела-диган тилла билагузуклари, шода-шода марваридлари, бриллиант қўзли узугу зирақлари йўқ эди. Кийимлари ҳам, пардози ҳам илгаригича эмас.

У Сотвондини қўрди-ю, оёғи остида ётган яримта фиштни олиб унга қараб интилди.

— Э, ўпмай даданг ўлсин. Ўптирмай мен ўлай...

Сотвонди одамлар оқимиға шўниб кетди.

ХОМТАЛАШ

«Камбағал бўлсанг қўчиб боқ, бойвачча бўлсанг ўлиб боқ», деган гапда ҳикмат кўп экан. Бу ҳикматнинг маъниси кечқурун билинди. Маҳалланинг сўғиси мархумнинг бевасини айвонга чакириб, қолган маросимларни қандоқ ўтказиш тўғрисида йўл-йўрик қўрсата бошлади:

— Янга, бир ўлим ҳаммамизнинг ҳам бошимизда бор. Ўлган ўлди. Қолганга қийин. Энди шундок қилсангиз, еттисига бир қўй суюксиз. Олти маҳалладан одам айтилади. Алалхусус, йигирмасида ҳам шундок бўлади. Ҳар якшанба қуни маҳалла қарияларини чакириб, ош-туз килиб, дуойи фотиҳани узмайсиз. То қирқ кунгача арвоҳ чирқиллаб, уй атрофида айлануб юради. Ҳа, шундок.

Кампир қўзларини пирпиратиб нима дейишини билмай туарди. Унинг эри унчалик ошиб-тошиб кетмаган,

рўзгорига яраша пул топиб келган одам эди. Ўлгандан кейин бунақа харжларни сира хаёлига келтирмаган. Кампирни ваҳм босди. Бир йилгача бу тариқа харжларга пулни қайдан олади? Расм-русумни қилмаса айб бўлади. Юрт нима дейди? Арвоҳ эшик олдида чирқиллаб юрган бўлса. Сўфи яна гап бошлади:

— Янга, марҳумнинг қариндош-уруглари кўп эди. Акаси, укаси, сингиллари, жиянлари. Бу ҳовли марҳумнинг отасидан колган. Ҳовлида шу сағирларнинг маҳри бор. Ана, эшик олдида туришпти. Шу гап жанжалга колмай, иссиғида ҳовлига нарх қўйиб, меросхўрларнинг маҳрини белгилаб қўйсак.

Эшик олдида турган маҳрталаблар кулоқларини динг қилиб, айвон тарафга қарашди. Ҳаммасининг эгнида қимматбаҳо кийимлар, қўлларида тилла соат, оёқларида хром этик, учи найза туфли. Бири корин ташлаган, бирининг бўйни йилтираган, бири бриллиант кўзли узук таққан...

Бева кампирнинг эгнида кора қўйлак, бошида ҳам мотам муносабати билан бўялган штапель рўмол. Оёғида таг ҷарми икки марта янгиланган кавуш. Унинг холатидан, ниҳоятда танг ахволда қолгани билиниб турарди. Охири у журъатсизлик қилиб гапириди:

— Бу, ахир, ўликни талаш эмасми? Бу уй ўлтур эртами-индин бузилиб кетади. Нимасини талашишади? Бир йилгача маросимларни ўтказаман, деб қоққанда қозигим, останда хурмачам қолмайди. Жигар бўлса, ака бўлса, ука бўлса, сингил бўлса, мундок ёнимга кириб, харжларни сал енгиллаштирсин-да.

Бўйни йилтилаган маҳрхўр тилла тишини ялтиратиб гап қотди:

— Келин ая, сарфни аямай қилаверинг. Ҳовли сотилгандан кейин маҳр ҳисобидан расчётини тўғрилаймиз. Бу ёғига хотиржам бўлаверинг.

— Ха, шундок бўлаверсин, — деди қорин ташлаган маҳрталаб. — Амма, лекин, харжни унчалик катта қилиб юборманг. Маҳр тақсимида унча-мунча қўлимизга ҳам тегадиган бўлсин.

Марварид шодали зирак тақкан, панбарҳат қўйлагининг енгини шимариб боласига холвайтар едираётган маҳрхўр хотин гап қотди:

— Қандоқ харж бўлса акаларим, укаларим ҳисобидан бўлсин, хотин бошим билан нега мен қиласканман? Менинг маҳримни бечиким қилиб берасизлар.

Бева кампирнинг қўзларида ёш йилтиради.

— Қандоқ қиласман? Бу харжларни қаёқдан оламан? Сўфи ўйлаб туриб, жуда ҳам «маъноли» бир гап айтди:

— Ҳозироқ ҳовлига баҳо қўйиш керак. Ана шу баҳо ҳисобидан бирордан пул кўтарилади.

Бўйни йилтирагани бу гапни маъқуллади.

— Шундок бўлгани маъқул. Масалан, мен ҳовли ҳисобидан қарз бериб туришим мумкин. Аммо уч-тўрт кишининг гувоҳлигига.

Шу пайт эшиқдан икки хотин кирди. Боя маҳрини бечиким оламан деяётган хотин ўридан тура солиб, колган хотинларнинг бўйнига осилди.

— Жигаримдан айрилиб қолдимо...

Сандик тўла сарик гул
Тақсам адо бўлмайди.
Жигаримнинг дардини
Айтсан адо бўлмайди.

Вой акагинам қандоқ одам эди-я, шундок меҳрибонимдан ажралдимо...

У йигини тугатиб, яна орқага қайтди. Сўфининг олдига келиб:

— Хар кимнинг маҳрини ўз қўлига берасиз, — деди.

— Хўп, опа, хўп. Нархи очилди. Укангиз қарз бериб турадиган бўлдилар.

Хотиржам бўлган хотин яна ғовозини баланд қўйиб йиги бошлади.

Узун-узун аргамчи
Йўлда ётса майлими?
Шундок азиз жигарим
Гўрда ётса майлими?

Акагинамдан айрилиб қолдимо-о-о...

Ҳам эридан, ҳам ҳовли-жойидан айрилган кампир қўзидан милт-милт ёш оқизиб, қимирламай турарди.

ХАНКА БИЛАН ТАНКА

Олимбой ака келинини кутиб олиш учун раисдан «Волга»ни сўраб, кок пешинда станцияга чиқди. Поезд келиб вагон эшигидан ўғли Тантибой билан келинининг кораси қўриниши биланоқ пешонасига шарт этиб биттани туширди! Бай-бай-бай! Келин деган ҳам шундок, латта

кўғирчок бўладими? Ойдеккина экансан-ку, ола-байрок кийимларга бало борми? Ўзинг-ку, ҳомиладорсан, сипорок кийинмайсанми, кизталоқ!

Олимбой ака ўзидан-ўзи фўлдираб, вагонга яқин бориши ҳам, бормасликни ҳам билмай, келинининг «қади-комати»га маҳлиё бўлиб қотиб турарди. Ўғли Тантибой вагон зинасидан юбкаси торлигидан тушолмай кийналётган хотинини қўлтиқлаб тушириди-да, ҳар бири сандикдек-сандикдек иккита чамадонни аранг судраб, дадаси томонга юра бошлади. Олимбой ака ичида «э, дидинг қурсин», деди энсаси қотиб. У, бу «бедаво»ларни қишлоқ гузаридан қандоқ қилиб олиб ўтаман, деган хаёл билан банд эди. У ўғлининг олдида писанда қилаётгандек корнини чиқазиб, писта чақиб келаётган келининг бошдан-оёқ разм солди. Сочи эркакча қирқилган, икки қулоғида редискадек қип-қизил зирақ, лабини шундоғам бўяптики, худди помидор тишлаб келаётганга ўхшайди. Шимнинг почасидек тор юбканинг ён томонига каторасига йигирматача кора тугма қадалган. Бўйнида ҳар бири ёнғоқдек келадиган жўн сариқ мунчоқ. Юпқа капрон кўйлакдан елкасидаги ҳуснбузлари бемалол қўриниб туриби. Олимбой аканинг унга қараб туриб, дод деб юборишига оз қолди. Ўғилчани — фарзанди қобилни айтмайсизми, олдида икки буқчайиб, пилдираганича чамадон кўтариб келяптилар. Э, ўйринг қурсин, адойи тамом бўпсан-ку!

Фарзанд экан. У ноилож турқи-таровати фули-фули товукка ўхшаган ўғлининг қаршисига чиқиб, қучоқ очиб кўришиди. Келин унга қиравериб ипдек-ипдек интичка бўлиб кетган қошини керив салом берди. Келинни хурмат юзасидан машинанинг олдига ўтқазишиди. У йўлда: «Машинани қачон олдинглар», деб қолди. Чол ўзини эшитмаганига солиб, ўғидан келинининг исмини сўради.

— Ханифа, янгичасига Ханка, — деди Тантибой «бизнинг хотин шуника» деб писанда қилаётгандек, гапининг охирини жингалак қилиб.

Келиннинг исми Олимбой акага Ханка эмас, Ҳанги бўлиб эшитилди шекилли, бир сакраб тушди.

— Биз эскичасига Ханифа деяверайлик, ўғлим, қишлоқчилик эмасми, билган ундоқ дейди, билмаган мундок дейди.

Келин чолнинг гапига ҳайрон бўлиб, елка учирив кўйди. Чол ўз ўйи билан ўзи овора эди. У, қишлоқдаги жамики асқиябозларнинг серқочириқ, серпайрови эди. Асқиябозларнинг ҳаммасига ўзи лакаб кўйган, тўю маъракаларда, гапу гаштакларда панд емай, соврун олган

асқиябозлардан эди. Ана энди «бежирим» келинни кўрган ҳазилвон ошналари нима деяркин? Чолни мана шу ташвиш қийнарди. Унинг устига шахарга ўқишига кетиб тўрт йилда мулла бўлиб келиш ўрнига Тантибой отини Танка қилиб ўзига ўхшаш беўхшов хотин олиб келаётган ўғлинни бутун қишлоқ тўрт кўз бўлиб кутиб ўтирган эди. Чол тўй тадоригитини ҳам кўриб кўйган. Шу бугунок уйни одам босиб кетади. Тўйни қолдирсаммикин, дея дилидан ўтказди чол. У ер остидан келининг разм солди. «Тавба, «Муштум»даги суратларга ишонмасдим. Энди ишондим, майли, бўлар иш бўлиди, тўй бўлмаса ҳам, тўйча қилиб бериб қутулмасам...»

Гузарга келганда машинани жуда тез ҳайдаб ўтиб кетишиди, кўчанинг чангига буруқсаб кетди. Самовардаги чойхўрлар: «Оббо, Олим қизик босар-тусарини билмай қопти-ку», дея машина орқасидан қараб колишиди. Кимдир, чолнинг омади келди, деди. Самоварчи уларга пичинг қилди:

— Кўпам ҳовлиқаверманглар, келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр.

Тўйларда дастурхоннинг тўрида ўтирган Олим қизик, ҳадеганда тўйни бошлайвермаганидан, ҳамма ҳайрон эди. Чол эса, келининг: йўл юриб чарчагансиз, иссиқ кунда кўчага чиқмай туринг, уриниб қоласиз, деб уни уйда сакларди. Келин уйда ўтиравериб, сиқилиб кетди. Чолга билдирамай, икки марта морожнийхона кидириб гузарни ҳам айланиб келди. Кампир бўлса, агрономнинг хотининг жадал бепасон одми кўйлак тикитиради. У аллақаёқдан келинининг сочига мослаб улама ҳам топиб келди. Қани энди Ханкаси тушмагур уламани тақа қолса. Йўқ, унамади. Кўкракбурма штапель кўйлакни улоктириб ташлади. Кампир юм-юм йиглади. Чол уни юпатмоқчи бўлди:

— Кўй, хотин, йиглама, фарзандимиз кетидан келган фарзандимиз... Бизнинг қўлимиздан нима келарди? Ҳамманинг боласи бинойидек бир хунар эгаси бўлиб келяпти...

Чол шу куни гузарга чиқиб, таъби тиррик бўлиб қайтиди. Улфатлари унга, келиннинг кўлини кўрсак бўларди, тўйни-ку ёб кетдингиз, деб туриб олишибди. Чол ноилож эртага тушдан кейинга ҳаммани тўйга хабарлаб келди. Бу гапдан хабардор бўлган Ханка апил-тапил кийимларига дазмол босиб, тирноқ бўяй бошлади. Кампир Танканни четга чакириди:

— Жон болам, айланай болам, хотинингга айт, эл олдида бошимни ҳам қилмасин. Ярашадиган ишни қилсин.

Танка ҳам онасининг гапини эламади.

— Ая, сиз тушунмайсиз, жуда орқада кетибсизлар-ку. Хар нима бўлса ҳам қишлоқсизлар-да.

Айвоннинг пешонасида унинг гапларини эшитиб ўтирган Олимбой ака тутакиб кетиб ўрнидан турди.

— Хой, менга қара, қачондан бери тушундиган бўлиб қолдинг? Кўттар тўрва халтангни! Биласанми, тўртта одамнинг орасига кириб ҳали тилимни бермаганман-а!

Чол жаҳл устида уйга кириб, чамадонни ҳовлига улоқтириди.

— Хозирнинг ўзида жўна! Сенларни деб қариганимда майна бўлишга тоқатим йўк.

Кампир унинг кетида елиб-югуриб:

— Хой, дадаси, шаштингиздан қайтинг, — деб ёлварди. Йўқ, чол шаштидан қайтмади. Икковини олдига солиб, катта кўчагача ҳайдаб чиқди. Келин лўлилик қилиб, уни қолоқлиқда айблар, агар уни Танкадан ажратиб юборишса, куртдек қилиб нафака ундириб олишини шангиллаб гапирарди.

Чол бу гапларгэ парво қилмай, ҳовлига кириб, эшикни ичидан занжирлаб олди. Катта-кичик ўртага тушди, бўлмади. Одам бўлиб келганда уйга киритаман, деб туриб олди.

Эрталаб раис самоварга кирса, келин-куёв бир бурчакда ўтиришибди. Поездга етишомлай қолишган экан. Раис уларни койий-койий уйга юбориб қўйди. Ханка чоннинг ҳамма шартига кўнди-ю, факат биттасига кўнмади.

— Этаги тор юбкамга индамант, ўзим жудаям яхши кўраман.

— Ахир, жон болам, ариқлардан ўтолмай қийналасан.

— Келинг, Олимбой ака, кийса кия қолсин, — деди раис чолга кўзини қисиб. — Хўш, энди яна битта гап. Омон-эсон ўқишдан ҳайдалиб кепсизлар. Энди бекор юриш ярашмайди. Нима кўп, иш кўп, маслаҳат билан қандай иш қилишларингни ёртага ўзимга айтасизлар.

Раис шундоқ деди-ю, бошини сарак-сарак қилиб чиқиб кетди.

Орадан уч кун ўтгач, Танка товуқбоқарликка, Ханка ўша фермага ҳисобчиликка кетди.

Олимбой ака энди тўю ҳашамларда илгаригидек катта гапирмас, асқияга аралашадиган бўлса, юмшоқроқ қилиб суюб чистон килар эди.

1961 йил.

ОШҚОВОҚ, 2

Хомиджоновни янги тузилган бир ташкилотга бошлиқ қилиб юборишиди.

Янги ташкилот бўлгандан кейин камчилиги кўп. Майд-чўйда камчиликлар Хомиджоновнинг кўзига кўринмади. Аммо машинаси йўқлиги уни кўп қийнаб қўйди.

Янги идорага ўтган куни эски идораси иззат-хурмат билан машинада опкелиб қўйди. Одамлар билан танишли, кабинетларни айланди, телефонларнинг қулоғини кўтариб пуфлаб қўрди, пўлат сандикнинг ичини очиб қаради. Янги экан, бўёқ хиди димогига урилиб яйратди. Буфетчи устига сочиқ ёпиляган тарелкада котлет опкирди, маза қилиб еб, устидаги сочиқка лунжини артди.

Хулласи, янги идорада тартиб жойида. Камчилиги, нолидиган жойи йўк.

Бирок, ишдан қайтадиган пайтда эски идоранинг қадри билинди.

Хомиджонов йигирма йилдан бери пиёда юрмаган. Қайсан трамвай қаёқка боришини билмайди. Қайси автобусда қаёқча бориб, қаерда тушиб қолиш керак?

Хомиджонов таваккалига дуч келган трамвайга чиқди. Трамвай вокзалга обориб ташлади. Хомиджонов ярим соат довдираб автобусга тушди. Автобус уни Кўйликка обориб қўйди. Яна трамвайга чиқди. Бу гал Чилонзорда тушди. Яна троллейбусга чиқди. Троллейбус бозорга ташлаб, ўтиб кетди.

Ундан бунга, бундан унга чиқди. Чиқди, тушди. Қоқ ярим кеча бўлди. Ёнидаги пуллар трамвай-троллейбусларда тамом бўлди. Трамвайлар, автобуслар паркка кетишиди. Шахар жимиб колди. Кўчада Хомиджонов билан милиционерлар қолишиди.

Энди нима қилиш керак, уйга телефон қилиб хотинидан адресини, қайси автобусда уйга етиб келишини сўрай деса, автомат телефон учун ёнида бир тийин ҳам қолмапти.

Одамзоднинг бошига иш тушса, акли киради деганлари рост экан. Хомиджоновнинг ҳам шу топда калласи ишлаб қолди. Адресини ёнидаги паспортига қараб билса-ку бўлади. Шу гап эсига келмаганини каранг-а.

У шундай қилди. Паспортини чирокқа солиб қаради: Ошқовоқ, 2.

Хомиджонов Ошқовоқ кўчасини милиционерлардан сўради.

— Нечанчи уй? — деди милиционер.

- Иккинчи уй, иккинчи, — деди Хомиджонов.
- Э омон бўлинг, мана иккинчи уй. Уйингизнинг орка тарафида турибсиз-ку.

Мунин қаранг-а, йигирма йилдан бери шофёр тушмагур уйининг орка тарафидан бирон марта ҳам олиб келмаган экан-а. Ахир Хомиджонов шу бугун бу уй олдидан энг камида йигирма марта ўтди. Билмаганини қаранг.

Милиционер кулди:

- Ўтказиб қўяйми, ё ўзингиз ўтиб оласизми?

Хомиджонов жиддий жавоб килди:

- Барака топинг, ўтказиб қўйганингиз маъқул, яна адашиб кетмай.

Хомиджонов эртасига ишга боролмади. Куни билан оёғи оғриб, диванда ётди.

БОШ ОГРИФИ

Искандаров бошқармадан эшитадиганини эшилди. Олиб келган ҳужжатида яна хато. Икки юз ўттиз минг ўрнига икки юз ўттиз ёзилиди. Ҳужжатга қўл қўяётганда яхши қарамаган экан. Мана, бошқарма план бўлимида уни роса қизартиришди.

Хозир Искандаров машинада ўзидан ўзи мингиллаб котибанинг гўрига фишт қалаб келяпти. Ундоқ қиласман, бундоқ қиласман, бунақа котибанинг боридан йўғи. Бўшатаман...

У тажанг бир қиёфада идорага кирди. Машинка шиқиллатиб ўтирган котибанинг бетига ҳам қарамай, киринг, деб ўтиб кетди.

Ўзини креслога ташлаб, столни чертиб, асабини босмоқчи бўлиб турганда лаблари қип-қизил, бели супургининг бойланган жойидек ингичка, икки кулоғинга офтобни узиб олиб қўйгандек ялтироқ зирақ тақкан, жўхори попугидек майин сочли бир киз кирди. У котиба эди. Искандаров унга хўмрайиб қаради. Котиба қўзларини сузиб, бир-икки марта киприк коқди. Тавба. Искандаровнинг шу пайтгача разм солмаганини қаранг-а, киприк ҳам шунақа узун бўладими? Ҳар киприк коққанда икки юзини беркитиб қўяди-я.

Искандаров бир неча дақиқа унга маҳлиё бўлиб турдида, ўзини босиб олди. Бояги жаҳли яна танига қайтиб келди. Энди қизнинг бетига эмас, полга қараб гапиришга чоғланди. Нима бало бўлди-ю, қўзи чалғиб котибанинг иғнадек пошинасига, ундан кейин илон пўстига ўхшаш

носисига қўзи тушди. Яна жаҳли ўлтур аллакаёкка қочиб кетиб, юзига биллинар-билинмас табассум югура бошлади. Искандаров бир сесканиб, яна хушини йигиб олди. Энди у дераза тарафга қараб гапга чоғланди.

Дераза ойнасидан яна қизнинг чехраси намоён бўлди. Беихтиёр дилидан «бели, елкалари дараза ойнасидан шундоқ қўринса, тўғри қараганда қандоқ бўлди экан», деган фикр ўтди.

Очиқ деразадан кирган майин шамол қизнинг пріческасига сўз бермаган икки тола сочини бўйнига, томогининг тагига, ярим декольте қўкрагига теккизиб ўйнарди.

Искандаров бир неча минут табиатнинг бу мўъжизасига лол қараб қолди. Гапирай деса, тилдан қолганга ўхшайди, хўмрайиб қарай деса, юзидағи табассумни йиғишириб бўлмайди.

Эркак одам анча иродали бўлади. Искандаров ҳам бир кучини йигиб, ўрнидан турди. Зарда қилиб, бурчакка борди-да, икки қўлини орқасига қилиб ўтирилиб олди.

У шу туришича қанча турганини аниқ билмайди. Қиз йўталди. Бай-бай унинг овози. Бу овоз уни яна сескантиди. Назарида қиз секин келиб икки қўзини беркитиб оладиган, ойнами, тароқ дейдиганга ўхшаб, шошиб ўгирилиб олди.

Шу алфозда ярим соатдан ортиқ Искандаров гоҳ сесканиб, гоҳ қалтираб, гоҳ ғазаб-у гоҳ табассум билан мушук-сичкон бўлди.

Охири котиба бошлиқни енганини ишонч ҳосил килди.

— Искандаров ака, нимага чақирган эдингиз? — деди.

Искандаров нима дейишини билмай, озроқ чайналди:

— Кеча бошим оғрияпти деган эдингиз, қалай энди дурустмисиз?

— Ҳалиям жиндек оғриб турибди, Искандаров ака.

Бирдан Искандаровнинг меҳрибончилиги тутиб кетди.

— Сиз ғалати одам экансиз-ку, соғлиқни эҳтиёт қилиш керак. Бунакада дардга чалиниб қоласиз. Боринг, уйга бориб дам олинг. Бош оғриғингиз босилмаса, бир-икки кун ишга чикмасангиз ҳам майли. Соғлик керак, соғлик.

Қиз миннатдорчилик билдириб чиқиб кетди.

Эртасига Искандаров огоҳлантириш олди. Котиба хисоботни қўчирганда, «бошқарма» ўрнига «мошқорма» деб ёзибди.

Искандаров яна ғазабга келди.

Бунақа ғазабларнинг кўпини кўрганмиз...

ЕЛИМ

Хаммом ўзи шунака жой, ҳаммани онадан туғма қилиб қўяди. Ким пайғамбару ким уммат – биғлиб бўлмайди. Одам боласи кийим билан экан.

Бу гаптарнинг маънисини Мусахон поччадан сўранг. У кишини танимассиз эҳтимол: бўйи пастина, қўллари калтагина одам. Ўзи шу яқин ўртадаги разъездлардан бирда буфетчилик киласди. Киласман десанг, калта қўл билан ҳам анча иш килиш мумкин экан. Кичкинагина буфетнинг орқасидан калта қўл билан бола-чака бокиб, орзу-хавас кўриб, участка тиклаб, келин тушириб, киз чиқариб юриоди-ку, бундан ортиги кимга керак!

Ҳўш, десангиз, Мусахон почча яқинда ҳаммомга тушган экан. Ечиниб, иссиқ хонада маза қилиб терлабди-да, совуқхонага кириб чўмила бошлабди. Боя айтдим-ку, қўллари калта деб. Кимнинг қўли узун, кимнинг қўли калтагигини билмоқчи бўлсангиз, ҳаммомга тушинг. Мана, Мусахон поччанинг нималиги ҳам билиниб қолди. Чўмилаяпти-ку, орқасига совун тегмайди. Икки курагининг ораси мағзава бўлиб турибди. У тосни бошига кийиб, хоналарни айтаниб чиқди. Таниш ўйк. Бир ўрта яшар киши Корбобога ўхшаб кўпикка беланиб ўтирибди.

– Хой, ука, – деди Мусахон почча, – орқамни ишқаб қўйсангизчи, барака топкур.

У киши бошидан сув қўйиб, ўрнидан турди. Мусахон почча энгашиб турди, у боплаб ишқалаб қўйди. Шундан кейин Мусахон почча яна тосни бошига кийиб, индамай кетаверди. Ишқалаган киши ничинг қилди:

– Хой, мулла ака, раҳмат қани?

Мусахон почча дўнғиллади:

– Хар бир тўққиз пуллик нарсага ҳам раҳмат айтаверсанг, бутун тирикликини йиғиштириб қўйиб, раҳматдан бўшамай қоласан. Шунга ҳам раҳматми?

Мусахон почча шундан кейин бошидан уч-тўрт тос сувни шар-шар тўқди-ю, кийингани чиқиб кетди. Ўша куни у атир совундек ялтираб, қип-қизил бўлиб автобусда разъездга чиқиб кетди-да, буфетни очди. Одам яхши ювинса, тоза кийинса, табиати равшан бўлади. Мусахон почча бугун бир гапириб, ўн кулади. Назаридা, савдо ҳам яхши кетаётганга ўхшайди. Хуллас, Мусахон почча бугун димогида энг камида етти-саккиз қўшиқни хиргойи қилиб, ишни тамом қилди. Тушган пулларини санаб, ҳамёнга уриб, кундаги одати бўйича кеч олтидаги скорий билан станцияга келиб, пул тошириди. Бухгалтер: «Поч-

ча, янги хўжайин билан танишиб чикмайсизми?» деб қолди.

– Танишамиз, танишамиз. Куруқ кирсак бўлаверармикан? Бу галча шундок бўлиб турсин.

У шундай деб, лабида эрталабдан қолган табассум билан директор кабинетининг эшигини очди.

Очди-ю, оstonадан на у ёкка, на бу ёкка ўтишини билмай, туриб қолди.

– Келаверинг, келаверинг, бемалол, – деди директор.

Мусахон почча олдинга юрди. У тамом ўзини йўқотиб қўйган эди. Бу директор, эрталаб ҳаммомда Мусахон поччанинг орқасини ишқаб қўйган киши эди. Директор ҳам уни таниди.

Мусахон почча, қани, нима бўларкин деб, индамай бошини эгиб тураверди... Охири директорнинг ўзидан садо чиқди:

– Сиз ҳам бизнинг системада ишлайсизми?

Бу нима дегани? Бу системага тўғри келмайсан дегани эмасми?

– Ха, энди бола-чаканинг насибаси экан, қимиirlab турибмиз.

– Жуда соз, – деди директор салмоқлаб.

Мусахон поччанинг бўладигани бўлиб қолди. Беихтиёр чўнтағига қўл солиб буфетнинг калитини ушлади:

– Жон ука, бир ахмоклик қилдим, кечиринг. Мени қувманг. Сиздек одамга шундай итлик қилдим, жазомни худо берсин.

Директор ҳайрон бўлди:

– Сиз менга нима гуноҳ қила қолдингиз?

– Бугун эрталаб ҳаммомда орқамни ишқаб қўйгандингиз.

Директор кулиб юборди.

– Э, ўша киши сизмидингиз? Бутунлай эсимдан чиқиб кетган экан. Ҳўш, нима қилиби?

– Раҳмат айтиш эсимдан чиқкан экан. Атайлаб шуни айтгани келдим. Қуллук, қуллук, ука, мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин. Энди бизга жавобми?

Директорнинг энсаси котиб, «жавоб» деди. Мусахон почча орқаси билан юриб чиқиб кетди.

У чиқиб кетгандан сўнг, директор котибани чақириб, бу одам келса, иккинчи олдимга киритманг, деб тайинлади. Аммо Мусахон почча кунора келиб котибанинг бай-

байлашига қарамай, кабинетта киар, шундок мартабали одамга орқасини ишқалатгани учун узр айтиб кетишни кандо қилмасди.

Охири директор безор бўлиб кетди. Қандоқ қилсин? Илож йўқ. Бўшатди. Бу тоифа одамлардан кочиб қутулмасанг, бошқа йўл билан кутулиб бўлармиди. Елимку, елим улар.

ҚАЙСАР

Жума ота ўтган ҳафтада ўладиган эди. Бу гапни доктор кампирга айтаётганда эшитиб қолди.

— Энди, чидайсиз, кампир, отанинг бир-икки кунлик умри копти, тайёргарлигинги кўриб қўйинг.

Ота бу гапни эшитди. Ўзининг ўлимидан ҳам кампира гачинди. Айниқса, докторнинг тайёргарлигинги кўриб қўйинг, дегани ёмон таъсир қилди.

Тайёргарликнинг нималигини ота билади. Камбағал бўлсанг, кўчиб кўр, бой бўлсанг ўлиб кўр, деган гапни у жуда яхши тушунади.

Ўлиш осон гап эканми?

Ота йигирма кундан бери ана кетаман, мана кетаман деб ётган нарса эди. Докторнинг гапидан кейин бадани кизиб кон юришиб кетди. Ёстиқдан бошини кўтариб ўтириб олди. Хотинини чакириди.

— Хотин, докторнинг гапига ишонма. Мен ўлмайдиган бўлдим.

Унинг гапига кампир ҳайрон бўлди.

— Бу нима деганингиз?

— Э, хотин, мен ўлишдан кўркмайман, ўлик кўмишдан кўркмаман. Токчадан чутни ол. Сенга ўлик кўмишнинг харжини бир ҳисоблаб берай.

Кампир чутни олиб берди. Чол чутни тиззасига қўйиб, ҳисоблаб кетди.

— Хўш, ўлган куним унча ҳаражат бўлмайди. Ўлимлик пулимдан уч кило чой оласан, йигирма бешни гўрковга берасан, кафандигим бор. Хар якшанба, пайшанба куни маҳалладан етти-саккиз киши кириб қуръон ўқиб, ош еб кетади. Еттимда ош дамлайсан, нон ёптирасан, йигирмамда қўй сўйиб, ош дамлайсан, етти маҳалланинг мачитидан одам келади. Ундан кейин қирқим бўлади. Бунда ҳам катта ҳарж бўлади. Катта, кичик ҳайитим, ифторлигим, йиллигим, корёғдим, гулисурхим бўлади... Хўш, шуларга бир нимаң борми?

Кампир қўзига ёш олди.

— Ахир рўзгордан орттириб, у-бу килиб қўяй десам, жикиллаб қўймадингиз. Агар у ёқ-бу ёқка яширган пулингиз бўлмаса, менда хеч вақо йўқ.

— Ха, балли, — деди чол. Ана шунинг учун ҳам бу йилча ўлмай турадиган бўлдим.

Чол болалигидан бир сўзли эди. Бу тал ҳам гапидан қайтмайди. Мана, қўрарсиз, у ўлмайди!

Айтдим-ку, чол қайсар одам деб. Ўлмапти, кеча уни самоварда гап сотиб ўтирганини ўз кўзим билан кўрдим.

САҒАНА

Ўлик деган ўз иззати билан кафанига ўралиб, тобутда кимирламай ётгани дуруст бўларкан. Тобут йўлакда, кафан фассолнинг елкасида. Аммо мурда ҳовлида келган-кетганларни қўл қовуштириб, деразадан патнис узатиб, кўнгил сўраганларга: «Бандалик экан, қандоқ қиласай...» — деб юрса, жуда хунук қўринар экан.

Махалла қоровули тонг қоронгисида хонадонларнинг эшигини тақиллатиб, Боки Халфа омонатини топшириди, пешинга жаноза ўқилади, деб хабар берди. Одамлар эрталаб ишга кетиш олдидан марҳумнинг қариндошларидан бирров кўнгил сўриб чиқайлик, деб йиғилишди, аммо эшик олдидা Бокининг бел бойлаб турганини қўриб, ҳангманг бўлиб қолишиди. Ўлган бошқа Боки бўлса керак, махаллада яна Боки отли одам бормиди, деб ўйланиб қолишиди.

Бу маҳаллада шу Бокидан бошқа Боки йўқ эди. «Ўлган» ҳам шу Бокининг ўзгинаси эди.

Боки Халфа анча топармон-тутармон кишилардан. Сибирга олма оборади — пул топади. Шиша банка йиғиб, ювиб сотади — пул топади. Чойдан чиқсан зар қоғозни киркиб, ойнага ёпиширади, Маккай мукарраманинг сурати бу, деб сотади — пул топади. Хом ёнғоқ пўстлоғини куритиб, элакдан ўтказиб, хинанинг асилига кепқолинг, деб яна пул топади. У ёқка боради — пул топади, бу ёқка боради — пул топади.

Ёши ҳам пайғамбарга акалик қилса бўладиган жойга бориб қолган. Шариатпаноҳ мусулмонлар пайғамбар ёшидан нариғини ҳаром санашади. Халфа ҳам ҳаром ёшдан ҳазар қилиб, тирик вақтида жанозасини ўқитиб қўймоқчи бўлди.

Ўлиб кетсам, зумраша болалар менга жаноза ўқитармиди, харакатимни қилиб қўйишим керак...

Боқи шу ниятда катта қабристондан бир ярим мурда сифадиган жойни олиб, таксида ғишт, цемент ташитиб, тирик одамнинг ҳам хаваси келадиган қилиб сағана қилдириди, патнисек келадиган мармарга ярми форсча, ярми ўзимизнинг тилда номини қўшдириб, байт ҳам биттириб қўйди.

«Тўпроқ аро ётур мунда,
Соқи ўғли Боқи мурда.

Таваллуди 12... хижрий, вафоти 13... хижрий».

Сағана битиб, жанозага тайёрлик тамом бўлгандан кейин, Боқи катта қозонда ош дамлатиб, юртга едирмокчи бўлди. Тўрт маҳалладан одам айтилди. Икки қори бири олиб, бири қўйиб, ўқиб турибди. Айниқса, Сатанг қори деганинг овози булбулдек экан, қироатини келиши ролмаса ҳам патнис ашулага ўҳшатиб сура орасида иккита катта авж қўшиб айтаркан.

Фассол кўпни кўрган, иш билармон киши эди, «мурда»ни четга чақириб:

— Бошпуртни топшириб, домовоидан ўчмаган бўлсангиз, сизни ювмайман, беноват бўлишдан кўрқаман, — деб қолди.

Боқи Халфа ёнидан фалончи ўлди, кўмиш мумкин, деган қофозни олиб кўрсатди. Ана шундан кейин фассол икки челяк сув олиб, Боқини ичкари уйга бошлаб кирди, уни ечинтириб, тахтага тортиди. Дока халта билан баданини обдан совунлаб, ювиб, иримига бош-оёқ кафандириб, уни ечиб олди.

Халфа атир совундек йилтираб чиқканда, маҳалланинг ўйинқароқ болалари, савобдан қуруқ колмайлик деб, ўчоқ олдида қиттак-қиттак қилишаётган эди. Улар Боқини кўриб бир-бирларини туртиб қўйишиди.

— Мулла амаки ойдек чиройли ўлик бўптиларми...

Маросим тугади. Жаноза ҳам ўқилди. Мурда армонда қолмасин, деб уни бир неча минут тобутга ҳам солиб олишди. Бўш тобутни ердан кўтаришаётганда бояги маст йигитлардан бири:

— Мулла амаки қанака одам эдилар? — деб қолди. Бу гап гўрга қўйиладиган пайтда айтилгучи эди. Бироқ шу топда маст одамнинг гапини чувалаштирмаслик учун:

— Дуруст одам эди, — деб қўя қолишиди.

Шу куни хотинлар йўлакда уввос солиб, тобут орқасидан соchlарини юлиб қолишиди.

Мулла амаки одамлар кўзига кўринмай қўя қолай, деб ҳаммадан олдин «Волга»да мозор бошига бориб, то тобут

кўтартганлар етиб келишгунча гўрков билан қўк чой ичиб, фоний дунёнинг ишларидан гаплашиб ўтириди.

Худди шу куни ер курраси битта мусулмон бандасидан чала-ярим жудо бўлди. Боқи энди сонда бор эди-ю, саноқда йўқ эди.

Ҳангоманинг қизиги кейин чиқди. Боқи ўлишга ўлиб қўйиб, тирик пайтида кўрмаган ўшўришларга дучор бўлди. Мурданинг уйда ётиб юрганидан дарак топган участкавой йўқ одам уйда туришга ҳаки йўқ, деб пўписа қилди. Шундан кейин у кечаси девор паналаб келиб, томда ётиб юрди. Куз кириб, томга киров тушиб, ётиш кийин бўлиб қолгандан кейин кўрпа-ёстиги билан мармар вивескали дангиллама гиштин сағанасига қўчиб кетди.

У, қора кунимга яраб колар, деб икки минг сўм пулни омонат кассага қўйган эди. Шул пул энди аскатиб қолди. Кассага борган эди, паспорт сўради. У ўлгани учун паспорт кўрсалотмади, ўлганман, дейишшга кўрқди.

— Э, эси йўқ мурда, — деб пешанасига шатирлатиб биттани тушириди.

Хозир Боқи Халфа гўрковнинг чўзма-чалпагига шерик бўлиб, унинг энсасини котириб юрибди. Гўрков ҳам анойи эмас экан:

— Сиздақа текинхўр мурдаларнинг кўпини кўрганимиз: Ишлаган тишлайди. Чўзма-чалпак ҳақига лаҳадбон қилиб гувала қўйиб берасиз. Бўлмаса сағанантизга бошқа ўлиқ қўйвораман, деб тўполон қилиб, қолди.

— Оббо! — деди Халфа. — Ҳар бир бандан мўмин вақтида, ўз ажали билан ўлгани дуруст экан.

Тақдирга тан берган Боқи, хозир белини бойлаб, гувала қўйяпти. Чарчаган пайтларида қаддини ростлаб, дўмбайиб кетган қабрларга ҳасад билан қараб қўяди. Кеч кириши билан мармар лавҳа тагидаги тенниқдан эмаклаб кириб кетади. Гўрков унга ҳазиллашиб:

— Жойингиз жаннатда бўлсин, ҳалфам, эртага вақтлироқ чиқинг! Гуваладан карзингиз бор, — деб хирингхиринг кулади.

СОБИҚ ЎФРИ

Бўлиши мумкин ҳикоя

Хоҳ қаридир, хоҳ ёшдири, оғзиға эҳтиёт бўлиши керак экан. Ҳошимжон қизиқиб кетиб бир оғиз гап айтди-ю балога қолди.

— Болалик экан, ота-она йўқ, бозорда битта қовун ўғирлаб қўлга тушиб қолдим. Милицияда бир кун ўтирганман. Эсимга тушса ҳали-ҳали хижолат бўламан. Шунга ҳам кирқ бир йил бўпти.

Бор-йўғи бўлган гап шу. Сухбатдошлар орасида бир илмий ходим ўтирган экан. Качон, қаерда, деб суринтириб қолди.

Хошимжон якинда пенсияга чикқан. Ўттиз йил ўқитувчилик қилди. Ахир у унча-мунча ўқитувчи эмас, хизмат кўрсатган ўқитувчи. Энг камида икки-уч минг болани ўқитган. Ўнинг талабаларидан неча фан кандидати, нечалаб инженер, доктор чикқан.

Уч-тўрт қундан кейин Хошимжоннига ўша илмий ходим келди. Бола тарбияси ва қонун деган мавзуда эзилиб гаплашиб ўтиришди. Гап орасида у Хошимжондан:

— Милиция кўлига тушиб чиққанингиздан кейин ўзингизга қандай хulosалар чиқаргансиз? — деб сўраб қолди.

Хошимжон нима дейиншини билмай, бирпас чайналди, кейин жавоб қилди:

— Бу гапга кирк йилдан ошган. Хозир эсимда йўқ қанақа хulosаси чиқарганим.

— Ҳар ҳолда, — деди илмий ходим.

— Ҳар ҳолдами? Ҳар ҳолда ўзимга тегишли хulosаси чиқарган бўлишим керак. Ўшандан кейин қовун емайдиган бўлиб кетганман.

— Демак, милицияни тарбиявий ролини инкор қилмайсиз?

Хошимжоннига ғаши келди, шундок бўлса ҳам, ха, албатта, деди.

Шу билан гап тамом бўлди. Аммо орадан сал кун ўтиб, уйига бир таклифнома келди. Унда «Хурматли Хошимжон Олимжонов, билим юрти талабалари билан учрашувга келингизни илтимос қиласиз» дейилганди.

Бунака жойга, яна манавинака таклифга йўқ деб бўлармиди. Хошимжон соқолини киришилаб, яхши костюмини кийиб, етиб борди.

Билим юрти клубинга одам сиғмайди. Эшикда «Телекенцентр» деб ёзилган автобус. Ичкарисида прожекторлар, кинооператорлар...

Хошимжонни минбарга таклиф қилишиди. Караса, тунов кунги илмий ходим юқорида ўтирибди. Бунга ҳам Хошимжон ҳайрон бўлмади, ўтирган бўлса, ўтиргандирда, деб қўя қолди. Аммо у минбарга чиқиб, гап бошлаганди, ҳайронликдан оғзи очилиб қолди. Илмий ходим берилиб, овозини тоҳ баланд, тоҳ паст қилиб гапиради:

— ...Мана, қаршиңгизда собиқ жиноятчилар, йўлтўсларлар, майдада ўғрилар...

Хошимжоннинг қўзи тиниб кетди. Гапнинг давомини эшита олмади. Чунки қулоғи шангиллаб, боши айланни кетганди. Илмий ходим давом этяпти:

— Аммо бу жиноятчилар бизнинг ёрдамимизда қайта тарбияланган, жамиятимизнинг онгли гражданларига айланган...

Хошимжон ҳолдан тойди. Қандай килиб йиғин тугаганини, қандай килиб уйига келганини билмайди.

Орадан уч кун ўтиб, телевизор кўриб ўтирса, бирдан тунов кунги илмий ходим чиқиб қолди. У яна ўша гапни қайтарар, учрашувда олинган кинолентани қўйиб, «собиқ ўғрилар»нинг баҳарасини кўрсатарди.

Хошимжон ер ёрilmadi-ю, ерга кириб кетмади. Чунки ёнида икки невараси, келини ўтирибди. Ундан ташқари, неча минглаб шогирдлари ўзу «собиқ ўгри» устозларини кўриб ўтиришгандир...

Шу гапдан бўён орадан саккиз ой ўтди. Ўша илмий ходим фан номзоди деган илмий даражага сазовор бўлди.

Бу гаплардан уни номзод қилган «собиқ ўгри»нинг хабари йўқ эди.

ЙЎФОН ТЕПА

Бугун шанба, идора ходимларига маош бериляпти. Одатда идора бошлиқларининг хурмати учун кассир кабинетига ведомость кўтариб киради.

Қодиров кассир узатган пулни санамай, стол тортмасига солар экан, деди:

— Нуралиевга айтинг, кирсин!

Сал ўтмай, бош бухгалтер Нуралиев кирди.

— Менга қаранг, бугун бир отамлашмайликми? Маошни бўлса олдик. Пул хотиннинг кўлига тегдими, тамом. Пака кўлумиздалигида яйраб олайлик.

Бу гап Нуралиевга ҳам ёқди. Қодиров стол ёнидаги тутгани босди. Котиба кирди.

— Апсаматов билан Собировни дарров чакиринг!

Апсаматов билан Собиров узун-қисқа бўлиб кириб келишиди.

— Қани, — деди Қодиров, — олти-олтидан чўзинглар. Йўғон тепага бориб, бир ошхўрлик қиласиз.

Апсаматов жон деб турган экан, дарров олти сўмни столга ташлади. Аммо Собиров гарданини қашиб туриб қолди.

— Бўлинг, бўлинг, — деди Нуралиев, — мунча латтачайнарсиз, олти сўм кимни ўлдирибди?

— Олти сўм ҳеч кимни ўлдиримайди-ю, аммо келинингиз қанча маош олишимни точний билади. Ундан ташкари, хотинсиз бирон жойга боролмайман.

— Э, садқай эркак кетинг, кўйинг бу гапларни.

Собиров жонидан суғургандек килиб, олти сўмни кўли қалтираб столга қўйди.

Кодиров шофёрги чакириб, харажатга юборди. Иш соати туғаши билан тўрт киши Йўғон тепага кочишига аҳд килишди.

Шундоқ бўлди. Йўғон тепа вилоятда энг салқин, энг хушманзара жой. Тўрт улфат роса яйрашди. Шофёр ошга уста эди, ҳар битта гуруч ўзи ўрмалаб оғизга кириб кетаман дейди. Салатни айтмайсизми, кўк қалампир аралашган салат дунёда ягона бўлса ажаб эмас. Ошга бостирилган саримсоқ пиёз янги сўйилган қўйнинг илигидан афзал бўлса афзалки, камлиги йўқ.

Хулласи, тўрт улфат кеч соат ўн бир яримгача манишат қилишиб, ўн иккidan сал ошганда шахарга қайтишди.

Бундай пайтларда бошлиқлар жуда сахий бўлиб кетишади. Кодиров ҳам шундай фазилатдан ҳоли эмас. Шерикларини бир-бир эшиклари олдига ташлаб, уйига ўтиб кетди.

Ажойиб ош учун шофёрга раҳмат айтиб, ўзи ҳам дарвозаси олдида тушиб колди. Эшикни коқди. Ичкаридан ютуриб чиккан овоз келди-ю, аммо, Кодировнинг хотини эшик очмади. У ярим соат эшик коқди.

Хотини эшик орқасида турган экан, ахирни овоз берди.

— Нега эшик очмайсан, мажлисдан ўладиган бўлиб келсан ҳам, шунака қиласанми?

— Борадиган жойингизга бораверинг. Ош еган жойингизда ётишга жой қилиб беришмадими? Ўшакқа бориб ётинг!

Кодировнинг дами ичига тушиб кетди. Анча вақтгача «ғиринг» деёлмай туриб колди.

— Қўй, хотин, қўни-қўшиларнинг олдида шарманда килма. Ўйда бафуржа гаплашамиз.

Хотин жавоб қилмади. Оёқ товушининг узоқлашгани эшитилди. Ана шундан кейин Кодиров яна ярим соатча эшик тақиллатди, бўлмади. Орқасига кайтди. Машина кетиб бўлган, соат бирдан ошиб, автобуслар ҳам сийраклашиб қолганди. Идора, ўҳ-хў, қанча жойда.

Кодиров соат икки яримларда идорага кайтиб келди. Караса, кабинетининг кўча тарафга караган даразасидан

ёруғ тушиб турибди. Уборщица пол юваётган бўлса керак, деб ўйлади. Коровул, келинг ака, деб дарвозани очди.

— Отчётга тайёрланадиган эдим, шу ерда тинчгина...

Кабинет эшигини очиш билан ҳайрон бўлиб тўхтади колди. Бош бухгалтер Нуралиев ечинмай, диванга чалканча ётиб олган, кабинетни бошига кўтариб хуррак тортарди.

Нима бало, уйига ташлаб келган эдим-ку, деб ҳайрон бўлди Кодиров. У коровулдан план бўлимининг қалитини сўради.

— Очик, ака, очик. Апсаматов иним диванда ётибдилар.

— Кадрлар бўлими-чи?

— У ер ҳам очик. Собиров ётибди.

Кодиров нима қилишини билмай, гаражнинг қалитини сўради.

— У ер ҳам банд, шофёргингиз «Волга»да ётибди.

Кодиров қаққайганча туриб колди.

— Менга қаранг, ота, — деди у коровулга. — Сизга жавоб. Уйингизга бориб, ёта колинг. Биз бугун тонготар отёт тузамиз. Кўрпа-ёстиқни йифманг. Чарчаганимда мен ётатурамаи.

— Умрингдан барака топ, болам. Кампирим отдиҳинг қачон, деб сўраётган эди. Жуда болта бўлди.

Коровул чол дуо килиб, уйига жўнаб колди. Кодиров унинг ўрнига ёнбошлади.

Тўрт ошхўр идорани бошларига кўтариб, хуррак тортишарди.

Айникса, бошбуҳ Нуралиев карнайга ўхшатиб тортар экан. Бу кеча тўрт ошхўрнинг хотини хафа, биргина коровул чолнинг хотини хурсанд эди.

КАТАЙСА

Қосимжон машинада хотинини бир айлантирмоқчи бўлиб турганда, эшик тақиллаб колди. Чикса, синглиси билан қуёви. Ака-сингил ўртасида андак гап қочганидан улар анчадан бери қўришишмаган эди. Қосимжон катта бошини кичик килиб йўқлаб боролмади, синглиси ҳар қалай аёл киши эмасми, ўзи эшик кокиб келди. Қосимжоннинг боши осмонга етди. Хотини то сабзи-пиёзини ковуриб бўлгунча, фир этиб бориб, битта конъяк топиб келмоқчи бўлди. Қуёвингиз ҳай-хайлашига ҳам қарамай, дарвозани очиб машинани олиб чиқди. Янги «Москвич» офтобда ярақлаб ел қувиб кетди.

Бугун дам олиш куни бўлганидан кўчада машина унча кўп эмас эди. Магазинни тушликка бекитишмасин деб, у машинани елдек учирниб катта гастрономга келди. Одам кўп. Конъяк ичадиганларнинг ини бузилиганми, хаммаси беш юлдузлигидан сўрайди. Қосимжоннинг навбати келгунча ҳам анчагина вакт ўтди. У шишани қўлтиқка тикиб чиқса, машина олдида бир гала бола чуфурлашяпти. Бири капотини силайди, бири бўлса, олдига миниб олиди.

Қосимжон пашша кўргандек қилиб, болаларни тиркиратиб кувиб юборди. Бир маҳал қараса, шундоқкина қўринадиган жойига кимдир мих билан «Эркин» деб қириб ёсиб қўйибди. Қосимжоннинг жони кекирдагига келди.

— Ким қилди?

Бир киз кўчанинг нариги бетига караб кочаётган иштончан болани кўрсатди.

Қосимжон жонхолатда унинг кетидан қувди. Бола зинадан пилдираб иккичи қаватга чиқди-ю, чап қўлдаги эшикка кириб қарсиллатиб ёпиб олди.

Қосимжон хансираб, қўнғироқ тутгасини босди. Сал ўтмай, эшик очилди. Унинг қаршисинда пижама кийиб, бошини хотинларнинг косинкаси билан танғиб олган директори Бек ака туради.

— Ия, ия, Қосимжон, келинг, келинг.

Қосимжон нима қилишини билмай, бирпас серрайиб туриб қолди. Кейин чайналиб тилга кирди:

— Шундок, ўзларини бир йўқлаб қўяй деб... Айтганча, янги уйлар муборак, Бек ака.

Бек ака мамнун илжайиб, унинг қўлтиғидаги шишага каради.

— Ҳа, айтганча, уйга қуруқ келмай, деб.

— Қани, қани, ичкарига. Зап иш қипсиз-да, Қосимжон. Ўзим хам бир дилдор ҳамсұхбатга қўнглим кетиб турган эди. Айтганча, кичкина «Чайка» муборак бўлсин. Машина опсиз, бир катайса қилдираман хам демайисиз.

Қосимжон шошиб жавоб қилди:

— Ўзи атайнин шунга келаётган эдим. Бугун дам олиш куни, хўжайинни бола-чақалари билан бир ўйнатай, деб келаётганим шу-да.

Ичкарига киришди. Хўжайиннинг хотини арчилган сарик шафтодидек бўлиб ваннадан чиқиб келди. У Қосимжонни кўриб, энсаси котгандек кошларини кериб бир қаради-ю, нариги хонага ўтиб кетди. Кейин ичкаридан унинг палаёда товуши эшитилди:

— Эркиннингиз ваннаниям расво қипти. Сувни тортмаяпти. Тузатиб беринг.

— Оббо, — деди Бек. — Умримда қилмаган ишим. Қандоқ тозалашни билмасам.

У илтижо назари билан Қосимжонга қаради. Қосимжон ҳам бу қаращининг маънисига етди. Дик этиб ўрнидан турди-ю, ваннага караб юрди.

Ванна ичи мағзавага тўлган, тешиги ўлгур сув тортмаяпти. У билагини шимариб, қўлини тикиб, ярим соатча уринди-ю, охири сув тортадиган жойидан иккита ёнғоқ олиб ташлади.

— Ҳа, баракалла, — деди Бек. — Техникани эгаллаган кишиларнинг садағаси кетсанг арзиди. Раҳмат, ука.

Қосимжон то ваннани тозалаб чиққунча, Бек закускани боплаб, конъякни рюмкаларга қўйиб, унга маҳтал бўлиб турган экан. Биттадан ичиб олишди.

Шу пайт Эркин кирди. Қосимжон машинани расво қилган болани еб ташлашга тайёр эди. Аммо унга қараб майин илжайди. Қизиқчилик қилиб, бир қўзини қисиб, мўйлабининг бир учини қимирлатди. Бола унинг бу хунарига қойил қолиб яқин келди.

— Амакинглар-чи, хозир бизни машинада айлантириб келадилар. Маза қиласан, ўғлим.

Ичкаридан хонимнинг товуши келди.

— Феодалларга ўхшаб ўзларнинг маза қилманлар-да, биз шўринг кургур эзилтан хотинларни ҳам айлантиринглар. Шундок поччамникига ҳам бирров кириб ўтаман.

Яна икки рюмқадан отиб олишди.

Кетишда Эркин бўёқ қаламларини ҳам олиб чиқкан экан. Йўл-йўлакай сирланган эшикка, олди томонига суратлар ишлаб борди. Бек унинг рассомлигига койил қолиб, мактаб бораарди.

— Хотин, бу қизи талоғингдан рассом чиқадиганга ўхшайди. Қарқуноқдан булбул чиқиби, деб шуни айтадилар-да.

Боланинг қўлидаги қалам ўлгурнинг учи пўлатданми нима бало, чизган жойини киради. Бола машина деворини эмас, Қосимжоннинг юрагини кираётгандек. Ичи куйиб кетяпти. Гўрни, бир нима деб бўладими. Қайтага уни мақтайди.

— Оббо азамат-э, мактабда расмдан беш олсангиз керак а?

Бола йўлда икки марта харҳаша қилиб, мороженое олдириди. Иккаласида ҳам Қосимжоннинг ўзи тушиб олиб чиқди. Хонимнинг поччасиникига ҳам боришиди. Улар кириб кетишганича бир ош пишарли вактда қайтиб чиқишиди. Яна йўлга тушдилар.

Кечга яқин хўжайинларни уйларига келтириб қўйди-ю, то зинадан чиқиб кетгунларича Эркинни кулдириш учун ҳар хил қиликлар қилиб турди.

У энди кабинага кираман деб энгашган ҳам эдики, милиционер осмондан тушдими, ердан чиқдими, олдида пайдо бўлди. Гувоҳнома сўради, Қосимжон ёнини ковлаётганда, милиционернинг кошлари чимирилиб кетди.

— Шошманг, шошманг, битта «хух» деб юборинг-чи.

Ана шундан кейин нима бўлса бўлди. Милиционер уни оборматан жойи қолмади. Маст шоффёрларни текширадиган жойга обориб стаканга «хух» латиб ҳам кўрди. Гувоҳномасини олиб, рулга яқинлаштирмай, орқага ўтказиб, ўзи кичкина «Чайка»ни ҳайдаб уйига опкелиб қўйди.

Синглиси ҳам, куёви ҳам сузиб келтирилган ошга кўл урмай, хавотирда ўтиришган экан. Хотини бўлса, машина пачақ-пачақ бўлган-у, эрим ўликхонада қонга беланиб ётибди, деб ўйлаб кўнгли озиб диванда ётарди. У эрининг товушини эшишиб, аранг бошини кўтарди.

— Қаёқда эдингиз?

Қосимжоннинг тили калимага келмади. Дир-дир титарди. Охири, икки-учтагина гапни бир амаллаб оғзидан чиқарди:

— Аждарнинг оғзида эдим. Аммо, керакли аждар, хотин.

ОТПУСКА

Абдураззок бугун отпускага чиқди. Хотини бу кунни қачондан бери кутарди.

— Мана, хотинжон, энди маза қилиб ўйнаймиз. Арслонбобга обориб, роса ўйнатаман. Бугун приказ бўлди, эртага отпуска пулинин жарақлатиб оламизу ўзларининг кўлчаларига берамиз. Бойвачча бўлиб сарфлайверадилар.

Эр-хотин ўртага чўтни қўйиб, ундоқ қиласиз, бундоқ қиласиз, уни оламиз, буни оламиз, деб отпуска пулинин тақсимлаб чиқишиди.

Кечаси билан икковининг ҳам уйқуси қочиб ҳали тоғлар орасида, ҳали арчазорда бир-бирини қувган бўлиб, аранг ухлаб қолишиди.

Абдураззок эрталаб ювиниб-тараниб, хотини айтган ўйл анжомларини қайси магазиндан олиш кераклигини битта қофозга ёзиб, уйдан чиқди. Идорага келди. Бош бухгалтер отпуска пулинин хисоблаб, ёзиб кассага топширган экан. Абдураззок аллақайси куйни хуштак қилиб, касса туйнугига бошини суқди:

— Пешона тери томган пулни олсак бўладими?

Кассир хотин негадир қулди.

— Бўлади, марҳамат.

У шундай деб ведомостни унинг олдига қўйди. Абдураззок ручкани сиёҳга ботириб ҳафсала билан худди сурат чизаётгандек қилиб имзо чекди. Мўлжалдагидек етмиш сўм экан.

Кассир у имзо чеккан ведомостни олиб қаради-да, пуллаб сиёҳни қурилди, ҳафсала билан буклаб тортмага ташлади. Қўлини чўзиб касса туйнугининг эшигини ёпди. Абдураззок ҳайрон бўлди. Нега унақа қиляпти? Бирон уятли иши бўлса, битказиб олсин, деб бирпас индамай турди. Кейин аста эшикчани чертди.

Кассир эшикчани очди.

— Хизмат? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Ҳазиллашяпсизми?

— Қанақа ҳазил? Бир нима дедимми?

— Пулни бермадингиз-ку.

— Қанақа пул?

— Отпуска пули-да.

— Пулни қайдан оламан?

— Жиннилил қилманг!

— Ўзингиз жиннилил қилманг, — деди зарда билан кассир хотин.

— Ростдан тоняпсизми? Ҳозир ведомостга имзо чекдим-ку. Пулни бермайсизми?

Кассир хотин бир нима эсига тушгандек илжайди. Ўрнидағ туриб, пўлат сандикдан бир даста қофоз олди. Кўзойнагини тақиб, қофозларни кўздан кечира бошлади. Кейин у туйнукка яқин келиб, ўша қофозларни бирма-бир кўрсата бошлади:

— Директоримиз эллик ёшга тўлганда коллектив тилла соат тақдим қиласиз эсингиздами? Мана, ўн икки сўмга кўл кўйгансиз, тўғрими?

— Тўғри, — деди Абдураззок.

— Машинистка Робияхон турмушга чиққанда битта жемпер билан намозшам атлас тўёна қилганимиз. Ўн тўрт сўмга кўл кўйгансиз. Тўғрими?

— Тўғри, — деди Абдураззок.

— Экономисткамиз Ойша опа эгизак түққанда иккала болага каравот, одеял, чойшаб, у-бу, саккизта шампанское олиб борганимиз, Сиз тўққиз сўмга кўл кўйгансиз. Тўғрими?

— Тўғри, — деди Абдураззок.

— Коровул амаки икки хонали янги уйга кўчганда

коллектив бир диван билан олтита стул совфа қилган. Ўшанда сиз ўн етти сўмга кўл қўйгансиз. Тўғими?

— Тўғри, — деди Абдураззок.

— Мана шуларни бир чўтга солиб кўринг-чи, қанча бўларкин.

Кассир хотин чўтни шақиллатиб кетди.

— Мана, роппа-роса етмиш уч сўм бўларкан. Уч сўм қарз бўлиб қолдингиз. Тўлаб қўйсангиз бўларди.

— Йўғ-э, — деди Абдураззоқ. — Ёнимда йўқ эди-ку.

— Бўлмаса тилхат ёзинг. Эртага ревизия келса, бўйнимга тушиб қолмасин.

Абдураззоқ ноилож қолди. Охири уч сўмга тилхат ёзиб, кассирнинг ёнидан нари кетди. Коридорда бўшашиб келаётган эди, месткомнинг янги раиси олдидан чиқиб қолди.

— Каёқда эдингиз, уйнингизга икки марта телефон килдим.

— Тинчликми? — деди Абдураззоқ шошиб.

— Тинчлик, тинчлик. Замдиректоримиз эллик ёшига тўлдилар. Индинга юбилейларини тантанали нишонламоқчимиз. Коллектив номидан битта тилла соат тақдим қилишини маслаҳатлашдик. Ўн уч сўмга кўй қўйинг, кейин маошдан ушлаб қоламиз.

Абдураззоқ имзо чекаман, деб рўйхатдан ўз фамилиясини тополмасди, шу топда у ўз фамилиясини ҳам эсидан чиқазиб қўйган эди.

ЛАБ ҲАҚИДА ДОСТОН

Эркакларнинг ўпишиши жуда хунук нарса-да, укагинам.

ҒАФУР ФУЛОМ

I

Дунёда нима кўп, лаб кўп. Ер юзида қанча одам бўлса шунча бир жуфтдан лаби бор. (Бир одамда тўртта лаб бўлишига ишонмайман).

Шундай лаблар борки, кўрганда эсинг оғиб колади.

Ёқут лаб, гучча лаб, шакар лаб, чўччайган лаб, юпка лаб... Мен унақа маҳаллий аҳамиятга эга бўлган лабларни писанд қилмай қўйганман. Тўғри, илгари тушунмай юрган онгсиз пайтларимда жумҳурият аҳамиятига эга бунақа лабларга маҳлиё бўлиб, маҳалламдан ўтиб кетган пайтларим бўлган. Энди-чи? Йўқ! Энди мен ҳалқаро

аҳамиятга молик бўлган бир лабнинг шайдоси бўлиб қолганман.

Бу лаб... уни таърифламоққа авторучка ожиз, қил қалам нимжон, машинка ночор.

Мен бу лабни биринчи марта Тошкент аэропортининг ҳалқаро йўллар майдонида, Кавказ томондан учиб келган машхур бир ижодкорнинг лабига қалишиб турганда кўрган эдим. Албатта, мен шоир эмасман, бу қалишибни нима дейди, ўпич дейдими, бўса дейдими, билмайман. Хошир кўриб турганим манзара ўпичга ҳам, бўсага ҳам ўҳшамасди, уни рухсат берсанглар, сўриш деб қўяқолай.

Ўшанда меҳмоннинг бу узок сўришдан дами қайтиб, юзлари кўкариб кетганини ҳали-ҳали кўз олдидан кетказолмайман. (Агар ўша меҳмон мен бўлганимда унинг ичига туфлаб юборардим).

Унинг шу кўриниши меҳмоннинг ичидан ниманидир сўриб олаётганга ўҳшади. Шунда мен беихтиёр бу лаб ҳалқимизнинг миллӣ фуруридир, деб юборганимни билмай қолибман.

Бир министрнинг отаси ўлганда у ҳам жанозага келиб, фарёд урганча ювгучининг олдига кириб, мурданинг лабидан ўпганини кўрганлар бор.

Ўшанда у ювгучининг олдидан тамшаниб чиқиб, мотамсаро турган министрнинг олдига келди.

— Отахон жаннати одам эканлар. Жуда ширин ўлик бўптилар.

У шундай деб яна тамшаниб қўйди. Министр паст овозда сўради.

— Отангиз ҳали тириклар, а?

— Йўқ, у киши йигирма йил олдин оламдан ўтганлар. Министр афсуслангандек бир энтиқди.

— Майли, қилган яхшиликларингиз учун қарзимни узмокчи эдим. Начора, сиз ҳали тириксиз-ку, қарз узишга улгурман.

Шу лаб тўғрисида яхлитроқ бир асар ёзиш ниятида уни йигирма йил кузатдим. О, бу лаблар. Кимларни ўимади. Саримсоқ пиёз хиди келиб турган, тамаки сувидан пўрсиждок бойлаб кетган, арак иси гуп-гуп келиб турган лабларга бу лаб муҳрини босди. Амалдорларнинг йўлини пойлаб, бўйнига осилиб ўпди. Министрларни кувиб юриб ўпди.

Бу ўпичларга, бу сўришларга унча-мунча лаб чидамайди. Билмадим, агар ҷармдан бўлса йиртилиб, пластмассадан бўлса едирилиб кетарди. Балки ўта чидамли каттик

қоришмалар комбинатында ишланган лабдир. Балки у фазога учирған кемалар маъданидан ясалғандир.

Агар мен шоир бўлсам, шу лабга атаб достонлар ёзардим. Ҳайкалтарош бўлсам, ҳайкалини ясад пойтахти-мизнинг қок марказига ўрнатардим. Ҳалқимизнинг ноёб ёдгорлиги сифатида туристлар учун зиёратгоҳга айланти-рардим.

ЗАГСдан никох ўқитиб чиқкан келин-куёвлар шу лаб ҳайкалини пойинга гулдасталар қўйиншини истардим.

Алишер Навоий саройда лаби ҳаддан ташқари қалин одамни кўриб қолиб, Султондан: — «Бу ким?» деб сўрабди. Шунда Бойкаро: «Каерга борсам ўпавериб, жонимдан безор қилди. Келди-кетдини ўпиб юрар деб, маош тайин қилмай хизматга олдим», — деган экан.

Кўрдингизми, ўтмишда ҳам салафларимиз лабга эъти-бор берганлар...

Қоч, министр, қоч, ундан каттароғи, қоч, ҳоким, қоч, исполком, сени ўлгани лаб келяпти!

II

Камондан отилган ўқдек учиб келаётган автобус ас-фальтда қора из қолдириб қийкириб тўхтади. Асфальтдан ҳам, резина ғилдираклардан ҳам тутун чиқиб кетди. Йўловчилар эшик очилишини ҳам кутмай, деразадан ўзларини ерга отишди. Эшик олди тикин бўлиб қолган, ичкарида қолиб кетганларнинг шовқинидан йўл бетидаги уйларнинг деразалари зирплайди. Омон-эсон ерга тушиб олганлар орқаларига қарамай тирақайлаб қочаялтилар.

Нима гап? Тинчликми?

Бу сўроққа жавоб берадиган биронта мард топилмайди.

Чўкаётган кемани энг охирида капитан тарқ этади, дегандек, автобус ҳайдовчиси ҳам энг охирида ёқавайрон бўлиб қочиб тушди. Унинг этагидан шартта ушладим.

— Тинчликми? — дедим бор кучим билан барини чанглалаб.

— Э, сўраманг. Бир одам автобусда дуч келганини ўпаяпти. Эркакми, хотинми, барибир. Охири менга қараб лабини чўччайтириб келаётганди, кочвордим.

— Милиция чақириш керак, — дедим унга раҳмим келиб.

— Автобусда тўппонча таққан милиционер ҳам бор эди, ўпаман, деб яқинлашаётгандәёқ жуфтакни ростлаб колди.

У шундай деб туриб этагини бир силтаган эди, барин қўлимдан чиқиб кетди. Гапнинг охирин оғзида қолиб мультифильмдаги қуёндек бир зумда қўздан фойиб бўлди.

Бу ўпонгич одам ким экан, деб деразадан автобус ичига қарадим. Бир одам лабини ялаб, хўмрайиб ўтирибди. Во ажаб! Ё кудратингдан кетай. Ахир уни танийман-ку! Ўзига-ўзи жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўпангич унвонини берган одам шу бўлади.

Ўпиш бўйича жаҳон чемпионлигига номзод бу одамни жуда яхши танийман. Темир-бетонни ўпса, шафтоли пўстидек юпка қилиб юборадиган лаблари дунёдаги жами нарсаларни ўпиб бўлган. Осмонда учадиганлардан мурдаҳўр қалхатни, сувда сузадиганлардан акулани, судладиганлардан кобра илонни, ўрмалайдиганлардан қора курт билан чаённи, ваҳший ҳайвонлардан шерни ҳам, борингки, жами жонизотни битта қўймай ўпиб чиқкан.

Агар унинг лабини кўп қаватли иморатга пойдерор қилинса, минг йилгача қилт этмай туриб беришига ўзим кафил бўламан. Мабодо, бир кам минг йилда бирон ери қийшайса, майли, мени номард экансан, денг.

Уни танийман, дедим-а? Тўғри, ёшлигидан бери биламан. У болалигига арава михини лабида сұғуарди. Лабида тўрт килоли тошни бир соат кўтариб тура оларди. Каранг-а, ўшандаям ўпичга ишқибоз эди. Дуч келтан нарсани ўпиб кетаверарди.

Бўйи чўзилиб, оқу қорани ажратадиган бўлганда, факат одамни ўпиш кераклигини билди. Аввал сал амали борларни ўпди. Кейин магазинчию омборчилирни ўпди. Шу одам олдимдан чиқиб қолса, албатта ўпади, деб эҳтиётдан елкасига противогаз осиб юрадиганлар ҳам бор эди. Айниқса, намозхонлар ундан безор эди. Шундай шайтлар бўлардики, бутун бир шаҳар атири хиди бўлиб кетарди. Ҳамма чўнтағига одеколон солиб юарди. Мабодо, ўпса юзимизни атири билан дизенфекция қиласиз, деб эҳтиёт чорасини қўриб қўядилар.

Мана, у ҳозир автобусда лабини чўччайтириб ўтиришти. Мени ҳайратга соглан нарса уни тирик кўрганим эди. Негаки у бундан уч ярим ой олдин бандаликни бажо келтирган, яъни омонатини топширган эди. Ювучига ўзим қарашворганман. Обдастада сув қуйиб, ўрмашда кафан ингага ўзим ип ўтқазиб берганман. Гўрга қўйиншганда, лахад туйнугига ўзим гувала бостирганман.

Ўшандан бери одамлар бетига атири сурмайдиган, елкаларига противогаз осмайдиган, намозхонлар масцидга бехавотир борадиган бўлишганди.

Бу қандок сир-синоат бўлдики, ўлган одам автобусда лабини чўпиллатиб ўтирипти.

У дунёю бу дунёнинг сир-асоррларини биладиган бир доно одам мен ечолмаган тугунни шошилмай ечиб берди.

Гап бундок бўлган экан.

Одамлар қабристондан етти қадам узоқлашишлари билан қабр ичидаги мункарнакир ҳозир бўлди.

— Хўш, — деди у, — тайёрмисан?

Мурда бошини кўтарди.

— Аввал битта ўптири, ана ундан кейин сўроғингни қиласверасан.

Кўп идораларнинг деворларига «Чекилмасин!» деган ёзувлар илиб қўйишади. Чойхона ва ошхоналарда эса «Спиртли ичимликлар ичилмасин!» деган ёзув бўлади. Лекин бу томонларда бунақа ёзув бўлмаса ҳам ўпишиш мумкин эмаслигини ҳамма мурдалар билишади.

Мурданинг бояги гапидан кейин мункарнакир эсанкираб қолди.

— Мумкин эмас, — деди катъий оҳангда. — Биз томонларда ўпишиш ман қилинган. Ўпишиш гуноҳ.

— Упмасам жавоб бермайман, — деди мурда шаҳд билан ўринидан туриб. Мункарнакир орқага тисарилди. Мурда унга томон шитоб билан кела бошлади. У кувди, бу қочди. Охири мункарнакир гурзисини ташлаб туйнукдан қочиб чиқиб кетди.

Мана, уч ойдирки ундан дарак йўқ. Тўғри, бир-икки марта гурзисини олгани келди. Лекин ичкарига киришга юраги бетламай қайтиб кетди. Бу орада ён-веридаги қабрларга жасадлар қўйилди. Бу ўпонгич мурданинг касофатидан улар ҳам сўроқсиз ётишарди.

Кечаси қабр девори дупиллади.

— Кўшни, уйғоқмисиз? — деган овоз келди у томондан. — Тезрок сўроққа жавоб беринг. Сизни деб биз ҳам сўроқсиз ётибмиз. Жаннатгами, дўзахгами, майли, каёққа бўлса ҳам тезроқ борайлик. Жон қўшни, илтимос, сўроққа жавоб беринг.

— Сен аралашма. Агар менинг ишимга яна аралашадиган бўлсанг, сени ҳам қийқиратиб ўпаман, билдингми.

У томондан овоз келди:

— Бизни ўшиш ҳам, бетимизни очиш ҳам мумкин эмас. Биз ювилган покиза мурдалармиз.

Бу томондан жавоб берди.

— Ювилган покиза эмиш. Фоний дунёда қилган гуноҳларингни бир фассол эмас, кир машинаси ҳам ювиб тоза килолмайди. Гўрингда тинч ёт, қўшнижон.

Шундан кейин икки томон ҳам жимиб кетди.

Турғунлик даврларида камалганлар олти-еттийиллаб сўроқсиз ётаверардилар. Бу тарафларда коида қаттиқ. Уч ой мобайнода мункарнакир сўроқ қилмаган мурдалар ёруғ дунёга қайтариб юборилади. Бу коидани қаҳрамонимиз яхши биларди. Мана, унинг ўлганига ҳам уч ойдан ошди. Боқий дунёнинг қоидалари қаттиқ. Унга амал қилмаганлар дўзах ўтида куядилар.

Шундай қилиб, боқий дунё процессуал коидасининг аллақайси моддаси ва қайситир пункти билан уни ёруғ дунёга чиқариб юборишиди...

Энди дуч келганини ўпиди, мен уч ой қоронгида ётганман, деб қўкрагига муштлаб юритти. Баъзан йигинларда сўз сўраб (сўз беришмаса ўпишидан қўрқишиади), кўп жафо чекканини йиғлаб гапиради. Унинг кўз ёши ҳам тайёр. Бирпасда дув тўкилади-қолади.

У романни тугатаётганимдан хабар топиб, мени ўпишга ўйлга чиққанини ўшишиб, Дўрмондаги боғимга кочдим. Неварам кечалари телефон қилиб туради.

— Бува, келмай туринг, лаб амаким буванг келса ўпаман, деб эшигимиз тагида пойлаб ўтириптилар.

Ана шундан кейин трилогиянинг учинчи китобини ёзиш хавф остида қолди. Ёзасам ушлаб олиб, ўпади, ёзмасам, китобхонлар, учинчи китоб қани, деб тинчлик беришмайди.

Э, биродарлар, ўзувчилик ҳам мушкул иш.

ХИНДЧА ҚЎШИҚ

(Соддалар ўқимагани маъқул)

Ит кимга дўст —
Эгасига дўст.

ХАЛК ИБОРАСИ

Косимжон машинани гаражга киритиб, дарвозанинг уч жойидан кулфлаб калит ўйнаб келаркан, учинчи ўйлак олдида болаларнинг чиройли бир итни силашаётганини кўрди. Ит хуш ёққанидан ҳузур қилиб, кўзларини юмиб олган. Ўриндиқда ўтирган шоп мўйловли, лўлига ўҳшаган давангирдек йигит дастрўмол билан кўзларини артиб йиғларди. У анча вактдан бери йиғлаётган бўлса керак, қовоқлари қизарган, дастрўмоли жиқка ҳўл эди.

— Бу кимнинг ити? — деди Косимжон.

Болалар йиглаб ўтирган кишини кўрсатиши. Қосимжон бу лўли бечоранинг бошига ташвиш тушганга ўхшайди, деб ёнига бориб ўтириди.

— Нима бўлди, дўстим? — деди меҳрибончилик қилиб.

Лўли жавоб бермади. Қосимжон ҳадеб сўрайверганидан кейин ҳиқиллаб тилга кирди.

— Э, ака, менинг бошимга тушган мусибат хеч бир мўминнинг бошига тушмасин. Бу дунёда мен яккаи ягонаман. Бизнинг Молдавияга немис фашистлари яқин қолганда мен тўрт ёшли бола эканман. Катталар партизанликка кетишибди. Биз бечораларни бўёққа эвакуация қилишган. На отамни биламан, на онамни. Детдомда менга Фармон деб от қўйишган экан. Шунча йиллар ўтди. Мен ўзимни лўли деб юрган эдим. Бу дунёда менинг борйўклигимни суринтирадиган одам бўлмаган. Яқинда мени Ташки ишлар вазирлигига чакириб, ота-онам борлигини, улар Руминияда яшаётганликларини, асли отим Алеко эканини айтиши. Руминиядан менга виза келди. Индинга Москва орқали Бухарестга учаман. Бу хушхабардан бошим осмонга етди. Ота-она дийдорига зор эдим.

— Итингизни ҳам олиб кетмоқчимисиз? — деди Қосимжон.

— Йўқ, ака, сиз ўрис шоири Турғуневнинг «Муму» деган шеърини ўқиганмисиз? Ўшанда бир соқов ўрис итини сувга чўқтиради. Мен буни сувга чўқтиромайман. Бу менинг энг яқин дўстим. Ит бўлса ҳам одамнинг гапини тушунади. Иш буюрсам югуриб бориб, бажариб келади. Йиҳонмайсизми, мана кўринг.

— Геббелс, — деди у итга қараб. Ит ўгирилди. — Чекким келди, дўстим.

Геббелс болалар куршовидан чиқиб Фармоннинг олдига келди. Фармон икки бармоғини лабига босиб, худди папирос чекиб тутунини пуфлаётган ишорасини қилди. Ит тушунди. Тротуар бўйлаб ер хидлаб кетаверди. Нариги йўлак олдидаги тўхтади. Ерда ётган чала чакилган сигарета қолдигини беозор тишлаб, оркасига қайтди. Фармон унинг бошини, бўйини силаб сигаретани олди. Гугурт чакиб тутатди.

Хамма хайрон. Бу ит чинакамига гапга тушунар экан. Фармон унга ёт, дамингни ол, деди. Геббелс корнини ерга бериб, узатилган олдинги оёқлари устига иягини қўйиб кўзларини юмди.

Болалардан бири сўради:

— У қанақа тилга тушунади, ўзбекчаям биладими?

— Кўп тилларга тушунади, ўрисчаям, испанчаям тушунади.

Геббелс ит эмас, бало экан.

— Нима қилмоқчисиз? Ё сотасизми?

Фармон бош чайқади.

— Геббелсни ўёққа олиб кетиб бўлмайди. Минг хил исправка керак. Сотишга кўзим киймайди. Итнинг қадрига етадиган одам топилса, текинга бериб кетардим.

Фармон қидираётган одам шу топда унинг ёнида ўтирган эди.

— Мен олай, — деди Қосимжон. — Кўпдан шунақа итни орзу қилиб юрган эдим.

Иккинчи каватнинг айвонида панжарага бағрини бериб турган ёшгина жувон галга аралаши:

— Агар шу итни оладиган бўлсангиз, гаражда боқасиз. Уйга киритмайман, — деди.

У Қосимжоннинг хотини Анзират эди. Зум ўтмай пастга тушиб эрини четга тортди.

— Ўйлаб карасам, битта ит керак экан. Ўн еттинчидага Ҳасан билан Ҳусанинг туғилган куни. Мактаб-интернатдан келишганда шу итни совга қиласиз. Лўли пул олмайман, деялти, ундоқ бўлса уйга обкиринг, овқат тайёр. Иссикқина еб олсин.

Қосимжон Фармонни қўярда-қўймай уйга олиб кирди. Геббелс ҳам унга эргашиб уйга кирди. Қосимжон кириши билан боятдан бери кўтариб юрган бир даста калитни телефон столчасига ташлади. Мехмонни ўтиришга таклиф қилиб, ўзи ечингани ичкари хонага кирап экан, етимлик, мусофирилик бечорани шу куйга соглан бўлса керак, деб ўлади.

Чиндан ҳам у жуда уятчан, бировнинг бетига тик карамайдиган андишли лўли экан. Хижолатдан бошини кўтармайди. Дастурхон попугини химариб, жимгина ўтириби. Анзират булфор қалампирига қўйма тикиб димлаган экан, бир лаган қилиб ўртага қўйди.

У қўймага гўшт шилгандага елим халтага тўрт-бешта суюкни солиб қўйган эди. Иккитасини чети учган тарелка-га қўйиб олиб чиқди. Геббелснинг тумшуғи олдига қўйди. Ит қарамади. Фармон еявер Геббелс, дегандан кейин ит суюкларни оёқлари орасига олиб гажий бошлади.

— Жиндал-жиндал қиласизми? — деди Қосимжон.

— Умримда оғзимга олмаганман, — деди Фармон срдан кўзини узмай.

Овқатдан кейин чой ичишиди. Фармон жавон олдига келиб, китобларни кўра бошлади.

— Китобни яхши кўрар экансиз, — деди Қосимжон.
— Китобнинг садағаси кетсанг арзиди, — дея жаҳон адабиётининг икки юз томлигига ҳавас билан боқди. — Китоб инсонга устоз. Уни ўқиган одамдан ёмонлик чиқмайди.

Фармон кетар олдида Геббелсни бафрига босиб, бўйинларини силади. Тумшуғидан ўпди.

— Сен энди шу ерда қоласан, Геббелсгинам. Энди бир умр кўришмаймиз.

Унинг кўзида ёш кўрган Геббелс оёқларига сўйкалди. Сакраб елкаларига осилди. Фармон ундан кўз ёшларини яширмокчи бўларди-ю, эпломасди. Охири, жаҳл билан эшикни очди-ю шарт чиқиб кетди.

Айрилик ёмон нарса. Ҳеч баんだи мўминни айрилик кўйига дучор қиласин. Бир умр кўз олдида туриб қолади.

Анзират яхши оилада тарбия кўрган аёл эди. Жонлижонсиз нарсаларнинг ҳаммасини сизларди. «Дўконга гўшт кептилар», «Кор ёғаяптилар», «Электр ўчдилиар» дерди.

Эр-хотин ичкаридан эски бир адёл опчиқиб, тўрт буклаб, балконнинг бурчагига жой қилишди. Қолган овқатларни эски пачоқ алюмин товоқчада олиб чиқишиди. Худди азиз меҳмонга, жой тайёр, ётасизми, дегандек итни айвонга таклиф қилишди. Ит худди илгарилари ҳам шу жойда ётиб юргандек, тўппа-тўғри бориб, адёлга корнини бериб ётиб олди.

Эр-хотин телевизор кўришди. Алламаҳал бўлганда Анзират итдан хабар олгани чиқиб, кайтиб кириб кетди. Ичкаридан, ит ётибдилар, дегани қулоққа чалинди. Чироқ ўчди. Бирон соат вақт ўтмай йўғон-ингичка хуррак товушлари келди...

Кўчадан эл оёғи узилди. Ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди.

Пастда бир маст одам хинҷча кўшиқ хиргойи қиларди.
— Овараху... Овараху...

Геббелс ўрнидан туриб, панжарадан пастга қаради. Фармон унга қараб қўнгироқ чалайтгандек қилиб қўлидаги қалитларни шилдиратиб кўрсатди. Геббелс тушунди. Ичкарига кириб телефон стулчаси устидаги қалитларни эҳтиёт қилиб, овозиниям чиқазмай олиб чиқди-да, пастга ташлади. Фармон илиб олди. Тахминан ярим соатча вақт ўтиб бояги хинҷча кўшиқ эшитилди:

— Овараху... Овараху...
Геббелс яна пастга қаради. Фармон бояги шода қалитни отди. Геббелс оғзида илиб олди-да, аста кириб телефон

олдига кўйди. Ана шундан кейин у хотиржам бўлиб ўрнига ётди.

Эрталаб Қосимжон Геббелсдан хабар олди. Ит бош кўтариб унга қаради. Қосим ичида, ха жонивор, ухламабсан-да, деб кўйди.

Шундан кейин у тошойнага қараб соколини олди. Сочларини таради.

Ишга кетаётганида хотинининг лабидан ўпиб, Геббелсга кўл силтаб чиқиб кетди.

Орадан беш дақиқалар чамаси ўтиб-ўтмай ховлиқиб уйга кирди.

— Анзират, Анзират!

Унинг овози жуда хунук эди. Хотини кўркиб кетди.

— Сизга нима бўлди?

— Мошина, мошина, — деди у энтикиб. — Бизни худо урипти, хотин. Мошина йўқ, ўғри опкетиби!

— Вой, нега йўқ бўлар экан? Дурустроқ қарадингизми? Кеча нима дегандим. Ит гаражда ётсинлар, демаганимидим... Яхшилаб қулфлаган эдингизми?

— Бир эмас, учта қулф урган эдим. Энди нима қиласман?

— Қулф жойида туриптиларми?

— Кўп жоврайвермагин, кандоқ қулфлаган бўлсан, ўшандоқ турипти. Мошина учеби кетмагандир... Мелисани телефони қанақа эди?

— Мен қаёқдан билай? Мелисага ишим тушмаган бўлса. Китобчани қарайми?

У шундай деб, телефон ёнида ётган китобчани очиб варақлади.

— 02 экланлар.

Қосимжон ховлиқиб мелисага телефон қилди. Кимлигини айтди. Қанақа мошинларини айтди. Номерини айтди. Улар ҳозир борамиз дейишиди.

Гўёки мелиса гаражга ундан олдин етиб келадигандек ховлиқиб чиқиб кетди. Барibir салкам икки соатдан кейин етиб келишиди. Гаражга аввал мелиса итни киритишиди. Ит дарров қайтиб чиқди. Капитан гараж ичига кириб, ит ҳид ололмайди, ерга бензин тўқиб кетибди ярамас, деди. ГАИ ходими, қулфларни текшириб кўрди. Биттаси жуда антиқа қулф экан, хайрон қолди.

Қосимжон бу қулфни Сочида бир денгизчидан сотиб олганини айтди. Мамлакатимизда бошқа бунака қулф йўқ.

Анзират хам гапга аралашибди:

— Бунака қулф биттайдилар. Қалитлари ҳам биттлар.

— Барака топкур, синглим, бирпас жоврамай туриңт. Миям ачиб кетди, — деди мелиса майори.

У шундай деб Қосимжондан мөшіннаның ранги қана-калигини, бирон жойи қирилғанми, пачок бүлғанми, умуман, бирон ерида белгиси бормиди, деб сүради. Қосимжоннинг жавобларини дафтариға ёзіб олди.

— Энди бундай қиласыз, манави учала қулфни олиб кетиб, экспертизадан ўтказамиз. Уч кундан кейин мелиса-га бориб учрайсиз, — деди майор.

Ёнбошида қызыл жияғи бор мөшин жүнаб кетди. Қосимжон гараж дарвозасидаги учта илгакни сим билан боғлаб, ағсус-надоматлар билан уйға қайтди.

Оёк товушини эшиттан Геббелс әшик томон хура бошлади. Әшик қулғида калит тиқиrlаганида, безовтала-ниб ақиллади. Әшик очилди. Геббелс думини ликеллатиб Қосимжоннинг туфлиларини ялади. Аңзиратнинг атро-фида гир-гир айланди. Қосимжон унинг бўйинларини маъюс силади.

Қосимжон кече хотинининг гапига кириб итни гаражга киритиб қўйганда бунчалик кўргиликлар бўлмасди. Айб ўзида бўлғанидан Қосимжон хотинининг қўзига қараёл-масди. Нима бўлди? Яп-янги мөшин эди. Уни яйрабгина минмаган ҳам.

Дам олиш куни Ҳасан-Хусанларни мактаб-интернат-дан опекелиб далаларга опчиқиб ўйнатмоқчи эди. Шунча пуллик нарса бир кечада йўқ бўлди-қўйди.

— Хотин, — деди у, — ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб Геббелс бечорага овқат ҳам бермапмиз. Товоғига бир нима солиб қўй, еб олсин.

— Ташвиши тортманг, итимиз овқат еганлар. Бир коса сутга нон бўқтириб берганман.

— Бўлмаса мен бирров ишхонамга бориб келай. Сен ўйда ўтиратур. Колган-қутган нарсаларимизни ҳам ўғри шилиб кетмасин.

— Ҳой, шошманг. Менам ишга бориб келаман. Таш-виши қилманг. Ўйда ит борлар.

— Тақинчоқларингни эхтиёт кил. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Маҳаллага ўғри оралапти. Тақинчоқла-рингни ҳам боллаб кетишмасин. Ўғри бир марта кирган ўйига иккинчи қайтиб кирмайди, деган гапга ишонма. Ўғрида инсоғ нима қиласи.

Аңзират тортмадан тилла билакузукларини, марва-риларини, зирағу узукларини шошиб олди-да, стулга қўйди. Ҳаммаси жойида. У тақинчоқларини рўмолчага тугиб жавон устидаги самоварнинг ичига солиб қўйди.

Энди бу нарсаларини одам тугул күш ҳам тополмайди, деб қўйди.

Иккови ишга жўнаб кетишаркан, Қосимжон уларни кузаттани йўлакка чиқкан Геббелснинг бошини силади.

— Хўжайнин, энди буёғи ўзингизга қолди. Ҳушёр бўласиз-да, — деди.

— Овқатингизни товоққа солиб қўйганман, — деди Аңзират. — Бўкмасдан енг.

Ит хамма гапга тушунгандек баш эгип тураверди. Ана шундан кейин эр-хотин жанозага кетаётгандек ғамгин бир алпозда чиқиб кетишиди:

— Овараху... Овараху...
Ит югурга солиб бир сакраб жавон устига чиқди. Самоварни тутқицидан тишлаб ётқизди, тугунчани олди. Тишлаб гилам тўшалган полга сакради. Қўчада Фармон уни кутиб туради. Геббелс тугунчани отди, у илиб олди.

Бугун Қосимжоннинг бормаган жойи қолмади. Ша-хар мелисаси бошлиғига учрашиди, прокурорга борди. Бир юрист ўртоғиникига бориб маслаҳат солди. Шаҳар ҳокимининг қабулхонасида икки соат ўтириб, киролмади. Хориб-чарчаб қайтиб келаётганида тоғаси учраб қолди.

Қосимжон мөшин олаётганда тўрт минг сўм пули етмай тоғасидан қарз олган эди. Атайин қилгандек, тоғаси қизини чиқазадиган бўлиб қопти. Пулинин қистади. Қо-симжоннинг ранги бўзга ўхшаб оқариб кетди. Ҳўп, хўп, эртага етказаман, деб хайрлашиди.

Чарчаб, қорни очиб, уйга келса, хотини овқат қилмапти. Ишхонасидаги буфетдан ўнта пирожки олиб келган экан, олдига қўйди.

— Геббелсга бердингми? — деб сўради Аңзиратдан.

— Тўрттасини еб олдилар, — деди у бир итга, бир эрига қараб.

Қосимжон тоғасининг пул қистаётганини хотинига қандоқ қилиб айтади! У лабларини қоғоз сочиқ билан атаркан, хотинига ёнимга ўтири, деди.

— Менга қара, тоғам қизини чиқазадиган бўлиб қопти. Шунга...

Унинг гапи оғзида қолди. Аңзират сакраб туриб кетди. У ёқдан-бу ёққа юраркан,вой ўлай,вой ўлай, деб жовварди.

— Менга қара, ховлиқма, одамнинг бошига бундан ҳам оғир мушкуллар тушиши мумкин. Бизга нима бўпти. Куч-куватимиз бор, ишлаб топамиз. Сенга «Жигули» экан-ку, «Волга» олиб бераман. Уч фоизлик заёмимиз бор эди. Шуни опчиқ.

— Сотасизми? — деди хотини.

— Бошқа иложи йўқ. Жами беш минг сўмли заёмимиз бўлиши керак. Тўрт мингини бериб қарздан узиламиз. Ҳасан-Хусанлар туғилганда тогам саккиз юз сўмлик гилам совфа қилган эдилар. Хозир ўша гиламлар уч ярим минг сўмдан сотиляпти. Биз ўша қолган минг сўмни тўёнага қайтарамиз.

— Икки қўлимизни бурнимизга тикиб қолаверамизми? Ҳонавайрон бўлдик-ку.

— Ховлиқма, ўзингни бос! Ўлимдан бошқасининг чораси топилади. Ишқилиб, ўлим бўлмасин. Қўшалоқ ўғлонларимиз омон бўлишин. Опчиқ ўша заёмларни.

Хотин бир даста заёмни ўлик кўтаргандек мотамсаро юриб олиб чиқди. Қосимжон санаб, стул четига қўйди.

— Ютуқ-путук чиқмаганими? — деб сўради у ютуқ чиқмаганини билса ҳам эҳтиёт шартдан.

— Э, ўлсинлар, ўн бир йилдан бери бир тийин ҳам чиқмайдилар.

— Обориб телефон тагига бостириб кўй. Тонг отмай олиб боришим керак. Эрта азонда қўй бозорига бораман, деяётган эди.

Анзират заёмларни газетага ўраб, телефон тагига бостириб кўйди.

Иккови ниҳоятда чарчашган эди. Ётишдио ухлаб колишибди. Геббелс тиқ этса бошини кўтариб, ниманидир кутиб ётарди. Ниҳоят тун ярмида пастдан хиндча қўшиқ эшитилди:

— Овараху... Овараху...

Геббелс ўрнидан туриб телефон томонга қараб юрди...

Қосимжон билан Анзиратнинг эрталабки аҳволини тасвирилайдиган машинкамнинг ҳарфлари синиб кетса бўлмайдими? Бу воеа ёзилган қофозларим ёниб кетса бўлмайдими!

Анзиратнинг «Геббелсгинам, заёмлардан ҳам айрилиб қолдик», — деб йифлаётганини қандоқ тасвирилаш мумкин? Бу сатрларни ўқиётган китобхоннинг юраги бардош берармикан?

Қистаманг, қистаманг, азиз ўқувчим! Бу ёғи нима бўлди, деб сўраманг. Қўлимни кесиб ташласангиз ҳам, қаламимни синдириб ташласангиз ҳам ёзолмайман.

Бу манзарани ҳатто Фирдавсий ҳам, Навоий билан Толстой ҳам тасвирилаётмайди!

Қистаманг. Мен бир ожиз ёзувчингизман, холос.

Абдулла Қодирий тирилиб келса-ю, шу ҳикоямни ўқиса, ё пешонамдан ўпади, ё орқамга бир тепади.

БИР СИҚИМ ХАНДОН ПИСТА

Искамейка узра ўлтиrsa нечалар роҳат килиб, Кавшимиз лойи билан биз устида ётмоғимиз.

ТАВАЛЛО

Эркакдир, аёлдир, ёши бир жойга боргандан боладан чиқиб қоларкан. Қимизхон билан Усмонжон ҳам худди шунақалардан эди. Уларнинг болалари уйли-жойли бўлиб кетишган. Келинлари билан тил топишолмай рўзгорини бўлак қилиб қўйишган.

Қимизхон ҳар дам олиш қуни невараларини қанчалик орзиқиб кутса, кетишларини ҳам шундок бесабрлик билан кутарди.

Бола деган у-буға тегмаса, идиш синдиримаса, бола бўладими! Улар шкаф тепасига чиқиб полга сакрашганда жавондаги идиш-товоқлар жаранг-журунг қилиб кетади. Остонага ташлаб қўйилган хўл латтага оёқ суртмай уйга киришади. Кечгача қўчанинг ярим тупроғи уйга киради.

Неваралар эсларини таниб олгунларича ана шунақа эдилар. Энди уларнинг овозлари дўриллаб, юзларига хуснibusар тошган, кафтларига туфлаб тошойна олдида сочларини силашади.

Қимизхоннинг эри Усмонжон қўйдек ёзвош одам. Гап сўрамасант, кечгача ундан садо чиқмайди. Қимизхонни озода дейиш ҳам кам, жуда озода дейиш ҳам тўғри келмайди. уни «сапсем» озода, яъни фирт озода, деса тўғри бўлади. Унинг уйлари ёғ тушса ялагудек. Ёстик жилдлари, кўрпа филофлари оҳорлаб дазмолланган. Усмонжоннинг таъбири билан айтганда, бу уй-жой эмас, балниса.

Усмонжон отпускага чиқсан. Ишхонадаги «отлиқлар» ёзда отпуска олиб, Усмонжонга ўхшаган «пиёдалар»нинг отпускаси қиши чилласига қолган. Бир ҳисобда шуниси ҳам дуруст. Ташқарида совук қақшатиб турипти. Оғзингдан чиқсан ҳовурдан олдингдаги одам кўринмайди. Бозордаги олма-анорлар тошдек қотган. Дехқонлар ўларини очмай совук қайтишини кутишяпти. Бир кило сабзи одамнинг баҳоси. Кўчага чиқсан эркакларнинг

мўйловлари киров бойлаб, моржга ўхшаб уйга қайтишяпти. Туфласанг, тупугинг ерга қарсиллаб тушади. Эшикларнинт ташқари томонидаги туткичини ушласанг, кўлингни чиппа олади. Бундай пайтда кимга қийин, постдаги мелисага қийин. Шундоқ совуқда қайси эсини еган кўчага чиқади?

Қимизхон бугун ишдан эрта қайтди. Ишхонасидаги иссиқ сув қувури ёрилиб, хоналар совуб кетиби.

Эр-хотин аптекадек топ-тоза уйда ҳузур қилиб ўтиришарди. Эшик тепасидаги кўнғироқ шитоб билан жиринглади. Усмонжон шу совуқда қайси бефаҳм одам келди экан, деб эшикни очди. Остонада шопмўйловли, семиз бир киши ҳансираф турилти. Орқасида эллик ёшлардаги қора дуҳоба қўлбола камзул кийган, икки лаби бичилган хотин, худди диаграммага ўхшаш бўйи бири-биридан баланд уч ўғил бола, сочининг учига пилик тақилган беш ёшлардаги қизча турарди. Уларнинг оёқлари остида икки чамадон, икки-учта сумка, ичига нимадир солинган қоп. Мўйловли киши икки оғир чамадонни учинчи қаватга кўтариб чиккунча терга пишиб кеттган. Бурнидан, иягидан чак-чак тер томарди. У ҳозиргина пешона терини артган кўлини узатиб, Усмонжоннинг панжаларини пилчиратиб кўришиди. Ундан гуп этиб офтобда колган хом тери ҳиди келди.

— Парпивой акам сизга кўпдан-кўп дуо дедилар.

Усмонжон бу, Парпивой дегани ким бўлдийкин, деб ўйлаб қолди. Бундан бир ярим ойларча олдин водийдаги шаҳар майший хизмат комбинати чиқарган маҳсулотларнинг сифатсизлиги тўғрисида тушган аризаларни текширгани борганди. Комбинат идораси тўғрисидаги ҳовлида тўй бўлаётган экан. Уни ҳам қўярда-қўймай олиб киришиди. Қимизхоннинг овқатига ўрганган Усмонжон дастурхонга кўл урмади. Сочик билан пашшаларни қўриб ўтиреди. Тўй эгасининг кўнглига келмасин, деб, таксимчадан бир сиким ҳандон писта олиб ҷақиб еди. Бутун бошли тўйдан егани шу бўлди.

Тўй эгаси хукуматнинг дўконида сотиладиган бодрингга ўхшаш узун, шу бодрингдек гавдаси эгилган киши экан. Сухбат асносида у кишининг исми Парпивой экани, олис бир райондаги бўрдоқчилик базасида қатнаб ишлайдиган бош ахрайник экани маълум бўлди. Улар чиқиб кетишаётганда Парпивой Усмонжонга ана энди қадрон бўлиб қолдик. Бир дастурхондан насиба едик. Бундан буён бир-биримизнига борди-келди қилайлик, деб унинг адресини ёзиб олганди.

Усмонжон ўйини ўйлаб бўлгунча меҳмонлар йўлакка кириб бўлишган эди.

Мўйлов чамадонларни бурчакка қўяркан, Парпивой ака, Усмонжонникида бир-икки кун туриб, сухбатини олинглар, жуда бамаъни одам деб тайнлаганлар, хайрият уйда экансиз, деди.

— Ўша сиз тўйда ҷақиб еган ҳандон пистадан бозорга бошқа келмай кўйди. Усмонжонга бир-икки кило юборай деб Парпивой ака икки-уч марта бозорга тушиб чиқдилар. Унақасидан келмапти. Ўша тўйда икки чўнтагини тўлдириб солиб берсам бўларкан, деб кўп афсусландилар.

Ўзбекчилик, келган одамни кет деб бўлмайди. У гаранг бир алпозда меҳмонларни хонага бошлаб кирди. Ошхонадан чиқкан Қимизхон нималар бўлаётганига ақли етмай хайрон бўлиб турарди. Мўйлов унга, «яхшимисан, келин» дея ичкарига кириб кетди. Улар қор кечиб келишган эди. Этикларига илашган кор иссиқ уйда эриб полда кўлмакчалар пайдо бўлди.

Усмонжон хотинига нима дейишни билмай серрайиб турарди.

— Хотин, — деди Усмонжон, — емоқнинг қусмоғи ҳам бор, деб бекорга айтишмаган. Емай ҳам ўлай, бир қисм ҳандон писта ҷақиб егандим.

Қимизхон чой олиб кирди. Мўйлов чойнак қопқогини очиб, ия, памил экан-ку, келин, тўқсон бешдан дамла, деди. Қимизхон чой олиб кирайтганда димонига аллақандай кўлсанса хид урилди. У худди ўрада ачиб қолган селитрали сабзи хидига ўхшарди. Қимизхон қайтища бурнини кафти билан тўсиб ўтди. Бурчақда бели букчаниб ётган этик кўнжидан катирма бўлиб кетган пайтава осилиб ётганини кўрмади.

Мўйлов чой устида Тошкентга келишдан мақсадини айтди.

— Шу десангиз, Усмонжон укагинам, бир жиянимиз чақувдан қамалиб қолган. Базадан ўн битта новвосни сотган, дейдими-е, семиз новвослар ўрнига озгин, кари сигирларни алмаштириб қўйган дейдими-е, иш қилиб, бола бечора тухмат балосига йўлиқиб, қамалиб ётибди. Шунга передача беришга келдик. Овқатни шу ерда пишириб оборамиз-да. Гўшт ола кетай, десам, Парпивой ака, ундан қилманг, Усмонжон хафа бўлади, дедилар. Кейин Усмонжонга айтгин, прокурорми, судми, мелиса бошлиғими, ишқилиб, шулар билан гапташсин, деб тайнинладилар.

Кечаки шхонада рўйхат билан гўшт беришган. Усмонжонга ҳам икки кило текканди. Қимизхон гўшт билан картошка қовуриб олиб кирди. Мўйлов гўштни оғзига соларкан: «Ия, музлаган гўштмиди», — деди. Кейин хай, майли, деди-ю столдаги аракни пиёлага тўлдириб, ичиб юборди. У ичдими, ичига қуйдими, Усмонжон билолмай қолди.

— Укам, бошқа йўқми?

Усмонжон хижолатлик билан «йўқ» деди. Шундан кейин Мўйлов чамадондан бир шиша олиб ичди.

— Танишиб олганимиз яхши бўлди. Уч-тўрт кун отамлашамиз. Усмонжон укам, биз Парпивойга куёв бўлишдан ташқари, шогирд ҳисобдамиз. Базада мен у кишига сменщикман. Уйда ўн битта новвос, йигирма олтига қўй, тўртта бия бор. Емдан кийналмаймиз. Базадан бари бор. Ем дейсизми, серобгарчиллик. «Жигули»нинг юхонасида қунига икки марта шахар ҳовлига ем опкелишимиз бор. Буни қаранг, мустақиллик шарофати билан биз бечораларнинг ҳам елкамизга офтоб тегиб қолди. Шу, дейман, ҳукумат мелисаларни ҳам йўқ қилса эди, ишлари юришиб кетарди.

Сухбатдан маълум бўлдики, Мўйлов Парпивойга куёв ҳисобида экан. Нима бало, кеч уйланганми, болалари ҳали ёш. Кеч фарзанд кўрган экан бечора, деб ўлади. Унинг бу ўйини Мўйлов сезиб турган экан, тушунтира кетди:

— Укагинам, бу кеннойингизга загса патта кесилмаган. Биринчисидан тўққизта бола бор. Бечора гирой бўламан деб роса туғди. Тўққизинчисини туғдию ўзимизнинг тилда айтганда бракка чикиб қолди. Шунга қарашиб турар, деб буни олганман. Парпивойнинг ўгай синглиси. Баҳтимни қаранг. Ҳасан-Ҳусан туғиб берса бўладими! Кундошлар бир-бирига душман бўлади, деган гап бекор экан. Опа-сингилдек яшашяпти. Бири молга қараса, бири менга қарайди. Биласизми, Усмонжон, худо севган бандасига Ҳасан-Ҳусан беради. Ҳасан-Ҳусанларни уриб бўлмайди, сўкиб бўлмайди. Шундоқ қилсангиз, худо қаҳрига олади. Сизга ҳам эгам Ҳасан-Ҳусан неваралар берсин.

Кеч кириб қолди. Болалар бир-бирига майиз отиб ўйнай бошлишди. Боссанг, майиз гиламга сакичдек ёпишади. На ота хай, деди, на она. Мўйлов уст-устига уч марта эснади. Болалар мультфильм қўрамиз дейишса ҳам, бўлди, ётиш, деди. У ечиниб ётаркан, Усмонжонга нимадир деди.

Усмонжон ошхонага кирди. Хотини иягида кафтини тираб, қошлари чимирилганча ўтиради. Усмонжон кўрқаписа:

— Келин пайтавамни ювиб қўйсин деяпти, — деди.

— Белини уқалаб қўйиш керак эмасмикин? Бир камим бижғиб кетган пайтавани ювишмиди. Э, меҳмонингиздан ўргилдим.

У шундай дедиую, ётоқхонага кириб бир метр сурп олиб чиқди. Қок ўртасидан тариллатиб йиртди. Эски пайтавани чўпга илиб ахлат челягига ташлади.

Меҳмон ёмонам хуррак тортаркан. Деразалар зирилайди. Хотини тинимсиз кекирали. Қизи кирт-қирт килиб бошини қашлайди.

Усмонжон эрталаб ҳожатга кирса, меҳмон сувини туширмай чикиб кетган экан. Деразаларни очиб, хоналарни шамоллатди. Ҳаммаёққа анор доналари сочилган, билмай босиб олсанг, пирт-пирт килиб, кизил сув сачратади. Мўйлов кечаси билан йўлак бурчига нос туфлаб чиқкан экан. Усмонжон ҳўл латтани оёғи билан суриб, артиб қўйди. Бир айланиб келса яна туфлабди. Бу гал туфламабди, пуркапти. Деворлар сепкил бўлиб кетибди.

Қимизхон барвакт ишга кетиб копти. Усмонжон инқилаб-синқилаб сабзи тўғради, ош дамлаб, тоғорага солиб берди. Меҳмонлар ошни кўтариб турмага кетишиди. Усмонжон уйларни яна шамоллатди. Гиламга ёшишган сакичдек кора майизларни эмаклаб юриб тирноғи билан кўчириди. Ёстиқ жилдларини, кўрпа филофларини чиқаби, туғиб қўйди.

Меҳмонлар кечга томон қайтиб келишиди. Эшик берк. Қўнғироқ тугмасини қанча босишимасин, ичкаридан садо чиқмади. Тўғридаги эшикдан пижама кийган бир киши чиқди.

— Келдингларми? Усмонжоннинг яқин одамини автобус уриб кетибди. Хотини билан жанозага кетишиди.

— Қачон қайтишаркан? — деб сўради Мўйлов.

— Биратўласига еттисини ўтқазиб қайтишар-ов. Юкларингиз бизникида. Ҳозир опчикиб бераман.

— Калитни ташлаб кетишимадими?

— Шошиб қолнишганди, бундай пайтда калит эсига келадими.

Қўшни шундай деб иккита чамадон билан қопни опчикиб берди. Меҳмонлар туриб-туриб пастга тушиб кетишиди.

Усмонжон икки кунгача қайнотасинида ётиб қолди. Замира деган қайнотасини келиб уйларни, идишларни

катрон қылди. Поччаси туғиб қўйган кўрпа филофларини энди кўтараман деб турганди. Қўнғироқ чалинди. Эшикни очиши билан ассалому алайкум, деб ўрта яшар эрхотин икки ўғлини эргаштириб кирди. Болалардан бири яқинда қўзини очган коп-кора кучук боласини кўтариб турарди.

— Усмонжоннинг қадрдонлари бўламиз. Узоқдан йўқлаб келдик.

Замира нима қилишини, нима дейишини билмай серрайиб туриб қолди.

— Йўқмилар? — деди эркак меҳмон. — Бизларни Парпивой деган қадрдонлари юбордилар.

— Поччам билан опам Янгийўлга кетишган, — деди Замира.

— Поччангиз билан опангиз бўлмасалар, мана сиз борсиз-ку. Икки кунгина турамизу кетамиз. Ахир, ходильниқда у-бу бордир. Куриб-қақшаб ётмагандир?

Икки бола балконга чиқиб пастга қараб ким ўзарга чоптириш қилишди. Пастдан хотинларнингчувиллашгани эшитилди. Бу шўр сув қайси қават болохонасидан тушаётганини билмай шовқин голишарди.

— Кечирасизлар, мен кетишим керак, — деди Замира.

— Бемалол кетаверинг. Усмонжон келгунча шу ерда кутамиз.

— Хали-бери келишмайди.

— Үндей бўлса, яна яхши. Шахарда ишларимизни хотиржам бажариб оламиз. Чайков бозоридан бўлмиш келинга понбарҳат, парча, японча жемпер, ўзимга комсос-тав этик олишим керак. Манаву болакайларимни ҳайвонот боғига обориб, маймунларни кўрсатаман.

Замира нима қилишини билмай қолди. Охири қўшни уйдан опасига телефон қилди. Қимизхоннинг тили гапга келмас, фақат ҳиқилларди. Трубкані Усмонжон олди.

— Почча, тўрт киши. Парпивой деган киши юборипти. Битта кучук бола билан икки юз граммча хандон листа олиб келишишти.

Кайнинглиси меҳмонлар кучук бола олиб келишибди, деганидан кейин уни танигандек бўлди. Парпивой ака уни шахардаги дайди итларни аравага босиб олиб кетадиган бригаданинг «старший ит тутувчиси» деб таништирган эди. Ӯшанда старший ит тутувчи, унга зотли бир ит топиб бераман, дегани эсига тушди.

Усмонжон узоқ жимиб кетгандан кейин тилга кирди.

— Қўшиларни чақириб, уларни уйдан чиқариб юборинг.

Боятдан бери телефон олдида Замиранинг гапларини эшитиб ўтирган қўшни шатта ўрнидан туриб, тўнини елкасига ташлади. Замирага эргашиб Усмонжоннинг уйига кирди. Мехмонлар диванда ялпайиб ўтиришар, икки боланинг бири кийим шкафи устига чиқиб олган, яна бири оёғидаги тапочкасини ечиб пианино клавишларига уради.

— Қани, марш! — деди қўшни. — Бир марта салом берган одамнинг уйига кўч-кўронингни орқалаб, бостириб кириб келаверасанми! — Э, сендақа иззатини билмаган меҳмондан ўргилдим. Кўтар жийда халтантнг!

— Ия, ия, — деди старший ит тутувчи. — Тошкетликлар шунақа бўлишадими?

— Шунақа бўлишади, танимаган одамини уйга киритишмайди.

Ана шу воқеадан кейин Усмонжон тўрт хонали уйини шаҳар четидаги уч хонали уйга айирбош қилиб кўчиб кетди. Бу янги уйни, Усмонжоннинг тили билан айтганда, меҳмон экан-ку, хатто ОБХССнинг ити хам тополмасмиш.

Йўқ, у янглишган эди. Парпивой аканинг одамлари бу уйни хам топиб бориши...

«ОҚ УЙ»

Атрофи кунгира панжаралар билан ўралган уч қаватли бу уйни микрорайондагилар «Оқ уй» деб аташарди. Үнда обком ва горком ходимлари яшайдилар. Фақат пастдаги икки хонали уй семон заводининг ишчиси, жиндек-жиндек отиб, ширингина кайф қилиб юрадиган, бир этак боланинг отаси Қодиржон акага текканди.

Шундок казо-казолар орасига бу одам қандай қўшилиб қолдийкин, деб ўйлашингиз мумкин. Обкомнинг маъмурий-хўжалик бўлими бошлиғи Турсунбоев бир иш қиласа, билиб қиласидан эди. Бу уйда шонли ишчи синфининг вакиллари хам бор, деб айтиш учун атайин шундай қилганди, Қодиржон ака уйнинг ўқ ўтмас қалкони хисобланарди.

Бошқа уйлар бир-бирига елка тираб, бир-бирига офтоб туширмайдиган қилиб қурилган. Аммо «оқ уй» атрофи очик. Баҳаво. Олди гулзор, икки ёнида арчаю сарвлар қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб туради. Болалар майдончаси панжара ичкарисида бўлганидек бошқа «дом»лардаги болалар бўёққа киритилмасди. Семон ховузчада фақат «оқ уй» болалари чўмилишарди.

«Оқ уй»нинг микрорайон ҳаётидаги ижобий ўрни тўғрисида ҳам гапириш керак. Шу уй бор экан, микрорайонда электр ўчмайди. Ўчса ҳам икки минутга колмай ёнади. Водопровод қувурлари ёрилмайди. Газ бир меъерда келиб туради. Ўри ораламайди, тонг отгунча милиционер уй атрофини айланиб юради.

Тонг отар-отмас «оқ уй» олдига «Москвич» фургони келади. Оқ халат кийган давангирдек бир йигит этажма-этаж юриб картон кутилар тарқатади. Бу кутиларда бир кун олдин телефона берилган буюртмага биноан коракизил икра, янги сўйилган қўй гўшти, қофоз банкада каймоқ, апельсин, хинд чойи, кўқ чой ва қази каби ноёб емишликлар бор.

Кодиржон неварасининг апельсин пўчоини хидлаб юрганини кўриб юраклари эзилиб кетди. Эртаси куни у фургонда келган йигитдан икки дона апельсин сўраганди, бермади. «Хожиматова аядан сўранг, «хўп» десалар бераман», деди-ю юкорига чиқиб кетди. Бир оздан кейин иккинчи қаватдан Хожиматова аянинг шанғи овози эшитилди. «Оббо, шу алкашнинг боласига апельсин ейишни ким қўйибди!».

Дили вайрон Кодиржон бозорга бориб апельсин тополмади, охири вокзалга чиқиб, вагон-ресторандан иккитагина апельсин сотиб олди.

«Оқ уйда»гилар маҳаллада бўладиган тўй-маросимда катнашмайдилар. Хонимлар эса қаланғи-қасанғи қўшниларни назар-писанд қўлмайдилар.

«Оқ уй»га бирон марта бўлсин пиёда одам келганини бирор эслайлайди (Кодиржоннинг уйи бундан мустасно). Болалари яслидан то институтни битирмагуларича машинадан тушишмасди. (Кодиржоннинг болалари бундан мустасно).

Учинчи қаватда яшайдиган Марлен деган киши бандаликни бажо келтириди. «Оқ уй» хонимлари ателье моддан шошилинич икки чевар чақиритириб эрталабгача қора кўйлак тикидиришди. Мархум детдомда ўсган экан, бирга тарбияланган уч-тўртта дўстлари етиб келишди. Аммо ўсли келмади. БАМда уйланиб, қолиб кетган экан. Ундан: «Квартал охири бўлгани учун ишлар кўп, обьект топширишим керак, ўзларинг кўмиб қўяқолинглар!» деган телеграмма олинди.

Вохликкина етиб келган ювғучи пастда, кўпчилик ичиди ўтирас, бу хунар унга бобосидан колганини, падари бузруквори Тошкентни ўрислар олганда шахид бўлганлардан икки юз кишини, ҳатто Тошкент беги

Алимқул бекни ҳам ўзи ювганини, «Шахидон» қабристонида ётган мархумларнинг деярли ҳаммасини ўзи кафандаганини ширин бир энтикиш билан гапириб ўтиради. Дадаси эса икки министр, уч артист, полковник-майорлардан ўн биттасини ювгани, у кишидан кейин ўзи ота касбини улуғлаб, уч ёзувчи, беш депутатни ювганини завқ-шавқ билан ҳикоя қиласади.

Юкоридан «мурда тайёр» деган хабар тушди. Ювғучи «бисмилло» дея юкорига чиқиб кетди. Ўн минутча вакт ўтмай, қайтиб тушди.

— Бўлмайди. Ювмайман, дедимми, ювмайман. Суннат қилинмаган мурдан ювиб, гуноҳга ботмайман. Всё!

У шундай деди-ю этагини силкитганича кетди-колди. Энди нима қилиш керак. Мурдан суннат қилиб бўлмаса.

Маслаҳат билан мурдан Кодиржон ака ювадиган бўлди. Унга босиб-босиб икки пиёла ичиришди. У «опкел, ўлигингни» деганча мурда ётган хонага кириб кетди...

Буни қаранг-ки, тўсатдан замон ўзгарди. Ер курсаси тескарисига айланниб, ҳаммаёқ остин-устун бўлди. Микрорайондаги «оқ уй»дан путур кетди. Энди электр тез-тез ўчадиган, шу ўчганича эртасигача ёнмайдиган, водопровод қувурлари бот-бот ёриладиган икки-уч кунгача сув келмай қоладиган, газ шам пилигидек лилиллаб ёнадиган бўлди.

Ҳар куни тонг пайтида келадиган «Москвич» фургон йўқ бўлиб кетди.

«Оқ уй» аҳолиси қимтиниб, атрофга аланглаб, магазинга нонга чиқади. Эрталаб ёнбошига «Молоко» деб ёзилган машина келганда шиша банка кўтариб, навбатда туришади.

Улар секин-аста тўйларга, жанозаларга чиқа бошлишди. Айниқса биттаси горкомнинг собиқ идеология бўлими мудири, Қуръонни жуда чиройли қироат қиласади, уни ифторликларга олиб борадиган бўлишди.

«Оқ уй» хонимлари ҳам биноидек одамлар экан. Бешик тўйларига, қизлар базмларига қатнашадиган бўлишди. Ўртага тортишса, шоҳ ташлаб, бармоқларини шикилатиб ўйинга тушадиганлари ҳам бор экан.

Микрорайонга эрта аzon «мусор» машинаси келади. У тиннимиз сигнал бериб, тўхтамай кетаверади. Бошкалар қатори «оқ уй» эркаклари ҳам пақирда, картон кутида, тогорада, қофоз қопда ахлат кўтариб машина орқасидан югуришади.

Шундай пайтларда бош оғригини босиш учун жиндек отиб олган Кодиржон улар орқасидан қичкиради:

— Коммунистлар, олға!

Кейин Қодиржон бирпас нафасини ростлайди. Чап кўлини шимининг чўнтағига тиқади. Ўнг қўлини олдинга чўзиди:

— Сиз тўёри йўлдан кетаяпсиз, ўртоқлар! — деб қичкиради.

ТОНГГИ ТОВУШЛАР

(Лирик манзара)

Олтинчи кварталдаги тўққиз қаватли уйга одамлар кўчиб кела бошлашди. Бирор итини етаклаб, бирор мушугини кўтариб келди.

Саккизинчи қават балконига янги қўшини тўрқовоқ илиб кўйди. Шу кечадан уч марта сайради. Кўпдан бу товшни унугтган кишилар қандайдир ҳаяжон билан балконга чикиди. Бедананинг яна сайрашини кутишарди. Ой тўққиз қаватли уйнинг орқасига оғганда бедана салмоқлаб, узок сайради. Одамларнинг хуши оғди. Болалиги ўтган қишлоғи, жимжит беданоялар кўз олдига келди.

Бедана шовқинча тўла бу шахарга қишлоқ, дала, боғлар ҳидини, танни яйратувчи шаббодаларини олиб келгандек бўлди.

Эртасига ўша уйнинг биринчи қавати олдига сим тўр билан ўралган бўйра энидай жойда уч-тўртта товук пайдо бўлди. Жониворлардан, паррандалардан олислар туғилган болалар қўлларига нима тушса, ҳатто еб турган ноңларини хам бурдалаб товук катагига ташлашарди.

Икки кун ўтиб бериги уйнинг иккинчи қаватидан хўроздикчиригани эшитилди. У тун ярмида узок қичкиради. Сахарга келиб яна чакиради. Одамлар балконларига чиқиб кадрдан бу товушни яна эшигтилари келиб, узоқ кута бошлашди. Хўроздикчиригани куттирмади. Эл уйғонмасдан туриб қанотларини питирлагиб қичкиради. У қичкириғига жавоб кутаётгандек атрофга қулоқ тутиб кутди. Жавоб бўлмади.

Тонг ёришиб келаётгандан у нолигандек ғамгин бир товушда яна қичкиради. Бу гал қанотларини патирлатмади.

Хўроздек хушёр парранда дунёда бўлмас экан. Кечаси келган бўлишига қарамай нариги тўққиз қаватлида товук борлингини сезганини қаранг-а?

Унинг тоқати тоқ бўлди. Муштоқликка чидамади. Атласдек қанотларини париллатиб силкинди-ю иккинчи қават балконидан пастга учиб тушди.

Товук катаги олдида ошикона гердайиб, товланиб-тovланиб, у ёқдан-бу ёққа безовта юра бошлади. Кетма-кет қичкиради. Қанотларини тапиллатиб ерга уриб қичкиради.

Иккинчи қаватдан унга кимдир шиппак отди. У писанд килмади. Супурги отди, пинагини хам бузмади.

Охири товукнинг эгаси бошига чойшаб ёпиниб балконга чиқди.

— Бу кимнинг хўрози? Одамни ухлатадими, йўқми? Эгасини чакиринглар?!?

Бу пайт пастда одам кўпайиб қолган эди. Ҳаммаси шу ажойиб манзарадан, қадрдан товушдан хузур килардилар. Хўрознинг генералларга ўхашаш қўриннишидан, у ёқдан-бу ёққа гердайиб юришидан завқланардилар.

— Кимнинг хўрози бу? — деди чойшаб ёпинган киши уйқули товушда.

Пастдан жавоб қилишди:

— Қўшни, сал кенгрок бўллинг. Мудраган бу микрорайонга шу хўроздикчиригани киргизди-ку. Яхшиси, катақни очиб юборинг, шундоқ сарсавлат куёв ўз оёғи билан келганига севинмайсизми?!

Товукнинг эгаси пастга тушиб катақни очиб юборди. Хўроздикчиригани тўртта товукни эргаштириб қурувчилар ҳали олиб кетмаган вагонетка — уй орқасига ўтиб кетди.

Тўдадан бир йигит чиқиб товукнинг эгасини бағрига босди.

— Қани, бир танишиб қўяйлик, қудажон...

У ҳамманинг қўнглига қувонч солган бабақ хўрознинг эгаси эди.

ХЕЧ КИМ ВА ХЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

(Ёдгорлик)

Турдивойни дўстлари орқаваротдан Турди Илимиллик деб аташарди. Бундай дейишларига сабаб, гап-гаштакларда унинг бор-йўқлиги билинмаслигида эди. Хеч качон, хеч каерда, палон сўзни Турдивой айтган, деган гап бўлган эмас. Ўзи тўнггина, гапи совуқкина эди. Жўралари жононлардан гаплашаётгандарига бир чеккада, ўлиқдеккина бўлиб ўтиради. Ўзи нозиккина, дўпни билан урсанг йикилтулик холи бор эди.

Аммо у ўртоқлардан ёлчиган эди. Ҳаммаси ҳар хил. Бири қоп-қора, бири сап-сарик, бири буғдойранг...

Шу бечора Илимиллик юриб-юриб ўн етти йил деганда фарзанд кўрди. Севинганидан ўзини қўярга жой тополмай туғуруқхонага югурди. Чакалокни кўрса сап-сариқ бола бўпти.

— Хотин, — деди Илимиллик. — Ав.лодимиизда бунақа сариқ одам ўтмаганди-ку. Ҳайронман...

— Ўлинг, — деди хотини эркаланиб. — Ўша пайтда худо берди, деб эртойи-кеч қовоқ сомса единги, энди бас, десам ҳам мендан бекитиб единги. Мана, нима бўлди. Болангиз сап-сариқ бўлди!

Содда Илимиллик, гапинг рост, хотин, деб чиппа-чин ишонди.

Йил оралатиб хотини яна битта қўчкордек ўғил туғиб берди. Илимиллик қараса, буниси коп-кора.

— Ия, хотин. Уругимизда кора одам бўлмаган эди, буёғи қандок бўлди?..

Унинг гапи оғзида қолди.

— Корা икра ўлгирни қўп еяверманг, десам қулоқ солмадингиз. Одамлар чой қошиқда олиб нонга суртса, сиз ош қошиқда олдингиз. Боланинг коралиги ўшанинг асорати.

Илимиллик, хотиним ҳар балони билади, деб ғуурланди.

Икки йил оралатиб хотини бугдойранг киз туғеди.

— Ия, ия, — деди Илимиллик. — Буниси ғалати бўлти-ку...

— Наврўзга рухсат берилиб, сумалақдан бўкиб-бўкиб еганингиз эсдан чиқдими? Қизингизнинг буёдой ранглиги ана шу сумалақдан-да.

Йиллар ўтди. Турди Илимиллик ҳам қариди. Дўстлари бирин-кетин бу ёруғ оламни тарқ қилиб кетишди. Аммо нимжон, килтириқ Илимиллик ҳамон яшаб юрипти.

У сап-сариқ, коп-кора, бугдойранг фарзандларига ҳар қараганда марҳум дўстларини аниқ кўргандек бўлади. Таҳорат олиб, уларнинг арвоҳига бағишилаб тиловат килади...

БЎРИ ОВИ

I

Жавлонбек район марказига етганда тонг ёришиб, қўчалар гавжум бўлиб қолганди. Будка олдини супураётган чўткачи Муллақанд туёқ товушини эшитиб қаддини ростлади.

— Баҳай, aka Жавлон? Сутра кужо рафте? Иби, сабил эчкини қайга олиб кетобсиз. Э, тушиндим, тушиндим, случкагаме? Бо сизга як маслаҳат. Марзия опайнинг серкасига свидания килдирманг. Хонанг пажар бўлгур шерга ўҳшаб звер бўлиб кетган. Ледининг куни сарига тушмасин ахи.

Жавлонбекнинг энсаси қотди. Эшакдан ҳам тушмай, сендақа маслаҳатгўйдан ўргилдим-е, дедиу эшагига ҳала берди.

— Каёққа? Ҳеч бўлмасам эшокингизнинг туёғини мойлаб қўйай. Импорний мойлардан бор.

Эшак йўртиб кетди. Эчки ҳам худди онасиға эргашган боладек орқада соқолини селкиллатиб борарди.

Ўзинг бир ямокчи, чўткачи бўлсанг, энди сенинг маслаҳатингга куним колдими.

Муллақанд Ледининг номини тилга олгандаёқ Жавлонбекнинг юраги жиз этиб кетганди. Леди унинг жондан азиз қадрдан ити эди. Бугун унинг ёруғ дунёдан кўз юмганига қирқ кун бўлди. Жавлонбек қирқ кун чиллада ўтириди. Бугун чиллагузарон қилиб биринчи маротаба Ледисиз овга кетяпти. Қандоқ ит эди-я. Фақат одамга ўҳшаб гапиролмасди, холос. Аммо нима десант, тушунарди. Зарда қилишни, уялишни, илтимос қилишни биларди. Худойи таоло ит умрини қиска қилиб яратган. Ледидан бирон насл олиб қолиш керак. Шу ниyatда Жавлонбек уни Абди чўпоннинг бўрибосарига оборди. Бўрибосар эътибор берсин деб, бўйнига мусобақаларда олган медалларини осди. Икки кулогининг тагига хотинининг франсуз атиридан пича суртиб қўйди. Чўлда бўрилар билан олишиб юрган ит атири билармиди. Ит дум хидлайди.

Бўрибосарнинг калласи «Запорожец» машинасилик келади, десам ишонаверинг. У ит эмас, самосвалнинг ўзгинаси. Леди унинг олдида самоқатдай бўлиб қолди. Бўрибосар бунақа ишларни кўравериб пишиб кетган экан, Ледининг у ёқ-бу ёғини ҳидлаб ўтирай, гарданидан шартта тишладио пичан фарамининг орқасига олиб ўтиб кетди.

Анча пайтгача медалларнинг жиринглагани эшитилиб турди.

Ўша куни Жавлонбек Абди чўпонга тўйн кийдириб, бир учига 25 сўмлик тугилган қийинчани берди. Абди чўпон, энди куда бўлиб қолдик, юз кўришиб турайлик, деб хайрлашди.

Эртасигаёқ Ледининг мазаси қочди. Уни мол дўхтирига кўрсатган эди, дўхтир бошини сарак-сарак килиб, бу

итингиз энди одам бўлмайди, бир-икки кунлик умри қопти, деди.

Дўхтирнинг айтгани бўлди. Уч кун деганда Ледининг жони узилди. Жавлонбек кўз-ёшларини дарё килиб ушбу ғазални битди.

Ледигинам қайдасан, ўтди баҳори сенсиз,
Пишиб тўқилди бу кун маккажӯҳори сенсиз.
Йўлбарсдек қоматингни хеч итда кўрмагандим,
Жавлон юрар паришон очу наҳори сенсиз.

Жавлонбек қирқ кунлик жудоликдан кейин бугун кетяпти. Ҳафизахон парранда гўштини емабди. Кўrsa аллергияси кўзғаб ҳаммаёғига қизилча тошиб кетарди. Шунинг учун ҳам Жавлон бўри отиб ҳуморини босиб юради.

Хўш, у-ку овга кетяпти. Овда эчкига бало борми? Жавлонбек бир иш қилса билиб қиласидан эди. Яхши эчки овда иккита итнинг ишини қилишини бошқа овчилар билишмасди. У ҳар гал овга чикканда албатта бўри уриб, совхоздан мукофотга аллақанча кўй ундириб келади. Бошқа овчилар бу сир-синоатнинг тагига етолмасдилар.

Жавлонбек тўқайни мўлжалга олиб бораверди. Орқада эчки соқолини селкиллатиб кетяпти. Жонвор нима бало еган экан, йўл-йўлакай қумалоқ ташлагани-ташланган. Қумалоқ ташлаши айни муддао эди.

Қайсиdir овчидан қолган қамиш капага етганда Жавлонбек эшакдан тушиб, эчкини ўттиз метрча наридаги ёввойи жийдага бойлади. Эшакни хеч нарсага бойламади. Эшак шунақа хайвон, турган жойида эшакка ўхшаб тураверади.

Атроф жимжит. Яқин ўргадаги қўлга тушган ёввойи ўрдакнинг ғақ-ғуки эшитилиб туриби. Жавлонбек эшакка ҳашак ташлади. Эчкининг олдига алюмин тогорада ем қўйди. Ўзи термосдан чой қуйиб олисларга тикилганча ўй суриб кетди. Унинг ўйи нима бўларди. Ледини ўйлайди. У бу жойларга Леди билан кўп келган, кўп ғаройиб овлар қилишган эди.

Эчки безовталана бошлади. Арқонни узмокчи бўлиб орқасига тисарилди. Жавлонбек хушёр тортди. Атрофга разм солди. Боя улар келган томондан қумалоқ хидлаб бир бўри кетяпти...

Бошқа овчилар ҳудди мана шу тадбирни билишмасди. Бўри эчки қумалогини хидлаб-хидлаб келаверади. Пистирмада овчи борлигини ўйламайди.

Жавлонбекнинг мўлжали тўғри чиқди. Бўри келяпти. Ердан бош кўтармай ҳар битта қумалоқни битталаб хидлаб кетяпти. Жавлонбек ўзини панага олди. Милтикни шайлаб, тайёр бўлиб туритди. Эшак эшак-да. Парвойи палак. Аммо эчки безовта. Осмонга сакрайди. Арқонни узаман, деб талпинади. Бўри тўхтади. Атрофга бир-бир кўз ташлади. Ана, у эчкига яқин келиб қолди. Беш метр қолди. Икки метр қолди. У ҳозир бир ҳамла билан эчкининг кекиртагидан олади...

Жавлонбек варанглаб ўқ узди. Бўри бир метр баландга сакраб ерга шалоп этиб тушди. Жавлонбек яна тепки босди. Бўри тўнкарилиб қолди. Икки оёғини тинимсиз силкитиб чамаси уч минутча жон беролмай охири тинчиб қолди. Жавлонбек кападан чикмади. Бўри ёлғиз юрмаслигини билади. Мабодо ўлғиз бўлганда ҳам бошқа бўри кон исини туйиб шу томонга келади. Чўл шамоли кон хидини атрофга олиб кетади. Бир эмас икки, учта бўри келиши ҳам мумкин. Унинг айттани чиқди. Бир кўнғир бўри шу томонга ўқдек отилиб кела бошлади. Эчкини, ётган бўрини кўрди. Кўпни кўрган, кўп копконлардан қочган, тажрибали бўрига ўхшайди. Атрофга алантлаб бир дам ўтириди. Аммо димогини қитиқлаётган кон хиди унинг иродасидан фолиб келди. Эчки томон дадил кела бошлади. Ана, тўрт метр қолди. Уч метр қолди. Жавлонбек ўқ узди. Ўқ калласига тегдимикан, ҳар ҳолда бўри ёнбошига йиқилганча қимирламай қолди. Бош кўтармади ҳам, оёқ силкитмади ҳам... Жавлонбек милтиқка ўқ солиб ўтираверди. Кападан чикмади. Эшакка барибир. Нималар бўлаётгани билан иши йўқ. Эшаклигини килиб ҳашак кавшяпти...

Кўкраги ок, ўзи қоп-қора бўри аллақайдан пайдо бўлди. Жавлонбек то милтигини қўлга олгунча бўрилар тепасига келди. Гўё қайси бирини аввал есамикин, деб ўйлаётганга ўхшарди. Ўлигидан тириги маъкул, деб ўйлади шекилли, эчки ёнига келди. Шунда Жавлонбек яна ўқ узди. Ба фармони худо, ўқ еган бўрининг бунақа сакрашини Жавлонбек умрида биринчи қўриши эди. У ўқ тегиши билан одам бўйи сакради-ю ҳавода муаллақ туриб қолди. На юқорига учиб чиқиб кетади, на ерга тушади. Худди лентаси узилган мультфильмнинг ўзгинаси. Жавлонбек энди бас, учтасини урдим, ов деган ҳадеб барор келавермайди, буёғига ўзим бўрига ем бўлиб кетмай деб, ташқарига чиқди. Узоқда орқасида тўзон буруксатиб қизил «Жигули» келаётганини кўрди. Ким бўлди экан бу?

«Жигули» унинг ёнгинасига келиб тўхтади. Ундан кўкрагига «Мехнат ветерани» медали тақсан бир йигит тушиди.

- Нима қилиб кўйдингиз? — деди у алам билан.
- Нимани нима қипман? — деди Жавлонбек.
- Бу итни болалигида Дористондан уч минг сўлкавойга сотиб олганман.

Жавлонбек ҳайрон бўлиб жонсиз ётган учта бўрининг тепасига келди. Уларнинг биттаси, кўкраги оқ, бошқа ёғи коп-кора овчарка ит эканини билди. Ичидা, овчи бўлмай ўл, қора бўри бўлмаслигини билмасмидинг, деган бўлди.

— Пулини тўлайсиз, — деди ветеран. — Ҳозир бозор иктисади. Бир ҳафта олдин ўн тўрт мингга бермагандим.

Жавлонбек бу йигитни қаердадир кўргандек эди. Эслади. Автобус ҳайдайдиган Абдулазиз отасига йил оши берганда шу йигит билан бир лагандан ош еган эди. Ўшанда таниш-билишлари уни Хўжакул деганими, Жумакул деганими... Итни Дористондан олиб келганман деганидан, у бу чўллардан арzon-гаровга қоракўл сотиб олиб, Кавказда пуллайдиган учарлардан бўлса керак, деб ўйлади.

— Бўйти, тўлайман, — деди Жавлонбек. — Аввал машинанинг юхонасини очасан.

— Э, қизик одам экансиз-ку, итимни отиб қўйиб ўзимга дўқ урасиз-а. Нима хаққингиз бор, инспектормисиз, ё таможнийда ишлайсизми?

— Очмайсанми, очмайсанми? Энди ўзингдан кўр!

Жавлонбек милтиқ озғини Хўжакулнинг киндигига тўғрилаб, бармогини тепкига...

...Шу пайт машина ичидан «вой» деган товуш эшитилди. Жавлонбек шошиб ўша томонга қаради. Шунда Хўжакул ажиб бир чакқонлик билан унинг қўлидаги милтиқни тепиб юборди. Жавлонбекнинг бармоги беҳос тепкини босиб юборган эди, милтиқ ерга тушмаёқ варанглаб отилиб кетди. «Жигули»нинг орқа эшиги очилиб ўқ еган калтардек потирлаб бир аёл чиқдию қамишлар орасига ўзини урди. Жавлонбек уни таниди. У девор-дармиён қўшиниси Раббим чукчининг келини Сумбулхон эди. Жавлонбек нима бўлаётганига ақли етмай анграйиб туаркан, эшаги ўқ овозидан кўркими, йиғлаётгандек ўксисб-ўксисб ҳанграй бошлиди. Жавлонбек бу ҳаром ўлгурнинг бунака одати йўқ эди-ку, деб ўгирилиб қараса эшагининг думи йўқ. Ўқ учирив кетибди. Дум ўрнидан чак-чак кон томаялити. Думи қаёққа кетди, деб атрофга аланглади. Ёввойи жийда шохига илиниб қолган дум калтакесакнинг чўрт узилиб кетган

думига ўхшаб ликиллаб турибди. Эшак ҳамон хониш қиласиди. Жавлонбекнинг унга раҳми келди. Ёндан дастрўмолини олиб эшакнинг думидан қолган икки энликкина тўмтоқ жойини яхшилаб танғиб қўйди. У шу иш билан андармон бўлиб Хўжакулнинг жуфтакни ростлаб қолганини билмай қолибди. У гарант эди. Жони жиндеқ ором олган эшак сал-пал тинчиб, нафасини ичига ютаётгандек ора-сира фингшиби кўярди.

Жавлонбек қараса милтиқ йўқ. Ярамас Хўжакул милтиғини олиб кетибди. Ким билади, орқамдан отиб қўймасин, деб ўйлаганми? Ё бошқа нияти бормиди, Жавлонбек буни билмасди. У жийда шохида ҳали ҳам жони узилмай ликкиллаб турган думни олиб қаради.

Одамзот қизиқ бўлади-да. Думни олиб нима қиласиди? Ё дўхтирга обориб улатиб оладими, Жавлонбек бор-е, деб думни улоқтириди.

Жавлонбек бўриларнинг тепасига келса, биттаси йўқ. Оббо аблаг-е, биттасини обкетибди-ку, дея минғиллади. Шошганидан итнинг ўлиги деб янглишиб обкетдимикин?

У қолган биттасини эшаққа ўнгариб совхоз идораси томон кетди.

Директор йўқ экан. Бўрининг ўлигини бош бухгалтер хонасига опкириб гурсиллатиб полга ташлади.

— Мана, совхоз қўйларига қирон солган абллаҳ. Кўриб қўйинглар!

Дора Моисеевна деган ҳомиладор хисобчи хотин бўрини кўрдию қўзлари олайиб диванга ёнбоши билан иккилди. Икки киши уни суюб ташқарига обчикиб кетишиди.

— Ҳа, эси йўқ, — деди бухгалтер. Шу ўлгирни остонага ташлаб кирсанг ишонмасмидим. Ё ташқаридаги қолса тирилиб кетармиди? Моисеевна бола ташлаб қўйса, нақ эридан балота қолардинг. Опчикиб кет, бу ўлаксани.

— Қўй ёзиб бермайсизми? — деди Жавлонбек.

— Қўй йўқ. Эчки ёзиб бераман.

Жавлонбек деворга ёпиштириб қўйилган эълонга ишора қилди. Унга «Кимда-ким бўри овлаб келса биттадан уттагача қўй мукофот олади» деб ёзилган эди.

— Бунда эчки дейилмаган, қўй дейилган. Мен сиздан учта қўй сўраётганим йўқ. Битта бўлса ҳам етади.

Бош бухгалтер бу закон биладиган овчига бас келомаслигини билиб тўнғиллаб ферма мудирига хат ёзиб берди.

— Ол буни. Шу хат билан бўрининг ўлигини фермага топшириб, қўй беради.

Жавлонбек бўрини кўтармай думидан судраб ташқа-рига олиб чиқди. Бир қозоқ келинчак хали ўзига келмаган Дора Моисеевнага қайноқ чой ичирияпти.

— Иш, истик-истик шай иш. Казир миқтидайин бўласан, айналайин.

Дора кўзини очди. Очди-ю, бўрини кўриб яна ҳушидан кетди. У бехуш ётардию жағи қимирларди. Шу ётишида ҳам жевачка чайнарди.

Жавлонбек: «Э, нозик бўлмай ўл, қичик қилишини қаранглар-а» деди қўл силтаб ферма томон кетаркан.

Жавлонбек ферма мудирининг хай-хайлashingiga қарамай бир қора кўчкори танлаб, шоҳидан судраб чиқди.

У район марказига ғолибона — тантанавор бир қиёфада кириб келди. У гўё ё ҳаёт, ё мамот жангиди ёвни яксон қилган қаҳрамон кайфиятида эди. Ўтган ҳам, кетган ҳам эшакка ўнгарилган кора кўчкорга қарап, «Э, қойил-е, Жавлонбек мерган», дейётганга ўҳшарди. У ўзимни бир кўрсатиб қўяй, деб атай Муллақандининг дўкони олдидан ўтди. Бунақа ишлар менга писанд эмас, қанча бўри бўлса менга қўйиб беринглар, шартта-шартта отиб ташлайвераман. Бундан буёқ совхознинг кўйлари менини, дегандек мағрур эди.

— Поздравляю с бараном, ака Жавлун, — деди хайратда қолган Муллақанд. — Э маладес. Иби, бо бу эшок баччанинг думига нима бўлди?

— Эшакнинг кўлинини ҳалолладим. Раббим чукчи суннат қилиб кўйди.

— Ундоқ чикин бўлса бу сабилнинг думи қайга?

— Думи хуржинга, — деди Жавлонбек унга ҳамоҳанг лаҳжада.

Эшак бечора икки энлик қолган чўлтоқ думини одати бўйинча ликиллатаверганидан танғиб қўйилган дастрўмол ечилиб бир чеккасигина котиб қолган қонга ёпишиб турар, шамолда қип-қизил бўлиб хилпиради.

Муллақанд қаҳ-қаҳ уриб қулди.

— Э, ака Жавлун, бу эшокни ҳайдаб юборинг. Бу эшок Сталин давридан қолган эски тузумнинг эшоки. Кўрмайсизми, кизил байроғини орқасига кўтариб келопти.

Жавлонбек шу билан пачакилашиб ўтираманми, деб эшагини йўртиб кетди. Кўча бошидаги дорихонадан Раббим чукчи женшень деган дори олиб чиқаётганди.

Раббим чукчи бу атрофларда қўли гул суннат устаси эди. Ўн мингдан ортиқ бола унинг кўлидан ўтган, десак хото бўлмас.

У суннат қилган гўдакларнинг олди элликка кириб, невара-чеваралик бўлиб кетишиди. Унинг дилини бир армон ўртарди. Худо менга ҳам бир невара берсаю, юртга ош бериб ўзим суннат қилсан, деб тонг-сахарларда нола қиласди. Аммо унинг илтижолари шамолга учгандек самара бермасди.

Нариги қишлоқда донг таратган, замонасининг етук сартарошларидан уста Пўлат дегувчи киши бўларди. (Аллоҳ уни раҳмат қилган бўлсин). У ҳам ана шундай армон билан оламдан кетганди. Унга соч олдирамиз, деб узоқ-узоқлардан бирор эшакда, бирор туяди, яна бирор отда келарди. Серферзанд кишилар болаларини аравага ўтқазиб олиб келишарди. Шу уста Пўлат қирқ ёшга кирганда кўчкордек ўғил кўрганди. Уста бир йил кутди, икки йил кутди, қирқ йил кутди, боланинг бошидан соч тугул тук ҳам чиқмади. Боламнинг сочини ўзим оламан деб ниyat қилган уста Пўлат ниятияга етолмай ўтиб кетди.

Уста Раббим жуда содда, соддалиги етмагандек, лакмагина одам эди. Қим нима деса, ишонаверарди.

Кейинги пайтларда Чукоткалиларнинг соддалиги тўғрисида юзлаб латифалар пайдо бўлган. Қишлоқдаги гап-гаштакларда ўша латифаларни айтиб мирикиб кулишарди.

Уста Раббимни чукчи дейишарди. Бу лакаб унинг соддалигига мос тушишидан ташқари касбига ҳам бир ишора эди.

Раббим чукчи, э, худо, уста Пўлатнинг кунини бошимга солма, деб илтижо қиласди. Унинг илтижолари ижобат бўлмасди. Ўзинг учун ўл етим. Худойи таоло «Сендан ҳаракат, мендан баракат» деган. Ҳаракатимни қилиб қолай, деб одамларнинг маслаҳати билан номи дори бўлса, боласига ичираверди. Машина майдан тортиб кўршапалакнинг ёғигача ялатди. Ўргимчак тўридан халдори ясатиб, ютириди. Тўқкиз ўғил кўрган хотиннинг остонасидан бир хокандоз тупроқ опкелиб боласининг танасига суртди. Нафи бўлмади. Бухородаги Олот туз конида чўмилтириди. Андижоннинг Сегаза қумига обориб, бўғзигача кўмди. Табибларга кўрсатди. Дўхтиларга боктириди. Фолбинга фол очтириди. Домлага ўқитди. Экетрасенсларга қаратди. Ҳатто мол дўхтирига ҳам кўрсатди...

Шу топда у Жавлонбекка дуч келдию Хизрга йўлиқ-қандек кўзлари яшиаб кетди. Эшакка ўнгарилган кора кўчкордан кўзини узолмай туриб қолди.

— Оҳ, оҳ, кора кўчкор экан-ку, — деди Раббим чукчи. — Худди шунақасини қидириб юрган эдим. Тўрт

чоршанбадан бери қўй бозорга қўчкор келмайди. Жон укам, шунни менга сотинг, канча десангиз берай. Ўзингиз биласиз, ёлғиз ўғлим нимжон бўлиб қолган. Уйлантирганинг тўққиз йил бўлди, фарзанд йўқ. Табиблар, кора қўчкорининг нозик жойини чала пишириб едиринг, фойда қиласди, дейишяпти. Келиним, онамниги кетаман деб ҳархаша қилгани-қилган. Шуларнинг тотув яшаб кетишига сабабчи бўлинг, қўчкорни менга сотинг. Ўғил туғса отини Жавлонбек қўяй, хўп денг.

Жавлонбекнинг унга раҳми келди. Аммо боя келинининг тўқайга қочгани эсига тушиб, йўқ, бўлмайди деб эшагига хала чўп босди.

Уйига келса хотини Хафизахон кир ювиб, синкага солинган кўйлак-иштонларни дорга ёётган экан.

-- Хўжақул деган бир ошнангиз милитингизни ташлаб кетди... -- У «милитингизни» дегандаёқ Жавлонбек тамом бўлганди. Оббо ҳудо урди, бўлган воқеани хотинимга айтиб кетган, деб ўйлади. -- ...Тўртта ўрдак билан беш-олтига балик бериб юборган экансиз, ошхонада ётибди. Ўзингиз тозалаб, ўзингиз пиширинг. Кўрсам аллергиям тутади.

Жавлонбек хайрият-е, деб ўзини ўнглаб олди. Ҳеч нарса демапти. Нима ҳам дерди у ярамас. Ўзининг тили кисик бўлиб турнити-ку. Мен ундан эмас, у мендан кўрксин.

— Ов зўр бўлди, хотин. Сен емайсан, деб, йигирмата ўрдак билан бир коп балиқни йўлда одамларга тарқатдим.

— Айтганча, эсимдан чиқай дебди, — деди Хафизахон. — Жавлон акам билан ерсизлар, деб Раббим чукчининг келини Сумбулхон иккита иссиқ жizzали нон чиқазибди. Дастурхонга ўраб қўйғанман, еб олинг.

Жавлонбек уйга кирди. Хонани димоқни қитиқлайдиган иссиқ жizzали нон ҳиди тутиб кетганди. Жавлонбек зўр иштаҳа билан дастурхонни очди. Сўлқиллаб турган нонга қўл узатди. Зум ўтмай қўлини кайтарди. Негадир сапчиб ўрнидан турди-ю, орқасига икки қадам чекинди. Деразадан хотинини чакириди.

— Ҳафиз,xo. Ҳафиз!

— Ҳа, нима гал? — дея ичкарига кирди Хафизахон.

— Манаву нонларни ҳозироқ эгасига қайтариб бер.

— Вой, нега? Сумбулхон атайнин чиқазган-а.

— Э, ўша Сумбулхонингни... Опчикиб бер. Мен ҳаром қўл теккан таомни емайман. Мендан сенга насиҳат, сен ҳам ема!

У шундай деб қўчага чикиб кетди. Анчагина юргандан кейин орқасида шип-шип этган енгил оёқ товушини эшитгандек бўлди. Ўгирилиб қарди. Қўзлари ёшга тўлган Сумбулхон унга эргашиб келаётганини кўрди.

— Бек ака, — деди у синик товушда. — Қандок қиласай, турмушим турмуш эмас. Умрим ўтиб кетяпти. Авжи ўйнаб-куладиган пайтимда муздек ёстикни бағримга босиб ётибман. Кетай десам, қайнотам ўламан саттор, жавобингни бермаймиз, дейди. Эрим бўлса унака... Айтинг, нима қиласай?

Жавлонбек жавоб қиласди. Нарирок бориб орқасига яна ўгирилди. Сумбулхон тут тагида мунфайиб турарди. Жавлонбекнинг унга раҳми келди. Орқасига қайтиб уни юпатгиси, йўл-йўрик кўрсатгиси келди.

— Бечора, — деди у. — Сенга ҳам қийин.

У то Муллакандининг дўконига етгунча ўзидан-ўзи қийин, қийин жуда қийин, деб жавраб борарди...

II

— Бўлди, бўлди-е! — деди Хафизахон қўрпани елкасига тортиб. — Битта гапни ҳадеб қайтараверасизми? Дадангизнинг форга кирганинни бир эмас, олти марта айтдингиз. Ҳар гал ҳар хил айтасиз Бўлди-да, ов ҳам ўлсин...

— Ха, малол келдими? Ёқмаса, эшитма, — деди ранжиб Жавлонбек.

— Эшитмаганга қўясизми? Дадангиз форга ким билан киргани ҳам минг хил бўлиб кетди. Ёлғон гапни эплаган гапиради. Аввал яхшилаб ўйлаб, кейин ёлғон гапирингда!

— Хўш, нимаси ёлғон экан?

— Қўрқкан олдин мушт кўтарар бўлмай ўлсин. Айт, ҳедингиз, айтганим бўлсин. Биринчи марта айтганингизда, дадам бир татар ўртоқлари билан боргандлар, унга «айда, охотага борабиз», деганлар. Кейинги айтганингизда, бир тожик ўртоқларига «Рафиқжон, ба ширкор рафтем» деганлар, ундан кейингисида бир туркман ўртоқларига «ова гиттиқ, сенда боржак», деганлар, ундан кейингисида ўрис ўртоқларига «на охоту, пойдем», деганлар, ундан кейингисида грузин ўртоқларига, «геноцивала, геноцивала» деганлар, ана энди қирғиз ўртоқлари билан боргандлар, деяпсиз. Қайси бири тўғри?

Жавлонбек хотинидан бунака гап кутмаган эди. Чаккасини қашлаб, илжайди.

— Оббо, хотин-е, ҳаммасини каллангга жойлаб юрган экансан-да! Дадам раҳматли айтган гаплари жудаим эсимда туравермайди. Ўртоқларини адаштириб юборган бўлсам бордир. Биласан-ку, скелерозман. Баъзида сенинг отинг ҳам эсимдан чиқиб колади.

Жавлонбек зўр баҳона топганидан мамнун илжайди.

— Скелерозмисиз? Хотирангиз бўшашиб кетибдими? Ундан бўлса, эсингиздан чиқмай туриб, кечаги олган икки минг сўмни чўзиб кўйинг.

— Қачон сендан пул олибман? Унақа тухмат қилма, хотин.

— Кеча соат иккидан ўн беш минут ўтганда, тушлик қилиб ўтирганимизда олгандингиз-ку.

— Эсинг жойидами? Кеча соат иккida аканг билан тахта искалатида эдик. Тушлик бўлиб қолиб ўша ерадиги исталовойда лағмон едик. Лағмон яхши экан, аканг бир порси олиб машинада кенойингга оборди. Мен косага гаров бўлиб исталовойда кимирламай ўтирдим. Ишонмасанг, кенойингдан сўра, акандан сўра. Исталовой бош ошпазидан сўра! Гаров бўлиб ўтирганимда радиода Насим Хошим ашула айтиётган эди. Икки марта момақалдирок бўлиб чақмок чақди. Радио бўмба портлагандек варанглаб кетди. Иккидан кирқ етти минут ўтганда лағмонхона тўғрисидаги дўконга бир машина арақ тушди. Ҳамма ёширилди. Дўкончи, бугун сотилмайди, деб одамларни тарқатиб юборди. Бешта кам иккida аканг косани олиб келиб, мени гаровликдан куткарди...

Хафизахон қах-қах уриб кулди.

— Э, омон бўлинг, скелероз одам шунака бўладими? Бўлган ишни минут-минутигача биласиз. Дадангиз раҳматли ҳам худди ўзингизга ўхшаган эканлар. Ёлонни кийиб қўярканлар. Қайнонам раҳматли, қайнотангизнинг гапларига кўпам ишонаверманг, ёлонни гувала қилиб думалатиб қўядилар, деб айтган эдилар. Нега ёлон гапирасиз, деб сўраганларида, мажбурман, ёлон ганирмасам, овчилар союзидан ўчиришади, деган эканлар.

— Шунака дейсан-ку, хотин, дадам зўр овчи бўлганлар, агар раҳматли Ҳиндистонда яшаганларида, кунига ўлдим деганда тўртта шер, иккита фил отишлари ҳеч гап эмасди. Точний урадилар. Бир грузин майор военкоматимизга бошлик бўлганди. Ўзинг биласан, грузинлар кийик шохида вино ичишади. Дадамга, агар кийик отиб шохини келтириб берсанг, сенга «участник войны», деб испарапка ёзиб бераман, деган. Дадам кўштиғни елкага илиб тоққа равона бўладилар. Карасалар, бир кийик

баланд тошда иккита боласи билан пастга караб турганмиш. Дадам агар отсан, икки нораста боласининг уволига коламан, дебдилар-у, милтиқдан сочма ўқни олиб, ўрнига простой ўқ жойлабдилар. Мўлжаллаб туриб тепкини босган эканлар, ба фармони худо, ўқ кийикнинг калласидан бир миллиметр юқорига тегиб, шохини чўрт учириб юборибди. Кийик нима гаплигини билолмай енгил бўлиб қолган бошини ликиллатиб қўрамиши. Кийик шохлари тошдан-тошга урилиб шундоқкина дадамнинг оёқлари олдига тушибди. Военком номардлик қилиб испарапка бермабди, «камаржоба, камаржоба», деб қўя қопти.

— Хўш, дадангиз яна нима қиптилар? — деди Хафизахон атайин, уни калака қилиб.

— Э, кўп антиқа овлар қилганлар. Кайси бирини айтай? Шу десанг, дадамни Сталин ҳам ниҳоятда ҳурмат қилган. Үсмон Юсупов ҳар Москвага боргандা Сталин ундан, овчи ошнам Толиб Йўлдошевич яхши юрибдими, ўли Жавлонбек ҳам катта йигит бўлиб қолгандир, мендан салом айтиб қўй, деб тайинлар экан.

— Мюнхаузен салом айтмаганми? — деди Хафизахон ўзини гўлликка солиб.

— Салом айтган. Албатта салом айтган бўлиши керак. Айтганча, у ким ўзи?

— Дадангизнинг кадрдон ҳамкасб ошналари, — деди Хафизахон лақиллататтанини сездиримай жиддийлик билан.

— Энди эсимга тушди. Телеграмма келган, олтмишга кирганларида.

Хафизахон пикирлаб кулиб юборди.

— Нега куласан?

— Чап қулоғингиз ўнгига караганда анчагина кичик экан.

— Энди билдингми? — деди Жавлонбек тўнгиллаб.

— Хеч эътибор бермаган эканман.

— Нима деяётган эдим, — деди Жавлонбек калаванинг учини йўқотиб.

Сталин салом айтган, деяётган эдингиз, — деб гапни юриштириди Хафизахон.

— Шу десанг, хотин, политбюро аъзоларидан Тошкентга кимки келса Чимёнгами, Оҳангаронгами овга олиб чиқиншарди. Биронта ов дадамсиз ўтмасди. Хрущев Тошкентга келганда дадам уни Мирзачўлга, тулки овига олиб борган. Хрущев йўлда: «Тулкини қопконда овлаш керак, отса, териси тешилиб сифати бузилади, афусс қопконинг йўқ экан», дейди. Шунда дадамиз хотиржам

бўл Никита, терисини бузмай ўқ узиш қанака бўлишини сенга кўрсатаман, дейдилар.

Улар Крупская колхозига келишганда тепаликдаги туйнукдан ниҳоятда чиройли бир тулки чиқиб атрофни кузата бошлайди. Хавф-хатар йўклигини билгандан кейин тош устига ётиб ўзини офтобда тоблайди. Хрушчев от, отмайсанми, деб қисталанг қиласди. Дадам уни жеркиб ташлайдилар. «Жим турасанми — йўкми? Никита, сабр қилсанг-чи, бунча бесабрсан, ўқ тешмаган сифатли тери керак бўлса, пича кутиб тургин-да», — дейдилар.

Тулки ўрнидан туриб керишади.

Тилло ранг мўйнаси офтобда ялт-ялт қилиб кўзни олади. Кейин у думини гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб ракқосаларга ўхшаб айланиб-айланиб ўйнай бошлайди. Дадам мўлжалга олиб туриб, тулки думини кўтарганда тепкини босадилар...

Дадам туйнук олдида ётган тулкини гижгагидан кўтариб у ёқ-бу ёғига ҳам қарамай Хрушчевга узатадилар.

— Мана, терисининг бирон жойини ўқ ялаган бўлса, мени дўстларинг рўйхатидан ўчириб кўявер.

Дарҳакиат, тери бутун эди. Хрушчев дадамни бағрига босиб «Слушай, ти герой», дейди.

Дадам раҳматли ана герой бўламан, мана герой бўламан, деб икки йил радионинг ёнидан кетмадилар. Хрушчев ишдан тушгандан кейин ҳафсалалари пир бўлиб, геройлиқдан умид уздилар. Яна овчиликка шўнгриб кетдилар. Бир куни Муллақанднинг дадаси билан овга чиқиб...

— ... Жавлонбекнинг дами ичига тушиб кетди.

— Нимагаям шу гапни айтдим. Айтай десам, Муллақанднинг дадасидан бошқа одам қуриб кетганми-я! Э, каллам курсин».

— Абрам тоғани айтнясизми? — деди Ҳафизахон ҳайрон бўлиб, — У киши ҳам овчимидалар? Ахир, товукни ҳам бирорга сўйдирадиган одам кандоқ овқиласди?

«Кўлга тушдим», деб яна ўйлади Жавлонбек. Бу хотинни алдаш қийин. Шошма, хотин, сен шоҳида юрсанг, мен баргида юраман. Битта хотинни алдаёлмаган эркак, эркакми?

— Шу десанг, хотин, дадамиз жуда шум бўлганлар-да! Бир чўпон дўстимнига овчилар билан тўйга борамиз, ашула айтиб, беш-тўрт сўм ишлаб оласан, чўпонлар артистларга кўп қистиришади, деб алдаб, овга олиб боришган экан... Энди бўлди, ухлайлик. Вақт ҳам аллапалла бўлиб қолди. Эртага ишларим кўп.

— Йўқ, бугун ухламайсиз. Қаёқдаги гаплар билан уйкумни қочириб, энди ўзингиз ухламоқчимисиз? — деди Ҳафизахон зарда билан.

— Гапимга ишонмасанг, нимани айтай?

— Нима бўлса айтаверинг. Рост бўлса эшитавераман.

— Бўпти, агар ов тўғрисида бўлса кечаю кундуз сув ичмай гапираверганим бўлсин.

Жавлонбек бир муддат ўйланиб, гап бошлади.

— Бундан бир ҳафта олдинмидийкин, телестудия олдиаги фонтан орқасидан ўтаетсам, оёғим тагидан юзтacha бедана пиrr этиб кўтарила бўладими?

— Бўлмайди, — деди Ҳафизахон. — У ерда шунча бедана нима қиласди?

— Элликтacha десам ишонасанми?

— Йўқ, ишонмайман. Буёғи метронинг «Пахтакор» станцияси, буёғи панорама киноси, сал нарида политехника институти, одам демаганинг кайнаб туриби. Беданага бало борми?

— Ўнта десам, ишонасанми? Бешта десам-чи? Ишонмайсанми? Ростини айтсам, битта бедана париллаб учди.

— Э, қанақа одамсиз, телестудия олдиаги юзлаб машиналардан томган бензин хиди тутиб кетган жойда бедана нима қиласди?

— Очигини айтайми, айтмайми? Айтсам, оёғим тагидан бир нима парр этиб учгандек бўлганди.

— Мусича бўлса керак, — деди Ҳафизахон. — Мусича жуда бефахм күш бўлади. Трамвайнинг изига ҳам ин куриб, тухум босиб, жўжа очаверади. Трамвай айланиб ўтади, деб ўйлайдими?

— Хотин, бўлди қил, ухлайман.

— Йўқ, ухламайсиз. Агар айтадиган гапингиз тамом бўлган бўлса, энди мен айтаман.

— Нимани айтасан?

— Эшитганингизда биласиз! Менга каранг. Онангиз раҳматли, қайнотангиз оғизларида овчилар, аслини олганда овчиларнинг милигини кўтариб юрадиган, овқилган жойда гулхан ёқиб битта-яримта ўрдакними, қашқалдокними пишириб берадиган дастёр эдилар, деб айтардилар. Сиз ҳам худди дадангизларга ўхшаган овчилиз. Нима кўп, муҳбир ошнангиз кўп. Нима кўп, ёзувчи ўртоғингиз кўп. Битта чумчук отсангиз, уч марта газетада чикаришади.

— Хой, оғзингга қараб гапир! Сен билан эртага гаплашаман.

— Йўқ, ҳозир гаплашасиз. Анави бурни катта ёзувчи ошнангиз нима деб ёэди. Бир кунда иккита бўри билан ит отди, деб ёэди-я? Бунга қайси ахмок ишонади? У хам майли-я, бухоролик ёзувчи дўстингиз, бўрининг тирноғи унга даво, бунга даво, деб ёэди. Ким ҳозир бунақа ирим-сиримларга ишонади? Бешариқлик ёзувчи қадрлонингиз Жавлонбек эшакка доялик қилди, деб ёзиб чиқди. Ишхонадаги дугоналарим олдида шармандай шармисор бўлдим. Хўтичагина соғлом ўсаётлиларми, деб сўрашади. Ўлмай ўлпир. Леди-ку юзимизни ерга каратиб кетди. Уни тўй куни курбон бўлган келинчак, деб эрмак қилишади. Э, медалиям курсин, дипломиям ордона қолсин!

Жавлонбекнинг дами ичига тушиб кетди. Кўрпага бурканиб олди. У қанча ухлаганини билмайди. Кўзини очса, тонг отиб, бошига офтоб келиб қопти. Хотини кўзи юмук, мудраганча ҳали ҳам гапиради.

— Ўзингиз ҳам ўзларингга ўхшаган чиқди. Жуғрофия ўқитувчиси арз қилиб келди. У болаларга, дадам билан икковимиз Сирдарёдан ҳатлаб ўтганмиз, деб мақтаниди.

— Яна нима депти? — деди Жавлонбек офтобдан кўзи камашиб.

— Хайвонот боғидаги битта фил билан иккита шерни дадам икковимиз тутиб келганмиз, депти.

— Boeh, ахмоғ-е, жуда оширворибди-ку. Битта шер демайсанми, дурак. Ёввойи фил-ку майли, тутиш осон. Аммо шер...

Ҳафизахон, боринг-е деб юзини бурди.

Жавлонбек қараса, ҳали-бери хотинининг жағи тина-диган эмас. Апил-тапил кийиниб, кўчага чиқиб кетди. Орқасидан хотини жавраганча колди.

Муллақаид аллакачон дўконини очиб бўлган экан. Уни кўриб ҳар галгидек сўради.

— Сутро кужо рафте ако Жавлун?

— Гапни кўй, чой-пойинг борми?

— Айни момент, ако. Ҳозир кайноқ чой тахтайман. Дунёга нима гап?

— Нима гаплигини сендан сўраймиз. Айтганча, жиянинг эри билан Америкага кетиб қолибдими? Эри чўрт сним. Аммо-лекин ўзи зўр кўшиқчи бўлганди. Оғизга тушиб, радиоларни обод килаётганди. Халқ артисти бўлганди-я? Нима жин урди уни?

— Э, сиз сўраманг, мен айтмай, ака Жавлун. Айтсам, забоним күяди. Менга касайласи бўлмаса ҳам айтай. Бухордан чиқкан булбул энди Америкага сайдайди, ай, жалка.

— Ишқилиб, ўзинг Исройилга кетиб қолмайсанми? — деди Жавлонбек унинг жигига тегиш учун.

— Кетадиганлар кетаверсин. Мен кетмайман. Шу ерга туғилдим, шу ерда ўламан. Ўзбекнинг липошкасини мен еган, қарзимни узай.

Шу пайт осмони фалакдан ёввойи ўрдакларнинг фак-фақ товушлари эшитилди.

Жавлонбек тўдасидан ажралган мажруҳ ўрдақдек кўкка маъюс қараб турарди. Муллақанднинг гапи хаёлни бўлди.

— Сизди газитга ёзиптими? Таможнийнинг итини откан, дентими-е, мелисани тулки ўғриси қилган, дентими-е, моча эшакка акушер бўлган дептими-е... Ишқилиб, одамлар оғзи тўла гап. Сизга маслаҳат, адвокат олинг. Айтганча, Рўзимат мерган итига тилла тиш қўйдирган эмиш... Эшилдингизми?

Бир пайтлар Тошкентнинг иккита машҳур жойи бўларди. Бири Чорсу билан Ҳадра оралиғидаги Аскар полvonнинг самовари бўлса, иккинчиси Каллахона маҳалласига кираверишдаги Тоға чегачининг дўкони эди.

Аскар полvonнинг самоварига отарчи-артистлар тўпланишиб, тўй-маъррака қиласидиганлар билан шу ерда шартнома тузишарди. Тоғанинг дўкони эса буёғи Фарғона-Андижону, у ёғи Чимкент, яна буёғи Хўжанд асқиячиларининг дийдор кўришадиган кўп файзли жойи эди.

Бугунги кунга келиб шаҳримизнинг эиг гавжум жойларидан бири Муллақанднинг дўкони бўлиб қолди. Муллақанд ўн-ўн бешта йиғма курси ясад дўконнинг ичкарисига таҳлаб кўйган. Айниқса жума кунлари Тошкентдек шаҳри азимда қанчайики овчи бўлса, эрта аzonдан шу срга тўпланади. Муллақанднинг электр плитаси бир дам бўлсин учмайди. Тепасидаги тунука чойнак вакирлаб қайнагани-қайнаган.

Овчилар жума куни тўпланишлари бежиз эмасди. Мусулмончиликда жума куни то пешин намозигача ов килиш бехосият хисобланади. Елкасида милтиқилар, қармоқ кўтаргандар, матраб судраганларнинг бари Муллақанднинг дўконида дунё янгиликларидан гаплашиб, жума намозининг тугашини кутишади. Қайси жонивор «Қизил китоб»га кирди, қайси бири чиқди, қайси жониворни отишга рухсат бўлди, қайси бири таъқиқланди, шу ерда билинади.

Гапнинг очигини айтсам, овчилик аҳил ҳалқни умримда кўрмаганман. Ов мавсумида тоби қочиб қолган

мерганларга овга борганлари насиба олиб келишини шарт килиб қўйилган. Ўрдакми, қирғовулми, тўрттагина беданами, балиқми, ишқилиб, бир улуши олиб келиб йўқлаб қўйиш шарт. Бу коидани бузганлар «овжўра»ликдан чиқарилади.

Бугун салкам бир ойдирки, Муллақанднинг дўкони хувиллаб қолган. Хар жума дўконга файз киритадиган овчилардан дарак йўқ.

Ораларидан кил ўтмайдиган овчилар ўртасидан кора мушук ўтди. Бир-бирига ракиб, бир-бирига ёв. Бири ов килган жойга бошқаси бормайди. Бири мўлжалта олган куённи бошқаси ҳуркитади. Ораларидан кандайдир кўзга кўринмайдиган таранглик анчадан бери бор эди. Бу таранглик тортилиб-тортилиб пўлат занжирини хам узиш даражасига етди. Охири бу занжири Жавлон овчининг юбилейи куни узилди. Ота-боболаридан бошланган ахиллик бир кундаёқ барбод бўлди. Занжирининг бир томони Овчилар уюшмаси бўлиб, Муллақанднинг дўконида қолди, бир учи мерганлар иттифоқи бўлиб ўзига макон қидириб кетди. Уларни бирлаштириш учун кимлар ўртага тушмади дейсиз? Тоғдан овчилар тушиб муросаймадорага келтирмокчи бўлишиди. Чўлдан мерганлар келиб «бхай-бхай» бўлинглар дейишиди. Бўлмади. Факат ўзини ўйладиганлар уюшмасига қўшилмаймиз, деб булар айтди. Жанжалкашлар иттифоқига ўлсак хам қўшилмаймиз, деб улар айтди.

Ҳуллас, овдан ғов чикиб Ҳасан-Хусанлар «пом» бўлиб кетишиди.

Тошкентда Тўхли мерган деган бир табаррук отахон бўлардилар. Уйларида икки бургутлари, биттадан миққий лочинлари бўларди. Ҳовлилари кўчага тушиб, «дом»дан уй беришганда туролмай, Оҳангаронда яшайдиган ўғилларникига кўчиб кетган эдилар. Ёшлиари тўқсондан ошиб овга ярамай қолган, факат хонаки бургутлари билан гаплашиб, тоғу тошларда ўтган шамолдек югурик йилларини эслаб ўтирадилар.

Отахон Тошкент овчилари ўртасига ола аралашибди, деб «Жигули»нинг орка ўринидигида икки бургутни икки ёнларига олиб, шу баҳонада жума намозини Ҳасти Имомда ўқийман, деб Тошкент қайдасан, деганча йўлга тушибдилар.

Бу хабар хам одатдагидек биринчи бўлиб Муллақанднинг қулогига етди. Шунинг учун хам бугун ҳаммадан олдин туриб, дўкон атрофини ёф тушса ялагудек қилиб тозалаб қўйди.

Жавлонбекнинг бу гаплардан хабари йўқ эди. Хотиржам ўтириб Муллақанд дамлаб берган чойни хўриллатиб ичарди.

— Эшиздингизми, мулла Жавлун, пир келаётганмишлар.

— Йўғ-е, — деди Жавлонбек хайрон бўлиб. — Тинчликми? Қари одам йўлда уриниб қолмасмикинлар?

— Сизларнинг ноахилликларингиз шундок отахонни хам беспокойса қилоти. Нимани талашасизлар? Отабоболарингдан қолган ҳазинани талашяпсизларми?

Жавлонбек ўйланиб қолди. Кўнгли бир нарсани сезгандек бўлди. Отахон бўладиганини бўлади, бўлмайдиганини бўлмайди, деб чўрт кесиб кетадилар. У кишига гап қайтариб бўлмайди.

— Маҳмуд мўйловга айтайми, палов тахласин, — деди Муллақанд.

— У кишига ош ботмайди. Ҳазми осонроқ овқат килиши керак.

— Э, омон бўлинг, ака Жавлун. Ўзингиз мусулмон бўлсангиз хам, таомилни билмайсиз. Ахир рўза-ку! Йфтторга у-бу тахлаб қўйиш керак.

Жавлонбек ҳижолат кўзини қаёққа яширишни билмай қолди.

Бу хабар мерганлар иттифоқига хам етганди. Тўртбеш мерган тўпланиб, пир нима десалар, шу бўлади, деган қарорга келиб қўйишган эди.

Муллақандга, икки томондан ўн беш кишидан Маҳмуд мўйловнинг ошхонасига тўпланишсин, отахон шу ерга келадилар, деб битилган хат келди.

Ошхонада ўн бештаси у томонга, ўн бештаси бу томонга қараб, бир-бирига орка ўгириб, отахонни кутарди.

«Жигули» келди. Унда икки бургутни икки ёнларига олиб отахон ўтирадилар. У киши машинадан тушмадилар. Бир-бирига тескари ўтирган шогирдларига деразадан қараб битта гап айтдилар.

— Аҳмоқлар!

Хеч кимдан садо чиқмади.

— Билиб қўйинглар, дуонбанд қилсан, у дунё-бу дунё овларинг ўнг келмайди. Қани, ўриларингдан турларинг!

Мўйловли, мўйловсиз, пакана, новча овчилар гурр этиб ўриларидан турдилар.

— Бундан буён сен овчи, мен мерган, деган гап йўқ. Икковинг хам бирсан. Тамом, Аллоҳу акбар!

Отахон бошқа гап айтмадилар. Шоғёр болага, хайда ледилар-у, жўнаб кетдилар...

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда, янгича қилиб айтганда. Марказий Осиёда отахоннинг бир гапини икки қиладиган мард топилармикан?

Жавлонбек икки кун ўтиб аптекадан хотинига пахта олишга чиқсан эди. Муллақанднинг дўйонида бошқа одам ўтирганини кўрди. Ундан Муллақанд қани, деб сўраган эди, дўстингиз Изроилга жуфтакни ростладилар, деб жавоб қилди.

Жавлонбек,вой липошка тешиб чиққур-е, деб қулиб қўйди.

ФИЛДИРАК

Ҳажвий қисса

1. СИРЛИ ХАТ

Бозорбой Охунович хар куни ишга кетар олдидан бугунги газетага бир кўз ташлаб олишга одатланганди. Йлгарилари бунақа одати йўқ эди. Умуман, газета ўқимасди. Кейинги пайтларда газетада уриладиганларнинг аксари Бозорбой Охунович ишлайдиган соҳанинг кишилари эди. У хар куни эрталаб ёстиқдан бош кўтарар экан, бугун ким урилди экан, деб ўзига таниш кишиларнинг киёфасини бир-бир кўз олдига келтиради.

Ана шунинг учун ҳам Бозорбой Охунович бир йилдирки, газетага обуна бўлган. Унинг газета ўқишини ўқиш демаса ҳам бўлади. Қўлига оладиyo уёқ-буёfinи бир қараб, хайрят, тинчлик экан, деб хотиржам ишига кетаверади.

Бугун ҳам одати бўйича нонуштадан кейин лабини сочиқка арта туриб хотинига буюрди:

— Тико, газетни келтир!

Хотини Тижоратхон кирқ ёшларда, авжи ширага тўлган аёл. У эрининг олдиди чап қўли билан қўйлагининг иккала ёқасини бирлаштириб ушлаб туриб гаплашади. Унинг бу килифи эрига жуда-жуда ёқади. Негаки оппок кўкраганинг кок ўртасидаги мошдек холи ниҳоятдан яшиаб кўринади. Бозорбой Охунович ҳар гал кўзи ўша холга тушганда, хой Сангинова, бу хол фақат менини, бегоналарнинг кўзи тушмасин, деб ҳазиллашарди.

Тижоратхон бу холни ўз тили билан айтганда факат ўз хўжайинидан бекитарди.

Хозир ҳам почта кутисидан газета олиб қайтаркан, чап қўли билан иккала ёқасини бирлаштириб эрига узатди. Бозорбой газетани очиши билан ерга бир конверт тушди.

Қизиқ бўлди-ку?! Бу қанақа хат? Бозорбой умрида почта орқали хат олмаган. Телефон, электр, квартира ҳақлари учун келадиган хатлар конвертсиз бўларди. Бу кимдан бўлдийкин?

У газетани бир ёкка кўйиб конвертни очди. Хат. Шошиб ўқишига киришди.

«Хой, Овсар! Босар-тусарингни билмай қолдинг-ку!..»

Бозорбойни мактабдош ўртоқлари «Овсар» деб аташарди. У бошлангич мактабда ўқиётганида дуч келган синфига кириб ўқийверар, унга қайси синфлиги, неchanчи синфлигининг аҳамияти йўқ эди. Бунақа килиғига ўрганганд ўқитувчилар дарсни тўхтатиб Бозорбойни етаклаб, ўз синфига опкириб қўйишарди. Ана шунинг учун «Овсар» дейишарди. Бозорбой хатнинг бу ёғини ўқий бошлади:

«...Кўзингни оч, меҳнатсиз топилган пул хеч кимга вафо қилмаган. Шунча пулни нима қиласан? Гўрингга олиб кетасанми? Порага муккангдан кетдинг-ку, жўра! Бунақада бир кун эмас, бир кун тумшуғингдан илинасан. Шу хафта ичи беш кишидан пора олдинг. Бегижондан икки минг, Раҳмоналидан бир яrim минг, Турсунхўжадан икки минг, Тўхтамуроддан икки яrim минг сўм олдинг. Ахир, улар жамоатчи мухбирлар-ку! Жиноят қонунининг қайси моддаси билан қанчага қия бўлиб кетишингни биласанми? Агар шу ёруғ жаҳонда тоза ҳаводан нафас олиб юрай десанг, фурсатни ўтказмай олган пулларни эгаларига қайтариб бер. Ҳозир жар ёқасида турибсан, жўрам. Сенга хурмат билан дўстинг ХАЙРИХОХ.»

Хат Бозорбойнинг қўлидан тушиб кетай деди. Кўз олди коронгулашиб, чап қоши лип-лип уча бошлади.

Тижоратхон бор оғирлигини ташлаб, эрининг елкасига иликкина кўксини босиб сўради:

— Хат кимдан экан, дадаси?

Бозорбой истар-истамас жавоб қилди:

— Ўйнашимдан. Яъни кундошингдан.

— Вой, адo бўлсин. Қўйинг бунақа гапни. Фельетон чиқмаяптими?

Бозорбой, ўчир, деб юборди.

— Эртага чиқармиш. Фельетон қылсак майлими, деб ўзимдан сўрашилти.

— Э, гапингиз курсин, — деди Тижоратхон эрининг елкасидан кўксини узиб. — Бугун жума, яхши, ният килинг. Фаришталар омин девормасин. Менга қаранг, қизингиз сиздан араз. «Жигули»сига баллон обермабсиз.

Бозорбой шундай қарадики, Тижоратхон бенхтиёр иккала қўли билан ёқасини бирлаштирганини билмай қолди. Хотинининг бу гапи гўё қиши куни совуқдан дилдираб турган одамга муздақкина айрон ичасанми, дегандек бўлди. Шу ўтирганча бир соат ўтиридими, ё ошиқроқ ўтиридими, ўзи ҳам билмайди. Хотини унинг бояги ўшқиришидан кейин бирор нима дейишга тили бормай мунгайиб ўтираверди.

Нима бало бўлдийкин, деб ўйларди хотини. Хар куни, ўртоқ Сангинова, биз кетдик, деб хандон-хушон ишга жўнарди. Энди бўлса тагини хўллаб қўйиб, қуригунча ётадиган болаларга ўхшаб қимирлагиси ҳам келмайди. Қизининг хонасидан хинчча қўшиқ эшитилди. Орастахон магнитафон қўйиб пар тўшакка чўкиб ётарди. Бозорбой ҳар гал ишга кетар олдидан соchlарини ёстиқда тўзғитиб ётган Орастахоннинг ётоғига кириб пешонасидан ўпнб кўяр эди. Қизи дадасини кутиб ётган бўлса керак.

Кўча тарафда машина сигнал берди.

— Дадаси, шофёргиз сигнал беряпти. Нима деб айттай?

— Бирпас кутса ўлиб қолмайди, — деди дўнғиллаб Бозорбой.

— Ҳой, эр, сизга айтяпман, қизингизга баллон олиб беринг!

— Оббо, — деди Бозорбой уф тортиб, — бўпти, бўпти, тўртта баллон бериб юбораман. Кутулдимми?

Тижоратхон эрининг бу хил тажанглигидан ташвишга туша бошлади. Илгарилари ҳам рўзгор ишлариданми, ё ишхонаданми табиати кир бўлиб қайтгандаим шунақа ичимдагини топ, деб тошдек қотиб ўтираверарди. Шундай пайларда Тижоратхон қизини ишга соларди. Бозорбой қанчалик тажант бўлмасин, қизининг биргина эркаланишидан сариёдек эриб кетарди.

Тижоратхон оёқ учиди юриб қизининг ётоғига кириб кетди. Зум ўтмай соchlари ҳурпайган, кечаги пардозлари юзларига чаплашиб кетган Орастахон ич кийимда югуриб чиқди. Чиқди-ю, дадасининг бўйнига осилди. Орқасидан кўлида халат чиқкан онаси:

— Ҳой, Орас, сенга айтаман, халатингни елкангга ташлаб ол, даданглар олдида уят бўлади, — деганча жавраб қолаверди.

— Ўзимни папамлар, ўзимни папамлар...

Орастахондан гуп-гуп француз атири билан «БТ» сигаретининг ҳиди келарди. Фақат шунинг ўзигина эмас,

балоғат ёшига етган қизлардагина бўладиган ажиб бир тароватли ҳид ҳам анкиб турарди.

Бозорбойга қизининг эркаланишлари ҳам ёқмади. Елкасини бир силкиб, ўтирган стулини бери сурди.

Орастахон умрида дадасидан бунақа муомалани кўрмаганди. Мунғайиб дадасининг ўртаси ялтираб қолган бошига, токнинг зангилик бужмайиб кетган бўйинларига қаради.

Тижоратхон тилга кирди.

— Ҳой, дадаси, сизга нима бўлди, ахир? Эт-бетингиз оғриётгани йўқми? Валидол берайми?

— Жон хотин, ўргилай хотин. Қулоғимни тагида ҳаккага ўхшаб шакиллайвермагин. Нариги уйга чиқ, чиқ, деяпман!

Тижоратхон, бу одамга бир бало бўлғанми ўзи, деб қизини эргаштирганча нариги уйга чиқиб кетди. Бир оздан кейин унинг: «Жувонмарг, қоқ ярим кечасигача қаёқларда юрувдинг», деган овози эшитилди.

Бозорбой ўйларди: «Бу хотини биладиган одам ёзган. Кимдан қанча олганимни аниқ ёзибди. Орқангда одам бор экан, Бозор! Ҳар қадаминг ҳисобда экан-ку, Овсар! Эшмон эмасмикан? Бордию ўша бўлса, қаёқдан билди экан?

Ўринбосарим Ақром Қудратов тагимга сув қўймоқчи. Йигитлар уни йўлга солиш учун у-бу бериб қўриши. Олмади, ярамас. Ҳалол ойлик маошим билан болачаками бокаман, дермиш. Э, бокиб бўпсан. Эшмоннинг кўлтиғига шу одам пуркайяти. Бу аниқ!»

Бозорбойни бир нарса эзарди. Умрида бирорвга бир тийин бермаган. Фақат олган. Қайтиб бериш деган тушунча унда мутлақо бўлғанмас. Мабодо, қайтариб беришга тўғри келиб қолса, қай ахволга тушаркин? Ўлиб қолмасмикан? Йўқ, ҳеч бўлмаганда жинни бўлади... Мабодо бошига ана шундай қўргилик тушгудек бўлса кунинга хотини ҳам, эркатой қизи ҳам ярамайди.

Лекин баривири нимадир қилиши керак. Ёғ ялаганда ёт, қон қусганда қариндош керак, деб бекорга айтмаганлар. Шулардан бошқа кимим бор...

Бозорбой машаққат билан ўрнидан туриб қизининг ётоғига кирди. Хотини билан қизи унга хайрон қараб туришарди.

— Орас, — деди Бозорбой ўзини ўнглаб, ажиб бир меҳрибонлик билан. — Сендан бир гап сўрайман. Аммо тўғрисини айтасан.

— Сўранг, дада, — деди лабларини чўччайтириб Орастахон.

Бозорбой Охунович гапни нимадан бошлишни билмай, остики лабини сўриб, бир оз туриб қолди. Кейин калласига антиқа фикр келгандек бирдан дадил гапира бошлиди:

— Масалан дейлик, сен билан икковимиз коронги кечада бир жойдан келяпмиз.

— Қаердан? — деди Тижоратхон галга аралашиб.

— Сен суқулмай тургин. Майли-да, тўйданми, ишқилиб, бир жойдан келяпмиз. Сумкангда анча пул бор. Шу пайт йўлимизни қароқчи-бандитлар тўсишиди. Сенга пи-чоқ ўқталиб, сумкангдаги пулни бермасанг, дадангни сўйиб ташлаймиз, деб ўдағайлашди. Хўш, шунда сен нима киласан? Пулни уларга берасанми?

Орасташошиб сўради:

— Сумкадаги пул қанча эди?

— Ну, ўттиз минг дейлик.

Орастани хаёл олиб кетди. «Битта «Волга» — ўн беш ярим минг, японча видеомагнитофон — беш минг, норка пальто — уч минг, марварид — уч минг... — У шундай ўйларкан, дадасига ер остидан разм солди. — Ёши хам ўтиб қолган, ошқозони хам хилвираб турипти, юраги ишдан чиқкан... яна яшаса беш йил яшар, ўн йил яшар...»

— Нега индамайсан, кизим? — деди Бозорбой кўзлари мўлтираб.

Орастахон ғамгин бир оҳангда сўради:

— Яқин ўргада милиционер йўқмикин?

— Йўқ, милиса йўқ, дейлик.

— Бақирсак, одамлар келиб қолишмасмикин?

— Йўқ. Яқин ўргада одам йўқ.

— Қочсам бўлмасмикин?

— Мени қароқчилар қўлига ташлаб-а?

Орастахон дарров жавоб қилди:

— Сизни нима қилишарди. Ну, ундан кейин қариб колгансиз...

Бозорбой сапчиб туриб кетди:

— Э, сув сенларга-е!

У шундай деди-ю, тарс-тарс юриб кўчага чиқиб кетди.

Кун ёйилган. Шоффери Жаббор машина ичидаги донг қотиб ухлаб ётарди. У машина эшиги қарсллатиб ёнилгандагина чўчиб уйғонди. Гўё жуда катта гуноҳ иш килиб қўйгандек қўлини қўксига қўйиб узр сўради.

— Ҳайда! — деди Бозорбой бетига хам қарамай. Машина серқатнов шаҳар кўчаларидан ўқдек учиб бора-кан Бозорбой идорада бўладиган учрашувларни кўз олдига келтиради.

Кабинетига кириши билан орқасидан қўлида чойнак билан Бегижон пайдо бўлади. Ва албатта «Тўқсон бешга қалайсиз», деб гапни илаштиради. Ундан кейин Раҳмонли киради: «Хўжайин, янгисидан топиб кўйдим. Ичагингизни узвормаса калламни олиб ташланг», дейдию минг марта эшитган латифани бошлайди: «Афанди туғруқхона-га хотинини кўргани боринти. Деразадан бош чиқазган хотинидан сўрапти. Хотин, ўғлим кимга ўхшайди? Сенгами? Хотини йўқ, деб бош чайқалти. Бўлмасам кимга ўхшайди, деб яна сўрапти Афанди. Сиз уни танимайсиз, деб жавоб кипти Афандининг хотини. Ҳа – ҳа-ҳа! Қалай, хўжайин?...»

Ана ундан кейин Турсунхўжа киради: «Абедга чиқмай туринг, хўжайин, уйдан устида қазиси билан ош келади», деб тайинлайди. У ҳали оstonага етмай туриб Тўхтамурод киради: «Бир йигитни кўз остимга олдим, — деб гап бошлайди у. — Яхши одамнинг фарзанди, жуда сизга қуёвбоп бола». Шундан кейин «аллақайси каттаконининг ўғли» деб гапини тутатади.

Шу пайтгача Бозорбой уларнинг ҳамма гапларига ишонар эди. Энди улар гирт хонин экан, деган фикрда ишхонага кетяпти.

Тепасига «База» деб ёзилган дарвоза олдида машина тўхтади. Юк машиналари, автофургонлар калашиб кетган майдончада уни кутиб турган кишилар гув этиб орқасидан эргашишди. Қабулхонада ҳар хил нарядлар, накладнойлар ушлаган кишилар ўрниларидан туриб, унга салом беришди.

Бозорбой Охунович кабинетига кирди. Ҳали шляпасини қозикка илмай туриб дермантин қопланган эшик унисизгина очилди, қабулхонадаги ғовур-ғовур эшик ёпилиши билан тинди.

Қўлида чойнак билан Бегижон пайдо бўлди.

Хўжайин, тўқсон бешга қалайсиз? Асил лўнқасидан.

Бозорбой унга лоқаид каради. Гўё уни биринчи бор кўраётгандек:

— Хўш, келинг, хизмат, — деди.

Қайноқ чойнак ушлаб узок туриб қолган Бегижон чойнакни стол четига қўйиб, куйган бармоғини муздек қулоғига босди.

— Мени холи күйинг, — деди Бозорбой унинг бетига қарамай.

Бегижон нима қилишини билмай, анча пайтгача туриб қолди.

«Унга бир бало бўлган, иши чацласига кетмадимикан? Зора шундок бўлса», деб ўйларди Бегижон.

У чойнакни столда қолдириб, қулоғини ушлаганича чикиб кетди.

2. НАРХИ ТУШГАН ОДАМ

Бегижон кўзи алақ-чалак, оёғи суст, кўли чаққон одам. Бир қараган нарсаси кўзига муҳрланиб қолади. Вентилятор парраги айланганда шаклинни ўқотгандек, Бегижон чўт қоқаётганида бармоқлари чўт устида тутунга ўхшаб бориб келаверади. Аммо оёқ масаласида омади келмаган. Югурища тошбака билан мусобака ўйнаса, албатта ютқазади.

Бозорбой Охунович унинг устида тажриба ҳам ўтказиб кўрган.

Янги қурилиб ичи молларга тўлдирилган омборга уни олиб кириб, икки минутина чирокни ёқиб, яна ўчириди:

— Хўш, мулла Бегижон, қаерда қандоқ мол турганини айтиб беринг-чи.

Бегижон тескари караб ўтириб омборда нимайики бўлса, ҳаммасини — қаерда турганини, қандоқ турганини, ранги қанақалигини, қутисида қанақа ёзув борлигини, қайси фабрикадан чикқанини аниқ айтиб берди.

Бозорбой унданги бу қобилиятга ҳайрон қолиб ёқасини ушлаган эди.

— Қандоқ эслаб қоласиз, укагинам?

— Э, хўжайнин, бир қараганда кўзим билан сувратини олиб қўяман.

Бегижон базага коровул бўлиб ишга келганида йигирма ёшлардаги бети қаттиққина йигит эди. База бўлгандан кейин унча-мунича қонунга чап беришлар бўлиб турарди. Масалан, таниш-билишларга ноёб мол бериб пулини магазинга ўтказишлар, магазин олган ноёб молларнинг унча-муничасини пулини тўлаб олиб қолиб, керакли жойларга чикказиб туришлар...

Кимки базадан нарса қўлтиқлаб чиқса, Бегижонга рўпара бўлади. У ўтказса чиқиб кетади, ўтказмаса олган нарсасини қўлтиғига қисиб, кўзини лўқ қилиб ўтираверади. Омбор мудирининг ўзи келиб Бегижонни рози қилади-ю, иш бости-бости бўлади.

Базада бунига омборлардан ўн еттита. Ҳаммаси ҳам кунинга битта-иккита боягидақа ишларни қилиб туришади. Бегижон ўз улушини олмай бунига молларни чиқармайди. Бегижоннинг ўз тили билан айтганда, ўша пайтларда омбор мудири у ёқда турсин, база мудиридан ҳам кўп пул туширади.

Базадаги катта-кичинкинг ҳаммаси ундан кўркарди. Охири, шу бор экан, бизга тинчлик йўқ, деб ундан қутулиши йўлини қидира бошлийдилар. Улар канча уринишмасин, Бозорбайсиз, хеч нарса қилиб бўлмасди. Чунки Бегижон Бозорбайнинг одами. Эчки кутурса эгасини сузди, деганларилик, Бегижон Бозорбайнинг шофёрини ҳам, машинасини ҳам тинтуб қилиб ташқарига чиқазадиган бўлди. Кўйиб берса, Бозорбайдан ҳам унчамунча ундирадиган чоги бор.

База монтёрига битта костюм бериб, чўнтағига номери ёзиб олинган йигирма беш сўмлик солиб қўйинишиди. Монтёр дарвозадан чиқаётгандан Бегижон уни тўхтатди. Монтёр ўзини соддаликка олиб, у-бу, деб кўрди. Бўлмади. Охири у бояги йигирма беш сўмликни буклаб туриб унинг кафтига босди. Бегижон илжайганича уни чикариб юборди. Шу пайт Бозорбой, местком раиси, товаршунос учови монтёрини қайтариб Бегижоннинг олдига олиб келишиди.

— Қандоқ ҳужжатга асосланиб мол чиқазиб юбордингиз!

Бегижон ўзини у ўқ-бу ёққа ташлаб кўрди. Учовлашиб ёнини тинтиб, бояги йигирма беш сўмликни олишиди.

Ана шундан кейин Бегижонни қоровулликдан бўшатишди. Лекин Бегижон осонликча жон берадиганлардан эмас эди. Орадан бирор соат вақт ўтказиб Бозорбайнинг олдига кирди.

— Хўжайнин, мендан осонгина қутулдим, деб ўйлайпиз-а? Йўқ, бу ерда бўлган, бўлаётган ишларнинг ҳаммасини заметкага олиб кўйганман. Манаву кўзлар ҳаммасини бехато сувратга олиб бўлган.

Бозорбой столни чертиб узоқ ўйланиб қолди: «Беги тўғри айтапти. Агар у ишга тушиб кетса, ҳаммамиз расво бўламиз. Яхшиси муроса қилайлик. Уйдаги сир кўчага чиқмай қўя колсин».

— Менга қара, Беги, — деди, — ғишил қолиндан кўчишга кўчди. Бошка чорасини қидирайлик. Бўлган воқеани кўпчилик билдиб кетди. Қоровулликка энди ҳозирча қайтариб бўлмайди. Нима дейсан, пойабзал омборига рабочий қилиб қўяйми?

Бегижон ўйланиб қолди. Кўзлари бир жойда турмай у ёқдан-бу ёқка бориб келаверди. Охири корачиги бир жойда тўхтаб кимирламай қолди.

У янги вазифасининг афзалликлари қандок, имконияти қандок, хаммасини тарозига солиб бўлганди.

— Бўйтى, хўжайин. Мен рози.

Бозорбой бошидан тегирмон тоши тушгандек енгил торти. Стол ёнбошида турган ички телефон трубкасини кўтариб:

— Обувнойни беринг, — деди. — Усмонхонмисиз? Менга каранг, укагинам, шу Бегини сизга теги билан бердим. Бурнини ерга ишқалаб ишлатинг. Гапни айлантирмай хўп дeng, укагинам. Мен бир иш қилсан, билиб киладиган одамман. Кейин хурсанд бўласиз.

Бозорбой трубканни жойига кўяркан: «Э, йўталмай ўл!» — деди ижирғаниб.

Ростдан хам Усмонхон қиши куни тарновда пайдо бўлашган сумалақдек киёфаси тез-тез ўзгариб турадиган, чап кўлиниг кафти билан киндингини босиб туриб йўталадиган галати одам эди. Бозорбой ичиди, кани, иккита тулки бир ишлашсин, деб қўйди.

Аввалига Бегижон Усмонхоннинг у енгидан кириб, бу енгидан чиқиб ишлаб юрди. Сал кунда иккаласи тил топишшиб қолиши. Бегижон шунака ишни орзу қилиб юрган экан, омборни хавас билан тартибга солди. Бор молларни сортларига, кайси фирмадан чикканига қараб жойлаштириди. Бирон нарса керак бўлганда қидириб юрмай, кўл узатганда дарров топадиган қилди. Усмонхон унинг бу ишидан хурсанд эди.

Буни қарангки, Усмонхоннинг дарди ичиди экан, ўнг бикинида нўхотдек бир ярача пайдо бўлди-ю, кенгайиб данакдек бўлди. Шифохонага ётди. Рак экан, операциядан кейин бандаликни бажо келтириб бу дунёдан кўз юмиб кетди. Унинг ўлими хам Бегижонга кўл келди. То омборни муҳрлагунча эллик-олтмиш жуфт чех туфлисини гумдон қилди. Камомад чикқанда айб мархумнинг бўйнига тушиб қолаверди.

Усмонхоннинг ўрнига бошка ёқдан одам қидириб юришмай, кўли келишиб қолган, деб Бегижоннинг ўзини мудир қилиб қўя қолиши.

Бу Бегижон тушмагур бало чиқди. Усмонхон ўн беш йил ишлаб қилмаган ишларини ўйнаб-кулиб қиладиган бўлди.

Омбор ҳафтада тўрт марта, учтадан жами ўн иккита контейнер олади. Ҳар контейнерга беш юзтадан туфли,

уч юзтадан этик сигади. Фабрика хисобидан бир контейнерга бир-икки жуфт пойабзал скидка берилади. Бу дегани шу пойабзаллар нуқсонли деб хисоблансин ва нархи туширилган баҳорда сотилсин, дегани. Чиңдан хам камдан-кам бўлса-да, пойма-пой туфли ёки бир пойи бошка размер туфлилар аралашиб келиб колади. Брак чиқса-чиқмаса барибир нархи туширилаверади.

Бегижон шаҳардаги жамики бир оёфи протез ногиронларни танийди. Пойма-пой туфлиларни ўшаларга нархи туширмай сотади. Ҳафтада ўн икки контейнердан аллақанчаси нархи туширилмай савдога чиқазилади. Пули албатта Бегижоннинг чўнтағига тушади. Ана шунинг учун хам базадагилар Бегижонни «Нархи туширилган одам» деб аташади. Бегижон бу билан хам қаноатланиб қолмайди. Қайси бир магазин мол олса, ҳар бир туфлига беш сўм, этикка ўн сўм қўйиб беради. Агар магазин мудири оёфини тираса, Қўқон ёки Чирчик пойабзал фабрикасидан олинган молни рўпара қилади.

Бегижон омборни кабул қилгандан бир ярим ой ўтиб, тилла тиши қўйдирди. Ҳужжатларга электрон соатли ручкадан қўл қўядиган бўлди. Яқин-яқинларда — коровул пайтларида маҳорка тутатиб ўтирадиган Бегижон тушмагур энди «БТ» сигарет чекади. Чекканда хам сигаретани гугурт билан эмас, «Ронсон» деган инглиз зажигалкасида тутатади. Столининг устида совун қутидек япон магнитофони пайдо бўлди.

Бир куни Бозорбой Охунович омборга кирганида магнитофонга кўзи тушиб: «И, Бегиш, ўзингга хам олмабсанда», деб илмоқли гап қилиб қўйди. Шундан кейин магнитофон қулоғини ушлаганча кетди. Яна бир куни Бегижон энди машинага ўтираётган Бозорбойга имзо чектириш учун накладной узатди. Бозорбой ёнини титкилаб ручка тополмай турганда у электрон соатли ручкасини узатди. Бозорбой ҳафсалা билан имзо чекиб, раҳмат, укагинам, деганича ручкани ички чўнтағига солиб қўйди. Ручка хам Бозорбойнинг иссиққина қўйнида кетди.

Бегижон ишига пишиқ одам. Керакли жойга, фирчиламасин, деб мўлжалдан ортиқ мой чаплаб қўядиганлардан. У Бозорбой билан орани сира бузмайди. Пихи қайрилиб қўлтиғига кириб кетган бу одамни алдаб бўлмайди. Ўқондек оғзига курак билан ташлаб турсант хам тўймайдиган «Отахон»га бир меъёрида мумомала қилиб турарди. Яъни, ҳар контейнердан икки юз сўм пул билан иккита пойабзал ўша кишиники. Булардан ташкари, унинг ёнидаги гугурт қутичадек дафтарчасида Тижо-

ратхон билан Орастахон нечанчи пойабзал кийишидан тортиб, туғилган қунигача ёзиб қўйилган.

Бегижон мундок ўйлаб қараса, орадан ўтган уч йил мобайнида Бозорбойга ўн беш минг сўмлик нарса берипти. Албатта Бегижон хам анойилардан эмас. Бу пулларни шундай усталик билан қайтариб олайки, ўзи хам билмай колсин, деб ўйларди. У ўйлаб-ўйлаб Бозорбойга куда бўлишни дилига тугди. Бозорбой нимайики топса, яккаю ягона қизига атаб ташлаб қўяди. Ахир, шу кизидан бошқа меросхўри йўқ. Агар кизини Бегижон келин қиласа, берган нарсаларининг хаммаси сеп бўлиб, ўз уйига келади.

Кунларнинг бирида Бегижон хотинини ёнига чакириб фикрини айтди:

— Ёмон бўлмайди. Гап ўғлингда колган. Агар рози бўлса, совчи бўлиб борамиз. Эрталабгача ўғлинг билан гаплашиб, менга жавоб қил, — деб тайинлади.

Хотини ўғлига бу гапни айтганда:

— Бозор аканинг қизи Орастани айтяпсизми, — деди қўл силтаб, — ахир у фирт анақа-ку.

Эрталаб хотини Бегижондан сўради:

— Хой, дадаси, ўғлингиз у қизни «анақа» дейди. Бу нима дегани?

Бегижон нима дейишини билмай, гапни кисқа қилиб қўя колди.

— Энди ҳалиги, анақа дегани шўх дегани-да, ўғлингга айт, майда гап бўлмасин. Шуни олади, гап тамом!

Бегижоннинг хотини ўғлини қийин-қистовгага олди:

— Вой болам, дадангнинг гапини икки қилмагин, анақа бўлса бўлар. Ҳар қандай киз ёшлигига бир-бир «анақа» бўлиб ўтади. Мен хам «анақа» бўлганман, опаларинг хам «анақа» бўлишган. Катта опанг шунақаям «анақа» бўлганки. Хўп дегин, болам.

Ўғли: «Э, боринг-э», деб ўрнидан туриб кетди.

Бўлмайдиган ишга қўл уришдан фойда йўқ. Бозорбой икки дунёда хам Бегижон билан куда бўлмайди. У қизини казо-казоларнинг ўғлига муносиб хисоблайди. Казо-казолар билан куда бўлиб катта давраларда савлат тўкишини орзу қиласди. Шунинг учун хам Беги қудачиликдан оғиз очиши биланоқ: «Уқагинам, бўладиган ишдан гапир, нима қиласан, осмондаги ойга қўл чўзиб», деб гапни таққа тўхтатиб қўя колди.

Бегижон бир-икки кун қовоқ-димоғ қилиб юрди-ю, кейин ховридан тушди. Тушмай қаёққа хам борарди.

Барибир шундок бўлгани билан Бегижоннинг юрагида Бозорбойга нисбатан бир кубор қолди. Ҳар контейнердан бериладиган иккита туфли биттага тушди. Берадиган нақд икки юз сўмни гоҳ бериб, гоҳ галга соладиган бўлди. Бозорбой бу «одобсиз, яхшиликни билмайдиган «нархи туширилган» одамнинг кўзини очиб қўйишга пайт пойлар эди.

— Келиб-келиб менинг ризқимни қирқасанми, тулки, — деб тўнғиллаб қўярди.

Ана шундай хаёллар билан Бегижоннинг гўрига фишт қалаб ўтирган бир пайтда кабинет эшиги очилиб картошка бозори оғзидағи «Обувной»нинг мудири Эшмон Давлатов бош сукди:

— Кирсан майлими, Бозор ака?

Бозорбой бош ирғаб, рухсат ишорасини қилди. Эшмон саломалик ҳам қилиб ўтирмай қийинчага тугилган салмоқлигина пулни «пўп» этқизиб столга ташлади.

Бозорбой сапчиб ўрнидан туриб кетди. У ҳеч қачон кабинетда бирордан пул олмаган. Кабинетда пора олишини конунга хилоф иш деб биларди.

— Бу нима? — деди Бозорбой кўзлари олайиб.

— Пул, — деди хотиржам Эшмон Давлатов.

— Қанақа пул?

— Пулдақа пул-да, хўжайин.

— Адресини адаштирибсиз, укагинам. Мен умримда пора олмаганман. Хозир мелиса чакирайми?

Эшмон бу гап айни муддао маъносида:

— Майли, — деди.

Бозорбой ўрнидан туриб кабулхона эшигини очди-да, котибасига, мен йўқман, деб эшикни ичидан қулфлаб олди. Жойига безовта ўтиаркан:

— Эсинг жойидами, укагинам. Қани тугунни еч! Қанча олиб келдинг!?

— Э, хўжайин, бу пул сизники эмас, давлатники.

Эшмоннинг давлатники, дегани уни қулогига Давлатовники бўлиб эшитилди. Унинг хафсаласи пир бўлдию чор-ночор насиҳатга тушиб кетди:

— Э, шунақами, пул ўзимизники демайсанми? Савдо ходимининг иши нозик иш. Қиличининг дамида юриб тирикчилик қиласди. Эҳтиёт бўлиш керак. Бунча пулни ёнингда олиб юришининг яхши эмас. Назаримда, бештадан ошиқ бўлса керак, топдими?

Эшмон бош чайқади.

— Тополмадингиз, хўжайин. Олтита.

Бир муддат жим қолиши. Охири Эшмон мақсадга күчди:

— Эркатойингиз мени сувга юбориб, сүформай олиб келяпти. Ё мени ишдан бўшатинг, ё Бегишингизни тартибга чакиринг. Элликта австрийский заифона этикни дўконимга ёзибди. Олгани келсам, хужжатларга кўлимни кўйдириб, олти минг сўмни тутқазди.

— Вой, абллаҳ-е. Вой, ноинсоф-е. Ўзи бу боланинг поймонаси тўлиб турипти. Ҳозир-ҳозир, чорасини кўрамиз.

У шундай деб ички телефон трубкасини кўтарди:

— Проходной билан уланг. Бугун ахранада ким? Луқмон тоға, сизмисиз? Сизга жанговар топшириқ. Бугун биронта ҳам мол чиқазмайсиз. Тушундингизми? Шундок бўлсин!

Бозорбой телефон илгагини босиб яна кўтарди:

— Энди обувнойни уланг. Ким у? Ўзингизми, укагинам. Дарров олдимга келинг. Шошилинч.

У трубканни жойига қўяркан, тугунчага узоқ қараб ўтириди, кейин оғир хўрсиниб Эшмонга каради:

— Манаву қалитни олиб сейфни очинг. Ичига пулни кўйиб, ўз қўлингиз билан кулфланг.

Эшмон Давлатов эсанкираб қолди. Худли сеҳрлангандек Бозорбой айтган ишни қилди. Фақат сейфни кулфлаётганда қўли бир оз қалтирагандек бўлди. Бозорбой: «Ха, қўрқаяпсан-а, пул қўлдан кетди» деб, кейин стол галадонидан қоғоз-қалам олиб Эшмоннинг олдига кўйди.

— Ёзинг, нима бўлган бўлса, ҳаммасини аниқ қилиб ёзинг. Яширманг!

— Бошқа хонага чиқиб ёзай, ҳозир ўзи келиб колса нокулай бўлади.

— Қўрқманг, укагинам. Бегишининг қўли чакқон бўлгани билан оёғи суст. Ярим соатсиз етиб келолмайди. Бемалол ёзаверинг.

Эшмон нима деб ёзишни ўйлаб қалам тишлаб ўтиради.

Бозорбой унга қараб ғижиниб кўйди. Бирдан хаёлидан, тунов кунги хатни шу ёзмаганмикин, деган фикр ўтди.

«Эшмон Давлатов ўзи ҳам емай, бирорга ҳам едирмайдиган қурумсоқлардан. Бутун умри савдо ишида ўтибдики, ҳалигача бири икки бўлмайди. Битта туфлини ўн йил кияди, чоғи. Унинг дўкони тўғрисида биронта шикоят тушмаган. Омбордагиларга хеч нарса бермайди. Шунинг учун ҳам уни ёмон қўришади. Бозорбой эллик ёшга

кирганда база клубида юбилей кечаси бўлган эди. Ҳамма омбор мудирлари баҳоли қудрат, бири билур ваза, бири гиламча, бири исми ёзишган тилла соат олиб келди. Эшмон бўлса «ўз ҳовлимиздан» деб, бир даста гул кўтариб келувди. Қақшамай ўлгур. Бола-чақалари ҳам дурустгина кийинмайди. Мехмонни ҳам эплаб кутолмайди. Мажлисида бўлса тили бир карич. Хатни шу ярамас ёзгани аниқ. Аммо унга қаттиқ гапириб бўлмайди. Ўлгиси келган одам у билан ўйнашади. Ишқилиб, Бегиши ўлтирининг иши пачава бўлиб кетмаса гўрга эди. Нима бўлса ҳам Бегижон Эшмондан кўрсинг. Эшмоннинг қўли билан унинг гирибонидан бўғаман».

Эшмон бир ярим варакни тўлдиргунича ҳам Бегижондан дарак бўлмади. Бозорбой унинг ёзганларини ўқиб стол тортмасига ташлаши ҳамон қўлида чойнак билан Бегижон кириб келди.

— Хўжайин, тўқсон бешга қалайсиз. Лўнқасидан...

У киравериш эшикка орка қилиб ўтирган Эшмонга кўзи тушди-ю гапининг охири оғзида қолиб кетди. Қўлидаги электр плита устидан олинган чойнакни столга қўйишини ҳам, қўймаслигини ҳам билмай бир Бозорбоя, бир Эшмонга қараб туриб қолди. Охири қўли куйганига чидамай чойнакни столга қўйиб, куйган барманини муздек мармар сиёҳдонга босди.

— Энди мендан хафа бўлмайсан, укагинам, ҳозир искалатни печатлаймиз. ОБҲСдан одам чакириб ревизия қилдирашимиз. — У шундай деб ўриидан турди-да, сейф ёшигини очиб тугунчага ишора қилди. — Мана буига акт тузамиз.

— Э, ундоқ қилманг, хўжайин, — деди Бегижон бўшашиб.

— Иложи йўқ. Давлатов ҳамма гапни ёзиб берган. Қоғозга тушган хат хужжатга айланади. Сиз учун жавобгар бўлишни истамайман.

Бегижоннинг боши эгилиб қолди. Нақд олти минг сўм қўйландикетяпти. Бу ярамас Бозорбой ана шунака пайтларда ўз фойдасини қўзлаб қолади. У пайт пойлайди. Пайт пойлаб, билагингдан шартта ушлайди. Қани, қутулиб кўрчи!

— Хўжайин, — деди Бегижон умидсиз бир ахволда. — Мени кечиринг. Бир итлик қилиб қўйдим. Энди тақдирим сизнинг қўлингизда. Хоҳланг ўтга ташланг, хоҳланг пешонамни силанг.

Бозорбой столни чертиб узоқ ўйланди. Охири икки кафтини стол кирғоғига тираб ўриидан турди:

— Бўлмасам, бундай киласлик. Беги, сен ҳам ахволимни тушун. Бир бало бўлса менга бўлади. Шунинг учун, иккинчи бунака иш қылмайман, деб битта тилхат ёзib бер. Агар биронтаси шу масалада гап қўзгаса, тарбиявий ишлар олиб борганман, деб айтаман. Менга кара, укагинам. Давлатовнинг дўконига жўнатиладиган 50 пар австрия этигини хозироқ жўнат!

Бегижон сейфга ишора қилди.

— Бу масалада кейин гаплашамиз, — деди Бозорбой. У гапни тугатмаган ҳам эдики, котиба қиз кирди:

— Бир милиция майори билан милиция капитани киришга рухсат сўрайти.

Бозорбойнинг ранги докадек окариб кетди. Бегижоннинг ахволи ундан баттар эди.

Бегижон Бозорбойга мунгайиб қаради. Унинг бу нигохида, ўзингиз қўйлаб юборинг, деган маъно бор эди.

— Кани, сизлар бораверинглар-чи, Беги. Мен уларни алаҳситиб тураман, сен дарров ўша 50 пар этикни дўконга жўнат. Бўлмаса жувормарг бўлиб кетасан.

Бозорбой шундай деб котибага қаради:

— Чакир, кираверишсин.

Эшикдан ўрта ўшлардаги майор билан ёшгина капитан кирди. Бозорбой майорни дарров таниди.

— Э, келинглар, келинглар...

Уларни ўтиришга таклиф қиласкан, Бозорбой Бегижон билан Эшмонга, тезроқ жўналаринг, деган ишора қилди. Эшмон билан Бегижон кабинетдан чиқиб кетишиди.

— Мени танимадингиз-а, Бозорбой ака, — деди майор ўтираскан.

— Э, таниганда қандок, ўртоқ Сулаймонов. Ахир сиз билан ўтган йили Кисловодска дам олганимиз-ку. Қалай, келин тузалиб кетди-ларми?

— «Ботаника» санаторийисида дам олаётган эди. Кўргани машинада Термиздан келдик. Манаву капитан укамиз бизда терговчи бўлиб ишлайдилар. «Жигули»ни шу киши ҳайдаб келдилар.

— Ҳай-ҳай, жуда чарчагандирсизлар, — деди хаёл аралаш Бозорбой.

У шу топда бу одамлар бекорга келмагандир. Бирон хат-пат тушган бўлса текширгани келишган. Уларга муомалани бошқачароқ қилиш керак, деб ўйларди.

— Эсингиздами, Бозорбой ака. «Храм воздух»да суратингизни олган эдим, келин аям билан.

Бозорбой эслади. Сулаймонов курортда доимо бўйнига фотоаппарат осиб юради. Эслалик учун ёдгорликлар

олдида таниш-билишларнинг суратини оларди. Бир ҳаваскор суратчининг олгани нима бўларди, деб Бозорбой унга уичалик эътибор бермасди. Кўнларнинг бирида «Храм воздух»да Тижоратхон билан икковининг суратини олган эди. Ўшани айтаётган бўлса керак.

Сулаймонов ён чўнтағидан кора пакет олиб, ичидан тўртта сурат чиқазди:

— Мана ўша сурат. Жуда яхши чиқкан. Қачондан бери Тошкентга борсан Бозорбой акага бераман деб, асраб юрадим.

Бозорбой суратни олиб тикилди. Эр-хотин икковлари бошларига грузинча қалпоқ кийиб илжайиб туришинти. Тижоратхоннинг жуда тўлишган пайти экан. Бошқа суратда Бозорбой тожикистонлик база мудири билан булок бўйида сув ичиб туришинти. Оти нима эди?! Бозорбой ўйлаб, ўйлаб эслолмади.

— Э, раҳмат-е, — деди Бозорбой. — Зап иш бўлди-да. Бу живой тарих. Энди қачон карасам, бирга дам олган кадрдонлар эсга келаверади.

Улар санаторий яқинидаги бир кампирнинг уйида девзирадан ош дамлаганларини, беданадан табака қилгандарини эслашди.

— Шу дейман, Бозорбой ака, атайин курортга бориб бирон марта ваннага тушмадингиз-а, — деди кулиб Сулаймонов.

Котиба қиз патнисда чой олиб кириб, қўйиб чиқиб кетганидан кейин жавоб қилди:

— Э, дўстим, соппа-соғ одам бўлсан, ваннага тушиб нима қиласман. Биззи хотин сал ҳусндорроқ. Битта-яrimта шилким элакишмасин, деб коровул бўлиб борганман.

У шундай дея туриб, бир минут, деди-ю, шошиб қабулхонага чиқиб кетди.

Котиба қиз олдида Бегижон ўлимини кутган маҳбусдек ранги қум окариб ўтиради. Бозорбойни кўриб дик этиб ўрнидан турди:

— Тинчликми, хўжайин?

Бозорбой унга ўқрайиб қаради:

— Сенлар шунаقا қовун туширасанлар-да, мени балога қўясаллар. Эшмон хабар қилганга ўхшайди. Сени олиб кетгани келишинти. Искалатни печатлаймиз дейишяти. Коҳ! Искаладни қулфлагину жуфтакни росла. Уларни жўнатганимдан кейин кел. Нима бўлганини ўшанда айтгаман. Мен ҳам бўш келадиганлардан эмасман. Енгидан кириб ёқасидан чиқяпман. Анаву капитани гапга кирмайдиган ўжар экан. Хеч эрлтиб бўлмаяпти.

— Жон ака, — деди ёлвориб Бегижон. — Бир бало килинг. Ҳар қанча чиқими бўлса мана мен турибман. Бир бало килинг, ака.

Бозорбой, бир уриниб кўраман, деб яна ичкарига кириб кетди.

— Зерикиб қолмадингларми? — деди Бозорбой ўти-раркан. — Энди бундек килсак, уйга телефон қиласай, келин аянгиз битта қўлбола ош килса, бирга баҳам кўрсак. Шундай қиласайлик-а?

Сулаймонов кўнмади. Шу бугуноқ қайтишлари зарурлигини айтиб, ўрнидан турди.

Бозорбой уларни база дарвозаси олдигача кузатиб чиқди. Жабборга уларни Тошкент меҳмонхонасигача обориб қўй, деб буюрди.

Бозорбой қайтиб келганда Бегижон уни кутиб турарди.

— Бўлдими, ака?

— Ичкарида гаплашамиз, — деди Бозорбой кабинет эшигини очатуриб.

Ичкарига киришганда Бегижон яна сўради:

— Бўлдими?

— Э, бўлмайдиган иш борми, укагинам. Пул бўлса чангала шўрва! Ўша олти минг сўм пулинг қунингга яради. Ўн минг, дейди-я, ноинсоф. Зўрга, отанг яхши, онанг яхши, деб олтитага қўндирам бўладими?

Бегижоннинг ичида бир нима узилиб кетгандек бўлди. Олти минг сўмни топиш осонми, э аттант! Шу гап ростмикин, деб ўйларди у.

— Ҳазиллашаётганингиз йўқми, хўжайин?

Бозорбой тутакиб кетди:

— Яхшиликни билмайдиган аҳмоқ экансан. Менга нима эди-я, ўртага тушиб. Майли, Жаббор келсин, бориб пулингни қайтариб олиб келаман. Бу ёғига ўзинг муомала қиласан. Менга нима...

Бегижон кўркиб кетди:

— Ундай қилманг. Бозор ака, майли, пул кетса кетипти. Бу ёғи тинчиса бўлгани.

— Тинчиди. Тинчиди, деб билавер. Бозор аканг бир иш килса пишиқ қиласади. Эшмонга каттиқ гапирма. У ёмон одам.

— Э, рахмат, ака. Бу яхшилигингизни сира унумтайман.

Бегижон бўлиб ўтган воқеага ишониб-ишонмай чиқиб кетди.

Бозорбой сейфни очиб тугунчадаги пулни кўлига олди. Худди тарозибонга ишонмай олган матоини қўлида салмоқлаб кўтараётган харидордек тугунчани кафтига кўйиб чамалади.

Бозорбой пулни оғирлигига қараб қанчалигини аник белгилайдиганлардан эди.

3. «ЧўМИЛАЁТТАН АЁЛ»

Хотинидан бахти чопмаган Бозорбойнинг иккинчи уйланишга юраги дов бермасди. Тарки дунё қилиб дарвешона кун кўриб юрган ўша йилларда базага жанубий районлардан бирида магазин мудири бўлиб ишлайдиган бир жувон малака оширишга келади. Бозорбой уни кўрадиу ақлу хушини йўқотади.

Бозорбой базада товаршунос эди. У жувон ҳам шу касбда экан. Уни Бозорбоя боғлаб қўйишади. Билаклари тирсиллаган, қўкракдор, бетлари оппок жувонга хар қараганда Бозорбойнинг қўзлари камашиб кетарди. Сўлкилдок қўкрагининг айри жойи тепасида мошдан сал каттарок хол бор эди. Ана шу хол Бозорбойнинг тушларига кириб чиқарди.

Исми ҳам ажойиб. Ҳеч кимда йўқ исмлардан. Тижоратхон. Гаплари ҳам бошқача. Жуда ширин. Дастрлабки пайлар «о»ни «ў» килиб, «ў» ни «у» килиб гапиравади. «Хозир бораман» демасди. «Хўзир бўраман» дерди. «Тўйга бордим» демасди. «Туйга бўрдим» дерди. Тижоратхон ана шунака ажойиб аёл.

Электрон калкулятор тутгасини босишни яхши билмаганидан Тижоратхон Бозорбойнинг орқасидан келиб, буни қандоқ босади, деб сўраганда елкасига илиқцина тегиб турган аёл вужудидан Бозорбойнинг бошлари айланниб кетарди.

Хуллас, Бозорбой Тижоратхонга ошиқи бекарор бўлиб қолди. Лекин гапни нимадан бошлишни билмай эсанкиради. Зўр келганда керакли гап топиларкан. Икковлари буфетда компот ичиб ўтирганларида Бозорбойнинг калласига шунака гап лоп этиб келиб қолди.

— Тижоратхон, санъат музейига бордингизми? — деб сўради.

— Бўрдим, — деди Тижоратхон.

— Борган бўлсангиз «Чўмилаёттан аёл» сувратини ҳам кўргандирсиз?

— Ҳа, курдим, — деб жавоб қилди Тижоратхон. — Нима эди?

- Шу суврат сизга караб чизилмаганми мабодо?
- Вой, мен ўшанга ўхшайманми, — деди у бу гап ниҳоятда ёқсанни билиниб турган бир охангда. — Э, бўринг-э!
- Йўк, — деди Бозорбой. — Сиз унга ўхшамайсиз. У сизга ўхшайди.

Бозорбой ўша пайтларда идорадаги диванда ётиб юради. Хотинидан ажрашганда уй-жойи, мол-мулкини ташлаб, битта костюмини елкага илиб чиқиб келаверганди. Тижоратхон эса база ёнбошидаги келди-кетди учун маҳсус қурилган меҳмонхонада вақтинча истиқомат қиласди. Ишинг ўнгидан келаман, деса ҳамма йўл бирдан очилиб кетаркан. Қаранг, ойдек сўлқилдок жувон ўз оёғи билан келиб унинг ихтиёрида ишласа. Икковининг хам тепасида тергайдиган кимсаси бўлмаса. Кеч кириб ҳамма уй-уйига кетганда дил ёришга Тижоратхондан бошқа одам бўлмаса...

То хўрз қичкиргунча база олдидаги скамейкада у ёқбу ёқдан гаплашиб ўтиришади. Тайёр пойлокчи топилганидан севинган қоровул чопонига ўралиб вақтлигина уйқуга кетади. Бозорбайнинг ўшлиги қайтиб келди. Ох урса ўпкаси қўринадиган даражада ошики бекарор бўлди.

Тунни тонгга улашларнинг охири тўй билан тугади...

Тижоратхоннинг пойқадами ёкиб, тўйдан бир ой ўтганда Бозорбой база мудирига ўринбосарликка кўтарилиди. Раҳбар ходим сифатида унга тўрт хонали уй беришиди. Эски бўлса хам «Волга»да ишга бориб кела-диган бўлди.

Тўй ўтганига роппа-роса бир йил тўлиб, бу кутлуғ санани нишонлашга тайёргарлик кўраётгандаридан тонг маҳали гумбирлаб ер қимиirlаб берди. Эр-хотин чодирга кўчиб чиқишиди. Тижоратхоннинг ой-куни яқин бўлганидан шошилинч қурилаётган коттеджлардан бири Бозорбойга берилиди. Янги меҳмон ҳам янги уйга кўчмасанглар туғилмайман, деб турган экан. Кўчиб киришган куни қок яrim кечада Тижоратхонни «Тез ёрдам» машинаси турурукхонага олиб кетди. Киз бола баҳт келтиради, дейишиди. Отини Орастахон қўйишиди.

Тижоратхон битта туғдию янада гул-гул яшинаб кетди. Чакалоқ тўйига йигирма чоғли меҳмон келди. Ота бўлганидан қувониб кетган Бозорбой ширингина маст бўлди. Хотинининг олдига ўтироволиб тинмай уни таърифларди.

— Биззи хотин ўшлигига жуда гўзал бўлган. Музейдаги «Чўмилётган аёл»ни кўрганмисиз? Ҳудди ўшанинг ўзи эди! Тўғрими, хотин?

Тижоратхон баҳтдан энтикар, эрининг галига, «тўғре», деб жавоб қиласди.

— Ёш пайтини кўрмагансиз биззи хотинни. Тўғрими, хотин?

— Тўғре, — дейди мамнун илжайиб Тижоратхон.

Тошкент зилзиласи муносабати билан бутун мамлакатдан ёрдам келди. Курилиш материалларидан ташқари ноёб кийим-бошлар, рўзгор анжомлари, уй жиҳозлари базага тиқилиб кетди.

База мудирининг биринчи ўринбосари бўлган учун Бозорбой Охунов бошқа республикалардан келган молларни шахсан ўзи тақсимларди.

Бозорбайнинг ишларини зимдан қузатиб юрган баъзи бир «қитмирлар» орқаворатдан сасиб қўйишарди.

— Бозорбайнинг бозори чақкон бўлиб кетди.

— Ҳа, нимасини айтасиз, хотини бола турса, ўзи пул тугаяпти.

Бу гапларда албатта жон бор эди. Тижоратхон тонг отгунча бир қўли билан беланчак тебратса, бир қўли билан гижимланган ўн сўмликларни текисларди. Эрталаб эри ишга кетаётганда уйқули кўзларини ишқаб дерди:

— Дадаси, энди ўн сўмликларни обкеманг. Санайвериб қўлларим адо бўлди.

Бозорбой яйраб ҳазил қиласди:

— Шукр қилинг, шукр қилинг, Сангинова.

Бора-бора Тижоратхон эрининг топганига қаноат қилмай қўйди. ўтирган жойда пул топиш йўлларини кидиради.

Яна бир гап. Хотини билан қизига иккита француз атири бир ойга етмайди. Бозорбой атир олавериб омбор мудирининг меъдасига тегиб кетди. Йўк, деса бўлмаса. Бераверса, ҳисоб-китобли буюм бўлса. Бир кун Бозорбой омборга кириб француз атирини сўраганда, мудир жонидан суғуриб бераётгандек атиги биттасини қоғозга ўраб узатди. Бозорбой бу гапни хотинига айтганда Тижоратхоннинг пешоналари тиришиб кетди.

— Рост-да, — деди Бозорбой. — Ҳар биттаси фалон пул бўлса. Ҳадеб қаёқдан олади? Сал орка-ўнгига караб ишлатинглар-да.

— Менга қаранг, дадаси. Склад мудирингиз опитний эмас экан. Иш билмаса нима киласди мудирлик қилиб! Буюкка ўтиринг, йўлини ўргатиб қўяй сизга.

Тижоратхон эрини диванга ўтқазиб «лекция» ўқишига тушди:

— Арақ, конъяк, атир каби буюмлар копқоғи очилмай синган бўлса списат қилинади. Ҳасис ўлгириңгиз қисинмай француз атири канча бўлса бераверсин. Зараар кўрмайди. Қопқоғини очмай синдириб ичидагини марлидан ўтказиб бошқа идишга қўйиб оламиз. Идишни ўзига қайтариб берасиз. Тушундингизми, дадаси?!

— Э, каллангга койилман, Сангинова, — деб юборди Бозорбой.

База мудири Мирдадаев ёши бир жойга бориб қолган ветеран кооператорлардан эди. Кейинги пайтларда астмаси тутиб ойнинг ярмидан кўпини бюллетенда ўтказарди. Инсофли одам бўлганидан матлубот жамиятига ариза ёзиб пенсияга узатишларини сўради. Илтимоси инобатга ўтди. Мирдадаев ўз ўрнига Бозорбой Охуновни тавсия қилди. Ҳар қалай, базанинг икир-чикирларини биладиган, пасти-баландига караб иш қиласидан бошқа одамни топиш қийин эди. Бозорбайнинг номзоди юкорига маъқул келди-ю, саксон биринчи йилнинг июнида уни база мудирилигига тасдиқлашди. Янги лавозимни ювиш учун Бозорбой Охунович уйига телефон килиб, кечкурун ўн беш кишилик дастурхон тайёрлашини буорди. Тижоратхон, мантига кўй гўшти бериб юборинг, деб тайинлади.

Соат бешларга бориб Бозорбой уйга телефон килиб тайёргарликнинг боришини билмоқчи бўлди. Трубкани олган Тижоратхон йиғламсираб хиқиллаб жавоб қилди.

— Нима бало бўлди, нега ҳиқиллайсан?

— Кизингиз листрани артаман деб тушириб юборди. Чил-чил бўлди.

— Қайси бирини, саккиз юз сўмлигиними? — деб сўради Бозорбой. — Ия, анавунисиними? Оббо, минг икки юзга тушадиган бўлпмиз-да.

Хотини нималар деб узок тушунтириди. Бозорбой иягини қашлаб тингларди.

— Бўпти, бўлар иш бўпти. Ҳозир шофёр боради. Биронта қофоз қаробкага жойлаб бериб юбор. Янгисига алиштириб юрамиз. Мантини туғиб бўлдингми? Ҳа, дуруст. Хунарингни бир кўрсатасан, Сангинова.

Кечкурун соат етти яримда жамоат жам бўлди. Эшмондан бошқа ҳамма келди. Янги қандил ҳавоий нур тўкиб турган дастурхонда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор эди. Тижоратхон қоматини намойиш қиласидан юпқа ҳарир кўйлак кийиб олган. Кўйлаги шу қадар юпқа эдики, елкасидаги бонка солганда қолган доғлар бемалол кўриниб турарди. Орастахон бўлса оч ҳаворанг блузка кийиб олган.

Биринчи қадаҳ пенсияга узатилган Мирдадаевнинг соғлиғига кўтарилиди. Иккинчи қадаҳ Бозорбайнинг соғлиғига. Учинчиси шу оиласа файз киритиб Бозорбайдек нозиктаъб одамнинг кўнглини тополган Тижоратхон соғлиғига кўтарилиди.

Учинчи қадаҳдаёқ Бозорбой чулдириб қолди:

— Жуда тўғри иш қилдинглар. Бизнинг рафиқамиз дунёда топилмайдиган аёл. Сизлар билмайсизлар, бизнинг хотин ёшлигига ниҳоятда гўзал бўлган... Тижо, журналини олиб чик!

Тижоратхон, қўйинг, уят бўлади, деб уни қайтармоқчи бўлди.

— Опчиқ, опчиқ. Ҳе, сенга айтяпман!

Тижорат ичкарига кириб кетиб кўлма-кўл ўтаверганидан эскиб кетган қандайдир бир журнални кўтариб чиқди. Бозорбой журнални вараклаб керакли саҳифани очди-да:

— Мана, — деди намойишкорона. — Бизни хотин ёшлигига худди шунинг ўзи эди.

Журналда санъат музейидаги «Чўмилаётган аёл» сувратининг рангли фотоси босилган эди.

— Ўлай агар, худди шунинг ўзи эди, — деди Бозорбой ҳиқиҷоқ тутиб. — Мана, ишонмасанглар ўзидан сўранглар. Ўхшайсан-а, Тижо! Тўғрими?

— Тўғре, — деди Тижоратхон эрининг гапини тасдиқлаб.

Ўйин-кулги ярим кечагача давом этди.

4. АВАРИЯ

Кеча оқшом эр-хотин жуда хурсанд эдилар. Бозорбой Сочинга иккита путёвка олиб келган. Тижоратхон йўл анжомларини йигишириб алла-паллагача ухлолмади. Эри хурракни қўйиб ухлаб ётиби. Соат бирдан ошган бўлса ҳамки қизидан дарак йўқ. Аллақайси бир дугонаси-никига «именина»га бораман, дегандек бўлувди. Қизи тушмагурнинг бемаҳалда юриши ёмон-да. Үнга қаттиқроқ гапирсанг, ётоғидан чиқмай аразлаб ётаверади.

Дарвоза кўнғироғи чалингандада соат чоракам икки эди.

Кўча тарафда ғовур-ғувур бўлиб қолди. Орастахон дугоналарини бошлаб келган, шекилли.

Тижоратхон ҳалатини елкага ташлаб, шиппакни оёғи учига илиб, лапанглаб бориб дарвоза ўртасидаги эшикни очди.

Орастахон «Жигули»ни уриб, олдини пачок қилиб кепти. Яп-янги машинага қараб бўлмайди.

— Ўзинг тинчмисан, болам? — деди онаси қўркиб кетганидан титраб.

Орастахон, гапни чўзмай дарвозани очинг, деган ишорани қилди.

Тўрт давангир йигит машинани итариб ҳовлига олиб киришди. Гараж олдига ташлаб кўйилган брезент чодирни машина устига ёпишга, «бўлдими, кетаверайлекми» деб сўраши.

Уларнинг гапи-гапига унча қовушмаганидан анчагина кайфи борлиги билиниб турарди. Орастахоннинг ишораси билан тўртталаси циркда ўргатилган отлардек гижинглаб, кўчага чиқиб кетишиди.

— Даданг кўрса... нақ кунингни кўрсатади-я!

— Папамларга айтмай қўя колинг. Сизлар қурортдан келгунча тузаттириб кўяман.

Хотин кишининг ичида гап ётармиди. Тижоратхон эрталаб эрига оғзидан гуллаб кўйди.

— Дадаси, қизингиз бир гуноҳ иш қилиб қўйипти. Уришмай қўя колинг.

— Нима бало қипти?

— Машинасини уриб кепти. Одди пачоқ бўлган. Шунча жавради, баллон олиб беринг, деб. Мана, нима бўлди? Сув сепилган асфальтда тиши едирилган баллон сирпаниб бориб, усталбага урилипти.

Эри қизининг соғ қолганига шукр қилиб индамай қўя колди.

Бозорбой қурортга кетиш олдидан қиласидан ишларини ўйлаб беғамгина юрган эди. Кетар олдида бу ташвиш оптика бўлди унга.

— Сенлар шунақасанлар. Бир тийин топиш қудуқдан сув тортишдан хам мушкуллигини билармидинглар?! Бу пулларни жонимни гаровга қўйиб топиб келялман. Белларинг оғримаган-да, эсиз шундоқ машина. Бир-инки минг сўмнинг бошига сув қуядиган бўлдиларинг.

Тижорат индамади. Ичида, хайрият, фазаб отига минмади, деб қўйди.

— Бери кел, Тиже! Сенга айтадиган зарур гапим бор.

Хотин, нима гап экан, деб ёнига келиб ўтириди.

— Қизингни ахволи бундоқ бўлса. Қурортга индамай кетаверамизми? Кассага пул қўя олмаймиз, топган-тутганимизни бериб қўядиган якин одамимиз бўлмаса, хўш, нима қиласиз? Қизинг уйни қўриқлашга ярамайди. Кечакишига?

лари ҳам ташлаб, санкиб кетаверади. Хайронман, нима қиласиз?

Тижоратхон масаланинг бу томонини ўйлаб кўрмаган эди. Уйни қўриқлашга пишиқ-пухта, ишончли бир одам керак. Уларда бунака одам йўқ. Бозорбой ҳам, хотини ҳам хеч кимга ишонишмайди. Уйда оламжаҳон мулк бор. Пул бор. Тақинчоқ асбоблар бор.

— Ўйла, хотин, ўйла!

— Сиз отпускага чиққанингизда Жаббор нима иш килади?

Бозорбойнинг кўзлари яшнаб кетди:

— Э, каллангта қойилман, Сангинова. Уйни қўриқлашга энг яхши кандидат шу Жаббор. Жабборга ҳам шу бугундан отпуска бераман. Сен қимматбаҳо нарсаларингни битта уйга қамайсан. Жабборга бериги меҳмонхонани очиб берамиз. У шу ерда туради. Еб-ичишга етадиган харж ташлаб кетаман. Кечаси билан бир нарсани ўйлаб чиқдим. Пул билан тақинчоқ асбобларни «Жигули»нинг баллонига тиқиб фиддиракка ўрнатсан-да, кейин фиддиракни машинага кийдириб қўйсак, нима дейсан? Машина бузук, юрмайди. Эски фиддиракни бирор ўғирламайди ҳам. Тураверади.

Тижоратхон эрининг уддабуронлигига қойил қолиб, бош иргаб қўйди.

— Аммо, — деди Бозорбой. — Фиддиракка баллон кийдириш менинг қўлимдан келмайди. Кучим етмайди. Қизинг ҳам эплолмайди. Бирорга қилдириб бўлмайди. Шунга бошим котиб туриши.

— Жаббор қиласерсин. Ахир у неча йиллардан бери сиз билан ишлаб синашта бўлиб кетган.

— Бирор билмагани дуруст эди-да, хотин. Ўзи қани?

— Кўчада, машинасида ўтирипти.

— Чакир!

Бозорбой Жабборни жуда меҳрибонлик билан кутиб олди.

— Кел, Жабборбой, ўтири, ўғлим. Қани, дастурхонга кара. Уялма, олавер. Ўзинг қалайсан? Мен кетсан зерикб қолмайсанми, ўғлим? Шу дейман, сен ҳам отпуска қилиб қўя қолганинг дуруст. Аммо-лекин, сенга бир иш топиб турибман. Отпуска пайтида қиласидан иш. Маоши нақд. Бизнинг уйга қўриқчилик қиласан. Қўлингга нақд уч юз ташлаб кетаман. Гул-пулга қараб, кечалари уйдан хабар олиб ётасан. Келганимдан кейин ўзим яна рози қиласан. Нима дейсан? Синглинг Орастахон ҳам ёлғиз. Қиз бола қўркиб, ухлолмай юрмасин.

Бозорбойниң гаплари Жабборга унча ёқмай турған эди. Орастахоннинг ота-онаси билан кетмай уйда қолиши ни эшитиб, дарров рози бўлди.

— Хўжайнин, бир гапингизни икки қиласидан тилимини шартта кесиб ташлайман. Сизнинг этагингиздан ушлаб ёмон бўлмадим. Бирим икки бўлди. Тўрт хонали уйга эга бўлдим. «Москвич»ли бўлдим. Ишқилиб, базага нима келса қуруқ қўймайсиз. Бемалол кетаверинглар. Уйингиз тепасидан күш экан-ку, ҳатто пашшани ҳам учирмайман.

Бозорбой яйраб кетди. Сурилиб келиб Жабборнинг елкасидан кучди:

— Раҳмат. Имони бут болалигини билардим. Яна бир синовдан ўтдинг. Энди бир сирли гап бор. Оғзингга пишик бўласан. Бу сир икковимизнинг ўртамиизда қолсин. Орастага ҳам, онаси ҳам билмайди. Ҳозир икковини бир иш билан кўчага чиқариб юбораман. Икковимиз «Жигули»нинг баллонига пул жойлаб, машинага ўрнатиб қўямиз. Нима дейсан?

— Каллангиз ишлайди-да, хўжайнин. ОБХССнинг тушига ҳам кирмайдиган ишларни биласиз.

Ўз ақлига ўзи қойил қолган Бозорбой лапанглаб уйга кириб кетди. Хотини билан узоқ гаплашиб қолди. Сал ўтмай Тижоратхон қизини эргаштириб, бозорга борамиз, деб кўчага чиқиб кетди.

Улар икки соат ўтганда қайтиб келишди. Бу пайт Жаббор шуллар билан тақинчоқ буюмларни баллонларга жойлаб, фидиракларни машина ўқига ўрнатиб бўлган эди. Она-бала ичкарига кириб кетишганда Жаббор сўради:

Хўжайнин, роса йиққан экансиз. Ҳаммаси таҳи бузилмаган юзталиклар экан.

Бозорбой унга ўқрайиб қаради:

— Буёғи билан ишининг бўлмасин. Энди яна битта гап. Шу ерда кўрганларимни оғзимдан чиқармайман, деб касам ичиб қўясан. Таомили шунака.

Жаббор онасини ўртага қўйиб, қасам ичди. Бозорбой ўрнидан туриб меҳр билан унинг пешонасидан ўпди.

— Ота ўғил экансан. Қани энди, сендақа ўғлим бўлса. Энди сен ўзимники бўлиб кетдинг. Сени шундай рози қиласики, «Москвич»ингни «Волга» қилиб бераман. Манаву еринингчача, — у бош бармоғини кекирдагига тегизиб кўрсатди, — давлатга ботасан. Яхшиликка -- яхшилик кўрасан.

Орадан икки кун ўтиб, отпускага чиққан Жаббор ўз «Москвич»ида уларни аэропортга чиқазиб, кузатиб қўйди.

Қайтишда Орастахон машинанинг орка ўриндиғида ўтириди. Йўлнинг ярмигача икковидан ҳам садо чиқмади. Орастахон, буни менга айғоқчи қилиб қўйиб кетишиди, деб ўйларди. Жаббор бўлса шундок дўндиқ билан бир уйда қолиш имкониятидан фойдаланиш керак, деб ўйларди.

Жаббор илгарилари ҳам унга бир-икки кочириқ гап ташлаганда қиз баланддан қараб, писанд қилмаганди.

Орастахон йўлда тушиб қолди.

— Сиз кетаверинг, мен кечрок бораман.

Жаббор хайрон бўлиб бўшашганча келаверди. У янги уйга кўнниколмай анчагина ухломади. Ундан ташкари, Орастахоннинг келишини кутиб тиқ этса кўча эшикка қараб ўтираверди.

Орастахон одати бўйича қоқ ярим кечаси қайтиди. Кутавериб тоқати тоқ бўлган Жаббор эшикни очаркан, француз духисининг хидидан димоги тарс ёрилай деди. Чунки духига папирос тутунининг хиди аралашиб, қўланса бўлиб кетган эди.

— Қаёқда юрибсиз? — деди тўнғиллаб Жаббор.

— Нима, эриммисиз, тергаманг мени. Ота-онам ҳам мени тергаётмаган.

Жаббор, боре, менга нима, дедиу айвонга бориб чироқни ўчириб ётиб олди. Орастахон ичкари уйда алламаҳалгача ғимирсиб юрди. Магнитафонни шанғиллатиб сира ухлатмади. Жаббор тажанг бўлиб ўтириб олди. Тимирскиланиб шимининг чўнтағидан сигарета олиб тутатди. Ичкаридан ҳамон ҳиндча қўшиқ эшитилиб турарди.

Олд тугмалари қадалмаган ҳалатни елвагай кийган Орастахон айвонга чиқди.

— Сигаретангиздан беринг, менини тугаб қолди, — деди у чироқни ёқа туриб.

Жаббор унга сигарета узатди. Орастахон сигаретани лабига қистириб тутатиб олай, деб энгашди. Ҳалатнинг икки бари икки ёққа очилиб кетганидан унинг вужуди барадла кўриниб турарди. Жаббор бир қўли билан унинг сигаретасини тутатаркан, иккинчи қўли билан беинтиёр елкасидан тутди. Қиз атайнин қылдими, ё ўзи шунака бўлиб қолдими, мункиб кетди. Мункиди-ю, Жабборнинг бағрига тушди...

Эртасидан бошлиб уни Орастахон эмас, Орастага деб, сенлаб чақирадиган бўлди. То у ишдан қайтгунча Жаббор ош дамлаб, гоҳ қозонкабоб қилиб кутиб оларди.

— Қанака эркаксиз, — деди яна бир ҳафта ўтганда Орастахон. — Бирон нордонроқ нарса топиб келсангизчи, қўнгилларим айниб кетяпти.

Жабборнинг юрагини вахм босди. Оббо, нордон нарсани бекорга кўнгли тусайдими, бир гап бўлган унга.

Кечга томон Жаббор айвонда сабзи тўғраб ўтирган эди, жияни келиб қолди. Кўлида телеграмма. Шошиб олиб ўқиди. Опасидан экан.

«Укагинам Жабборжон. Поччанг аварияга учраб, оғир аҳвозда ётиби. Тезда етиб кел».

Жабборнинг ота-онаси ёшлигида ўлиб кетган, шу опасининг кўлида колган. Поччаси ўз боласидек боқиб вояга етказган эди. Юраги алланечук эзилиб кетди. Шошиб кийиндию кўча эшик остонасига чиқиб, Орастахонни кута бошлади... Аксига олиб Орастахоннинг концерти бор экан, кеч келди.

— Э, каёқда юрибсан? — деди алам билан Жаббор.

Орастахон хандон ташлаб қулди:

— Негадир тераганнингиз бу гал алам қилмади-я.

Жаббор унга телеграммани узатди. Орастахон ўқиб бир унга, бир телеграммага қаради.

— Боришингиз шартми?

— Шарт! — деди Жаббор.

— Дадам билан аям мени сизга ишониб ташлаб кетишган-а. Ундан ташқари, докторнинг харакатини қилишимиз керак эди.

Жаббор кўл силтади:

— Ҳозир шу гап кўнглимга сифадими?

Орастахон титраб кетди. Фазабдан лаблари кўкариб, икки қошининг ўртасига тугунчак тушди.

— Кетасанми?! — деди у ғазаб билан.

— Ахир тушунсанг-чи, бормасам бўлмайди.

Жаббор шундай деди-ю, шарт бурилиб кўчага чиқдикетди.

Орастахон уни келади деб бир соат кутди, икки соат кутди, келмади.

Шошиб телефон трубкасини кўтариб, номер тера бошлади:

— Махсума. Ўзингмисан? Жон ўртоқ, тезда бизникига етиб келгин. Ётадиган бўлиб кел. Бир ўзим қўрқяпман, Жаббор ўлгир кетиб қолди. Поччаси авария бўлти. Келасан-а. Бу яхшилигингни сира унутмайман. Бўлти. Кутаман.

Орастахон трубкани жойига ташлаб, кимсасиз корони кўчага югарди. Юрагини ховучлаб дугонасини кута бошлади.

5. ТОПИЛДИК

Бозорбой «Жигули»га тўртта баллон обориб бер деб, деб уч юз йигирма сўм ташлаб кетган. Бегижон ўзи билан ўзи овора бўлиб эсидан чиқиб қолибди.

Бугун ишга келиб, халат кияётса чўнтағидан пул чиқди. Ия, Бозорбой ташлаб кетган эди-ку, деб «спорттовар»лар омборидан баллонларни олиб, автофургонга юклаб келди.

Орастахон айвонда бир ўзи хаёл суриб ўтирган экан. Бегижон зўр бир иш қилаётгандек дарвозадан бирин-кетин тўртта баллонни фиддиратиб кирди. Орастахон баллонларни кўриб севиниб кетади, деб ўйлаган эди. Йўқ, унинг юзида севинч аломати кўринмади.

— Бир ўзингиз нима қилиб ўтирибсиз? Чол-кампирлардан дарак борми? — деб сўради Бегижон.

— Кетишгандан кейин бир ҳафта ўтгач, телефон қилишганди.

Бегижон бу гўзал қизга бир яхшилик қилмоқчи бўлди:

— Нима қилай, опиоқ қиз. Баллонларни ўзим ўрнатиб берайми?

— Кераги йўқ, — деди Орастахон. — Машина авария бўлган. Юрмайди. Устахонага боргандим, ГАИдан справка бўлмаса, тузатиб бермас экан. Частний устага тузаттинг, дейишид.

Бегижон устига брезент ёпилган машина олдига келдида, брезентни кўтариб қаради. Машинанинг буфери этинган. Олдидаги никель панжараси эгилиб, радиаторини тешиб қўйган. Иккала чирокни ҳам алмаштириш керак.

— Унчалик қийин эмас экан. «Спорттовар»да ҳаммасидан бор. Дадангизнинг ўринбосарларига телефон қилинг, йўқ демайди. Агар у кишига айтиб шу нарсаларни олдириб берсангиз, устани ўзим топаман.

У шундай деб соатига қаради:

— Ҳозир Акром ака ўzlаридалар. Бир телефон қилиб қўймайсизми?

Орастахон айвон токчасига чиқариб қўйилган телефон олдига борди. Номер тера бошлади. Бегижон: «Пулни ўзим тўлайман деяверинг, мен бериб тураман», деб шивирлади.

Акром ака узоқ чайналгандан кейин рози бўлди.

— Эртага шанба, индинга оддих. Мен бўшман. Бояги нарсаларни складдан олиб, бугун ташлаб ўтаман. Уйда

бўлинг-а. Эртага уста олиб келаман. Акахонимиз келгунларича машинани гижинглатиб қўямиз. Кўриб хурсанд бўладилар.

Бегижон айтганини қилиб «Москвич» фургонида буфер, иккита чироқ ва бошқа қисмларни ташлаб кетди.

Эрталаб, у башарасидан одам қўрқадиган, ичаверганидан ранги қўкимтири бўлиб кетган, яқин орада ияига тиф тегмаган бир устани бошлаб келди. Уста машинанинг у ёғ-бу ёғини кўриб, тузатса бўлади, деди.

У халтадан асбоб-ускуналарини олиб ишга тушиб кетди. Бегижон машина тагига кириб, чалканча ётиб олган устага хар хил асбобларни узатиб турди. Орастахон бир чойнак билан иккита пиёла келтириб қўйди. Бегижон ўзича тушуниб:

— Орастахон, синглим, уста чой ичмайдилар. Магазинга чиқиб уч-тўрт шиша сухой вино олиб келинг, — деди.

Устанинг юзига табассум югурди. Ёқимсиз бир илжайиб қўйди.

— Барматуха бўлсин, — деб таъкидлadi у.

Уста икки соатдан ортиқ уриниб, пачоқ бўлган фидирак қисмларни олиб ташлади. Шундан кейинингина дам олишга чиқди. Чалканча ётавериб заҳ ўтиб кетган экан, ўзини офтобга солиб, «Барматуха»дан бир пиёлани тўлдириб ичиб, анча жонлангандек бўлди.

— Ана, энди бўеғи осон. Энг кийинидан қутулдик.

Уста ниҳоятда камгар одам эди. Бегижон уни хар қанча гапга солмасин, ўнта сўроғига битта жавоб берарди. Қаерликсиз, уста, деб сўраганда, водий тарафларданман, деб қўя қолди.

Бегижон унинг афти-ангортини кўриб, сал ҳушёроқ турмаса уйни шилиб кетишдан ҳам тоймайди, деб ўйларди.

Уста радиаторни яхшилаб ўрнатди-ю, олдидағи никель панжарани ўрнатишга анча кийналди. Машинанинг олди тарафи сал шикаст еган экан. Чокини чокига тўрилагунча кеч бўлди.

— Уста, қаерда турасиз? — деб сўради Бегижон.

— Кимнинг юмушини қилсан, ўшанинг уйида ётаман, — деб жавоб қилди уста.

Уни бу уйда қолдириб бўладими?! Турки-тароватини каранг!

— Иш тополмаган қунларда қаерда ётардингиз, уста, — деб сўради Бегижон.

— Қумлоқдаги самоварда, — деб жавоб қилди у.

— Эртага ўзингиз топиб келоласизми, ё ўзим бориб олиб келайми? — деб сўради Бегижон.

— Тошкентни яхши билмайман. Доим кўчаларида адашиб юраман. Ўзингиз бошлаб келганингиз дуруст. Бугунча етар. Магазинлар бекилиб қолмасдан борай энди.

— Магазиндан нима оласиз?

— Мунча сўрайверасиз? Кечаси нимани ичаман?! Дўкон бекилмасдан олиб қўйиншам қеракми, ахир.

Устанинг овқатга унчалик ҳуши йўқ экан. Орастахон олиб келган жаркопга қайрилиб ҳам қарамади. Охирги шишани пиёлага сиркитиб вино қўйди-да, газаксиз ичиб, ўрнидан турди.

Эрталаб Бегижон устани бошлаб келганда Орастахон айвонда Жабборни қарғаб ўтиради. Унинг ранги ўчган, дармонсиз эди. Кеча Бегижон устани олиб кетгандан кейин дугонаси топиб берган аёллар докторига бориб, ўзини «даволатган» эди. Бегижон унинг ночор ахволини кўриб ҳайрон бўлди.

— Нима гап, тобингиз ўйқми? — деб сўради.

— Шамоллабман, — деб қўя қолди Орастахон.

Уста янги қисмларни ўрнатгунча уч шиша «барматуха»ни бўшатди. Худди заводдан чиқкандек янгиланган машинага қараб Бегижоннинг завқи тошиб кетди. Қўли гул уста экан, деб унинг ишига таҳсиллар ўқиди.

— Яшанг, уста! Энди тўрттала баллонни алмаштирангиз бўлди.

Орастахон мазам қочяпти, Бек ака, кириб пича ётай, чой-пойга ўзингиз қараб турарсиз, деб уйга кириб кетди.

Уста аввал олдинги иккита фидиракни чиқазиб янги баллон қўйди. Кейин орқадаги иккитасини чиқазди, Эскириб, титилиб кетган баллонни дискадан олаётганда аллакандай латтага ўралган нарсалар чиқа бошлиди. Бегижон биттасини очиб қараган эди, марварид, тилла узуклар экан. У шошиб бошқасини очди. Тилла қошиклар, бошқасида билакузуклар ва бошқа тақинчоқлар. Ичавериб кўзлари кисилиб кетган уста бу нима бало экан, деб индамай безрайиб турарди.

Бегижон кўрсаткич бармоғини лаблари устига босиб, устага, дамнингни чиқарма, деган ишорани қилди. Уста бош иргаб тураверди. У Бегижоннинг ишораси билан дискага янги баллон кийдириб, ўққа илиб қўйди. Кейин охирги тўртинчи баллонни дискадан чиқазишга тутинди. Баллон ичи фиж-фиж юз сўмлик пачкалар эди. Бегижон шошиб пулларни қофоз қопга сола бошлиди.

Уста жуда фалати одам экан. Кўз олдида шунча воқеа содир бўлпти-ю, қани бир энтикса. Ўликка ўхшаб кўзини бақрайтириб турипти. У индамай ғилдиракни ўрнатиб, кўлини ювгани водопровод томонга кетди.

Бегижон охириги шишадаги винони косага тўлдириб қўйиб, устани зўрлаб ичирди.

Кетар вақти ҳам бўлди. Бегижон деразани тиқилтиб Орастахонга эшикни беркитиб олинг, деди. Ичкаридан «Эшикни қаттиқроқ ёпсангиз ўзи кулфланиб қолади. «Английский замок», деган жавоб бўлди. Орастахоннинг чикмагани Бегижон учун айни муддао эди.

Уста темир-терсаклар солинган халтасини, Бегижон пул ва тилла буюмлар тўла копни орқалаб йўлга тушди.

— Мулла ака, юз сўмликни ушламаганимга кўп вактлар бўлган. Уч-тўрттасини менга берарсиз.

Бегижон топган бойликни уста билан баб-баравар бўлишмокчи эди. У бўлса уч-тўрттагина юз сўмлик сўраяпти. Бегимжон анойилардан эмас эди. Бош чайқаб афсуслангандек гапиди:

— Майли, бераман. Конунга хилоф бўлса ҳам бешта юз сўмликни сизга бераман. Қолганларини банкага топширишим керак.

Узоқдан Қумлоқ гузари кўриниши билан улар тўхташди.

Бегижон уста яна бирон кун кайфда довдираб келиб колмасин, деб атайлаб иккинчи тополмайдиган қилиб пасткам кўчалардан адаштириб олиб келарди. Бегижон қонга кўл чўзмай ён чўнтагидан бешта юз сўмлик чиқазиб устага узатди.

— Кўрдингми, мен ўз ёнимдан беряпман. Бу пулга тегиб бўлмайди. Бироннинг ҳақидан кўрқаман. Гунохга ботишини истамайман.

Устанинг на уйи, на жойи бор. Унга бойликнинг аҳамияти йўқ. Кунига бир-икки шиша арzon вино топса, шу унинг бойлиги. Бегижон энди уни бир умр қўрмайди. Бундан кўнгли тинч.

Аммо уста ким билан учрашганини, исми нима, қаерда ишлайди, уйи қаерда, икки кун қайси кўчада, кимнинг уйида ишлаганини ҳам билмасди. Айниқса, кетар олдида Бегижон босиб-босиб икки шиша винони кистаб ичиргандан кейин уста мутлақо эсини йўқотиб, ок-корани танимай қолганди.

Хозир Бегижон бола-чакаси билан, нева-чеваралари билан бир умр еб тугатиб бўлмайдиган хазинани орқалаб

бораркан, ўзини дунёдаги энг баҳтли, энг бой одам деб биларди.

Бозорбой аблах бўлгани билан баъзи-баъзида рост гапириб кўяди: «Хой Бегиш, сенинг қўлинг чакқон, оёғин суст» деганида жони хиқилдоғига келган эди.

«Мана, гапи рост чиқди. Мендан бошқа одам бўлганда шу пайтгача уйга етиб оларди. Мен аблах ҳалиям йўлнинг ярмига етганим йўқ».

Энди у Бозорбой Охуновичга ҳам, пойабзал омборига ҳам тупуради. Кичкинагина бир ишга кириб олиб, калашуга ўхшаб топган бойлигини кемириб ётаверади.

У шундай хаёллар билан пасткам кўчалардан юриб, Чигатой гузарига чиқди. Бу гузардан хаммавақт машинада ўтарди. Чойхонада ўтирган танишлар унинг қон орқалаб келаётганини кўрсалар, нима деб ўйлашлари мумкин.

Бегижон кўприкка етганда рўпарадан келаётган такси сигнал берди. У машинанинг ўткир фараасига дош беролмай панжаралари билан юзини беркитди.

Такси шундоққина унинг ёнига келганда фиқиллаб тормоз берди. Эшик очилиб, соchlари тўзғиб кетган бир йигитнинг боши кўрниди:

— Бегишмисан? Бу ёқда нима қилиб юрибсан? Эрталабдан бери қидирамиз. Қани, машинага чиқ! Хозир уйнингга бориб келяпмиз. Эшмон Давлатовга «Хизмат кўрсатган савдо ходими» унвони берилди. Базадагилар бирма-бир табриклаб келишяпти. Ўшаққа борамиз.

Бегижон эсанкираб қолди. Нима дейишини билмай, чайнади:

— Йўқ, ўзинглар бораверинглар, мени ишим бор.

— Э, ишинг курсин, — деди орқа эшикни очиб тушган давангир йигит. — Кани юр, юр!

Йигит у орқалаган қофоз қонни юлиб олиб, машина ичига улоқтириди. Ўзини итариб машинага чиқазди.

— Жон оғайнилар, мен боролмайман. Менини узрли. Боролмайман. Жон дўстлар...

Машинадаги жўраларнинг кайфи баланд эди. Унинг гаплари қулоқларига кирмас: «Одаммассан ўзинг, яккамохов бўлиб юрасинми, мундоқ улфатларга кўшил-да», деб дашном беришарди.

Оёқ тагига ташланган қофоз қон шундоққина унинг болдирига тегиб турипти. «Э, худо, ишқилиб ичидан нима борлигини билиб қолишмасин-да», дея ичидан нола қиласарди Бегижон.

Машина Эшмон Давлатовнинг эшиги олдида тўхтади. Бегижон машинадан тушмай қопига ёпишиб ўтираверди.

— Жон дўстлар, ўргилай дўстлар, шу машинада уйимга етиб олай...

Ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмади. Бири қопидан, бири этагидан судраб пастга туширишди. Итариб ичкарига олиб киришди.

Бегижон ҳовлига кирилти ҳамки, қопини қўйвормасди.

— Нима бало, қонда тилла-пилла борми, мунча ёпишиб олдинг?!

— Э, қўйвор-е, қопинг қурсин, ичида юз минг сўм пулинг бўлса ҳам бирор тегмайди, — деди қоннинг бир четидан тортиб турган йигит.

— Юз минг экан-ку, икки юз минг бўлса ҳам бирор тегмайди, — деди бошқаси.

У шундай деди-ю, қопни юлиб олиб ҳовли ўртасига улоқтириди. Қоп янгигина сув сепилгандан ҳосил бўлган кўлмакка бориб тушди. Бегижон жон ҳолатда югуриб қопни кўтарган эди, ивиган коғоз қоп йиртилиб ичидан пачка-пачка юз сўмликлар тўкилди. Дастрўмолчаларга алоҳида-алоҳида тушилган алланималар ер билан битта бўлди.

Ҳамма ҳайрон. Бегижон кўзларини чирт ювиб дағ-дағ титрарди.

Махалладан кирган меҳмонлар ҳам гурра ўринларидан туриб, одамлар даврасида қолган пул уюми тепасига келишди.

— Милицияга хабар қилиш керак, — деди кимдир.

Бу овозлар Бегижонга жуда узоқдан эшитилаётганга ўхшади. Эшмоннинг ўғли ўқдек отилиб, кўчага чиқиб кетди. Сал фурсат ўтиб у участковойни бошлаб келди. Одамлар икки тарафга айрилиб унга йўл беришди.

Пул санайвериб кўз пишиб кетган база ходимларидан бири ўртадаги пулни чамалаб бир гап айтди.

Ҳамма ҳайратдан ёёқ ушлади.

Бу воқеага гувоҳ бўлишни истамаганлар оёқ учida юриб, аста тарқала бошладилар.

Эшмон Бегижонга ёмон қаради:

— Фалокатинг ўзингта ургур. Ўғрилик пул билан келиб мени бадном қилмоқчимидинг, хунаса?

Бегижон унинг бетига қарамай, тишларини ғичирлатди. Унинг ҳозирги ҳолати қопқонга тушган бўрини эслатарди.

6. ҚАЙТИШ

Кечқурун Орастахон дугонаси Махсума билан телевизор кўриб ўтирган эди, телефон қаттиқ жиринглади. Шошиб трубкани кўтарди. «Хозир Сочи билан гаплашасиз», деган товуш эшитилди. Сал фурсатдан кейин Бозорбойнинг шодон овози янгради:

— Орас, ўзингмисан? Тинч ўтирибсанми? Соғлиғинг яхшими? Эртага учамиз. Жабборга айт, соат иккida аэропортга машина олиб чиқсан!

— Жаббор йўқ. Поччаси авария бўлган экан, Марғонга кетган. Мен Махсума деган дугонам билан ўтирибман.

— Бўлмасам ўринбосарим Акром Кудратовга айт, машинасини чиқазсан. Ўзим унга телефон қиласман, эҳтиёт шарт, сен ҳам қўнғироқ қилиб қўй, Уйдан жилмай ўтири. Мана, маманг билан гаплашасан.

Тижоратхон, Орас, дейиши билан вакт тугаб трубканда қисқа-қисқа гудок эшитилди.

Орастахон шу захотиёқ Акром акага телефон қилиб кутиб олишга машина беришни сўради. «Аввал уйга келиб, мени олиб кетсан» деб қайта-қайта тайнинлади.

Эртасига машина Орастахон айтган пайтда келди. У қанчалик пардоз қилмасин, барибир юзида пайдо бўлган оч жигарранг доғлар сезилиб турарди. Ўзи ҳам анча озиб, сўлиб колган эди.

Самолётдан энтикиб тушган Тижоратхон қизига қараб, юраги шув этиб кетди. Хотин киши жуда сезгир бўладида. Бир қарашда нима бўлди?

— Сенга нима бўлди? — деди у қизининг қулоғига шивирлад.

— Офтобда қўпроқ юрган эканман, бир-икки кун тобим қочди.

Тижоратхон лабини тишлаб бошини сарак-сарак қилди. Бунақа ишлар унинг ҳам бошидан ўтган эди. Ёшлик-бебошлиқ, хатолик ҳар кимдан ҳам ўтади, деб ўзини тинчиди. Машина жойидан кўзғалтганда у яна қизининг қулоғига шивирлади:

— Ким эди у яшшамагур!

Орастахон: «Э, боринг-э» деб юзини тескари ўгириди. Бозорбой ҳам, Тижоратхон ҳам роса қорайишити. Денгиз суви, жануб офтоби уларга жуда ёқибди.

— Орас, бу Жабборнинг поччаси қаерда авария бўлти? — деб сўради Бозорбой. — Тирикмикин, ишқилиб? Телефон қилмадими?

Орастахон, йўқ, деб бош силкиди.

— Базада нима янгиликлар бор? — деб шофёрдан сўради.

— Гап кўп, Бозор ака. Бегижон жинни бўп копти. Балнисада ётпити. Одам танимайди, дейишади. Акром акам кечаки кўргани борган эканлар, у кишига қараб «Эшмон, Эшмон ўлтур, тўқсон бешга қалайсан, лўнқасидан дамлаганман», деб супургини кўрсатипти.

— Ё тавба, — деб ёқасини ушлади Бозорбой. — Бу касал наслида бор бўлса ажабмас. Кейинги пайтларда кўзи бежо бўлиб қолганди. Яна нима гаплар бор?

Шофёр машинани тор кўчага бурганидан сўнг жавоб берди:

— Эшмон Давлатов облпотребсоюзга старший ревизор бўлиб кетди. Шу гапни эшитгандан кейин Раҳмонали ака билан Турсунхўжа шалвирлаб қолишиди. Бегишини хам шу жинни килган, дейишяпти. Акром акам бўлсалар: «Уларнинг ганига ишонма. Эшмон чесний бола, қани энди, савдо ишида шунакалар кўпроқ бўлса», дейдилар.

Бозорбойнинг дами ичига тушиб кетди. Бу Эшмон дегани худо урган одам. Очдан ўлса ўладики, бироннинг нонини емайди. Юқорига кўтарилигани чакки иш бўпти. Базадаги жамики икир-чикирларни билади. Боплаб кавлаштириб қолмаса гўрга эди.

Бозорбой бошқа гап сўрамади. Машинанинг бир томони лопиллай бошлиди.

— Баллон қўйворди, — деди шофёр тормоз берар экан. — Жиндек сабр қиласизлар, бирпасда алмаштириб оламан.

Бозорбойнинг самолётда ўтиравериб бели қотиб кетган эди. Шофёр фидиракни алмаштиргунча пастга тушиб, у ёқ-бу ёққа юриб, белини уқалади. Кўлларини осмонга кўтариб, бир-икки марта яхшилаб керишиди.

Шофёр чакконгина экан, фидиракни дарров алмаштириб кўйди.

Бозорбой машинага ўтирганидан то уйга келгунча чурк этиб овоз чиқазмади. Хозир унинг юрагига қил хам сифмасди. Эшмон Давлатов баланд лавозимга эмас, Бозорбойнинг елкасига чиққандек эди.

Шофёр юкларни айвонгача обориб, қайтиб чиқиб кетди. Бозорбой унга раҳмат хам демай, кўча эшикни ичидан беркитиб олди-да, гараж чироғини ёқди. Яхшилаб ювиб артилган «Жигули» ялтираб ўзини қамаштириди. Тиззалаф ўтириб орқа фидиракларга қаради. Қаради-ю

тубсиз жарга қулаётган одамдек мувозанатни йўқотиб, бир томонга оғиб кетаверди. Охири елкаси билан гуп этиб ерга йиқилди.

«Фидирак, фидирак», деб шивирлади. Ўз овози ўзига узоқдан эшитилаётганга ўхшайди. Бор кучини йиғиб қичкирди.

— Тижо! Орас! Орас!

Унинг овози ниҳоятда хунук эди. Бу овоз Бозорбойнинг овозига ўхшамасди. Бўғизланаётган одамнинг хирқирик овози эди.

Бу даҳшатли овоздан айвонда чамадон очаётган она бола қўрқиб кетишиди. Бири кетидан бири югуриб, гаражга келишиди. Бозорбой ёнбошига йиқилганча оғзидан кўпик чиқариб ётарди. Корачиқлари қотиб қолган, очик кўзлари машинанинг орқа фидиракларига қараганча бақрайиб туради.

Тижоратхон эрининг елкасидан кўтараман, деб энгашдию машинанинг орқа фидираклари янгилиниб қолганини кўриши билан додлаб юборди.

— Войдод, хонавайрон бўлдим! Уйим куйд-е! Гадо бўлдем!

Шофёр кетмаган экан. Тешилган камера ўрнига янгиини қўйиб баллонга ел бераеттган эди. Ичкаридан даҳшатли йиғи овозини эшитиб, эшикни такиллата бошлади. Тижоратхоннинг додлашидан эшикнинг тақиллаши эшитилмасди. Шофёр девордан ошиб тушди.

Тижоратхон эрининг оғзидан кўпик чиқариб ётганини хам унутиб, машина атрофида телбаларча додлаб айланади:

— Дод, дод!

«Дод» товушидан қўни-қўшилар югуриб чиқишиди. Тижоратхон одамларга қарамас, сочларини ёзиб, ёқаларини йиртиб додларди. У додлаб-додлаб охири қўксини чангллаганича жимиб қолди. Факат ияги тинмай кимирларди. У ҳолдан тойиб, эрининг ёнига йиқилди.

— Доктор чақириш керак!

— Чакириб нима қиласан?! Тайёр машина бор экан, касалхонага зудлик билан обориш керак.

Кўшилар уларни кўтариб машинага олиб чиқишиди. Шофёр ажиб бир чакконлик билан моторга ўт берди-ю, машинани елдек учирив кетди.

Коронгиликда жадаллаб кетаётган машинанинг икки кизил чироғи кичрайиб-кичрайиб, охири кўринмай қолди.

ХОТИМА

Ёмон гапнинг ҳам қаноти бўлади. Пир этиб учадио томма-том, деворма-девор ошиб, элнинг қулоғидан кириб, оғзидан чиқади.

Бозорбойнинг жинни бўлиб қолгани ҳеч кимни ажаблантиримади. Бунга сабаб ундан олдин Бегижон отини камчилаб ҳамкасларининг «этини ўлдириб» қўйгани эди.

Лекин барибир шундок одамнинг бошига қўргилик тушганда гап-сўз бўлмасдан қолмас экан.

Тушлик пайти база ошхонаси одатдагидек гавжум эди. Чойни майдалаб, ўтган-кеттган гаплар муҳокама қилинди. Ҳар ким билганича бичиб-тўкиди. Турсунхўжа билан Раҳмонали ҳам шу ерда.

Гап айланиб Бозорбой билан Бегижоннинг касалига тақалади.

— Бу касал наслида бўлса керак, — деди кимдир.

Раҳмонали шу гапни айтган кишини силтаб ташлади:

— Оғзим бор, деб ҳар гапни айтаверасизми? Ишимиз оғир.

Курилиш материаллари омборининг юқ туширувчиси Абдуллајоннинг зардаси қайнаб кетди:

— Хой, менга қара, ишингни нимаси оғир? Космосда спутник учиряпсанми ё ҳалқаро ахволнинг тақдири сенга қараб қолганми? Пул санаб ҷарчайтган бўлсанг, менга бер, санашиб берай. Йўқ, биродарлар, бу очкўзлик балоси! Беш бармокни баб-барабар оғзига тикишдан. Баъзи одамларга ҳайронман, қайси замонда яшаяпсан, ахир. Текширувчилар омон бўлса тилла йиқканларнинг ҳаммасини гирибонидан тутади. Бухородаги райпонинг раиси анча олтин-марварид билан кўлга тушиб, муздеккина бўлиб ўтирипти. Ҳей, егандан кўрк, йиқкандан кўркма, деган экан бирор. Ўзлари битта-битталаб териб олади. Тавба, шунча пул-у олтинни нима қиласан? Гўрингга орқалаб кетасанми? Кўпчилик мулки ҳисоб-китобли, биттасини олсанг ўрни билиниб қолади. Қани, тегиб кўрчи! Ишим оғир, дейди-я, э, сени қара-ю...

Гапдан гап чиқиб одам боласи нега жинни бўлади, деган масала кўндаланг келиб қолди.

— Махалламиизда Икром деган киши бор эди. Бир жинни бўлиб, салкам олти ой касалхонада ётиб, даволаниб сапсем тузалган. Ўшандан бир куни, биродар, жиннилик қанака бўларкан, деб сўраганинмада жуда қизиқ гап айтди: «Э, ука, жинни бўлмабсан, дунёга

кељмабсан. Бизи Тошкентдаги Комсомол кўли авжи сувга тўлган пайтида ўртасига гилам ёзиб роса улфатчилик қиласардик».

Ўтирганлар бу гапдан ҳанг-манг бўлиб қолишиди. Гапни Абдуллајон илиб кетди:

— Бир билағон одам билан гаплашган эдим. Одам боласининг ҳаромдан топган пули эллик мингдан ошса, чап кўзининг жияги қизара бошларкан. Юз мингга етганда қизариш ўнг кўзига ҳам ўтаркан. Юз мингдан ошганда секин-аста жиннилик бошланаркан.

Ўтирганлардан бири гапга гап қўшди:

— Бегижон орқалаб юрган пул уч юз эллик минг экан, тилло буюмларни ҳисбламаганда. Демак, кўзининг жиягидан то товонигача қизариб кетган экан-да.

Абдуллајоннинг гаплари Раҳмонали билан Турсунхўжанинг бошидан санчилиб товонидан чиқаётганга ўхшарди.

Турсунхўжа Раҳмоналининг қулоғига шивирлади:

— Нима қиласардигиз шу сассиқ билан тортишиб? Жимгина ўтиравермайсизми?

— Ҳаммани ёмонга чиқазвордингиз-ку, — деди яна тили қишиб Раҳмонали.

Абдуллајон ҳам гапдан қоладиганлардан эмас эди:

— Ўзингни яхшилар қаторига қўшмоқчимисан? Сен у рўйхатга кирмайсан. Тўғри, яхшилар кўп. Мана, масалан, Эшмон Давлат, ўттиз йилдан бери савдо соҳасида ишлайди. Йигирма йилдан ортиқ мана шу искалатларда ишлаган. Ўйига битта пайпок ё бўлмасам битта дастрўмол олиб кетмаган. Қизини узатганда ёрдам кассасидан беш юз сўм олган. Ўзим санаб кўрганман. Курорт деган нарсани билмайди. Отпускасида икки ўғлини ёнига олиб том сувайди. Ойлигига қаноат қиласадиган одам. Сенлар мамлакатда қанчаки курорт бўлса, кўрмаганинг қолмаган. Тўй қысаларинг, ўн бир маҳалладан одам айтасанлар.

Турсунхўжа Раҳмоналини яна туртди:

— Туринг! Бу сассиқнинг жағи очилиб кетди, энди тўхтатиб бўлмайди. — Турсунхўжа Абдуллајонга қарди. — Қўйинглар, бошқа гаплардан гаплашайлик.

— Нимани гаплашайлик бўлмасам. Сен тўғрингдами? Ўғлимни уйлантираётганимда келинбоп битта жемпер сўраганимда бермаганингни гапирайми? Бозорга тушиб кўлдан икки баробар нархга олганман. Ўзимизнинг искалатдан чиқкан молга ортиқча ҳақ тўлаганимни айтами? Ўшанақа жемпердан хотининг, қизинг, келининг тўйга кийиб келганидан гапирайми? Менга кўзингни

олайтирма! Сен яхши одамлар рўйхатига сукилма. Қанақалитинг искалат ревизия бўлганда билинади.

Рахмонали этагини қоқиб, ўрнидан туриб кетди. Йўлда келишаётганда Турсунхўжা бир гап айтди:

— Булар билан олишманг, укажон. Кўйдек ювощ бўлинг, ха, ўшанда ютасиз.

Рахмонали билан Турсунхўжা худди маслаҳатлашиб олгандек уйга келибоқ, ойнага қараб кўз жиякларини йириб кўришиди. Хозирча кизарганга ўхшамади.

Орадан икки кун ўтиб Турсунхўжা Жабборга, Бозорбой ака билан Бегишини кўриб келайлик, обориб келгин, деган эди, Жаббор бензин йўқ деб баҳона қилди. Акром аканинг шофёри уларни касалхонага олиб борадиган бўлди. Бозорга бориб иккита пакетни тўлдириб йўлга тушишиди. Жаббордан дили оғриган Турсунхўжা уни ёмонлай бошлади:

— Бу ярамас Бозорбойнинг қизини йўлдан урянти, деб эшитдим.

Унинг гапини Раҳмонали тасдиқлади:

— Орастанинг бўйида бўлиб қолганмиши.

Шофёр шоферни ҳеч қачон бадном қилмайди. Биринчирини суюиди.

— Шу гапга ишониб ўтирибсизми? Ёлғон гап. Исплетний гап.

Лекин бу «Исплетний гап» аллақачон база ахлига тарқалиб бўлганди.

Навбатчи врач Бозорбой билан Бегижонни маҳсус хонага чакириб, уларга учраштириди. Ё тавба! Бозорбой ҳам, Бегижон ҳам уларни танимади.

Бозорбой худди мажлисда гапираётгандек қўлларини силтаб: «Санъат музейига борингиз, «Чўмилаётган аёл» суратини кўрингиз!» — деб қичкирди. Бегижон бўлса ким эшикдан кирса, қўлидаги совун кутисини кўрсатиб: «Тўйсон бешга қалайсиз, хўжайин, лўнқасидан» дерди.

Бегижон Бозорбойнинг олдига келиб, кулогига шивирлади:

— Э, биродар, мен Бозорбой деган ярамаснинг устидан ўзига аноним ёзганман. Етти минг шулимни еб кетгансан, овсар, деб ёзганман.

Рахмонали билан Турсунхўжа қайтиб чиқишар экан, навбатчи врач уларга «Келиб овора бўлиб юрманглар, барибир сизларни танишмайди» деди.

Ховлига чиқишгандага Бозорбой Бегижондан сўради:

— Биродар, ўзлари қаердан бўладилар?

Бетижон ўйлаб-ўйлаб қаерда яшаганини, қаерда ишлаганини, ҳатто ўзининг кимлигини эслолмади. Бозорбойнинг бетига қараб маъносиз илжайди.

— Жуда тўғри айтасиз, укагинам, — деди Бозорбой ундан жуда ҳам маъноли гап эшитгандек. — Гапингизга қўшиламан. Бизнинг хотин ўзингиз айтгандек ёшлигида жуда гўзал бўлган... ўзи ҳам сутга чайилгандай.

Шу пайт рўпарадан келаётган бош врачга қўзи тушиб, қаддини ростлади-да:

— Хой, доктор, фидиракларингизни омонат кассада сақланг! — деб қичкирди.

Бош врач: «Хўп-хўп, албатта шундай қиласман!» деб ўтиб кетди.

Орадан бирон ой ўтиб газетада «Фидирак» деган фельетон босилди. Унда «Жигули» фидирагида яширилган пулнинг саргузаштлари ёзилган эди.

Албатта бу газета руҳий касаллар шифохонасига ҳам етиб келди. Кўпчилик гоҳ қулиб, гоҳ ёқа ушлаб ўқиб чиқди. Уни Бозорбойга ҳам, Бегижонга ҳам ўқиб бершиди.

Иккови ҳам фельетонга тушуммади. Газета ўқилаётганда Бегижон ҳуаштак чалиб, Бозорбой бармоқларини бир-бир букиб, «Шанба, якшанба, чоршанба...» деб кун санааб ўтирди.

Бозорбой бечора бу фельетонни икки йилдан бери кутарди. Атайн газетага обуна бўлганди-я... Э, аттанд!

РОСТГЎЙ ПОСБОН

Кўхна Бухоронинг бекиёс ростгўй фуқароси Сангин Ҳамро тўғрисида хаддан ташкари рост хикоя.

Бу одами мен ўн бир йил бурун Амир зиндонининг дарвозаси ёнида учратган эдим. У хонтахта устига жевачка, сигарет, бир шиншада нос, шўрданак, ковурилган нўхот қўйиб, харидор кутиб ўтиради.

Бир замонлар, яъни амир вактида бу жой жуда гавжум бўлган дейишади. Энди зиндоннинг шарти кетиб, парти қопти. Илгарилари одамлар бу жойдан дамларини ичларига ютиб, оёқ учиди юриб ўтар эканлар. Хозир унақа эмас. Зиндоннинг мутлако обрўси кетган. Безори болалар унинг деворига бўр билан уч ҳарфли ўрисча сўз битиб кетибдилар. Хўл латта билан ўчириганинг фойдаси йўқ. Куриганда яна ўша ёзув пайдо бўлади. Қириб ташлашнинг ҳам иложи йўқ. Шувоги Некалайнинг сомо-

нидан қорилган. Тош метин деяверинг. Амир Олимхоннинг зиндан хозир музей эмиш деб эшитгандим. Бу даъфа Бухоро сафаримда бир бориб, томоша қилишни ният қилдим.

Афсус. Зиндан ёпиқ экан. Бу жойга дунёнинг бари жойидан ҳорижликлар келарди. Шуларнинг жамисиға тушунадиган қилиб ўрисча ёзиб кўйилган. «Зиндан закрыт, все ушли на хлопок».

Уруш йилларида жанг бўлайтган районларда ҳам райком идораси эшигига шунака деб ёзиб кўйишарди.

Чол тилининг тагига бир отим нос ташлаб ўз ишларидан нолиб қолди.

— Ҳаминкадар яшаб зинданнинг бундақчикин беобру бўлганини ман кўрмаган. Э, ака мулло, бачалар хозир пахтага, шаҳарга тўлка бобойлар қолди. У нокаслар жевачка чайнамайду, папири ўтутатмайду...

Чолнинг ётириб гапга солдим.

— Ман амир замонида ҳам шу зинданга қоровул бўлган. У пайтга зинданмисан, зиндан эди. Ичига кирган одамнинг сира чиқкиси келмасди. Бошларига қароқўл қалпок, белларига қилич таққанлар ўёқдан буёкка савлат тўкиб юрар эдилар.

— Амир канака одам эди, кўрганимисиз? — деб сўрайман.

— Амирни ман кўп кўрган. Унинг когонли шоир дўсти бўлар эди. Ўзи зўр мерган, яъни овчи эди. Шифрининг охирига Косон Овчи деб номини ҳам қўшиб кўяр эди.

Амирга чўлдан кийик уриб келарди. Амир эрталаб кирғовул гўштини, тушликка кийик гўштини, кечасиликка кора қўчкорнинг баъзи жойларини қайнаттириб шўрпосини ичарди. Когон овчи уни кўп мартараб Шофирикон томонларга қирғовул овига олиб борган. Кечка яқин бир олам кирғовул уриб келардилар. Шу десангиз-ки амир овчи дўстига бир яхшилик қилмоқчи бўлди. Овчининг ёлғизгина бачасини Маскопга ўқишига юборди. Илм олиб, ўрисчага ўрганиб, юрт кўриб келсин, деб шундай чиқин иш қилган-да!

Одам боласига яхшилик қилиб бўлмас экан. Маскопга бориб ўрисларга қўшилиб, ота-онасини унуди. Исталин билан жўра бўлиб катта ишларга кўтарилиб кетибди. Когон Овчиев дейишга Исталиннинг тили келишмай фомиласини ўзгартирипти. Яъни Каганович қилиб бошпурт берипти. Шўронинг жами оташ араваси, яъни пойизларига каттакон қилиб кўйинти. Каттакон ўзимиздан чиғди, энди урусларнинг ерини ҳам Бухорога қўшиб

оламиз, деган гаплар тарқалди. Маскоп ҳам ўзимиённи бўлади, деб ўриси пулинни йиға бошладилар. Гапимнинг бошига одам боласи яхшиликни билмайди, девдим-ку: ўша Когон овчининг писари, яъни Каганович тўрт-бешта жўралари билан лак-лак шўро аскарларини эргаштириб келиб, муборак Минорайи Калонни аямай замбаракка тутди. Айришон билан амир ўрдасига бўмбалар ёғидиди. Уларнинг ичига Кўйгўшив деган бир бадтарини бор экан. Хеч бирорин аямади. Бечора амир тилла тўла икки хуржунни фойтунга ортиб Авғонга қочди. Ситорайи Мохи хоссадаги амирнинг иккита тилла қуббали каловатининг биттасини Когон овчининг ўғли илдириб кетди. Биттасини Маскоп музейига қўйидилар.

Халойиқ орасига бир гап ғимирлаб қолди. Минорайи Калонни Маскопга кўчириб олиб кетар эмишлар. Бу гапга бирор ишонди, бирор ишонмади. Бу лукма ҳам ўзимиздан чиқкан балонинг гапи экан. Ундан шундоқ чиқин калон минорни қандоқ олиб кетасан, деб сўрашса, у калтафаҳм элликта айвонча поизини катораси қўйиб устига минорани аста йиқитамиз, деган эмиш.

Бу гапдан хабар топкан Исталин, кўйгин, бунақа қилма, деб дилгиром юборипти. Яқинда Маскопнинг қоқ ўртасидаги бутхонани бузганимиз. Народ орасида яхши-ёмон гаплар юрепти. Минорани унинг ўрнига кўндиришак мусулмонлар устимизга ёнирилиб бостириб келиши мумкин деб, зўрға тўхтатипти.

Ўттиз еттинчи йилинда Бухоронинг пахтаси бўлмади. Яшнаб турган гўзаларни гаримсел ялаб кетди. Ахир, бу худонинг иродаси билан бўлган кор, бандага нима айб? Нечукким Бухоро пахта пилонини тўлдирмайди, бу ишга душманнинг дасти бор, деб ўйлаган Исталин Кўйгўшев билан Когон овчининг ўғлини душманларни фош қилинглар, аямасдан жазоланглар, деб юборди. Бу нобакорлар одамларнинг уйидан кўрпа-ястуқларини тортиб олиб чиқиб пахтасини тўқидилар. Ўшанда ҳар бир райондан беш-олтитадан одам отилди. Лочинде-лочиндек райкомлар, ордин таққан совлати раислар ўққа учиб жувонмарг бўлиб кетди. Қамоқхоналар одамга тўлиб, мана шу зинданга ҳам элликтacha одамни тиқдилар. Зиндан ўша пайтга ҳам бир обод бўлиб атрофи мелисага тўлган эди. Каганович ўзимиённи, одамларни кутқариб қолади, деб умид қилганлар бармоқларини тишлаб қолишиди. Кейин билсан иш боши шу Когон овчининг ўғли экан. Ўзингдан чиқкан балога, қайга борай давога деган гап бор, бухоронинг халқига. Доно халқимизнинг айтканлари бўлди.

Каганович Когон овчининг ўғли ҳам эмас, мусулмон ҳам эмас, деган гап чиғди.

Менинг қайнотам Бухоронинг катта ҳаммомига ходимгар эди. Ходимгарнинг нималигини биласизми? Бу мисоли ўрисларнинг массажи деган гап. Ҳар якшанбада Каганович шу ҳаммомга тушиб, ходими қилдирап эди. Одамлар қайнотамдан аниғини билиб беринг, у мусулмонми, йўқми, деб илтимос қилишиди. У киши Каганович мусулмон, ўз кўзим билан кўрганман, деб шоҳидлик бердилар. Десангиз, бу гап йўққа чиқди.

Хотирим фаромуш бўлиб битта зарур гап ёдимдан чиғпичи.

Амир қочгандан кейин канизларини битта-битталаб мажбуrlаб эрга беришиди. Мен ҳам умид билан очиртка ёзилдим. Пешонам курсин, шўр экан, навбат менга келганда начайли мелиса биттасини бенавбат илиб кетдию, менга амирнинг канизларидан етмай қолди.

Ўртоқ Лелин халқимизга хизмат қиласвериб охири Каллелин бўлиб қолдилар. У кишини мен кўрган. Бухорога курултой бўлиб у кишининг ўзлари келдилар, ўрисчалаб дакалат қилдилар. Мен театрувнинг саккизинчи қаторида ўтирганман. Силкинган сақоллари, ялтираган кўзойнакларини ўз кўзим билан кўрганман, яна бир дона гап памитимдан фаромуш бўлибдилар. Бухоро бонқасига бир тилмоч бор эди. Ўзи хўжалардан эди. Отлари Нифматхон эди. Ўзларига Бухорий деб янгича от қўйиб олган эдилар. Ўрисчани шундок била эдилар, шундок била эдилар, гапиргандарида ўрисларнинг оғзи очилиб қола эди. Бўш вақтларида Когонга бориб ўрисларга ўрисча ўргатар эдилар. Бухорога шундок чикин одам борлигининг ҳидини билган Лелин Нифматхонни зудлик билан Маскопга олдириб кетдилар. Гаплашиб кўрдилару ўша захоти ўзларига помишник қилиб олдилар. Бир куни Лелин бобо унга, сани ўзбекча отингни маскопликлар айттолмайдилар. Шунинг учун отинг Нифматхон эмас, Николай бўлсин. Бухорий эмас Бухорин бўлсин, дедилар. Шундан кейин яна бир гап айтдилар. Агар мен ўлсам ўрнимга ўзинг ўтирасан, деб васиятга ўҳшатиб гапирдилар. Бу гапни мўйловинг қирқилтур Исталин эшитиб турган эди. Алам қилди, унга. Бу жой зайнит, деди ўзига ўзи. Лелин бобо ўлишлари билан землякимиз Бухоринни камаб отдириб ташладилар. Одами хўблар, яъний яхши одамлар Бухорога туғилади, Маскопга ўлади. Файзуллохон ҳам хўжалардан эди. Уни ҳам Исталин Маскопга чақириб отдириб ташлаган. Худо раҳмат килсин Маскоп-

да ўлган хўжаларни. Шунинг учун мен сира Маскопга бормайман. Исталин кўрсалар отдириб ташлатадилар, деб кўркаман.

Маскопда беш-ўнта палид одам тўпланиб палидбўйра туздилар. Қиласиган ишларни ўзаро тахсимлашди. Исталинга одам қамашни, Берие деганига одам отишни, Каллелин бобомизга ордин тарқатишини, ҳамюртимиз Кагановичга жаъми пойизларни юргизишини топширишилти.

Шу десангиз, Маскопдан палид буйронинг суврати палокат бўлиб келди. Ҳаммамизга беш-ўнгадан бериб деворларга ёпиширинглар, деб буюришти. Мен мелиса бошлиғига бу палокатни қайга урай, деб сўрадим-у балога қолдим. Мана шу зиндонга уч кун банди қилди. Нечуққим сен плакатни палокат дейсан, деб роса калтаклади. Тилим келишмаса қандоқ деяй дейман. Шу сўзни тўғри айтадиган бўлгунингча зиндонда морор босиб ётаверасан, деди. Калтакнинг зўридан палокат эмас пилокат дейдиган бўлдим. Истат гарнинг эри ана шундан кейин мени зиндондан чиқарди.

Э, жўрам, бу бошга нималар тушмади, бу қизлар нималарни кўрмади. Ёлғизланиб қолдим. Бизнинг Бухордан «нависандайи халқи» яъни халқ ёзувчиси чиғди. Усто Аминнинг ўғли. Шунга бошимдан ўтканларни ёздириб юбордим. Китоб қилиб чиқар, писарим, дедим. Чиқса ақласининг нимтаси, яъни палавинаси сеники бўлади, дедим. Зиндонга азоб чеккан бир бечора Сангин Хамро ҳам тарихга қолсин охи.

Чолнинг ичи тўла фиж-фиж гап экан. Зўрга кочиб кутилдим.

Кейин билсам Бухоронинг энг ростгўй одамига рўбарў келган эканман.

1998 йил.

КАРНАЙ

Музейни томоша қилгани келганлар «Музей берк, ремонт» деган ёзувни ўқиб, қайтиб кетаверишарди. Аммо соқоли кўксига тушган, икки лунжи филнинг қулоғига ўҳшаб осилган бир чол эшикни очасан, кириб карнайимни кўраман, деб икки оёғини бир этикка тиқиб туриб олди. Қоровул тушунтирса ҳам тихирлик қилиб тушунмай тураверди.

Кираман, кўраман, вассалом!

Охири қоровул уни ичкарига киритишга мажбур бўлди.

— Боринг, директор билан ўзингиз гаплашинг.

Чол ичкарига кирди. Директор қоғозларга кўмилиб нималарнидир ёзib ўтиради. У бошини қўтариб чолга қаради.

— Келинг, отахон!

— Мен Бувахон карнайчи бўламан.

— Жуда соз, — деди директор. — Карнайчи чақирганимиз йўқ эди-ку. Тўй қилиш ниятимиз ҳам йўқ.

— Бувахон карнайчини билмасанг, дунёдан бехабар одам экансан-ку. Тўйга эмас, карнайимни кўргани келдим.

Директор кошларини керди.

— Қанақа карнай?

— Музейнгда карнай борми ахир?

— Бор, — деди директор.

— Ўша менинг карнайим бўлади. Эллик йил чалтганман уни.

Дарҳақиқат, музейда битта эски карнай бор эди. Бу карнайнинг қаёқдан келиб қолганини, нима хосияти борлигини ҳеч ким билмасди. Музей илмий совети бу номаълум карнайни экспозициядан олиб ташламоқчи эди.

— Э, шунақа демайсизми? Қани; ўтиринг, отахон, — деб директор унга термосдан чой қуйиб узатди. — Келганинг жуда яхши бўлди. Ўзингиз кимсиз, бу карнай қанақа каромат кўрсатган, бир бошдан айтиб беринг.

Директор Бувахон карнайчи пиёладаги чойни ҳўплагунча стол четида турган магнитофоннинг тугмасини босиб қўйди.

— Оҳ, отагинанг айлансин, биз кўрган карнайчилар энди қаёқда дейсан. Хозиргилар карнай пулласа, лунжи шишмай туриб нафаси биқинидан чиқиб кетади. Карнай деганин пуллаганда қорин чилимнинг белидан ингичка бўлиб кетиши керак. Хозиргилар пуллаганда киндиги пуп этиб кўйлагини туртиб чиқади. Йўқ, бу болалардан рисоладаги карнайчи чиқмайди...

Аслини олганда, карнайчилик муҳим касб эмас. Карнай деган тўйда, ҳайит-маъракаларда чалинади. Азада чалиб бўлмаса. Хонаки базмларда дутор-танбурга ўхшатиб улфатларнинг кўнглини олишга ярамаса. Кимга кийин, карнайчига кийин. Аммо Бувахон карнайчининг айтишича, йил-ён икки ой карнайбоп иш топилиб турган.

Отагинанг айлансин, гапимга ишон. Лунжим бирон кун бекор турганини билмайман. Кечасию кундузи пуллаганим-пуллаган. Нима бўлади-ю, вокзалдаги темир йўл зовутининг гудоги бузилиб қолади. У пайтларда одамларда соат деган нарса бўлмасди. Ҳамма эрталаб ўша зовутти гудоги билан уйғонарди. Ўша пайтда Некалайнинг зовутига Бувахон аканг керак бўлиб қолган. Саҳар пайтида қўш отли извош билан олиб кетишарди. Водақашқанинг тепасига чикволиб шаҳарнинг тўрт тарафига қараб бир пуллардим, ё бафармони худо, бу томони Ҳости имом, бу томони Жаарик, бу томони Занги ота, бу томони Яланғоч пирим алғов-далғов бўлиб кетарди. Тошкент вилоятида қанчаки ит бўлса баб-баробар акилла-ворарди. То гудок тузалгунча бир ярим ой Тошкентни ўзим уйғотиб турганман. Э, сенлар нимани биласанлар...

Бувахон карнайчи пиёла тагида қолган чойни ҳўплаб, томоғини намлаб олгандан кейин гапини давом эттириди:

— Некалай пошшо ўлгудек хасис одам эди. Тупрок-кўрғондаги крепосда аскарлар турарди. Ўқу замбараклари ҳам ўша ерда эди. Ҳар куни тушлик пайтида тўп отиларди. Бунинг маъноси абид вакти бўлди, дегани эди. Одамлар тўпотар маҳали бўлдимиқан, деб кутишарди. Хотини талоқ оқ пошшо энди бас, тўп отилмасин, гирмон уриш бошлади, пороҳ истроф килинмасин, деб приказ қипти.

Ана шунда нима бўлди, дегин. Тошкентдек шаҳри азимда кеча билан кундузнинг фарки қолмади. Тўп отилмагандан кейин вакт қай маҳал бўлганини ким қаёқдан билсин? Ана шундок оғир кунларда яна Бувахон карнайчи керак бўлди. Эшигимнинг олдига извош келди. Икки саллот иззат-икром билан олиб кетди. Крепосига кирганимда карасам, Қози калон ҳам ўша ерда экан. Кимдир: аввал унинг қорнини тўйдириш керак, бўлмасам карнай пуллашга ҳоли келмайди, деб қолди. Мис тогора-чада қазига ўхшаган бир таом келтиришди. Дарров билдим. Моя мусилмон чалавек, калбаса не кушайт, дедим. Шунда Қози калон: аз заруратан калбасага танаввули жоиздир, деб қолди. Ичимда, уволини сен, савобини ўзимга бағишладим, деб пок-покиза қилиб туширдим. Дуруст, ёмон таом эмас экан. Ёнбошига тўппонча таққан погонли семиз киши, бошла, деди. Калбасани қувватими, ё ўзимда бир куч пайдо бўлдими, икки лунжимни кўйнинг думбасидек қилиб карнай жонворни бир пулладим. Тошкентда қанча қарға, қанча

каптару мусича бўлса ҳаммаси осмонга патирлаб кўтарилиди. Итлар акиллavorди. Кўй-кўзиларнинг маърашини айтмайсизми?! Бу ҳам майли-я, эшак ўлгирга ҳанграшни ким қўйипти?

Шундай қилиб, салкам икки йил извошга тушиб крепостга бордим, тўп ўрнига карнай чалиб ҳалқимга хизмат килдим.

Инқилоб бўлгандан кейин ҳам бир кун бекор турганим йўқ. Қаерда метинка бўлса, қаерда йиғин бўлса Бувахон акангнинг карнайи билан лунжи иш бераверади. Хозирги Сверлов театри Юпатов серки эди. Катта мажлисларга одам йиғиб беринг, дейишиди. Томга чиқиб қадрдон лунжим билан карнайимни ишга солдим. Бедабозордаги Дом дехқонга Бутуниттифоқ оқсоқоли келганларида ҳам карнай чалиб, одам йиғиб берганимиз. Э, сенлар нимани биласанлар? Бувахон оталарингни бошидан нималар ўтмади-ю, кўзлари нималарни кўрмади. Тошкент атрофларида колхоз тузилиб биринчи хосилдан «Кизил карвон» қилиб шахарга қовун-тарвуз олиб келинган. Ўшанда ҳам Бувахон аканг карвон олдида Чифатой дарвозадан то Эски жўвагача тинмай карнайини ватиллатиб келган. Ўшанда Охунбобоев карнайимга лента тақиб қўйганлар.

Сен нимани биласан, усталда ўтирибсан, биз бўлмасак сенга бу устал қаёқда эди? Текстил комбинати ишга тушганда ҳам Бувахон аканг карнайини чалиб, одамларни ишга чақирган. Гидроистанса очилганидаям, Селмаш зовути битгандаям, қишлоқ хўжалиги Виставкаси очилгандаям шу Бувахон аканг карнай чалган. Будённий И. Рахматни отга миндирганда ҳам Бувахон аканг истадионда роса карнай чалган.

Йигитларимиз Гитлернинг онасини Учкурондан кўрсатиб, ғалаба билан қайтганларида бир ой вокзалда қолиб кетганман. Москов томонидан келаётган поездки бор, йўлида туриб олиб, роса карнайимни чалганман, акаси, мени ким деб ўтирибсан? Ўёгини сўрасанг, бу карнай Ҳамза билан Хоразмдан то Қорақалпоқча борган. Бу карнай Мухиддин кори трупуаси билан Фарғона водийисини айланниб Тамараҳонимни йўргалатган.

«Хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонини ҳар кимгаям беравермайди. Фарғона каналининг икки юз етмиш километр масофали трассасида карнай чалавериб, лунжалрим дирижабил бўлиб кетган. Бўлмасам, Усмон Юсупов бекордан-бекорга «БФК» нишонини кўкрагимга тақиб қўярмиди?

Кўй, укам, мени кўп жавратма. Эшикни оч. Қадрдон карнайимни бир қўриб кетай. Иложи бўлса, рухсат бер, битта пуллаб қўяй.

— Йўқ, отахон, мумкин эмас, музейнинг ёнбошида туғуруқхона бор. Ҳомиладор хотинлар бола ташилаб қўймасин.

Директор магнитофон тугмасини босиб, ўрнидан турди.

— Юринг, ота, ўша қадрлон карнайингизни кўрсатиб қўяй.

Улар бўёқ ва нам оҳак хиди анқиб турган йўлақдан ўтиб «Санъат тарихи» деган катта залга киришди. Чол ойнавон жавонда яшил духоба устига ёнбошлишиб қўйилган карнайини дарров таниди. Қўзлари яшнаб, беихтиёр, бормисан қадрдон, деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Тўққиз қундан кейин музей очилди. Шу пайтгача номаълум бўлган карнай қўйилган залда ҳар куни бир неча марта Бувахон карнайчининг магнитофонга ёзилган овози янграйдиган бўлди.

«Оҳ, отагинанг айлансан, у пайтдаги карнайчилар...», — деб бошланарди унинг сўзлари.

Орадан сал кун ўтмай хориждан келган бир турист музейнинг эсадалик дафтарига шундай ёзув қолдириди:

«...Оддий карнайчиси шунча иш қилган бўлса, олимни, ишчиси қанақа ишлар қилдийкин? Йўқ, бунақа ҳалқни йўлдан уриб бўлмайди...»

КЕЛИНЛАР ҚЎЗФОЛОНИ

Уста Маҳкамнинг кичик қизи Инобат маҳмадонагина чиккан. Келин аялари ҳам, опалари ҳам ундан зириллаб туришади. Шундок гапларни топиб гапирадики, нақ жонжонингдан ўтиб кетади. Тили чиққандан бери бирон гапни жавобсиз қолдирмаган. Ўзига ўҳшаган шаддодгина аммаси доимо унинг пешонасига муштлаб туриб гапиради:

— Сен ўлгурга бўшрок қайнона учраса, ажалидан беш кун олдин ўлдирасан, сенга Ҳожи она бас келмаса, мундорроғи тил тортмай ўлади.

Инобат ўз келин аялари қолиб, қўшни келинларни ҳам туртқилаб чиқарди.

Инобатнинг онаси икки-уч совчини қайтарди. Ёкмаганидан эмас, раҳми келганидан, инсоғ юзасидан қайтарди. Совчи бўлган хотин ҳалимдек юмшоқкина экан. Инобат уни икки кунда шафтолиқоқи қилиб қўяди. Иккинчиси

паришталикини, хар иккى гапининг бирида, ўзим ўргилай, деб туради. Инобат унга бир шақилласа, нак бечоранинг кўнгли кетиб қолади-я.

Шундай килиб, неча совчиларга йўқ, деган она ўзларидан беш махалла наридаги «Етти оғайни ботирлар»нинг кичигидан келган совчиларга дарров «хўп» деб, опкелган нонини ушатди. «Етти оғайни ботирлар»нинг онаси бутун шаҳарга танилган, келин зотини бодрок килиб қовурадиган «генерал кампир» номини олган хотин эди.

Унашилган куннинг эртасига аммаси Инобатнинг пешонасига яна муштлаб деди:

— Энди ўлдинг. Қайнонанг тириклайн еб қўяди.

Инобат уни писанд кильмади.

— Меними? Овора бўлади. Игнанинг тешигидан ўтқазвoramан.

Хулласи, униси у деди, буниси бу деди. Тўй бўлди. Инобат жиндеккина пардоз билан ойдеккина келин бўлди. Айникса тўйнинг эртасига гул-гул очилиб кетди.

Шаҳарга достон бўлган тўй ҳам тугади. Олти овсин учун идиш-товоқларни қатрон қилишибди. Дастурхон-сочиқларни қайнатиб ювиб, дорга ёйишиди.

Қайнона ишга аралашмай, айвонда тасбех ўгириб, келинларининг ишларига қараб ўтиради. Ўртанча келин тез-тез унинг олдига бориб, орқасидаги ёстиқни тўғрилаб, чойни янгилаб берарди.

Инобат улар олдида бекор туришга хижолат бўлиб, наридан-бери овсинларига карашарди. Ўртанча келин чой дамлаб айвонга, кампир олдига кетди. Инобатнинг ёнида чўнқайиб ўтирган кичик овсини секин туртди:

— Кўряпсизми, шпион ўлгурни? Шунга эҳтиёт бўлинг.

Шум кампирнинг агенти у.

Инобат пиқ этиб кулиб юборди.

— Кулманг, айланай овсин, бошингизга тушганда биласиз.

Бир хафта ўтмаёк бу уйдаги сир-асрор Инобатга ойнадек равshan бўлди-кўйди.

Инобат еттинчи келин бўлиб тушган эди. Кампир етти ўғил кўрган: еттовини ҳам ўқитиб, оёққа турғизган. Ўғиллар она измидан бир қадам чиқишимасди. Топган-тутганларини она кўлига тутқазишарди. Етти ўғил, етти келин бир қозондан овқат ейишар, биронта келин ўзича қозон осолмасди. Кампир рўзгорхонанинг қалитини нимасининг тугмасига боғлаб олган, кечкурун масалликларни олиб бориб, қозон бир марта қайнагунча ошхонадан чиқмасди.

Кампир у ёк-бу ёққа кетганда бу ишларни фақат ўртанча келининга ишонарди. Ўшанда ҳам қалит ўзида колар, масаллиқни битта қоғоз пакетга солиб берарди.

Албатта, кампир келинларини рўзгордан сикмасди. Аммо режани бузмай, масаллиқни исроф қилмай иш тутарди. Кечкурун ўртага овқат қўйилганда, агар ортиб қолгудек бўлса, жавраб кетарди. То охиригача ейилмаса, зўрлаб едиради. Жуда бўлмай қолганда, ўзи пишиллаб еб қўярди.

Келинларининг ҳаммаси ишлашарди. Эрталаб ионуштага фотиха ўқилгандан кейин, кампир ичкаридан ҳамёнини опчиқиб, келинларига эллик тийиндан, ўғилларига бир сўмдан қўяди. Мактабга борадиган невараларига ўн тийиндан беради. Кейин ҳамёнини яна опкириб кетади.

Хар ойнинг ўн бешида ўғиллар, келинлар биринкетин келиб, маошларини унинг олдига қўйишади. Кампир шошмай санаб олаверади. Ўн беш кунлик маош минг сўмга етмаса, қувоги осилиб кетарди.

Кампирнинг яна бир одати бор эди. У кечкурун келинлар, ўғиллар уй-уйларига кириб кетганларида ҳаммасининг уйи остонасида ғимирсиб юради. Қайси бириси нинг туфлиси йиртилган, ё таг чарми едирилган бўлса, йиғиб олади. Эртасига улар ишдан қайтгунча гузардаги устага бир халта қилиб опчиқиб, бутлаб олиб келади.

Хулласи, бу уйда кампир маршалдек эди. Ипдан-игнасигача унинг назарида эди. Етти оила кечкурун кампирнинг айвонига тўпланишади. Чунки шу етти оила учун битта телевизор бор эди. Ҳамма баробар қўради. Кампир эснади дегунча, ўртанча келин дарров туриб ўчиради. Кино кинолигича, концерт концертлича қолади.

Овсинлар битта шу кампирдан, битта шу ўртанча овсиндан қўрқишиди. Рўзгорда нимаики аччиқлик бўлса, шу ўртанча келин сабабчи. У кечалари маҳсичан юриб, овсинларининг деразасига қулоқ солади. Нима қилишяпти, нима дейишишти, дарров кампирга етказади. Кечаси айтилган гап эрталаб тонг отмай кампирнинг оғзидан чиқади.

Хулласи, бу уй ўз подшоси, ўз вазири бор кичкинагина мамлакатга ўхшарди. Бу «мамлакат»нинг ўз қонунлари, ўз тартиблари бор эди.

Инобат аввалига келинлик гашти билан бу нарсаларга унча парво қильмади. Ўртанча овсини янги келин, деб уни унчалик куткиламади. Орадан бирон ойлар ўтиб, Инобатнинг ҳам «нуксон»лари чиқиб қолди.

Эрталаб нонушта пайтида кампир Инобат узатган пиёладаги чойни ховлига сепиб ташлади.

— Кўнгли кора одамнинг қўлидан чой ичмайман.

Инобат хайрон бўлди. Ўртанча овсин бошқа чой куийб, сал олдинга энгашиб, чой узатган қўлининг енгини чап қўлининг жимжилоги билан илиб туриб узатди. Кампир олди.

Инобат хам чойни ховлига сепиб, шарт-шурт юриб уйига кириб кетди. Орқасидан эри кирмоқчи бўлиб қўзғалган эди, кампир бир хўмрайиши биланоқ чўкканича жойида қолди.

Кичик овсини ҳам тўлиб турган экан, кампир жияни-никига кетган куни Инобатнинг деразасини чертди. Иккови айвон супуриб юрган ўртанча овсин эшитмасин, деб пичирлашиб ниманидир гаплашиди.

— Кампирнинг бир таъзирини бериб қўймасак бўлмайди. Жудаям бошимизга чиқиб кетяпти. Ўғиллари онаси-дан гапирсанг, томга сакрашади.

Ўртанча овсин айвонни супуриб бўлиб, сават кўтариб кўчага чиқиб кетиши билан қолган олти овсин супага чиқиши. Пичир-пичир қилиб узоқ гаплашиди. Ўртанча овсин келиши билан ҳаммаси тиракайлаганича уй-уйлари-га кириб кетиши. Инобатнинг битта ўзи ховлида қолди.

— Менга қаранг. Сиз янги одамсиз. Бу иғвогарларнинг гапига учманг. Менинг гапимга кирсангиз, олам гулистон бўлади. Тунов куни ойим узатган чойингизни нега сепиб юборганинни биласизми?

— Йўқ, — деди Инобат билишга қизиқиб.

— Чойни чап қўл билан узатдингиз. Кўнгли кора одам чойни чап қўлда узатади.

Инобатнинг энсаси қотди.

— Оббо, шу ҳам гап бўлдими? Нима, мен онасига текканманми, боласигами? Айтиб қўйинг, иззати билан болаларини дуо қилиб ўтиурсин. Бўлмасам, мясорубкадан ўтқазвораман.

Овсини қошларини керди:

— О, тилингиз бор экан-ку. Оймнинг аччиқ гапларидан иккитасини эшитсангиз, эсингиз жойига келиб қолади. Билиб қўйинг, бу уйда шу кампирнинг айтгани-айтган, дегани-деган.

Шу гапдан кейин кампир Инобатга унча рўйхуш бермай қўйди. Аммо олти овсин ҳар куни пичирлашиб, ниманидир маслаҳат қилишарди.

Уларнинг нима тўғрисида гаплашганлари дам олиш куни эрталаб мъълум бўлди.

Кампир эрталаб тахорат олиш учун турганда айвонда-ги катта стол устига қизил алвон ёзилган, келинлар, ўғиллар стол атрофида жимгина ўтиришарди. Кампир то тахорат олгунча қўйиб беришиди. Кейин намозини ўқиб олиши билан Инобат уни чақирди:

— Ойижон, қани, бу ёкка!

— Ҳа, нима бало бўлди? Бу уй — уйми, идорами? Нима, майлис қиляпсизларми?

Инобатнинг кичик овсини пичинг қилди:

— Мажлис эмас, суд, ойижон, кела қолинг!

Кампир нималардир деб жавраб, нари кетаётган эди, катта келин деди:

— Агар келмасангиз, орқадан ҳукм чиқазворамиз.

Кампир қизиқчилик қилишяпти, деган ўй билан айвон даҳанига келиб ўтирди.

Инобат ўрнидан турди:

— Суд мажлиси очик. Кўриладиган масала битта. Етти келиннинг қайнонаси устидан берган шикоят ариза-сини кўриб чиқиш. Ва жиноят қонунининг тегишли моддасига биноан қайнона устидан ҳукм чиқариш. Қўшимча гапларинг йўқми? Биринчи гапни катта келиндан эшитамиз. Жабрланувчи, туринг ўрнингиздан. Айтинг!

Катта келин қўрқа-писа ўрнидан турди. Қайнонаси-нинг кўзига қарашга юраги бетламай, гапира бошлади:

— Шу кишининг қўлларига келганимга ўн тўрт йил бўлди. Шу ўн тўрт йил ичидан ўз уйим эмас, биронвикита каватр ўтиргандай яшаяпмна. Эрим ўлгудек латта. Уй-рўзғор қилиб, бирон кун яйраганим йўқ. Худога рост, сизларга ёлғон, шу ховли ўлгурдаги узумдан ўн тўрт йил мобайнида бир шингилини ўзим ўз қўлим билан узмаган-ман. Қолган гапни ўзларинг билиб олаверинглар.

Катта келин ўтириб, иккинчиси турди:

— Артистнинг қизисан, онант саҳнага жодугар бўлиб чиқкан, сен ҳам жодугарсан, кўрпачамда ўтирма, пиёлам-да чой ичма, жоду қилиб қўясан, деб қўз очирмайди. Етти йил олдин бир тумов бўлган эдим, ўшандан бери отим манқа...

Кампир хезланиб ўрнидан туратган эди, Инобат кескин қилиб:

— Ўтиринг! — деди.

Кампир қўрқибми, ҳайратданми, ё ғазабданми — ўтириб қолди.

Ўртанча келин ўрнидан туриб, бошқаларнинг гапини ёлғонга чиқарди.

— Она бўлса, шунчалик бўлади-да, шу киши бор, рўзгоримиз бут, кўнглими тўқ. Аризага мен кўл кўймаганман, — деди.

Бошқалар уни талаб ташлаши.

— Сиз ойимнинг агентисиз. Доим бизнинг устимиздан материал берасиз. Ойимга протез тиш килдириб бериб, пинжалрига кириб олгансиз. Сизга ким кўйибди гапиришини?

Кампир ўрнидан туриб кетди. Ўғилларига бакирди:

— Қанақа эркаксанлар? Хотинларингга мени талатиб қўйиб, томоша қиляпсанларми?

Ўғиллари пик-пик қулиб, ерга қараши.

Инобат қозони кўлига олди:

— Кулок солинглар Ҳукмни ўқийман. Агар кайноамиз рўзгорхонанинг калитини бизга берса, рўзгоримизни бўлак қилиб берса, маошимизга кўл теккимаса, шу уйда яшаймиз. Агар шартларимизга кўнимасалар, уйдан кўчиб кетамиз. Ишхонамидан ҳаммамизга секция беряпти. Шартимизга розимисиз?

— Асло! — деди кампир ва ўрнидан турди-да, кўл силтаб уйга кириб кетди.

Ҳамма оғзини очганича орқасидан қараб қолди. Энди нима қиласиз дегандек, бир-бирига қараши. Инобат овозини баланд кўтариб, уйга кириб кетган кампир эшигадиган қилиб гапира бошлади:

— Агар шартларимизга кўнсалар, ҳар ойга ҳаммамиз беш сўмдан, яъни етти ўғил, етти келин беш сўмдан етмиш сўм бериб турамиз. Еб-ичиш, кийим-кечак бунга кирмайди. Лозмандалар ҳам гарданимизда.

Кампир, овозинг қурсин, дегандек қилиб эшикни қарсиллатиб ёпиб қўйди.

Шунча гап таъсир қилмагандан бўшашиб қолган келинлар ер остидан яна бир-бирларига қараб олиши. Инобат уларга имлаб қўйди.

Яна баланд овоз билан деди:

— Ҳукм қатъй. Шикоят учун бир соат вақт берилади. Бир соат вақт ўтиши билан гузарга чиқиб, ҳамма биттадан грузовой машина олиб келади. Чилонзорга кўчиш бошланди. Тарқалишларинг мумкин.

Эшик ғиқиллаб аста очилди. Кампирнинг боши кўринди.

— Ҳазил ҳам эви билан-да. Қиликларинг қурсин.

— Ҳазил эмас. Чин гап. Бир соат ичида жавоб кутамиз.

Кампир аста келиб, жойига ўтирди.

— Хўш, нима қилгин дейсанлар?

— Эркинлик беринг. Келинларингизнинг олди уч болали бўлди. Ўзи рўзғор қилсан. Сиз иззат билан етти келин пиширган етти хил овқатни танлаб, энг ширинини еб, маза қилиб юринг.

— Бир кунда еттита қозонни қайнатмокчимисизлар?

— Албатта! Ҳамма ўзи хоҳлаган ошни ейди.

Кампир пўнгиллади.

— Шунча йилдан бери тил-жаги чиқмаган келинларимни сен йўлдан урдинг. Ўғлимни ҳам буздинг, — деб Инобатга ўқрайиб қаради.

— Кўнасимизи, йўқми? — деди кампир сал бўшашганини билган Инобат қизиган гапни совутмай.

Кампирнинг ҳам чапақай жаҳли чиқди.

— Кўчсаларинг, кўчиб кетаверларинг. Ҳамма уйга каватр қўяман. Ҳаммангни судга бериб, нафака ундираман.

Инобат столни шапиллатиб урди:

— Бўпти! Беш минут вакт қолди. Гузарга машина олиб келишга биттантлар чиқнинглар. Етти машинада кўчамиз.

Кампирнинг кўзлари аланг-жаланг бўлиб қолди. То у бирон гап айтгунча, катта келин кўча эшиги олдига стиб қолган эди.

— Тўхта! Шошма!

Кампир шундай деди-ю, шошиб уйга кириб кетди. Сал ўтмай, қайтиб чиқиб, калитни ховлига улоқтириди.

— Олларинг! Менга деса ўнта қозон қайнатмайсанларми! Битта корнимга менга нима зарур? Билгандарингни қилларинг.

Инобат яна босиб тушди:

— Келинлар, ўғилларингиз чўт қоқиб ҳисоблаб чикдик. Берган пулларимиздан ўн олти минг сўм йиғилган. Шуни бўлиб берасиз.

— Бериб бўпман. Бир тийин ҳам нул йўқ. Ўлимлигимга йикканимни нега берарканман?

Келинлар баробарига чувиллашиди:

— Майли, майли, бермай кўя колсинлар. Бу ёғига тегмасалар бўлгани.

Кампир пул ёнига қолганига шукур қилиб, индамай ўтираверди.

Ўша куни туш пайтида етти ўғил ҳовлининг етти жойига ўчоқ куриши. Кечкурун еттита қозон баробарига қайнади.

Кампирнинг обрўси, иззати ошиб кетди. Етти келин етти ёқдан:

— Ойи, ош пишди, келинг, ойи, чўзма лағмон қилдим, бу ёққа келинг, — деган мулойим товушлар чиқиб қолди.

Кампир жаҳл билан биттасининг ҳам олдига бормади. То кампир намоз асрни ўқиб бўлгунча айвондаги хонтахта усти овқатга тўлиб кетди. Лағмон, палов, шовла, мастава, яна мастава, чучвара, ковурмалар катор терилиб ташланган эди.

Кампир ҳаммасидан оз-оз еб-ичди-да, кичигим пазанда экан, деб қўйди.

Кампир иззатга ботди. Келинларининг бири ўрнини солиб берган, бири чой дамлаб келган, бири кавушини артиб қўйган, бири қофози очилмаган атир совун қўйиб кетган... Кенжак келини бир чиннини тўлатиб тарвуз сувини қўтариб кепти. Бу ҳам етмагандек, капрон дуррача опекелиб елкасига ташлади.

— Кечаси танғиб ётсангиз шамолламайсиз, ойижон.

Кампир ҳали ҳам астойдил жаҳлидан тушмаганди. Ёстиқка бош қўйиб, кўз юмиши билан бирдан инсофга келди.

— Ўзимни ўзим кийнаб юрган эканман. Менга нима зарур экан-а! Билганини қилишсин. Ҳожи оналикни менга ким қўйипти?

Кампир шундай хаёллар билан ухлаб қолди. У келин кўрган йилларидан бери биринчи марта беташвиш ухлаши эди.

Катта келин, ойимнинг кўзларига чирок тушмасин, уйқулари бузилади, деб чироқни ўчириб кетди.

Ўтранча келин оиласидаги янги одатга кўниколмай, кечаси довдираб ҳовлига чиқди. Овсинларининг деразаларига бир-бир қулоқ солиб кириб кетди. Эргалаб кампирнинг кулоғига шивирлаётган эди, кампир уни силтаб ташлади:

— Болам, бу одатингни ташла. Мен Ҳожи оналикдан тушганман. Сени ҳам шипиёнликдан бўшатдим.

Бу гапни ҳамма келинлар эшитишиди. Хаҳолаб кулиб юборишиди.

Ўн беш йил мобайнида бу ҳовлида биринчи маротаба еттита самовар баробар қайнарди...

1970 йил.

МУШТИПАР

Тескари ҳикоя

Қизим, сенга айтаман,
Келиним, сен эшиш.

МАҚОЛ

У ичкуёв эди. Хотини ишга кетганда идиш-товоқларни ювиб, болани кийинтирас, кийимларига дазмол босиб, ҳаммаёқни ораста қилиб қўярди. Бу орада ун әлаб, ҳамир корарди, сигир соғиб, қатиқ ивнтарди, қўл машинасини шитирлатиб, боласига ҳар хил қўйлакчалар тикиб қўярди.

Куёвдан ёлчиган қайнона уни ялаб-юлкарди. Тўй-ҳашамларга, лозимандаларга олиб бораради. Нима бало бўлди-ю, қайнона-қуёвнинг ораларидан кора мушук ўтиб қолди.

Бола йиғласа, қайнона минғиллайди, самоварнинг ўти туласа, қайнота дўнғиллайди.

— Ҳой, болага қаранг, қанақа ивиrsиган күёвсиз. Онангиз ўлтур самовар қўйишніям ўргатмалти-да. Ҳозирги оналарга ҳайронман, ўғил бола-ку бирорнинг хасми, хуниар ўргатса бўлмайдими? Шунинг учун ҳам хотинга теккандা калтакдан боши чиқмайди.

Күёв елиб-югуриб иш килади. Кир ювиб туриб кўпик юки қўли билан қайнонанинг оёғини уқалагани чопади, бодом туйиб докага солади-ю, боланинг оғзиға тиқади. Келин ҳализамон ишдан келиб, самоварга чиқиб кетади. Овқатга уннаш керак, кийимларини дазмоллаш керак. Қайнотаси ифторликка борадиган, чакмонини чўткалаb, калишини ювиб қўйиш керак.

Шунақа ишлар билан қўёв ҳеч ўзига каролмайди. Бунинг устига, қайнонаси қизи келиши билан уни чақади:

— Синглиси келувди, нима бериб юборганини билмайман. Ҳумчадаги ёғ назаримда камайгандек. Уруғлари ўлтур мунча кўп. Хотин деганинг топганини тежамаган эр эрми.

Эр жуда сиқилиб кетди. Хотини ишдан келганда қўз ёши қилди:

- Сиқилиб кетдим, жавобимни беринг, чиқаман.
- Хотин дўнғиллади:
- Қўядиган эрим ўқ.
- Ҳеч бўлмаса, рўзгоримизни бўлак қилиб беринг.

Хотинга бу гап малол келди:

— Номард қыз она рүзөрини бўлак қилади. Эр топилади, она топилмайди.

Эр ҳурпайиб, икки кун йиғлади. Охири боласини кўтариб, уйдан чиқиб кетди.

Бечора муштипар эр, болани бағрига босиб, йиғлаб-йиғлаб онасиникига кетяпти.

Ўғил бола ёр-ёр билан уйдан чиқиб кетдими, қўшгани билан қўшма қарисин экан, бола кўтариб, уйга қайтиб келгулик қилмасин экан.

Онага қийин, қачон тенги чиқади-ю, қачон узатади.

Аммо битта боласи билан қаёққа ҳам сигарди?

Ха, номард хотин!

ЭГАР БОЗОРИ

Ҳазил

Бутун республикадаги жамики магазинларни айланиб чиксангиз, прилавкада чанг босиб ётган эгар, аркон, арава михини кўрасиз. Бу моллар ўн-ўн беш йиллардан бери сотилимай ётади. Аммо шахарнинг кок ўртасидаги хўжалик моллари дўконида бу молларнинг уруғи ҳам топилмайди. Хар хафтада базага шу дўкондан заявка келади.

«...Бизга элликта эгар, икки юз кило арава михи, икки минг метр жун аркон юборинг».

Шу дўконнинг шикоят дафтарини ўқисангиз, яна шу гап:

«Дўкон мудири келган арконларни, эгар ва арава михларни ўз ошина-оғайниларига сотяпти...»

Бошқа дўконларда йилдан-йилга сурилиб ётган аркону эгарларни шу дўконга юбора бошлашди. Барibir етишимайди. Заявка устига заявка. Якин олти ой ичида республикамизнинг хамма дўконларидан эгарлар қайтариб олиб келинди. Шу дўконга юборилди.

Орадан сал кун ўтмай, яна заявка. Эгар, аркон, арава михи...

Энди фабрикага заказ бера бошлашди. Фабрика эгар чиқариб ултуролмай қолди. Пеш чиққани пеш шу дўконга жўнатилиб турди. Шаҳар савдо бўлмининг бошлиғи хар куни эрталаб машинада шу дўкон олдидан ўтаётгандага навбат кутиб турган кишиларни кўради. Кечқурун қайтишда эгар кўтарган, аркон кўлтиқлаган кишиларни учратади.

Бугун савдо бўлмининг ходимлари бу дўконда эгар, арава михига бунчалик талаб катталағининг сирини

билиш учун тўрт-беш киши бўлиб дўконга боришмоқчи бўлишди.

Шундай килишди.

Олти киши дўконга бориши.

Дўконда одам кўп. Якин бориб бўлмайди. Дўконнинг орка тарафидан киришди. Ташқарида тўполон бўлиб кетди.

— Навбатсиз кирганлар чиқариб юборилсин!

— Орқа тарафдан кирганлар чиқиб кетсин!

Савдо бўлими ходимлари қайтиб чиқишга мажбур бўлишди. Тушлик бўлгунча кўчада кутиб туришди. Хай, тушлик ҳам бўлди. Дўкон мудири уларни ичкарига бошлаб кирди.

Бир маҳал киришса, эгару аркон сотадиган бўлимда бир киз ишляпти. Ҳусн демаган ойнинг ўзи. Кулганда, ҳаммаёқ, деворлар ҳам қўшилиб кулаётганга ўхшайди. Гапирса, танбур билан рижжакни баравар чалаётгандек. Нафас олиши марварид шодасининг шилдирашига ўхшайди. Савдо бўлмининг раҳбарлари анграйганча қолиши.

Дўкон мудири мурожаат килди:

— Хизмат? Ревизия килмоқчисизларми?

— Йўқ, йўқ, — деди савдо бўлмининг мудири. — Ўзимиз шундай. Бир-икки эгар билан беш-олти метрдан аркон керак эди.

Хулласи, шаҳар савдо бўлмидан келган казо-казолар дўконни текшириш ўрнига, ҳаммаси биттадан эгар, ўн метрдан аркон кўтариб чиқиб кетиши.

Улар чиқиб кетишаётгандага: «Арава михи учун эртага яна келамиз, тамом қилиб кўйманг», деб тайинлашди.

Бу чиройли сотувчи жонон киз курмагур шаҳардаги ҳамма бўйдокларни михлаб, арконлаб, эгарлаб ташлади.

Хотима

Савдо бўлими мана шу воқеадан кейин шундай холосага келди:

1926 йилдан бери база омборининг бир четида чанг босиб ётган иккита омоч бор эди. Бу омочлар кирқ йилдан бери балансдан балансга ўтиб, ҳужжатларни хира қилиб келарди. Савдо бўлими бошликлари ўша омочларни ҳам шу дўконга юоришига аҳд қилишди. Шундай ҳам бўлди.

Ҳар иккала омоч ярим соатда сотилиб кетди. Эртасига зудлик билан яна элликта омоч юборинглар, деган заявка келди.

ОМОНАТ

Фожиа

Бирорга ҳам едирмайдиган, ўзи ҳам емайдиган қаттиқкўл бошбуҳ бор эди. Шу бечора яқинда ўлди.

Бошбуҳ столга кўпдан қўз тикиб юрган бир худо урган помбух бор эди. Бошбуҳ ўлди-ю, унинг оёқ-кўли чаккон тортиб қолди.

Помбух идора ишига, бошбуҳга садоқатини қўрсатиш ниятида жаноза маросимида ҳаммани оёққа турғизди. Бошбуҳнинг жасадини идорадаги катта биллиард устига ётқизиши. Кимдир:

— Мархумга охорлик янги костюм кийдириш керак эди, — деб қолди.

Помбух эгнидан янги костюмини шартта ечиб, унга кийдириб қўйди.

Ана шундан кейин қўпчилик бўлиб, бошбуҳни қабристонга олиб кетиши. Уни қабрга қўймай туриб, жиндек нутқ ҳам бўлди. Помбух ҳеч ким сўз бермаса ҳам кўзида ёш билан ваъз айтди:

— Алвидо дўстим, сен қабрингда тинч ёт. Ишингни ўзим давом эттираман.

Бошбуҳнинг устига тупроқ тортиши. Шу пайт бирдан помбухнинг жазаваси тутиб дод, деганича ўзини қабрга отди. Унинг ҳам устига бир-икки кетмон тупроқ тушди. Қўпчилик бўлиб қабрдан зўрга тортиб олиши.

Тупроқ тортаётганларнинг қўлига помбух фарёд билан ёпишар, ҳадеб ўзини қабрга отишга чоғларди.

— Дод, дод! Омонатимдан айилдим, омонатгинамдан айилдим.

Уч қишилашиб уни ушлаб туриши. Шу алфозда бир амаллаб бошбуҳни кўмиб олиши. Ҳамма тарқай бошлади. Аммо помбух қабрга капишиб олганича тупроқни тимдалаб, омонатим, деб додларди.

Яна бўлмади. Одамлар қўпчилик бўлиб, уни судраб олиб келишяпти ҳамки, у тинмай: «Омонатимни қаерга кўмиб келяпман, омонатим тупроқда ётаверадими?» — деб фарёд уради.

Унинг ахволини қўрганлар:

— Мана, дўстга садоқат, — дейишарди. — Дўст деган шундок оқибатли бўлиши керак. Азиз биродари казо қилганига асти чидамаяпти.

Помбух ҳамон додларди:

— Омонатимдан айрилдим. Айлиб қолдим...

Тамом.

Ушбу ҳикоянинг давоми:

Бошбуҳ ўлганда помбухнинг унга ўз костюмини эгнидан ечиб кийдиргани хурматли китобхонларимизнинг ёлларида бўлса керак.

Помбух ўша костюмини кийдираётганда шошганидан чўнтағидаги касса дафтарчасини олишни унутган эди. Унда уч минг икки юз ўттиз икки сўмлик омонат пули бор эди.

— Доод! Омонатим тупроқда қолди.

(ана энди тамом.)

ПОЧЧАЖОН...

Темир-терсак буюмлари заводининг директори эллик ёшга тўлди. Мана шу кутлуғ маросимни нишонлаш учун завод активлари клубга йиғилиши. Юбилей комиссиясининг раиси — бош инженер Умрзоков минбарга чиқди. У ноз-неъматлари билан тўлган катта столга узок тикилиб тургандан кейин бир тамшаниб олиб, сўз бошлади:

— Хурматли ўртоқлар, сўзга ёзилганлар кўп. Аммо, мен колективлар номидан табриклидиган расмий қишиларгагина сўз бераман. Табрик учун сўз директор ўринбосари Қорабоевга.

Минбарга қоғозга ўроғлик бир нарсани қўлтиғига қистириб олган, башараси фамилиясига ўхшаш қоп-кора одам чиқди.

— Дириекторимизнинг фазилатларини бирма-бир айтдинглар. Мен бу тўғрида гапириб ўтирумайман. Фақат бутун завод коллективи номидан жиянимга ушбу габардин макентошни кийдириш билан чекланаман.

У шундай деди-ю, қоғозга ўроғлик макентошни очиб директорнинг устига ёпди ва чапаклар остида минбардан тушиб, жойига бориб ўтиреди.

— Табрик учун сўз завод санитария бўлимининг мудири Иристоевга.

У ҳам минбарга чиқди. У ёқ-бу ёққа жавдираб, қўзига ёш олди. Дириекторга узок мўлтириаб тикилиб турди.

— Поччажон, Сиз мени одам қилгансиз. Унутмайман, поччажон. Касалхонамизда даволанаётган беморларномидан ушбу совғани қабул қилинг. Унда уч кило сариёғ, беш кило печенье, етти кило оқ қанд каби нарсалар бор.

Дириектор совғаларни қабул қилиб оларкан, семиз гавдасини аранг кўтариб, ўринидан турди-да, қайнисининг пешонасидан ўпид, раҳмат, деб қўйди. Ундан кейин бош технорукка сўз тегди.

— Жиян, — деди у дирекорнинг кўзига қараёлмай, — мен бошқаларга ўхшаш гапга уста эмасман, завод технорулари номидан мана бу тилла соатни билагингга тақиб қўйишга рухсат берсанг, бас. Бир ўқимаган омий тоғангни ишга олиб, бosh технорук килдинг, миннатдорман.

— Энди сўз завод таъминот бўлимининг мудири Исоқжон акага!

Худди директорга ўхшаган қориндор бир киши ҳеч кимни писанд қилмай, тўппа-тўғри юбилярнинг олдига борди. Унинг пешонасида ўпди:

— Ука, яша, ука, менинг укам катта бўлиб, директор бўлади, деб сира ўйламаган эдим. Сени мана шу елкаларимда кўтариб катта қилганман. Шундок тўйга қуруқ келиш айб. Шунинг учун таъминот бўлими номидан сени бир машина картошка билан мукофотлаймиз. Эртагаёк омборингта тушириб берамиз. Аҳадга айт, омборни супуриб-сидириб қўйсин.

Навбатдаги сўз завод боғчасининг мудираси Расуlevaga тегди.

— Бир нима дейишга ҳайронман. Умид билан бир ёстиқка бош қўйганмиз. Шу пайтгача мени урмадингиз, сўқмадингиз. Тўрт боланинг ота-онаси бўлдик. Богчамиз номидан сизга шу гиламчани совфа қиласмиз.

Ок халат кийган тўртта жувонни эни икки ярим, бўйи уч ярим метрлик гиламни опчиқиб, минбар олдига ёзиб қўйишиди.

Ана шундан кейин ошхона мудирига сўз тегди. У каттакон патнисда устига атиргул нусхаси туширилган элакдек торт кўтариб директорнинг олдига келтириб қўйди.

— Энди, куёв бола, оз бўлса ҳам кўпдек кўрасиз. Бу хамир учидан патир. Бугунги ўтириш харажатини ошхона коллективи ўз бўйнита олди. Азбаройи сизнинг юбилейнингизга совфа бўлсин деб.

Юбилей охирилаб колганда бир одам рўйхатда бўлмаса ҳам сўз сўраб қўлини кўтарди. Унинг илтимосини кайтариш кийин бўлди.

— Биз бегона одам. Тоес, жудаям бегона эмасмиз, гапирсак ярашади. Яъни, директоримизга ўгай ука бўламиз. Ота биру она бошқа. Шунинг учун ҳам моянамиз кам, ишимиз ҳам унча даромадли эмас. Мен акамизни ўгай бўлса ҳам табриклиш билан бирга, ўгайлик килмасликларини илтимос қилиб қоламан.

Юбилей тугаб, қадаҳларга гал келди. Барибир ўгай ўгайлик қилас экан, охирида сўзга чиққан йигитга зўрга

пойгакдан жой тегди. Аммо, у ҳам ҳақини юбормайдиган хилдан экан. Ҳаммадан кўп ичиб олиб, «Тўйлар муборак»ни бошлаб юборди.

Манти анитиқа бўлган экан, аммо ошдан кейин жонивор ёмонам исроф бўлди-да.

ДУМ

Зайнобиддин ўйлаб қараса, шу қунларда ўқитувчиларнинг моянасига барака кириб, тирикчиликлари бинойидай бўлиб қопти. Эски касбига қайтишини ният қилиб қўйди. Шу мақсадда ариза қўтариб маорифга борди. Маориф мудири уни яхши танийди. Бир вактларда ўзи ўқитган. Еттичини битирганда бирга тушган фотосуратлари ҳам бор. Зайнобиддин кўзойнак тақиб, каттакон портфелни тиззасига қўйиб, ўргада ўтириби.

Маориф мудири аризани ўқиб бўлгач, сўради:

— Эски касбга қайтмоқчи бўлпсиз-да, домла?

— Шундок, шундок, ўқитувчиликнинг хумориси тутиб қолди. Илминг бўлгандан кейин, педагогика мутахассис бўлганингдан кейин чида буролмас экансан, киши. Бизда бор илмдан ёшлар баҳраманд бўлиб, борини олиб қолсалар, деган ниятда...

— Аслида шу касбни чакки ташлаб кетгансиз, домла. Энди қандай бўларкин, ўқитувчилик методикаси анча олдинга кетиб қолтан, ундан кейин...

Зайнобиддин сўз бермади:

Бизни жуда ҳам қолиб кетган демасинилар, ҳар қалай, қундалик газеталарни кузатиб турганимиз.

Маориф мудири бошини қашлади.

— Гап факат газета ўқишида эмас-да. Сиз ўқитувчилик қилган пайтда лотин алифбосида ёзардик. Мана, аризани ҳам ўша алифбода ёзиб келибсиз.

Зайнобиддин бу гап ҳам бўш келмади:

— Ёзув-чиズувдан бўлмаса ҳам, жугофониядами, бадантарбиядами дарс бериб турсам. Пенсияга чиққунча эрмак, дегандай. Стаж куймаса бўлгани бизга.

Икковлари жим қолишиди. Маориф мудири каттирок бир гап айтай деса ёши катта одам, унинг устига, ўзига бир пайтлар дарс берган, ҳар қалай ўқитувчиси. Кўнглидан аллақанча гаплар ўтди; шу пайтгача қайси ковакда ётган эдингиз, ўқитувчиликни севаркансиз, нега ташлаб кетдингиз, пул чиқади, деб минг хил ишга бошингизни урдингиз. Энди пенсия зарур бўлиб, келдингизми?

Бу гаплар факат маориф мудирининг кўнглидан ўтди холос, тилига чиқазмади. Яхшиликча муомала қилмоқчи бўлди:

— Домлажон, сиз айтган жуғрофия, бадантарбия дарсларини олий маълумотли ўқитувчilar беришяпти. Хали хам бўлса ошхонага боринг. Агар хўл десангиз, эски шогирдлик хурмати, мактаб буфетини гаплашиб берай.

Зайнобиддин шошиб қолди:

- Пенсияга маорифдан чиқаздими?
- Йўқ, трестдан чиқасиз.

Зайнобиддиннинг ҳафсаласи пир бўлди. Бир ўйлаб келишини баҳона қилиб, маорифдан чиқиб кетди.

Уйига келса, ўғлиниңг ўқитувчиси кутиб ўтирган экан. Иншодан ўғли икки олибди. Ўқитувчи бола Зайнобиддиндан анча койинди:

— Домлажон, ўзингиз ўқитувчи бўлган одамсиз. Болангизнинг дарсларидан хабар олиб турсангиз бўларди. Жуда ўйинкароқ, дарс пайтида тилини чиқариб, болаларни кулдириб ўтиради.

Зайнобиддин ўзи дикқати ошиб келган, унинг устига бу кўнгилсиз гап жаҳлини чиқарди:

— Менга карант, муаллим бола. Биз ҳам бола ўқитганимиз. Аммо бирон марта ўқувчининг уйига йиғлаб бормаганимиз. Ҳукumatнинг моянасини олгандан кейин, дурустроқ ўқитиш керак. Болани ўзига тортолмаган ўқитувчи бошқа хунар қилса ҳам бўлади, сизга маслаҳатим шу.

Ўқитувчи йигит хам тезгина экан, дарров жавоб килди:

— Сизга ўҳшабми?

— Бундок дейишига асосингиз йўқ. Биз уруш йилларида, халққа дармон бўлсин, деб ошхонага ўтганимиз ва фидокорона хизмат қилиб, Ватан олдидаги бурчимишни шараф ила адо этганимиз.

Ўқитувчи ундан тайинли бир гап чиқишига кўзи етмагач, индамай чиқиб кетди. Аммо Зайнобиддин разабга минди. Ўғлиниңг бир пой қулоғини икки буклаб чўзди:

— Дарс пайтида тилингизни чиқазадиган бўлдингизми? Мени иснодга колдирадиган бўлдингизми? Тур ўрнингдан, дарсингни қил, иншодан тайёрлан. Ўзим имтиҳон қиласман сени.

Бола кўзда ёш билан уйга кириб кетди. Зайнобиддин хотинига ўшкириди:

— Телевизорни ў chir! Дарсини қилмагунча телевизор кўриш йўқ.

Шундан кейин Зайнобиддин оталик ва педагоглик бурчини ўтаган бўлиб, сўрига ёнбошлади. Сал ўтмай, ўғли дафтар кўтариб чиқди,

— Дада, шубҳа деганда думли «х» ёзиладими, ё думсиз «х»?

Зайнобиддиннинг думли «х»га сира иши тушмаган эди. Ўланиб қолди.

У ўқиган, ўқитган пайтларда думли «х» йўқ эди. У жуда ақл ишлататиётгандай, пешонасини тириштириб турида, жавоб қилди:

— Халигача «х»нинг думини билмайсану, еттинчиди ўқиб юрибсанми, ўзинг ўйлаб топ! Билмасант, кейин айтиб бераман.

Бола бурчини тортиб, яна кириб кетди. Шу баҳонада Зайнобиддиннинг ўзи ҳам «х»нинг думи бор-йўқлигини билиш учун кўзойнак такиб, газетадан «шубҳа» сўзини кидира бошлади. Аксига олиб, бутун бошли газетадаги мақолаларнинг биронтасида «шубҳа» сўзи йўқ экан Ҳафсаласи пир бўлиб, газетани ёнига ташлаб, ёнбошлади. Бола яна чиқди.

— Дарсимни тамом қилдим, энди айтиб беринг. Шубҳага дум қўймай қолдиридим. Агар думи бўлса, қўяй, бўлмаса ўзи тураверсин.

— Тураверсин, — леди Зайнобиддин. — Принципиални айтмайман, эртага ўқитувчинг билан ўзим гаплашаман. Бор, тўшагингга ёт.

Бола хафа бўлиб, кириб кетди. Зайнобиддин телевизорни кўйди. Қараса, «Шубҳа» деган кино энди бошланам деб экранга ёзилиб турган экан. Яна ўчириди. Ҳовлига чиқиб, айвонда ётган боласини чақириди.

— Тур ўрнингдан, иншойингни ўзим қўриб бераман. Қани дафтаринг?

Бола уйқули кўзларини ишқаб, дафтарини олиб чиқди. Зайнобиддин кўзойнагини такиб, кўлида қалам билан ўғли тўлдирган вараққа кўз юргутириб «шубҳа» сўзларидағи «х» ҳарфларига дум қўйиб чиқди.

— Мана, тўғрилаб қўйдим. «Х»га дум қўшиш шарт. Эртага беиш олмасант, мендан кўр.

Шундоқ бўлди. Эртасига ўғли икки олиб келди. Зайнобиддин телевизордаги ёзувга дурус қарамаган экан, «х»нинг ўнг оёғига эмас, чал оёғига дум қўйипти. Ўқитувчиси, шу пайтгача «х»нинг қайси оёғига дум қўйишни билмабсан, деб икки қўйган экан.

Зайнобиддин эртасига яна маорифга борди ва буфетчиликка рози бўлиб бошқатдан ариза берди.

Бу гаплар фақат маориф мудирининг кўнглидан ўтди холос, тилига чиқазмади. Яхшиликча муомала қилмоқчи бўлди:

— Домлажон, сиз айтган жуғрофия, бадантарбия дарсларини олий маълумотли ўқитувчilar беришяпти. Хали хам бўлса ошхонага боринг. Агар хўп десангиз, эски шогирдлик хурмати, мактаб буфетини гаплашиб берай.

Зайнобиддин шошиб колди:

- Пенсияга маорифдан чиқаздими?
- Йўқ, трестдан чиқасиз.

Зайнобиддиннинг ҳафсаласи пир бўлди. Бир ўйлаб келишини баҳона қилиб, маорифдан чиқиб кетди.

Үйига келса, ўёлининг ўқитувчиси кутиб ўтирган экан. Иншодан ўғли икки олибди. Ўқитувчи бола Зайнобиддиндан анча койинди:

— Домлажон, ўзингиз ўқитувчи бўлган одамсиз. Болангизнинг дарсларидан хабар олиб турсангиз бўларди. Жуда ўйинкароқ, дарс пайтида тилини чиқариб, болаларни кулдириб ўтиради.

Зайнобиддин ўзи дикқати ошиб келган, унинг устига бу кўнгилсиз гап жаҳзини чиқарди:

— Менга қаранг, муаллим бола. Биз ҳам бола ўқитганимиз. Аммо бирон марта ўқувчининг уйига йиғлаб бормаганмиз. Ҳукуматнинг моянасини олгандан кейин, дурустроқ ўқитиш керак. Болани ўзига тортолмаган ўқитувчи бошқа ҳунар қилса хам бўлади, сизга маслаҳатим шу.

Ўқитувчи йигит хам тезгина экан, дарров жавоб килди:

— Сизга ўҳшабми?

— Бундок дейишига асосингиз йўқ. Биз уруш йилларида, ҳалққа дармон бўлсин, деб ошхонага ўтганимиз ва фидокорона хизмат қилиб, Ватан олдидаги бурчимиизни шараф ила адо этганимиз.

Ўқитувчи ундан тайинли бир гап чиқишига кўзи етмагач, индамай чиқиб кетди. Аммо Зайнобиддин газабга минди. Ўёлининг бир пой қулоғини икки буклаб чўзди:

— Дарс пайтида тилингизни чиқазадиган бўлдингизми? Мени иснодга колдирадиган бўлдингизми? Тур ўрнингдан, дарсингни қил, иншодан тайёрлан. Ўзим имтиҳон қиласман сени.

Бола кўзда ёш билан уйга кириб кетди. Зайнобиддин хотинига ўшқири:

— Телевизорни ўчир! Дарсини қилмагунча телевизор кўриш йўқ.

Шундан кейин Зайнобиддин оталик ва педагоглик бурчини ўтаган бўлиб, сўрига ёнбошлади. Сал ўтмай, ўғли дафтар кўтариб чиқди,

— Дада, шубҳа деганда думли «х» ёзиладими, ё думсиз «х»?

Зайнобиддиннинг думли «х»га сира иши тушмаган эди. Ўланиб қолди.

У ўқиган, ўқитган пайтларда думли «х» йўқ эди. У жуда ақл ишлататиётгандай, пешонасини тириштириб турди-да, жавоб қилди:

— Ҳалигача «х»нинг думини билмайсану, еттинчиди ўқиб юрибсанми, ўзинг ўйлаб топ! Билмасанг, кейин айтиб бераман.

Бола бурнини тортиб, яна кириб кетди. Шу баҳонада Зайнобиддиннинг ўзи ҳам «х»нинг думи бор-йўқлигини билиш учун кўзойнак тақиб, газетадан «шубҳа» сўзини кидира бошлади. Аксига олиб, бутун бошли газетадаги мақолаларнинг биронтасида «шубҳа» сўзи йўқ экан Ҳафсаласи пир бўлиб, газетани ёнига ташлаб, ёнбошлади. Бола яна чиқди.

— Дарсимни тамом қилдим, энди айтиб беринг. Шубҳага дум қўймай қолдирдим. Агар думи бўлса, қўйай, бўлмаса ўзи тураверсин.

— Тураверсин, — деди Зайнобиддин. — Принципиални айтмайман, эртага ўқитувчинг билан ўзим гаплашаман. Бор, тўшагингга ёт.

Бола хафа бўлиб, кириб кетди. Зайнобиддин телевизорни кўйди. Қараса, «Шубҳа» деган кино энди бошланам деб экранга ёзилиб турган экан. Яна ўчирди. Ҳовлига чиқиб, айвонда ётган боласини чақириди.

— Тур ўрнингдан, иншойингни ўзим қўриб бераман. Қани дафтаринг?

Бола уйқули кўзларини ишқаб, дафтарини олиб чиқди. Зайнобиддин кўзойнагини тақиб, кўлида қалам билан ўғли тўлдирган варакқа кўз юргутириб «шубҳа» сўзларидағи «х» ҳарфларига дум қўйиб чиқди.

— Мана, тўғрилаб қўйдим. «Х»га дум қўшиш шарт. Эртага беш олмасанг, мендан кўр.

Шундок бўлди. Эртасига ўғли икки олиб келди. Зайнобиддин телевизордаги ёзувга дурус қарамаган экан, «х»нинг ўнг оёғига эмас, чап оёғига дум қўйинти. Ўқитувчиси, шу пайтгача «х»нинг қайси оёғига дум қўйишни билмабсан, деб икки қўйган экан.

Зайнобиддин эртасига яна маорифга борди ва буфетчиликка рози бўлиб бошқатдан ариза берди.

ТОШ

Гапдан-гап чиқиб, одамзоднинг пасткаши қанақа бўлишига бориб тақалди. Шунда бир киши салмоқлаб гапга аралашди:

— Раҳмонали деган бир ошнам бор эди. Ўзи умрида бирор жойда ёлчитиб ишламаган. Аммо ҳар ойда бир марта почтачи кирқ икки сўм йигирма тийин опекелиб беради. Аввалига пенсия олса керак, деб ўйладиц. Ундоқ десак, қайси ишни қотирганига пенсия олади? Ўзи унча кари ҳам эмас.

У пенсия олишидан бир ойча олдин бошига салла ўраб юрган эди. Бир лиёнистага худо инсоф берибди, деб хулоса қилгандик. Кейин билсак, у пенсия эмас, алимент оларкан. Яна ҳамма ёқасини ушлади. Тавба, эркак одам кандок қилиб алимент олади?

Дунёда сир деган нарса бир кун очилмай қолмас экан. Раҳмонали ресторанда бир одам билан мунитлашиб копти. У одам жаҳл устида Раҳмоналининг қулоғидан чўзган экан, «шир» этиб йиртилиб кетибди. Салла ўраб юриши шундан экан. Хулласи, Раҳмонали қулоғини йиртган кишини судга берибди, суд Раҳмонали меҳнат қобилиятини йўқотган, деб у кишининг моянасидан йигирма процентини икки йилга Раҳмоналига ҳукм қилиб берибди.

Рахмонали ҳар ой алиментни еб, самоварларда карилаб юрибди. Бу гап ҳам қизик экан, аммо бошқа бирор ундан ҳам қизирини айтиб берди.

— Шу ҳам пасткашлик бўтими? Манавуни эшигининг. Идоранинг бошлиғи нотоб бўлиб, касалхонага тушиб колди. Докторлар текширишса, буйрагига тош келган экан. Операция қилиб, олиб ташлашди. Бир бўлим мудиримиз бор, ўлгудек лаганбардор. Ўша одам касалхонага бориб буйрақдан чиққан тошни эсдалик учун бошлиғимиздан сўраб опти. Хозир ҳам бўлим мудири ўша тошни дастрўмолга тутиб, ёнида авайлаб олиб юрибди.

Улфатлардан бири гапга суқилди:

— Кодиржонов деган завхозимиз бор эди. Қизик бўлди. Уч-тўрт кунгача одамларга чап қўлини тутиб кўришиб юрди. Нима гап, қўлингиз оғрияптими, десак индамайди, гап бор, дейди, холос. Бир куни ўзи айтиб берди.

У бошқармамизнинг бошлиғи Райимкулов билан кўришиб қолган экан. Шундок табарруқ қўл теккан бармоклар уч-тўрт кун роҳат қиласин, деб бирорнинг қўлига тегизмай асрар юрган экан.

Ана шунака пасткашликлардан анчагина гаплашиб ўтиридик. Менга энг таъсир қилгани шу бўлди:

Бир идоранинг бошлиғи фарзанд кўради. Бола туғилганига икки ойдан ошса ҳамки, унга ном қўйилмайди. Дадаси ҳар куни министрнинг олдига бориб, кабинетига киролмай, қайтиб келади. Шу хил ўн кун қатнагандан кейин, энди кирадиган бўлганда министр командировкага кетиб қолади. У командировкадан ўн кунда қайтиб келиб отпускага чиқиб кетади. Отпускага чиққан кунининг эртасига бояги идора бошлиғи унинг уйига боради. Министр курортга кетиб копти.

Идора бошлиғи уни бир ой кутади. Отпускадан келганда ахири қабулига киради.

— Хўш, хизмат, — дейди министр.

Идора бошлиғи тавозе билан этилиб гап бошлайди:

— Худо бизга бир ўғил берди. Шунга ном қўймоқчи здик. Мен Шавкатжон деб ном қўйишни ният килдим. Кейин билсам, ўғлинишнинг номи Шавкатжон экан. Шу ўғлинишнинг номини ўғлимга қўйсан, майлими, деб келган эдим.

Министр ҳайрон бўлди. Дунёда нима кўп, Шавкат отли бола кўп. Қўйса қўявермайдими?

— Майли, — деди министр, — бемалол. Хоҳланг, Шавкатбек, хоҳланг, Шавкатали, хоҳланг, Шавкатхўжа қўйинг, менга барибир.

Идора бошлиғи қўэзига ёш олди.

— Йўқ, йўқ. Шавкатжон деб қўйишга рухсат беринг. Шундок бўлсин. Ўтниб сўрайман.

— Боринг, ана, Шавкатжон бўла қолсин.

Идора бошлиғининг қўзлари шодликдан порлаб кетди. Дарров ўрнидан туриб қуллук қилди:

— Мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсин. Бу яхшиликларини сира унутмайман. Болагинамнинг оти ўзларидан абадий эсдалик бўлиб қолади.

Идора бошлиғи уйга келса, аллакачон болага Худойберган деб ном қўйиб қўйишибди. Дадаси қилди тўполонни, қилди тўполонни.

— Ҳей, нима деб ўтирибсан. Бу номни министр қўйиб берган. Министрнинг буйрунини бекор қилишга ҳаққим йўқ.

Хозир болани онаси Худойберган деб, дадаси Шавкатжон деб чакиради. Бола Шавкатжон деса ҳам қарайди, Худойберган деса ҳам қарайди.

Ўйлаб карасам, пасткашликлар катта-кичиги бўлmas экан.

ЭГИЗАК

Толибжон мудраб, аранг уйига етиб келди. Иккинчи қаватга чиққанида ҳам кўзи биё-биё бўлиб, тикка турганича ухлаб қолгудек ҳоли бор эди. У шу мудраганича эшикка қалит солиб очди-ю, хотинини уйғотиб юбормаслик учун фақат коридор чироғинигина ёқиб, ўрта уйга ним коронғи ёруғлик тушириб кўйди. Ётоказона эшигини секин очиб, ичкарига мўралади. Хотини пишиллаб ухляяпти. У яна эшикни ғичиллатмай бекитиб ечина бошлади. Бугун тузаттирган хотинининг тилла соатини, олган маошини чўнтағидан олиб, столга кўйди. Оёқ уида юриб ваннахонага кирди.

Толибжоннинг хотини сержанжал хотин бўлса ҳам, баъзи пайтларда ундан меҳрибон одам топилмай қоларди. Қаранг, ваннахона козигига Толибжоннинг янги ич кийимларини илиб кўйибди. Магазиндан бугун олганга ўхшайди. Бу албатта, эрим ювиниб, кийиниб олсин дегани-да.

Толибжон шундай қилди. Ваннага тушиб, иссик сув оқизди. Жони кириб бирпасда ювиниб олди. То бадани қизариб кетгунча янги сочиққа ишқалади. Янги ич кийимларни кийиб, ётоказонага атир совундек йилтираб кирди. Хотини ҳамон ухляяпти. Толибжон кўрпанинг бир чеккасини кўтариб, аста хотинининг ёнига кириб, орқасини ўғирганича ухлади-колди.

Толибжон қанча ухлаганини билмайди. Тўс-тўполондан уйғониб кеди. Хотини додлади. Толибжоннинг белига бир тепки тушди. Кўзини очиб караса, қоп-кора бир йигит кўзидан ўт чақнаб тепасида турибди. Хотин кўрпага бошини буркаб, дод устига дод солади. Қоп-кора йигит Толибжоннинг гирибонидан бўғиб, ўрнидан турғизиб кўйди. Кейин кўрпани очиб, хотинни ҳам тик турғизди. Толибжоннинг ғазаби келди.

- Кимсиз? — деди Толибжон титраб-қакшаб.
- Ўзинг кимсан? — деди қора йигит, уни сенсираб.
- Менми, мен, Толибжон.
- Қанака Толиб? — деди яна ўдағайлаб қора йигит.
- Қанака Толиб бўларди, Толибдақа Толиб-да.

Қора йигит алам билан уни бир калла қилган эди, хотинининг олдига бориб тушди. Толибжон шундок караса, хотин унинг хотини эмас. Қора йигит энди хотинга ўдағайлай бошлади.

- Бу ким? — деди у Толибни кўрсатиб.
- Худо ҳаққи, танимайман. Энди кўряпман.
- Энди кўряпман? Шунақами?

Қора йигит столда ётган бир даста пул, тилла соатни олиб хотинига отди.

— Бу нима? Соваларми? Биз бунақа соат олиб беришга ярамаймизми?

— Билмайман. Қанақа соат, қанақа пул? Ўлай агар, тил тортмай ўлай агар, бу одамни ҳам, бу пул билан соатни ҳам билмайман.

— Ёнингда ётади-ю, тилла соат совға килади-ю, билмайсанми? Ҳозир икковингни ҳам бир ёқли киламан.

— Билмайман деяпман-ку. Нега ишонмайсиз?

Қора йигит алам билан стулга ўтириб колди. Дардалам билан пешонасига патиллатиб ура бошлади.

— Қандоқ ишонай, қандоқ ишонай? Шунақа бевафо хотинмисан, мени ўлди деб ўйлаганмидинг? Наҳотки кийимларимни ҳам бу ярамаста кийдириб кўйсанг, эгнида ич ийимларим, оёғида шиппагим... — Қора йигит алам билан ўрнидан салчиб турди-ю, хотинни бўғишига югурди.

Хайрият, эшикнинг қалити бурнида қолган экан, хотин зина тарафга дод деб қочди. Тонг ёришиб қолган экан, зинага одам йиғилди. Бир аёл айб бўлмасин деб хотиннинг устига плашини ташлади. Аммо горпроект лойиҳачиси Толибжон ич кийимида диргизлаб одамлардан мадад сўраб жавдираф турарди.

Одамлар бири олиб, бири кўйиб, гапга тушиб кетишиди. Бирор хотинни бехаёликда, бирор Толибжонни саёклиқда, бирор қора йигитни кўпопликда айбларди. Шу пайт аллақайдан милиция етиб келди. Акт, у-бу тузилди. Одамлар кўл кўйишиди. Шундан кейин ҳар учалаларини милиция олдига солиб ҳайдаб кетди.

Узок тергов, текшир-текширдан кейин учовларини ҳам кўйиб юборишиди.

Айб лойиҳа бошқармасига тушди. Толибжон ўзи лойиҳалаган, бирини биридан фарқ қилиб бўлмайдиган уйда адашиб бирорникига кириб, бирорнинг хотини ёнида хуррак отиб ухлаб қолган экан.

(Ушбу ҳикоя ёзилмасдан олдин шаҳар лойиҳа бошқармасида тасдиқланган. Ишқал топган танқидчилар авторга минғиллаб юрмасинлар).

«ЧЕКИЛМАСИН»

(Тақриз)

Маълум бир мазмунни маълум бир шаклда ифодалаш масаласи маълум бир бадиий ижоднинг маълум бир бош масаласидир. Мазмуннинг бирламчилиги ва ҳоказолар

ҳақида, айниқса, унинг етакчилигидан қўлланиш ҳақида гапириш шу кунда айниқса маъкул ва мақбулдир.

Мана шу нуктаи назардан караганда, шу кунларда театримиз саҳнасида томошабин олкишига сазовор бўлаётган драматург Полвонийнинг янги «Чекилмасин» асари айниқса характерлидир.

Драматург саҳна билан томоша залининг ажралмас бир бутунлигини ташкил қила олган.

Театр дарвозасидан киришингиз билан, даставвал ўнг томондаги буфетга кўзингиз тушади. Буфет хозирги замон рассомчилик санъати анъаналаридан қўлланиб, думалок, ярим думалок, ингичка оёқ стол ва стуллардан жихоз топганки, бундан кўз юмиш уни инкор этиш билан тенгдир.

Залнинг ўнг томонида чекиш хонаси. Тўғрида «Чекилмасин», «Писта чақилмасин» каби таъкидловчи лавҳалар мавжуд бўлиб, улар қўйилажак асар мазмунини томошабин онгига тез сингишини таъминлайдиган омил вазифасини ўтайди, дейёлмасдан ўтолмаймиз.

Чироқ уч марта кўз кисиб, томошабинни ичкарига имлайди ва проекторнинг ёркин нури саҳна билан томошабин орасини тўсив турган яшил пардани ёритади ва уни ўртадан кўтариб ташлайди.

Драманинг биринчи пардаси бошланади.

Драматург бу ерда новаторлик йўлидан боради, яъни асарни тўппа-тўғри биринчи пардадан бошлайди! То томоша охиригача автор мана шу методга амал қила бориб, биринчи пардадан кейин иккинчи, ундан кейин учинчи пардага қўл уради.

Аллақайси бир адабиётшуноснинг у ёки бу маколасидан бирида қайд этиб ўтилганидек, қандайдир бир классик ёзувчи: «Асар ёзар эканман, хамма гапларни айтавермайман. Айтилмаган субъектив моментларни китобхоннинг ўзи кўшиб қўйишига тўла ишонаман», деган экан.

Полвоний ҳам драмасида ана шунга амал қилиб, деярли ҳеч гап айтмайди. Залда ўтирган томошабин саҳнада у ёқдан-бу ёқка юриб одамларнинг субъектив томонларига караб, нимани хоҳласа ўшани қўшиб, ўзи маъно чиқариб олаверади.

Буни чинакамига новаторлик деса бўлади. Каранг, томошабин ўзи хоҳлаган мазмунин чиқариб олади! Бу авторнинг ҳаётга яқинлигидан далолат беради, деган гап эмасми?

Масалан, бизда ўз-ўзига хизмат қилиш дўконлари ишлаб турибди. Харидор қўлига сумка ушлаб олиб,

каттакон мазмундор магазиндан ўзи хоҳлаган молни ўзи танлаб, харид қиласди.

Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтимда адабиёт муаллимииз, ўзлари бир вакълларда ўқиган китобларида бир зўр ёзувчининг гапидан шундай мисол келтирган эдилар: «Менинг қаҳрамонларим шундай ишлар қиласдиларки, уларнинг шундай қилишларини мен сира хоҳламас эдим».

Полвоний ўша ёзувчининг васиятларига амал қиласди.

Биринчидан: саҳнадаги артистлар у ёзиб берган гапларни айтмайдилар.

Иккинчидан: у «Ўнгга юрилсин!» деб ёзган бўлса, артистлар чапга юрадилар.

Учинчидан: у «Ўлинилмасин!» деб ёзган жойларда артистлар ўлиб қўя қоладилар.

Автор ўз маҳоратига содик қолиб залда ўтирганларни маълум нагрузка билан таъминлайди. (Буфет томоша вактида ҳам ишлаб туради).

Биз юқорида драматургимиз Полвонийнинг янги драмаси ва унинг бекиёс мувваффақиятлари ҳақида ижобий фикр айтдик. Авторнинг бу асари албатта бундай иликиссилик гапларга шубҳасиз сазовордир.

Лекин, шунга қарамай, асар маълум даражада жузъий нуқсоnlардан ҳам холи эмаслигини айтмай ўтолмаймиз.

Маълумки, драмани саҳналаштирган театр артистларининг қўпчилиги эллик ўшдан ошган. Улар учун ўшлар ролини ижро этиш, албатта, анча қийин. Автор уларнинг ўшларини хисобга олмаган холда «ш» товуши кўп ишлатиладиган сўзларни қўллаган. Масалан, «шумшук», «шаршара», «шошқалоқ». Артистлар бу сўзларни айтотмай, кўпинча ҳуштак чалиб юборадилар.

Спектаклни театр қиши мавсумида саҳнага чиқарди. Асар саратон пайтини ифодалайди. Кўп кишилар майкала юрадилар. Ҳатто, икки чол бир-бирининг устидан чепаклаб сув қуяди. Бу ерда автор фасл бирлиги қонунига хилоф иш тутган. Январнинг чирсиллаб турган совук қунида артистлар устларидан совук сув қуийшлари ҳам ўзларини, ҳам томошабинни ҳамда театр кассасини шамоллатиб қўйинши шубҳасиздир.

Автор драма қондасини бузиб, зал деворига «Чекилмасин!» деб ёзиб қўйилганига қарамай, саҳнада бош қаҳрамонига сигарет чектиради. Бу, албатта, ўт ўчириш қонунига ҳам хилофдир.

Асар саҳнада уч ярим соат давом этади. Бинобарин, томошабин очикиб қолиши мумкин. Автор буфетнинг охирги парда олдидан ёпилиб қолмай, томоша охиригача

очик туришини ва унда бутерброд, сомса, ковурма чучвара каби ранг-бааранг озиқ-овқат маҳсулотлари бўлишини таъминласа, асар мазмунни янада бойиган бўларди.

Энди артистлар ижроси ҳақида бир-икки оғиз мулоҳаза. Асар қаҳрамони охирги пардада ўлади. Бизнингча, уни биринч пардадаёқ ўлдириш керак. Чунки бу ролни ижро этаётган артистканнинг эмизикли боласи борлигини назарда тутиб, унинг барвактрок ўлишини таъминлаб, уйга эрта етиб боришига имконият яратиб бериш керак.

Шофёр роли анча мұваффакиятли чиққан бўлишига қарамай, маътум даражада нұқсондан холи әмас. У сахнага қўлида қалит ўйнаб чиқади. Томошабин унинг шофёри, омборчими эканини билолмайди. Бизнингча, у сахнага бемалол уч тоннали юқ машинасини хайдаб чиқаверса бўлади.

Кассир ролини ижро этган артист мутлақо образга киролмади. Модомики, кассир роли учинчи пардадан бошланар экан, бу ролга артистни овора қилиб ўтируй, театр кассирини мұваффакият билан чиқаравериш керак эди. Бу образнинг турмушавий чиқишини таъминлайди.

Театр дирекцияси томоша давомида сахна четига бир одам чиқариб қўйиб нима бўлаётганини айтиб туришини таъминласа, драматург мақсадини очиб бериш ва унинг мазмунини белгилашда таҳсинга сазовор иш қилган бўларди.

Юкорида айтилган нұқсонлардан қатъи назар, театр колективи ва драматург ўз томошабинларини яна бир марта хурсанд қилди, дейишга журъят этишимиз билан баҳтиёр эканлигимизни қайд қилишни зарур деб биламиш.

ОСМОННИНГ ОНАСИ

Тўртинчи қаватдаги уч хонали уйнинг бир хонаси менга тегди.

Юкларимни саранжом қилаётганимда бақалоққина, мўйловининг учи анор сувидек қип-қизил бир одам эшикдан бош сукиб: «Салом, қўшни», деб ўтиб кетди. Ошхонага чиқиб, картошка ковураётганимда бирдан ҳаммаёқдан атир хиди бурқисди. Қарасам, қўшнимнинг хотини лунжига тиш чўткасини тикиб, умивальник олдида турибди. Салом берсам, кошини кериб, бош силкиб қўйди. Кейин нимадир демоқчи эди, оғзи чангиг кетди.

Унинг иягидағи данақдек жун чиққан холини айтмаса чиройликкина хотин эди. Ўзи ингичка, узун қора кўйлак кийиб юришидан ёпиб қўйилган зонтикка ўхшаб кетарди.

Кичик ўғиллари Каримжон билан ҳаммадан олдин танишганман. У ҳали уйга кўчиб кирмасданоқ, уч тийин пул сўраган ва юкларимни ташиб бўлгунимча зинада писта чақиб ўтирган эди. Ўшана у елкамдаги оғир шкаф билан энди тўртинчи қаватга етай-етай деганимда тўхтатиб, куловимга шивирлаган эди. Энгашаман деб, оз бўлмаса, шкафнинг тагида қолай деганман.

— Амаки, дадам яқинда Осмон акамни ўз қўллари билан тириклийин қўмиб келадилар.

Усмон қўшнимнинг катта ўғли. Каримжоннинг тили келишмай шунақа дейди. Уни нега тириклийин қўмиб келишмоқчи, елкада юқ билан суриштириб ўтирадим. Аммо, Усмонни кўрганман. У онасига ҳам, дадасига ҳам ўхшамайди. Гавдаси худди дурадгор рандалаган таҳтага ўхшаш сип-силлиқ. Шунинг учун ҳадеганда шими тушиб кетаверади. Бир қўли билан камарини ушлаб юради.

Хуллас, кўчиб келган кунимоқ, бу уйдагиларнинг Усмонни тириклийин қўмиб келишларидан бошқа, ҳамма сирлари аён бўлди-қўйди.

Кечкурун эр-хотин кўчадан табиатлари тирриқ бўлиб қайтишди. Хотин яна тиш чўткасини лунжига тикиб ювингани ўтиб кета туриб, олдинда тўхтади:

— Қўшни, шарт шу, кунора коридорни ювасиз. Газ билан электр пули ўртада. Кечаси ўн бирдан кейин қолсангиз эшик.

У шундай дедиу оғзидағи порошокни чангитиб, қарс-курс юриб кетди. Бир маҳалда қўзи олазарак бўлиб қўшнимнинг ўзи хонамга кирди. Эшикни зичлаб ёпди-да, шимининг чўнгагидан пўкаги очилган бир шиша вино олиб, стол устига қўйди.

— Хафа бўлмайсиз, қўшни, хотинимиз ўзи шунақа. Қўшничилигимиз тотув бўлиши учун.

Яхши қўшничилик учун бир шишани бўшшатай дедик. У ичаётганида узун мўйловининг учи стаканга тушиб туарар экан. Мўйловининг учи кизил бўлиш сабабини энди билдим. Ҳазил аралаш унга:

— Қўшни, кўпроқ ичаркансиз шекилли, — дедим.

— Ичмийман демайман, ундоқ десам хато бўлади. Кунига йигирма, ўттиз марта ичишим бор. Баъзида, ой охирлаб колганда, етмиш-саксан мартага ҳам еткизиб ичаман. Жонимга тегди. Бўшатинглар, деб неча марта ариза берганман. Бўшатишмайди. Бошқа одам йиқилиб

колади, деб туриб олишган. Охири ўрнингга одам топ, дейишди. Бунақа ишга тайёр одам қаёқда дейсиз? Ҳозир атайлаб, шогирд тайёрлаётгиман. Шогирдим хали ёш. Аранг ўттиз икки мартаға оборади.

Қўшнимнинг ганидан унинг вино заводида янги виноларнинг мазасини кўрувчи, даражасини аниқловчи дегустатор вазифасида ишлашини билдим. У менга: «Яхшилаб ухлаб дам олинг» деб чикиб кета туриб тўхтади ва бўйинни чўзиб шивирлади:

— Қўшни, ҳар эҳтимолга қарши эшикнинг илгагини солмай ётинг, кечаси моткамизнинг жини қўзийдиган одати бор.

Унинг гапига тушунолмадим. Аммо, қоқ ярим кечага келиб, ўша гапнинг мазмунига етдим. Яъни, қўшни уйда дупур-дупур бўлиб колди. Нимадир синди, кимдир кувди, кимдир қочди.

Энгигим очилиб, қўшним кўрпа ёниниб кирди. Хотин эшик оркасида ер тепиб уни қарғарди:

Кирма, кирма деяпман. Қўшни ечиниб ётибди, айб бўлади.

Қўшним хотинининг оёқ товуши тингунча эшикнинг тиркишига кулок солиб турди, кейин бояги винодан колганини сўради. Шишанинг тагини силқитиб ичди.

— Мана, кўрдингизми, умримда биринчи марта бесабаб ичяпман.

У бошқа гапирмади. Диванга жой килиб бердим. Ётди. Коронеида жанжалнинг сабабини айтиб берди.

— Э, қўшни, кўрган кунимнинг падарига лаънат. Бир ой бўлди, жанжалдан қутулмайман. Усмон институтни битириб, врачлик дипломини олдию онасининг чакаги очилди-қўйди. Ҳозир болаларни биласиз-ку, ўзини ўзи энгайдиган бўлиб кетишиган. Таксимотда Тошкентда колдиришиган экан, «Йўқ, Сурхондарёга юборасизлар» деб туриб олибди. Талабини кондиришибди. Бугун уч кун бўлди, жавоб келди, жой банд бўлиб колиди. Энди боласи тушмагур яна аллақаёққа юбориниларини сўрабди. Онаси эшишиб колиб, қилди қиёматни, қилди қиёматни. Ахволни кўриб турибсиз-ку!

Қўшним гапириб-гапириб ухлаб колди. Кечаси икки марта атхасираб дод, деб ўрнидан туриб кетди.

Эрталаб қўшним бечора оёқ учидаги кириб, кийимларини олиб чиқди. Нонушта ҳам қилмай, ишига жўнади. Газда чой дамлаб турган эдим, елкасида сочиқ билан Усмон чиқди. Гаплашиб колдик. У хижолатлик билан гапиради:

— Мамашанинг қиликларидан хафа бўлмайсиз-да, қўшни. Кейин совуб коладилар. Кеча кон бошқармасидан жавоб олдим. Ер тагида, коннинг учинчи қатламида медпункт очилиби. Мени ўша ерга тайин қилишибди Маза бўлди. Бугун кетаман. Биз томонларга бориб туринг. Усмон хунук бўлса ҳам истараси иссиқкина экан. Ўша куни Усмон кетди.

Қўшнимнинг хотини кечгача жавраб юрди.

— Вой, бу қанака ота, қанақа ота-я, ўз боласини ўз қўли билан тириклиайн кўмиб келди-я, қора ернинг қаърига кўмиб келди-я!

Орадан тўрт кун ўтди. Кундузи Каримжоннинг кўлида конверт кўрган эдим. Кечқурун уйда яна тапир-тупур бўлиб қолди. Тўполон орасида хотиннинг сурнайга ўхшаш ингичка овози ўқтин-ўқтин эшитилиб қоларди:

— Болагинамни ўз қўли билан қора ерга кўмиб қўйди-я!..

Билдим. Усмон хатда ер тагида, кўмир қатламлари орасида иш бошлаганини айтган бўлса керак.

Нимадир синди, кимдир кувди, кимдир қочди.

Хар эҳтимолга қарши диванга яна жой солиб қўйдим.

1962 йил.

ДАДАМНИНГ ЎРТОФИ

Эрталаб уйғониб, девор соатга қарасам, еттидан ошибиб. Хар куни худди шу вақтда дадам каравотимга энгашиб: «Тур, кичкина Йўлдошев», деб уйғотар эди. Мен дарров турар эдим-да, нонуштадан кейин, дадамнинг «Победа»сида шофёрнинг ёнига ўтириб кетардим. Мактабга етганимизда, дадам: «Қани тушинг энди, кичкина Йўлдошев», деб ташлаб ўтиб кетар эди.

Ҳозир соат еттидан ошибиб кетган бўлса ҳам, дадам хуррак отиб ухлаб ётарди. Бугун дам олиш кунимикин деб ўйлаб, календарга қарадим. Йўқ, иш куни. Ҳайрон бўлиб ўрнимдан турдим.

— Қани, тез бўл, дарслан кечга қоласан! — деди ойим стол устига нонушта тайёрлаётгандা.

Мен ажабланиб, ойимнинг қўзига қарадим. Унинг қўзлари қизарган эди, роса йиғлаганга ўхшайди.

— Дадам...

Гапимни ҳам тутатмаган эдим, у мени боплаб жеркиб ташлади. Ойим доим щунақа қиласди. «Ўн олти ёшга етмаган болалар катталарнинг гапига аралашмаслиги

керак», дейди. Нима, ўн олти ёшга етмаганлар одам эмасми! Кечки кинога ҳам киришишмайди. Театрга-ку мутлақо йўл йўқ.

Ковоқ-тумшуғимни осилтириб, ўрнимдан турдим. Бир хисобда, дадамнинг ухлаб ётгани менга жуда яхши бўлди. «Победа»да бир ўзим маза қилиб кетаман.

Чойни ҳам ичиб бўлдим. Аммо шофёрдан дарак йўқ.

— Нима қилиб ўтирибсан, бунақада мактабга қачон борасан, жўнамайсанми?

— Шошманг, ойижон, машинамиз келсин.

Ойимнинг кўзидан ўт чақнаб кетди. Ҳозир қулогимнинг тагига бир тарсаки тушиб қолармикин, деб ўладим. Йўқ, урмади. Қўлимдан силтаб, ҳовлига олиб чиқди-да, жўна, деб бақирди.

— Энди машина йўқ, даданг ишдан бўшаган.

Ўйлаб ўйимга етолмасдим. Нега ўн олти ёшдан ошган кап-кatta одам ишдан бўшайди? Нима ёмонлик қилди? Шу кун дарсда қандай ўтирганимни билмадим. Ҳеч бало миямга кирмади. Зўрға уч баҳога илиндим. Минг хаёл билан уйга келсам, дадам билан ойим қаёққадир кетай деб туришган экан.

— Телефоннинг тагидан жилмай тур, хўлми! — деб, дадам ойим билан бошлашиб чиқиб кетди.

Мен телефон олдида ўтириб «Победа»да маза қилиб юрган вақтларимни ўйлай бошладим. Деразамиз тагидан кимдир ўтди, бўйнимни чўзиб қарасам, Ҳалимов амаким ҳовлимизга кириб келяптилар. Ҳалимов амаким ўтган ҳафта Москвага кетган эдилар. Ўзлари жуда яхши киши, дадамнинг қўлида ишлайдилар. Бизникига ҳар келганларида дадамга билдирим менга шоколад, ойимга ё атири, ё капрон пайпок олиб келадилар. Ойимнинг туғилган куни бўлганда, тилла соат ҳам олиб келганлар. Ҳалимов амаким шунака яхши одам, Москвага кетаётганларида бизнинг «Победа»да вокзалга чиқканлар, ўшанда менга матросча кўйлак, ойимга креп-фантазия деган кўйлаклик совфа олиб келаман, деган эдилар.

Ҳалимов амаким уйга киришлари билан югуриб бориб, бўйинларига осилдим.

— Қачон келдингиз, амаки, Москвадан?

— Ҳозир, ҳозир поезддан тушдиму хўжайиннинг уйинга югурдим-да. Хали уйимга ҳам, ишхонамга ҳам борганим йўқ.

Коғозга ўроғлик нарсаларни олиб, стол устига қўя бошладилар.

— Мана, совғаларни...

— Шошманг, шошманг, амаки, — деб гапларини бўлдим, — дадам ишдан бўшади. Ишдан бўшаса яхши бўладими, ёмон бўладими?

Ҳалимов амакимнинг қисик кўзлари йигирма тийинлик тангадек дум-думалоқ бўлиб кетди.

— Нима дединг?

Мен бояги айтган гапларимни қайтардим. Ҳалимов амакимнинг думалоқ кўзлари ели чиқиб кетаётган пуфакдек, секин-секин кичрайиб, яна боягидек бужмайиб қолди.

— Матрос қўйлак олиб келдингизми, амаки? — деб сўрадим.

Ҳалимов амаким ўйлаб туриб, бош чайқадилар.

— Тополмадим.

Стол устидаги нарсаларни қайтариб яна чамадонга жойладилар-да, «келганимни айтмай қўя қол» деб чиқиб кетдилар.

Кечқурун дадам «ҳеч ким телефон қилмадими?» деб сўради. Мен йўқ дедим.

— Ҳалимов амаким келиб кетдилар, келганимни даданга айтма, деб тайинладилар.

— Ҳеч нарса бериб кетмадими? — деб сўради ойим.

— Чамадонларини очдилару, кейин яна бекитиб қўйдилар.

Ойим жаҳл билан телефон номерларини терди.

— Ҳалимов! Ҳой, Ҳалимов, мен... Тавба, отимни айтишим билан трубкани қўйиб қўйди-я.

— Ўзими?

— Ҳа, ўзи. Ҳалимовман деди, отимни айтсам...

Шу кеча эрталабгача дадам билан ойим ухлашмади. Дадам ётган ерида папирос чекар, ойим йиеламсираб гапирав эди:

— Ҳалимов сизнинг орқангизда участкали бўлди.

— Нима дединг?

— Ҳалимов дейман, сизнинг орқангизда...

— Гапингга тушунмаямсан. Нима деб алжияпсан?

Ойим анча вақт жим туриб кейин бир хўрсиниб қўйди.

— Яхши одам деб, у ер-бу ерга телефон килиб, тахта, тунукаларни сизнинг номингиздан тўғрилаб берган эдим.

Кўрпадан бош чиқазиб, гапга қўшилдим:

— Ҳалимов амаким ойимга тилла соат совфа қилгандар-ку!

— Жим ёт! — деди ойим бақириб.

Дадам от пишқиргандек хўрсинди. Кейин йўтадими, акса урдими, билмадим.

Ойимнинг гапларига кулоқ солиб ётдим. Ойим жуда тўғри айтгани. Дадам ишдан бўшамасдан олдин уйимиздан меҳмон аrimасди. Ҳалимов ҳар хил консервалар, конфетлар олиб келарди. Шофферимиз Ҳалимов амакимнинг тўйларидан маст бўлиб, калишини пойма-пой кийиб келгани эсимга тушиб, пикирлаб кулиб юбордим.

Ойим яна жеркиб ташлади:

— Кап-катта бола, бу нима, жинниларга ўхшаб...

Барибири қўрнага бошимни буркаб, яна ўйлай бердим.

Ҳалимов амаким участка қураётганларида бизникига жуда кўп келардилар. Ўша пайтлар мен ҳар куни шоколад ердим. Ойимнинг атиrlари ҳам жуда кўпайиб кетган эди.

Ойим ух тортиб, деди:

— Бу Ҳалимов ҳам расво, ёмон одам экан.

Дадам индамади. Фақат папиросини шундай тортдики, унинг чўғи каравот куббаларини ялтиратиб юборди.

— Энди ўрнингизга ким тайин бўларкин?

Дадам индамади.

Ойим жуда ёлғончи-да. Жаҳли чиқса шунаقا ёлғон гапираверади. Агар у ёлғончи бўлмаса, ўзига шунчча атиrlар олиб келган, тилла соат тақдим қилган кишини расво, ёмон одам дейдими?

Менга ойимнинг ўзи «Ҳалимов амакинг жуда яхши одам-да», деб айтган эди-ку! У айтмаса ҳам, ўзим яхшилигини билардим.

Шунаقا хаёллар билан ухлаб қопман.

Эрталаб уйғонсам, дадам ҳали ҳам папирос чекиб ётарди. Ойим даҳлизда керогазни ёқолмай, ҳаммаёкни тутун қилиб юборибди. У жаҳлидан кўкариб, ҳадеб Ҳалимов амакимни карғарди. Унинг бу ҳолидан Ҳалимов амаким тилла соатни қистабди шекилли, деб ўйлаб қолдим. Ойим уйга кириб, косага тухум чақиб solaётганда сўрадим:

— Ойи, дадамнинг ўрнига тайин бўладиган кишининг ўғли борми?

Ойим менга шундай ўқрайиб қарадики, назаримда менга эмас, соатни қистаётган Ҳалимов амакимга қарагандек эди. Мен қочиб, нариги уйга чиқиб кетдим.

Дадамнинг аризаси бир ёқли бўлгунча, Ҳалимов амаким бизникига телефон қилмадилар. Орадан ўттиз саккиз кун ўтгандан кейин эрталаб роппа-роса саккизда телефонимиз жиринглadi. Шу жиринглаганича кечгacha

жиринглай берди. Ойим негадир бўлар-бўлмасга хиринглаб қуладиган бўлиб қолди. Дадам трубканни олиб, қиска-қиска жавоб берарди. Қоқ пешинда Ҳалимов амаким бир корзинка нарса олиб келдилар, эшиқдан киришлари билан менга шоколад, ойимга креп-фантазия тутказдилар. Дадам ойимнинг қўлидан уни юлиб олди-ю, жаҳл билан Ҳалимов амакимнинг олдиларига иргитиб ташлади. У шоколадни ҳам олмокчи эди, шошиб оғзимга солиб, лиқ этиб ютиб юбора қолдим. Дадам қўлимдан ушлаб нариги уйга олиб чиқиб, эшикни тақ этиб ёпиб қўйди. Кейин жаҳл билан қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади. Эшикнинг тиркишидан қулоқ солдим.

— Сиз ярамас одамсиз! Сизда виждан деган нарса йўқ! Қўзимнинг ёғини еб, бошимга иш тушганда қоғдингиз. Яна ишга тайин бўлганимни эшитиб келдингизми? Боринг, кетинг бу ердан. Сизнинг латта-путта совғаларингизга муҳтоҷ эмасман. Болаларнинг бошини айлантирманг.

Ҳалимов амаким дадамнинг қўзидағи ёғни еб қўйган экан-да, деб ўйладим. У киши жуда хафа бўлиб чиқиб кетдилар. Дадам шундок яхши одамни хафа қилди, деб ачиндим.

Эрталаб дадамнинг «Победа»си келди. Энди дадам мени мактабимга, ойимни ательега «Победа»да олиб бормай қўйди. Тавба, ойим билан мен унга нима ёмонлик қилган эканмиз!

1956 йил.

ГАП

Ҳамма гап гап-да.

Солия амма корани оқ деб ишонтира олади. Оқни кора килиб кўреатиш унга бир қултум сувни ўтгандек гап.

Келинини ёмонлагандা:

— Ҳа, ишлаб нима топарди? Ярим ойлик моянасига саккизта дирдов кўй ҳам келмайди.

Ўелини мактаганда:

— Ярим ойлик моянасига саккизта бўрдоки товук келади.

Куёвини мактаганда:

— Куёвимнинг ичгандан бўшаган шишаларига икки оила бемалол рўзгор тебратса бўлади.

Акасини мактаганда:

— Ишқилиб топиб келмаса ҳамки, эрқаклик уйнинг файзи бошқача бўлади-да.

Құдасини ёмонлаганда:

— Бирам бачкана, бирам бачкана, калавотда ётишга бало борми?

Кізини мақтаганда:

— Шу кенжә қызим ҳам опаларига ўхшаб нозиккина чиқди. Юрса ҳовли тұлыб кетади. Автомобили йүк одам останамға совчі юбориб, овора бўлмай қўя қолсин.

Ўзини гапирганда:

— Ёшлигимдаям шунақа келишимликкина эдим, унча чиройли эмасдим-ку, лекин истарам ўлгур иссиқ эди.

Хуллас, ким қанақалигини билмокчи бўлса, Солия аммани ойна қилиб қарасин. Ўзини «точний» кўради.

Адреси: Кўкча, катиқ бозори.

ЧУЧВАРА

▼ Мажлисда унга:

— Сен бола, чучварни хом санаб юрибсан. Шошма ҳали, жўжани кузда санаймиз. Бу қанақаси, сиркант сув кўтармайдиган бўлиб қопти, — дейиниди.

Холиқнинг тепа сочи тик бўлиб кетди. У уч йилдан бери пахта бригадасида бошлиқ. Бригадага ўтишдан аввал парранда фермасида, ундан кейин узумчилик звеносида эди. Пахтага ўтиб, хеч кимга гап бермай қўйган. Чопик ҳам, сугориш ҳам расво. Ана шунинг учун уни бугун таҳтага тортиб, роса танқид қилишди. Аммо умрида тузуккина танқид емаган Холиқ бу гапларни шахсиятдан деб тушуниб, ўрнидан туриб кетди.

— Энди менга навбат! Менинг шаънимга жуда кўп ножўя гапларни айтдинглар. Ҳаммасига жавоб тайёр: чунончи, сиркаси сув кўтармайди, дединглар. Нимага шама киляпгандарингни биламан. Узумчилик звеносида ишлаганимда сирка солғанман. У сув кўтарадими, йўқми ўзим биламан. Иккинчи масалага ўтайлик: жўжани кузда санаймиз, дединглар. Бундан иккى йил олдин парранда фермасини учма-уч қилиб топширганман. Жўжаси ҳам, хўрози ҳам тўппа-тўғри чиккан. Энди учинчи масала: чучварни хом санайди, дейсизлар. Мана шу гап менга оғир ботди. Қани айтинглар-чи, менинг чучвара санаётганимни ким қўрилти? Кимниң уйига кириб, чучварасига кўл теккизибман? Вообше, мен чучвара емайман.

Холиқ асосий масалани четга суриб, гапни чучвара тарафга бурди.

Унинг эзмалиги меъдасига теккан агроном дўнғиллади:

— Э, чучваранг қурсин, пахтадан гапир!

— Йўқ, — деди Холик қатъий, — мен чучвара масаласини бир ёқлик килмасдан бошқа гапга ўтмайман!

Ўтирганлар баравардан ух тортиб юборишиди.

ХУРРАК

Одамнинг қанақалиги сафарда билинади.

Калонхўжаев ўринбосар танлашга жуда уста одам. Мана, Мўминов деган мўмингина одамни ўзига ўринбосар килиб олди. Бечора Мўминов мусичанинг ўзи. Калонхўжаев кўнғироқ босиб чакирганда эгилиб, филдиракка ўхшаб филдираб киради-да, унинг гапларини чурк этмай эшишиб, контокка ўхшаб яна думалаб чикиб кетади.

Умуман, Калонхўжаев ўринбосардан ёлчиб қолди. Бугун улар сафарга — командировкага чиқишиди. Мўминов қўш чамадон кўтариб, Калонхўжаевнинг орқасидан меҳмонхона номерига кирди. Чой опкелди, хандалак опкелди.

Хангоманинг каттаси кечаси соат 23 дан 17 минут ўтганда чиқди. Калонхўжаев қаттиқ ухлаган экан, каравотига бир трактор келиб урилди. У шундок тириллардики, сира чида бўлмасди. Калонхўжаев қўрқиб, бирдан қўзини очса, трактор қаёқда, диванда ётган Мўминов хуррак тортаётган экан.

Калонхўжаевни жаҳли чиқди. Мўминовнинг елкасидан туртиб уйғотди. У бечора момакалдироқдек бир-икки қалдираб, хуррагининг охирини катта авж билан тушириб, бошини кўтарди:

— Нима гап, хўжайин, чойми? Хозир.

— Э, хуррак ҳам эви билан-да!

— Хўп, хўжайин, бу ёри эви билан бўлади.

У гапни шундай ишонтириб айтдики, бошқа гапга ўрин колмай, Калонхўжаев яна ётди.

Үйку ширин нарса. Үйқуси нозик кишиига пашша фингилласа ҳам бўлди, ухлолмайди. Калонхўжаев деганимиз эса ёстиига кирв тушса ҳам овозини эшигадиган одам. Мана, у қўзини юмди. Юмдию юраги ўйнаб кетди. Кимдир деразадан бомба ташлади. Бомба ёмон портларкан. Деразалар зириллади, эшикнинг қулфи бузилиб, очилиб кетди. Калонхўжаев дод, деб ўрнидан турди. Йўқ, ҳаммаёқ тинч. Мўминов битта, аммо келиштириб калта хуррак тортган экан.

Калонхўжаев қайта ётолмади. Стулга ўтириб, мудрай бошлади. Бирдан пулемётбозлик бошланиб қолди. Бу

овозинг ўчкур пулемётнинг лентаси нега тамом бўлмайди-я! Кўзини очиб қарай деса, Калонхўжаевда қани юрак. У аранг бир кўзини очиб қараган эди, пулемёт йўқ. Мўминов лабини титратиб хуррак отяпти. Калонхўжаев газаб билан қўлига қоғоз-қалам олди-да, нималарнидир ёзи. Кейин Мўминовнинг тепасига келиб елкасидан туртди.

Мўминов эриниб кўзини очди. Калонхўжаевни кўриб:
— Чойми, хўжайин! — деди.

Калонхўжаев қофозни қўлига тутқазди. Мўминов хатни чироқка солиб ўқиса, бўйруқ:

«... ишни эплолмагани учун вазифасидан бўшатилсанн.

Калонхўжаев...»

ЧОЛ КУЁВ БИЛАН КАМПИР КЕЛИН

ЗАГС эшиги олдиаги скамейкада бекасам тўён кийган чол билан крепжоржетдан қўйкракбурма қўйлак кийган кампир ўтирибди. Чолнинг қўлида бир ласта гул. Кампир резинкаси оёғини қисиб юборган шекилли, капрон пай покни химариб, тўлиғига тушириб олибди. ЗАГС эшиигига кирган ҳам, чиккан ҳам уларга қараб илжайиб қўяди.

Навбат чол билан кампирга келди. Иккови қизил стол олдига қўйилган стулга омонатгина ўтиришиди. Кампир рўймолга юзини ўраб акса урди. Чол уни киши билмас бир туртди. Кампир ўрнашиб ўтириб олди.

ЗАГС мудираси катта дафтарни очиб, чолга қаради:

— Исмингиз, отангизнинг исми, туғилган йилингиз?
Биринчи уйланишнгизми?

Чол ҳамма саволга жавоб берди-ю, «Биринчи уйланишнгизми», деган сўрекка нима дейишини билмай, оғзини очганича туриб қолди.

— Жавоб бермадингиз-ку? — деди мудира.

Чол шошиб жавоб қилди.

— Шу биринчи уйланишим, болам. Шундок деб ёз.

— Ёшингиз етмиш иккига кириб, энди уйланяпсизми?

— Йўқ, болам, аввал уйланганман. Ҳакимjon бойвачча ўғлини суннат қилдирган куни уйланганман.

ЗАГС мудираси ҳайрон қолди.

— Ҳакимjon бойваччангиз ким бўлди?

— Хўжайним-да. Ҳакимjon бойвачча билан бир онани эмиб катта бўлганимиз. Отаси Зиёдулла қўпос тўрт даҳага таниелик эди. Шу Ҳакимjon туғилганда онасининг қўкрагига сут келмай бизнинг волидага эмиздирган. Катта

бўлганда хизмат ҳақингиз учун ўғлингиз Ирисматин уйлаб қўяман, деб ваъда берган. Қўпос номардлик қилиб, катта бўлганимизда Ҳакимжонни уйлаб, мени кирга молбоқар қилиб чиқарворди. Ҳакимжон ўғил кўрди. Ўзи бу авлоднинг насли тоза эмас экан, келиннинг ҳам қўкрагига сут келмай, болани волидамизга эмиздирди. Шу бола катта бўлиб, суннат қилинганда, мен йигирма бешни уриб қўйган эдим. Жаҳлим чиқиб, Ҳакимнинг синглисини отга ўнгариб қочдим.

Кампир рўмол орасидан гап қўшди:

— Довдирамай ўлинг. От эмас, эшакда опкочган эдингиз.

— Эсимда йўқ, эсимда йўқ. Сен аралашма, — деди чол.

— Хўш, нима қилгин дейсиз? — деб сўради мудира.

— Бизни никоҳлаб қўй, болам.

— Ҳалигача никоҳларинг йўқмиди?

— Эски никоҳни домком инобатта олмаяпти. Кесаккўр-фондаги Кофир қори никоҳлаган эди. Лаънати никоҳ ҳакига янгигина, атиги икки марта бошлатилган этигимни очиб олган.

— Домком нима дейди?

— Э, болам, тарихи узок бу гапнинг. Ҳукумат Чилонзордан янги уй берган эди. Домовойдан ўтаман, деб домкомнинг олдига тушсам, кампиримни ўтказмади. Бувим сизнинг хотинингизликларини мен қаёдан биламан, дейди. Ўн тўрт невара, саккиз чеварамни етаклаб олдига тушдим. Қўнмайди. Ҳужжат керак, дейди. Қанақа ҳужжат керак, десам, закска қоғозини олиб келинг, дейди. Мана, олдинга келдим. Бир бало қил.

ЗАГС мудираси қулди.

— Бўпти ота, ҳозир тўғрилаб бераман. Энди айбга буюрмаисиз, қоида шунаقا, сўроқларимнинг биттасини ҳам қолдирмай жавоб берасиз.

У кампирга мурожаат қилди:

— Исмингиз нима, буви?

— Қулоқдан қолтан, қаттиқроқ гапир, болам. Оти Халча эди. Қарид, бўшашиб қолганидан уни Халта деб чакираман. Кайси бирини ёсанг ҳам бизга барибири.

— Хоҳлаб тегяпсизми, буви? — деди мудира қаттиқ товушда.

Кампир чолга қараб, муғамбirona қулиб қўйди.

— Оҳ, болам, ёшлигим қайтиб келса, бу сассиқ чолга ўлсам ҳам тегмасдим. Ўттиз беш йил олдин мени урган.

— Эски гапни қўй, — деди чол. — Дўхтири испарапкаси йўқ гапни гапирма. Хоҳлайди, хоҳламай қаёққа борарди.

Кампир яна гапирди:

— Ху, ўша, қўшакаринглар, деган Кофир қорини ер ютсин.

— Карғама. Кофир қорини ер ютганига ўттиз йилдан ошиб кетди. Кўрдингми, кизим, шу хотин билан безакун кирк икки йилдан бери яшаеман.

ЗАГС мудираси уларнинг бу гапига қотиб-қотиб куларди.

— Асли бу кампир яхшиликни билмайдиган нарса. Домовойдан ҳам бир амаллаб ўтказардим. Бу ёқда бошқа гап ҳам чиқиб қолди. Ҳукумат менга олтмиш сўм пенсия берди. Шу кунда сал тобим айниб юрибди. Ўлиб-нетиб қолсам, пенсиямни шу олсин, деб закска қилдиряман. Закска бўлмаса бунга пенсиямни бермайди.

Кампирнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Пенсиянгизга зор эмасман. Битта жонимни невара-чевараларим бокиб олар. Ўлигим кўчада қолмас.

— Кўрдингизми? Қулоғим кар дейди-ю, ўзига керакли гапни дарров эшигади.

— Бунақа гапларни қўйинглар. Одамлар кутиб қолишди. Хўш, хоҳлайсизларми?

— Шартим бор, — деди кампир. — Нос чекишини ташласа, хоҳлайман.

— Менинг ҳам шартим бор. Бошини қатик билан ювмасин. Доим сочидан сузма халтанинг хиди келади.

Эшиқда кутиб қолган бетоқат келин-кўёвлар ичкарига бостириб киришди. Чол билан кампирнинг муомалаларини кўриб, гуриллаб кулиб юборишиди.

— Хўп, — деди чол ўрнидан тураркан. — Ҳаммасига розиман. Ишни тезроқ битказ, болам.

Орқадагилардан бири гап қотди:

— Ўпишишмаса қоғозни берманг.

— Ия, ҳали шунақаси ҳам борми? — деди кампир ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, қоида шунақа, — деди мудира жиддий.

Улар ноилож қолишиди. Чол кампирнинг елкасига кўлини ташлаб, уни ўзига қаратди.

— Ўптириш ҳам эсингдан чиқиб кетганди! Шошма!

Чол бир ютиниб енгини шимарди-да, кампирни ўпди.

— Ҳа, хотинча, ўптиришни сенга-ю, ўпишни менга чиқазган-да!

Кулгидан ЗАГС деразалари зириллаб кетди.

АВТОБИОГРАФИЯ

Ҳайвонот боғида завхоз вазифасида ишладим. Тўрт тонналик фил икки тоннага тушиб қолди. Ҳайвон тилсиз нарса, нима еб, нима ичганини бирорвга айтольмайди. Ўша филга тегадиган нарсалардан унча-мунчасини уйга ташиб турдим. Фил бечоранинг қазоси етган экан, олти ярим ойда ёруф жаҳондан ўтиб кетди.

Илон деган нарса ярамас маҳлук. Унга кунига битта қуён бераман. Ўйлаб қарасам, илон еб, мен индамай турибман. Илоннинг олдига ўлган мушукни ташлаб, қуённи уйга кўлтиқлаб кетадиган бўлдим. Йўғонлиги этикнинг қўнжидек келадиган илон икки ойда фалтак индек интичка бўлиб қолди.

Маймунларни азалдан ёмон кўраман. Ёш пайтимда ҳайвонот боғига келганимда бурнини кўрсатиб, мени эрмак қилган. Ҳали ҳам мени қўрса, ўшанака килади. Мана, бўлмасам, деб уни ҳам овқатдан қисиб қўйдим. Икки ҳафтада қўлини кўтариб бурнига оборолмайдиган бўлиб қолди.

Шу орада ғаламис оралаб, илоннинг ҳақини еган, деган гап чиқиб қолди. Силлиқлик билан ўз аризамга биноан қуён бўлиб қолдим.

Туғуруркхона коровуллигига кўтарилдим. Ишим яхши, ким келса, хотининг Ҳасан-Хусан туғди, деб севинчи олавераман. Бу ерда ўзимдан ўтиб, битта хатога йўл қўйдим. Бир чол келиб, хотинини сўради. Унга ҳам хотининг Ҳасан-Хусанни қотириб ташлади, девордим. Севинчи сўрадим. Кейин билсам, бу чол бош врачимиз Собирахон аянинг эри экан. Ўз аризамга биноан...

Театрга ишга кирдим. Ишим яхши.

Театр саҳнасига декорация қурамиз. Бу ерда ҳам битта хатога йўл қўйдим. «Тоҳир-Зухра» қўйиладиган кун эди, биринчи парданинг декорациясини куриб қўйдик. Учтўрт киши бўлиб иккита яримталикни майдалаб ўтиридик. Кўзим илингандан экан, шовкин-сурондан уйғониб кетдим. Кўзимни очиб, у ёқ-бу ёққа қарасам, томоша бошланиб кетибди. Мен бўлсам, Ҳон Бобохоннинг тахтида учеб қолган эканман. Коработир келиб, қилич яланғочлаб, саҳнадан хайдаб опчиқиб кетди.

Хотинлар ҳаммомига кассирман.

Ишим яхши. Кечаси ҳаммомни ўзим уборка қиламан. Хотинларнинг тўкилган соchlаридан тўйлаб, яхшилаб юваман. Ҳафтасига иккита улама соч ясад, бозорга чиқазаман. Заказлар кўп. Эҳтимол, шу ердан пенсияга чиқиб кетсан.

БИР ЮЗ ЕТМИШ СҮМЛИК ХУРРАК

(Бир вилоят театридан репортаж)

Томоша бошланишига хали ўн тўрт минут бор. Артистлар грим қилиб бўлишган. Саҳна оркасида қилич-қалкон тақкан, дубулға кийган кишилар домино ўйнаб ўтиришибди. Бош ролда чикадиган атоқли артистка парда четини кўтариб залга мўралади. Олдинги қаторда икки киши, ўрта қаторда беш киши ўтирибди. Ҳамон кўчада томошабин чакираётган тўрт карнай, беш сурнай ва олти чирманданинг шовқини эштилиб турибди. Атоқли артистка этагини судраб, директор кабинетига келди.

— Бўладими?

— Бўлиш-бўлмаслигини ихтиёrimизда қолган ўн икки минут ҳам қилади.

Директор шундай деди-ю, бош администраторга юзланди.

— Сбор қанча?

— Ўн саккиз сўм.

— Қоидада қандай?

— Сбор ўн тўққиз сўмдан, томошабин ўн бештадан ошса, спектакль кўрсатилаверади.

— Бўлмаса, томошани қолдирамиз.

— Ҳаққимиз ўйқ. Қоидада спектакль бошланиш минутида томошабин ўн бештага етмасагина қолдирилади. Яна сабр қиламиш.

Директор дарғазаб бўлди:

— Битта одамни кутиб ўтирамизми? Борди-ю, ўша ўн бешинчи томошабин келиб қолса, шўримиз курийди-ку. Бир ҳисоблаб кўринг, ўша битта томошабин бизга неча сўмга тушади.

Бош администратор столга бағрини бериб ўтириди-да, кўлига қалам-қофоз олиб ҳисоблаб кетди:

— Бугунги томошага кирқ олти одам қатнашади. Саккиз саҳна ишчиси, бир режиссер, бир режиссер ёрдамчиси, электр устаси, икки гримчи, саҳна машинисти, костюмчи, бир пожарний, сүфлёр, сартарош, тўққиз чолғувчи, бир дирижёр, икки шоффёр, тўрт контролёр, бош рассом, бадиий раҳбар, жами саксон беш киши қатнашар экан.

Директор бармоқларини букиб, нималарни дир санай бошлади.

— Электр энергиясини ҳисобламадингиз. Боз устига, уч уборщица. Томоша давомида иккита ваза синиши

керак, — директор артисткага қаради. — Ундан ташқари, сизнинг ошиғингиз учинчи кўринишда кўйлагини йириб ташлайди. Ўн олти марта ўқ узилади. Ана шуларни бир чўтга солиб кўринг-чи, бугунги томошага қанча харажат бўларкин? Маошлар ҳам ҳисобга кирсан.

Энди икковиблаб ҳисоблаб кетишиди. Бунақа ҳодиса илгарилари ҳам бўлиб турар экан шекилли, ҳисоб бирпасда чиқди. Бош администратор бошини кўтарди:

— Бугунги томошамизга бир юз саксон тўққиз сўму етмиш тийин харж бўлар экан.

— Даромад-чи?

— Ўн тўққиз сўм. Ана шу ўн тўққиз сўмни чиқариб ташласак, бир юз етмиш тўрт тийин зарап қиларканмиз.

У гапни тутатмаган ҳам эдикни, уч марта чирок ўчиб томоша бошланишидан дарак берди. Директор билан бош администратор залга қараб югуришиди.

— Хайрият, ўн тўрт киши, — деди директор ҳовли-киб, — қолдиринг!

Унинг ёнида турган контролёр шошиб гапга аралашиди:

— Буфетда яна битта томошабин ўтирибди.

Унинг гапи тугамай, ўрта яшар бир киши кириб, ўз ўрнини кидира бошлади.

Тарвузи кўлтиридан тушган директор театрга бир юз етмиш сўму етмиш тўрт тийин зарап келтирадиган ўз томошабиннинг ёқасидан бўғиб, кўчага опчиқиб ташлагудек унга ўқрайди.

— Менга қаранг, — деди у администраторга. — Ялининг, ёлворинг, майли, уч-тўрт сўм харж бўлса ҳам майли. Буфетга опкириб у-бу олиб беринг. Билетни топшириб, пулинни қайтариб олсин.

— Кўнармикин?

— Кўндиринг. Кўнмаса, кабинетимга чақиринг, икки кишилашиб ялинамиз.

Администратор минг тавозе билан ўн бешинчи томошабиннинг олдига борди. Унга камоли эҳтиром билан салом берди. Дилядаги гапларни астойдил тушунтириб тўқди. Ўн бешинчи тушмагур бир сўзли ўжар одам экан. Кўнмади.

— Ака, шу томошани кўрамиз, деб атайн узоқдан келганимиз. Кўрамиз.

— Жон ака, театрга раҳмингиз келсин. Артистларга раҳмингиз келсин. Бола-чақангизнинг роҳатини кўрингу томошамизни кўрманг.

— Кўрамиз, кўрмай кетмаймиз.

Администратор бошқа йўл билан унга таъсир ўтказмокчи бўлди.

— Шу ҳам томоша бўйтими, ака. Ундан кўра, директор кабинетига кириб ишвоҳўрлик киламиз. Директоримизнинг ўзлари эрйидилар.

— Бўлмайди. Томоша кўргани келганмиз.

Бу орада колгандар ўн тўрт томошабин бетоқат чапак чалиб, парда очилишини талаб қила бошлади. Администратор ноилож директор кабинетига кириб, бўлган воқеани гапириб берди. Энди у ҳам ноилож эди. Нихоят томоша бошланди.

Сахнада кирқдан ортиқ одам у ёқдан-бу ёққа югуриб, миллиқбозлиқ киляпти. Ўлганлар ўлиб, қолганлар кочяпти. Оркестр тинмай фат-фут, гумбур-гумбур қилиб турибди. Ўртада бояги таниқли артистка сочини юлиб, фарёд чекяпти...

Антракт бошланди. Ўн бенинчи қайсар томошабин буфетга чиқиб, икки шиша лимонадни уриб келиб, яна ўз жойига ўтириди.

У икки кўлинини чалиштириб, сахнага қараб ўтираверди, роль ўйнаётганлар ора-сира унга қараб қовоқларини солиб кўйишарди. У эса, ҳамон бепарво. Администратор коронғида тимирскиланиб яна унинг олдига келди.

— Кўйинг энди, уйингизга бориб ухласантлиз-чи. Нима киласиз бизни қийнаб? Уйқунгиз келиб, кўзларингиз кисилиб кетяпти.

— Нима дедингиз? Уйингта бориб ухла дейсизми? Кишлөқдан келганман.

— Қайсар, қайсар, бир юз етмиш сўму етмиш тўрт тийинга туширияпти-я!

Сахнада ҳамон гумбур-гумбур. Залда атиги биттагина одам, у ҳам бўлса билинлар-билинмас хуррак отяпти.

УЗУН ТИЛ

Кобилжон директорнинг кабинетидан латтадек бўшашиб чиқди. У қабулхонада ўтирганларга лоқайд бир назар ташлади-ю, тез юриб коридорга бурилди.

— Сийлаганинни сигир билмас, деб шуни айтади-да. Ишга янги келганда идоранинг пасти-баландини таништирган ким эди. Миш-мини гапларни қулоғига етказиб турган ким эди, шуни билмади-я. Уялмаганини қаранг, уни одам килгунча қоқканда қозигим, осганда чўмичим қолмади.

Кобилжон коридорнинг у бошидан-бу бошига ўзидан-ўзи фўлдираб, шу тарзда бориб-келиб турарди.

Кадрлар бўлнимининг эшига очилиб, кўп кўзойнак таққан ўрта ёшли бир киши чиқди.

— Э, Қобилжон, нима қилиб юрибсиз, ҳужжатларинингизни қачон расмийлаштирасиз?

— Қанака ҳужжат? — чўчиб сўради Қобилжон.

— Ишдан бўшатишга буйруқ бўлди.

Қобилжоннинг кўзларидан ўт чақнаб кетди. Директорнинг бояги «Ишни эплаёлмаётисиз, бўшатишга тўғри келади» деган гаплари эсига тушди. «Еган ёғу гўштларинг кўр килади ҳали сени, шунча совға-саломларни хам андиша қилмадинг!» — деб кўнглидан ўтказди-ю, кўзйнакли кишига қараб:

— Хар қалай, закон биладиган кишисиз, бир йўл кўрсатинг, — деди.

— Нима десам экан, қани баққа юринг-чи, буйруқда нима дейилган экан.

Улар бошлашиб, кабинетга киришди. Кўзойнакли киши стол устида уюлиб ётган қофозлар орасидан буйруқни топиб, Қобилжоннинг қўлига берди. Қобилжон енгил титраб турган қўллари билан қофозни тутиб, ўқий бошлади:

— «...Ишни эплай олмагани учун...» Ҳмм.

— Жуда хунук буйруқ бўлти-да, шу буйруқ мазмунини меҳнат дафтарчангизга ёзиб кўйишим керак. Закон шунака, акаси.

Қобилжон бўшашиб, стулга ўтириб қолди. Жавдираб турган кўзларини шифтга тикиб, остки лабини тишлади.

— Бошқа иложи йўқмикин-а.

— Хўжайн билан дурустрок бир гаплашиб кўрингчи, балки буйруқни ўзгартар, жуда бўлмаса, «ўз аризасига биноан» деган мазмунда...

Қобилжон ўрнидан турди. Аста-аста юриб кўчага чиқди. У ўйлар эди: «Ишни эплолмагани учун... Мехнат дафтарчаси... ўз аризасига биноан...»

Иш охирлаб қолганда Қобилжон яна қабулхонада пайдо бўлди. Котиба директорнинг бандлиги ва докладга тайёрланадаётганлигини айтиб, уни ичкарига кўймади.

— Бўлмаса, мана шу қофозни ўртоқ директорга бериб қўйсангиз.

Қобилжон буқланган қофозни котибага узатди. Кейин пальтосининг ён чўнтағидан қофозга ўралган бир нарса чиқазди.

— Буни ҳам бериб қўясиз-да, жуда зарур нарса.

Соат бешдан сал ошганда ходимлар директор кабинетига йиғила бошлади. Қўпчилик қатори Қобилжон хам ичкари кирди.

Мажлис у қадар расмий вазиятда ўтмади, директор идорадаги меңнат интизоми ва муассасалардан келәттән алока хатларига ўз вактида жавоб берилмаётгани түғрисида ганириб, илан бўлими ходимларини каттик танқид килди.

— Ундан кейин, — деди директор сўзини якунлаб, баъзи ходимларимиз ишга ўтакетган даражада масъулитатизлик билан қарайдиган бўлиб колишиди.

— Кимлар? Мисоллар билан айтилсин! — деди унинг сўзини бўлиб бош бухгалтер.

Директор қошларини кериб, кулимсираб қўйди:

— Мен, энг аввал, менинг ўзим ишга масъулитатиз қарайдиган бўлиб қолдим. Шу вактгача ўртоқ Қобилжон Орифжоновга чора кўрмай, у билан муросасозлик қилиб келганиман...

Қобилжоннинг тена сочи тикка бўлиб кетди. Қандай қилиб ўрнидан туриб кетганини, томогини бўғиб турган галестугини бир зарба билан бўшатиб юборганини ҳам билмай қолди.

— Ўртоқ директор менга тухмат қиласигилар, саккиз йилдан бери шу идорада ишлайман. Шу саккиз йил ичida уч директор ўзгарди. Ҳаммаси билан жуда тутув ишладик, биронтаси менга на огохлантириш, на виговор берган! Одамнинг оласи ичидан бўлади, деб шуни айтишади-да. Директорга қилган ёрдамларимнинг биронтасини бошқа кишига қилганимда, итининг туваги олтиндан бўлиб кетар эди, бу киши яхшиликни билмаятилар. Уялиш керак, ўртоқ директор, мендай, мусичадек беозор кишини ранжиттани қандай қўнглингиз бўлди?

Ҳамма жим, директор тирноқлари билан столни чертиб, ҳамон илжайиб турарди. Қобилжон директорнинг бу кайфиятини кўриб, яна тутақди. Бу гаплар унга таъсир килмаётганини кўргандан кейин, овозини пасайтириб, дўнда-лўнда қилиб гапира бошлади:

— Ўртоқ директор, сиз порахўрсиз!

Ўтирганлар ялт этиб бир-бирларига қараб олишиди. Бош бухгалтер Қобилжоннинг сўзини бўлди:

— Кимдан, қачон, нима пора олган?

— Мендан, — деди Қобилжон, — ҳаммавақт пора олиб келганлар.

Бухгалтер афсуслангандаи директорга қаради. Директор эса, ҳамон столни чертиб кулиб турарди.

План бўлимининг бошлиги ҳам жаҳл билан:

— Наҳотки шу гапларнинг бари тўғри-а, ўртоқ директор? — деди. — Наҳотки сиз...

Тўғри, — деди директор жиддийлашиб, бари тўғри. Ўртоқ Орифжонов жуда тўғри айтиптилар, давом этинг, ўртоқ Орифжонов.

Қобилжон дадиллашиди. «Бу беномус порахўрнинг иўстагини энди қокаман» деган катъий фикр билан сўзини давом эттириди:

— Қачон ва қандай нарса олгани маълум, — у ён дафтарчасини вараклаб, ўқий бошлади. — Шу йилнинг ўн учинчи октяброда бир эчки боласи билан. Яна шу октябрнинг йигирма тўртинчисида тўрт кило колбаса, байрам арафасида икки литр арок, тўрт шиша «Марсела» виноси, тўрт кило сон гўшти, олти пачка «Казбек». Тунов куни бир керза этик, олти метр штапель... Э, айтган билан тамом бўлмайди!

Кабинет ичи сув қуйгандек жим. Бу жимликни директорнинг ўзи бузди. У ўрнидан туриб, бурчакдаги пўлат сандикни очиб, бир даста қофоз олди.

— Ўртоқ Орифжоновнинг гаплари тўппа-тўғри. Шу нарсаларнинг барини олганман. Бирок, буларни Орифжоновнинг ўзи сўрамасам ҳам зўрлаб берган, бу нарсаларга ҳали ўзим қўл урганим йўқ. — У қўлидаги қофозлардан бирини баланд кўтарди. — Соғин эчкини яслига бердим, мана акти. Арок, колбаса, гўшт, вино, папиросларга касаба уюшмаси раиси Каримов билан акт тузиб, магазинга топшириб юбордик. Керза этик билан штапелга ҳам акт қилинган. Касаба уюшмаси кенгашининг қарори билан этикни коровул чол Фани отага, штапелни уборшицимиз Хайри холага беришиди.

Директор шкафини очиб, қофозга ўралтани нарсани олиб, стол устига қўйди.

— Бу нарса ҳам ўртоқ Орифжоновнинг совфаси, нима эканлигини ҳали билмайман, бугун олиб келган эди. Ўзларинг очиб қўринглар.

План бўлимининг бошлиги ўрнидан туриб, қофозни очди. Ундан тўртта лимон, икки юз эллик сўм пул чиқди. Устида бир варак қофоз ҳам бор эди.

— Үқинг-чи, — деди директор.

План бўлимининг мудири ўқий бошлади:

«Мени ўз вазифамни эплолмади деб бўшатибсиз. Совфа-саломлар ҳурмати, шу буйруқни ўз аризамга биноан деб ўзгартирсангиз, бундан бўён яна хизматингиздаман... Қобилжон!»

Ҳамма кулиб юборди. План бўлимининг бошлиги қофозни жойига қўйиб, Қобилжонга қаради:

— Хўш, энди нима дейсиз?

— Нима дер эдим, ўша айтган гапларимни айтаман-да. Майли, бўлар иш бўлди, иккитагина илтимосим бор, бири — буйрукни ўзгартирилса, кейин мана шу икки юз эллик сўм пулни қайтариб берсанглар.

Яна гуриллаб қулги қўтарилди. Бош бухгалтер кўл қўтариб, ғовурни босди.

— Пул қайтиб берилмайди. Акт тузиб, давлат хисобига ўтказамиз, буйруқни ўзгартириш мумкин. Ишни эплай олмагани учун эмас, пора бергани учун деб ўзгартирилади.

Ҳамма бир оғиздан таклифни маъқуллади.

Қобилжон пора беришда айбланиб, ишдан ҳайдалгандан кейин, анча вактгача кўринмай қолди. Бирор Қобилжон райторг мудирининг сигирини урчтишга олиб кетаётганини, бошқаси артель раисининг ҳовлисида унинг эчкисига тушган канани ихлос билан тераётганини ўз кўзи билан кўрганини айтди. Ким билади, ростдир.

Яқинда Навоий кўчасидан кетаётби, карнай-сурнайли тўйга дуч келиб қолдим. Тақачилик артелининг раиси уйланаётган экан, Қобилжон бекасам тўн кийиб, олдинда ўйнаб борар, ҳадеб куёвбола — раистга қараб муком килар эди.

1961 йил

КОПЛОН

Янги ҳовли Тиллаевга ёқди. Юкларни машинадан тушираётгандা Қурбонбой бир гап айтиб қолди:

— Сизга энди битта ит лозим, ўртоқ Тиллаев. Ит уйнинг савлати. Албатта ит бокинг. Ўзим ғалатисини топиб бераман.

Тиллаевнинг итга унчалик хуши йўқ эди, индамай қўя қолди. Қурбонбой хотинларнинг ҳайхайлashingа қарамай полни ҳам ўзи ювди, гиламни ҳам ўзи кўчага олиб чиқиб, қоқиб келди.

— Ия, ия, биз турганда нега энди сиз пол юварканисиз, опа? Ўзимиз котириб ташлаймиз. Мен гилам қоқайнину, сиз томоша қилинг. Аммо-лекин итнинг ғалатисини бокиши керак. Кўчадан кирган одам киройи директор бўлсанг, шунақа ит бок, деб ҳавас қиласидан бўлсин.

Қурбонбой уйни саранжом қилиб бўлгандан кейин ҳам дарров кета қолмади. Ҳовлида анча айлануб юрди. Ит боғлайдиган жойни ўзи белгилади.

— Йўйўқ, ўртоқ Тиллаев, ит масаласини бизга қўйиб бераверинг. Мана, итнинг жойи шу. Кичкинагина, ихчам-

гина уйча қуриб берсам, итнинг ҳам жони кириб қолади. Ҳўп, биз кетдик.

Қурбонбой кетди.

— Бу киши ким бўладилар? — деди Тиллаевнинг хотини унинг орқасидан бориб эшикни илгаклаб қайтаркан.

— Жудаям анигини билмайман, гаражимида ишласа керак. Кўчишга машина сўраганимизда завгар, карашиб юборади, деб қўшиб берган эди, — деди Тиллаев.

— Дуруст одамга ўҳшайди. Чакконгина экан.

Эртасига Тиллаев ишдан қайтиб ювинаётганида Қурбонбой каттакон ит етаклаб келди. У итни айвоннинг устунига бойлаб, илжайди:

— Оти Коплон, Тиллаев ака. Одамнинг яххисини дарров танийди. Сизга тез ўрганиб кетади. Эртага яхшилаб уйча ясад бериб кетаман.

У кўлинни ювиб келиб, ярим соатча итнинг таърифини килиб ўтиреди.

— Ит ҳамма гапни тушунади, факат жониворнинг тили йўқ.

Қурбонбой бир сўэли киши экан, айтганини килди. Тиллаев ишга кетганида замбилғалтакда гишт олиб келиб, итга уйча ясад кетибди. Магазиндан алюмин тоғорача олиб, итга ялоғ килиб берибди. Тиллаев идорадан чиқиб, энди машинага ўтираман деб турганида, югуриб келиб коғозга ўроғлик нарса узатди.

— Ҳўжайин, Коплонга насиба. Кабобчи ошнамга тайинлаб қўйган эдим, сүжкин бегона қилма, деб.

— Қурбонбойнгиз одам экан, — деди хотини Тиллаев уйга келганди, — бечора жонини фидо қивораман дейди-я. Бола-чақали, камхарж одамга ўҳшайди. Имаратини етти йилдан бери битказолмасмиш. Унча-мунчасига карашиб юборинг.

Тиллаев хотинининг гапларига парво қилмай, чой ичарди.

Тиллаев билан Қурбонбой орасида яқинлик пайдо бўлди. Бир куни гап орасида у рўзгордан орттириб, участкасининг томини ёполмаётганини айтиб қолди:

— Айб ўзимда, ёшлигимдан шунақаман, ўзимга кара-майман, ошна-оғайниларнинг иши битсин, дейман. Ҳа, одам боласидан шу қолар экан. Бўтмаса, промкомбинатда ҳам, райпода ҳам ошнам бор, юзтагина шифер сўрасам, йўқ дермиди. Сўрамайман. Асло сўрамайман.

— Нечта шифер етмаяти? — деди Тиллаев бепарво.

— Йўқ, ҳўжайин, сўраманг, складга юз элликта шифер ёзиб берсангиз ҳам олмайман. Сиз билан шу

мақсадда ошна бўлмаганман. Бунақа гапни айтсангиз, уйингизга иккинчи кадам босмай кетаман.

Шу-шу бўлди-ю, Тиллаевнинг унга ихлоси ошиб кетди. Шундок яхши одам гаражда машина ювиб ўтирамасин, деб уни гараж мудирига мувони килиб қўйди. Уйига бир юз саксонта шифер, ўттизга тунука тушириб берди. Аммо Курбонбой ҳар тушликда келиб, Қоплонни ўйнатиб келишини тарқ килмади. Бу орада Тиллаевнинг эски бод касали тутиб, ётиб қолди. Аввалига Курбонбой келиб, унинг ҳолидан хабар олиб турди. Докторлар энди бўлмайди, пенсияга чиқинг, деб маслаҳат беришгандан кейин Тиллаев министрликка ариза ёзиб, ишдан бўшатишларини сўради. Министрлик унинг талабини қондириб, ўрнига бошқа директор тайинлади. Курбонбой ўша куни келиб, Қоплонни айлантиргани олиб чиқиб кетди-ю, қайтиб келмади. Тиллаев Қоплонга анча ўрганиб қолган экан, то ярим кечагача икки кўзи кўчада бўлиб, итни пойлади. Йўқ, Қоплон бедарак кетди. Курбонбой ҳам корасини кўрсатмай қўйди.

Орадан анчагина вакт ўтди. Тиллаев хассага таяниб қўча айлангани чиқди. Бир маҳал қараса кўчанинг нариги бетида Курбонбой Қоплонни етаклаб юриди. Чақирса ит каради-ю, Курбонбой қарамади. Ўша куни янги директор ўғлини туттилган кунинга ўтириш қилиб бераётган экан. Тиллаевга машина юборибди. Эр хотин бориши. Дарвозадан киришлари билан йўлакда ётган Қоплон уларни кўриб, думини ликиллатиб эркаланди.

— Бизнинг ит қалай? — деди янги директор.

— Ну итни танийман, — деди Тиллаев ва нарироқда янги директорнинг чарм тўнини туфлаб артаётган Курбонбойга бир қараб, уйга кириб кетди.

1962 йил

ҲАСРАТ

Маҳалламиизда бир кампир бор. Доимо эшигининг олдига шолча солиб, чаккасига раҳон такиб, чой ичиб ўтиради. Ўтган-кетган хотинларнинг қўлига чой тутқазиб, гапга солади. Шу хотинни кўрганимда: «Нима бало, киладиган иши йўқми, невараларининг ииртиқ-ямоғига қараса бўлмайдими», деб дилимдан ўтказаман.

Бир куни ишдан қайтсан, кампир қўлидаги садарайхон билан ўзини еллиб ўтириби. Мени кўриши билан қўлимга шошиб-пишиб бир пиёла чой тутқазди. Кари нарса, қўли қайтмасин, деб чойни олдим.

Болам, сени ёзувчи-мухбир деб энгитман! Шуростми? — деди кампир.

Шундай, она, — дедим кулиб.

Оҳ онагианинг айлансанин, уйимдан илон чиқкан! «Муштум»га ёзадиган гап бор. Бола-чақали одамсан, уч тўрт сўм ишлаб кол.

Кампиршонинг нима дарди бор экан, деб шолчанинг четига чўнқайдим. Кўчанинг нариги бетидан ўтиб кетаётган қўшнилар менга қараб, негадир илжайиб қўйишиди.

— Келинимдан ўтдек куйганман. Ўғилгинамни яхши биласан, қўйдек ювош бола. Келиним яшамагур уни ҳам расво қилди. Болагинамга эга чиқиб, бурнидан ип ўтказиб олди бу дуюли. Онаси ёмон хотин. Теги паст. Қудам қўчада эшак аравага тескари миниб, болаларга ҳунитак бериб, шиша йигади. Шундай одамларнинг боласи ким бўлади? Машойихлар «қазисан-қартасан, асли наслингга тортасан» деб, билиб айтишган экан.

Кампир қўзига ёш олди.

— Ўғилгинамнинг бўйнига миниб олган, бу жувон сўхта. Учта бўйига етган синглиси бор. Қарамайди. Топганини хотинига тикиштиради. Ўғлимнинг топганинга бир маҳаллани бўксади. Баракаси йўқ. Келиним ўлгурнинг ўзи текстилда ишлаб, жарак-жарак пул олади. Билмайман, бу гумдон бўлгур пулини қаёқка қўяди...

Кампир шу саволни берди-ю, дарров ўзига ўзи жавоб берди:

— Қаёқка қўярди. Ўлгурнинг айёргигини каранг. Ҳар хил гирдин-гирдишиндан посон-посон қўйлак тикириб, текстилнинг ётоқхонасидаги бир ўртоғиникнга яшириб юрас экан. Бу ердан исқирт қўйлагини кийиб чиқиб кетиб, у ерда посон бўлиб олар экан. Икки марта кетидан пойладим. Тилла соат ҳам олиди. Кеча атайин ишдан чиқадиган вактини пойлаб бордим. Эгнига гунафшаранг понбаркут қўйлак кийиб олиди. Вой, яшамагур, дедим ичимда. Бир тўполон чиқазиб, обрўснин уч пул қилай дедиму, яна шайтонга хай бердим. Ўйда бўйи етган кайни singillar бор-а! Хеч бўлмаса тул эгачисини андиша қилса бўлмайдими? Ўзи ўғлим ношуд. Хотинники гах, деганда қўлга қўнадиган қилиб олмадими, бундай эркакдан оғилдаги бузоқ яхши. Бу ер ютгурни бир «Муштум»га ёзинг. Текширгани келишса, қўйлагини бекитиб қўядиган ўртоғининг уйини кўрсатиб бераман.

Индамай кулоқ солиб ўтираверсам, кампирнинг гапи қўзилиб кетадиганга ўхшади. Ишим зарурлигини баҳо-

на килиб, ўрнимдан турдим. Кампир орқамдан жавраб колди:

— Хой, «Муштум»да қачон чиқади? Яхшилаб ёз!

Кампирнинг келинини танир эдим. У комбинатнинг кўзга кўринган ип йигиувчиси эди. Газеталарда жуда кўп сурати чиқкан, хотин-кизлар қурултойига ҳам делегат бўлган эди. Шундай ишchan, топиш-тутиши яхши бу жувоннинг кампир айтганча ёмон кийиниб юришига ажабланардим. Наҳотки, қайнонасидан беркитиб кийинса, наҳотки, кампирнинг гаплари рост бўлса! Бунга gox ишониб, gox ишонмай юрадим, яқинда ишдан кайта туриб, шу келин билан автобусда ёнма-ён ўлтириб колдим. У сал хомушрок кўринар эди.

— Ха, қўшни, нима бўлди? — дедим унга.

— «Муштум»га ёзмадингизми? «Катта мухбир» материал берган эканлар-ку. Ҳар куни «Муштум» пойлаб эсимиз кетяпти, — деди у пичинг қилиб.

Кампир тушмагур «Сени «Муштум»га уриб шарманда қиламан» деб уни қўрқитмоқчи бўлганга ўхшайди.

— Шу гаплар ростми, ёлғондир-ов?!

— Ёлон, — деди келин кулиб.

Автобусдан тушиб, кўчамизга бурилдик.

— Кўйлак олсам, «қайнисингилларингга нега олмадинг» деб жанжал қиласди. Қайси биттасига олай? Эримнинг топганига-ку онаси хўжайнин. Тийинини бегона қилмай, қизларига сеп йигади. Менинидан ҳам юлади. Невараларига едирмай-ичирмай лозимандага сарфлайди. Рўзгорни мен қиламан. Ўн бир жонмиз, ахир. Эридан ажрашган эгачимнинг тўрт боласи бор. Ўзимнинг уч болам. Икки қайнисингил. Қизлар на рўзгорга қарашади, на бирон жойда ишлашади. Сўлоқмондай бўлиб, эртадан кечгача сақич чайнаб, тошойнанинг олдидан кетишмайди. Бирон жойга ишга киритиб кўйяй десам, онаси кўнмайди. Эркаклар билан ишласа, шарми ҳаёси колмасмиш. Уч боламга кийим оладиган бўлсан, эгачимнинг ҳам тўрт боласига олишим керак. Яқинда медаль билан мукофотланган эдим. Тақиб келган куним кампир севинчимни ҳам татитмади. Нега эгачингта ҳам олиб келмадинг, деб жанжал қилса бўладими, бу гапга кулайми, йиғлайми, ахир. Бор-э, деб кетиб қолай дейману, яна шаштимдан тушаман. Эримнинг ҳоли нима кечади, деб ўйлайман. Ўзи яхши йигиту, онасига лом-мим деёлмайди-да. Индамай кириб, индамай чиқиб кетади. Ҳамма гапни мен эшитаман. Катта қизининг рўзгорини ҳам шу кампир бузган. Магазинда ишлайдиган топармон-тутармон бир йигитни

ичкуёв килиб, роса соғиб ичди. Ишдан бўниб қолгандан кейин машмаша килаверди. Охири куёв бир сидра кийим билан чиқди-кетди. Бу кампирнинг устидан қаёқка бора ман, бирон жойда ишласа бошқа гап эди, хеч бўлмаса пенсия олгандаям-курайсобестга устидан арз қилардим. Сира-сира менга кун бермайди. Ҳар ҳунар, ҳар соҳанинг министрлиги бор, бу кампирлар қайси министрликка қарап экан? Ўзинг ишлаб топганингга ўзинг эга бўлмасанг...

Келиннинг ҳам ҳасратидан чанг чиқиб кетди. У билан хайрлашиб, уйга келдим. Ойим тогорада нимадир кўтариб кирди.

— Сомса ёиган эдим. Томоғимдан ўтмади. Келиннинг бечора ишдан ҷарчаб келган, бирга ея колай деб, атайин иссиғида олиб келдим.

Шу пайт қўшни кампирнинг боласи «Муштум» сўраб чиқди.

— Бу кампир мунча «Муштум» сўрайди?

Мен ойимга бўлган воқеани айтиб бердим.

— Бу ишга сен аралашма. Кампир мазаси йўқ аёл. Толька келинини қийнагани-қийнаган. Маҳалладаги кампирларнинг обрўсини тўқаётган ҳам шу. Уззукун йўлакка ўтириб олиб, ўтган-кетганни исплетний қиласди. Кўрсанг ҳам, кўрмасликка солиб кетавер, болам.

Ойимнинг гапига кула-кула ичкарига кириб кетдим. Қулоғимдан келиннинг бояги гапи нари кетмасди. «Бу кампирлар қайси министрликка қарайди, нодонлиги, колоқлиги билан тиіч рўзгорни татитмаётган бекорчилар устидан қаерга, кимга шикоят қиласа бўлади?»

1956 йил.

ИХТИРО

Театр месткомининг мажлиси. Бугун коллектив кекса артист Латиф Ибодовни пенсияга кузатмоқчи.

Бадиий раҳбар Мухторов кекса артистнинг хизматларини тўлиб-тошиб гапиради.

— Латиф ака коллективимиз ўртасида жуда катта хурматга сазовор бўлган киши. У ҳамиша ижодий изланиш билан яшади. Спектакларимизни томошабинларга манзур килишда Латиф акамизнинг хизматлари беҳисобдир. У ўзига берилган ролларни астойдил, сўзсиз ижро этган энг қобил санъаткордир.

Одатда театр бадиий кенгашларида ва умуман, мажлисларда расмий гаплар кам бўларди. Мажлис худди бир

пиёла чой устида бўлаётган сухбатдек жуда самимий ўтарди. Бу гал ҳам худли шунака бўлаяпти. Бадиий раҳбар олдидағи стакандан чой ҳўплагунча ҳалқ артисти Мирзахон ака гап бошлади:

— Латифхонни жуда яхши таърифладингиз. Айникса, сўёзсиз роль бажаради деганингиз менга ёқди. Латифхоннинг театримизга келганига ўттиз тўрт йил бўлган бўлса, бирон оғиз гапирганини билмайман. Мени тўғри тушунинглар. Унинг овозини биронта томошабин эшитмаган...

Кимдир «йўғе» деб юборди. Мирзахон ака яна гапирди:

— Ахир, Латифхон ўттиз тўрт йилдан бери массовкада чиқади. У шу ўттиз тўрт йил ичидаги саксон олти марта дорга осилди. Юз ўн икки марта калласи кесилди. Эллик етти марта оёқ-кўлига кишан урилди, менинг ўзим тахминан юз эллик марта қамчиладим. Шунча кўргиликларни кўриб ҳам Латифхон бирон марта фиринг, деб овоз чиқазмаган. Тўғрими?

Бурчакда бурнининг учигача терлаб ўтирган Латифхон Ибодов нима дейишини билмай атрофга каради. Мирзахон яна давом этди:

— Буларнинг ҳаммаси тўғри, Некалайнинг турмасида ётди. Бухоро амирининг зинданда оёғига кунда урилиб ётди. Хива хони калласини кестирди. Кўқон хони дорга осди. Шундай қилиб, хурматли Латиф акамиз ўттиз тўрт йилдан бери дордан олинниб, дорга осилиб, зиндандан олинниб, турмага ташланди. Ахир менинг ўзим уни кирк етти марта кўкрагидан отиб ташлаганман.

Мирзахоннинг гапи чўзилиб кетди шекилли, бадиий раҳбар стаканни қалам билан урди.

— Ҳозир, ҳозир, гапимни ҳозир тамом қиласман. Илтимосим шуки, дўстимиз Латифхонни пенсияга чиқаришни бирон ойга тўхтатиб турсак.

— Нечун? — деди бадиий раҳбар энсаси котгандек.

— Сабаби шуки, Латифхон ўттиз тўрт йилдан бери театримиз саҳнасида ўйнаб, бирон оғиз гапирмади. Унга ҳаммавакт ўладиган, аммо фиринг деб оғиз очмайдиган роль бердик. Пенсияга чиқиш олдидан биронта каттароқ роль берайлик. Овозини томошабин эшитсан, ўзи ҳам ўйнаган шу ролни эслаб юрсин. Мен бадиий совет аъзоси сифатида унга каттароқ роль берилишини талаб қиласман.

Директор билан бадиий раҳбар, тўғрисини айтганда, ўттиз тўрт йилдан бери биронта ролни қойил килмаган Латифхондан қутулишмоқчи эди. Аммо Мирзахон уларнинг бу ниятларини барбод қилиб кўйди.

Мирзахон театрнинг энг истеъоддли артисти, у лауреат, у ҳалқ артисти, у орденли. Унинг гапини қайтарини на директорнинг, на бадиий раҳбарнинг кўлидан келарди.

Мажлис Латиф Ибодовни пенсияга кузатиш масаласини келаси мажлиста қолдириб, унга қанака роль берилшини бадиий советда кўрадиган бўлди.

Ўттиз тўрт йилдан бери саҳнада замбил кўтариш, хонларни елпиш, ўлиш, отилиш, осилишдан бошқа иш қилмаган Латиф Ибодовга «Бой ила хизматчи»даги Солихбой ролини ўйнаш топширилди.

Оббо Латифхон тушмагур-ей, қуйиб кўйгандек бойнинг ўзи бўлди кўйди. Ҳар сўзда чапак, ҳар пардада одамлар ўринларидан туриб кетиб, парда ёпгани кўйишмайди.

Пенсияга кузатиш ҳам келган жойида тўхтади-кўйди. Латиф Ибодов шунча йилдан бери дорга «осилиб», «отилиб», «сўйилиб» юрган бўлса, артистларининг ўттиз бешинчи йилида ўзи одам «ўлдирадиган», дорга «осадиган», «чопиб ташлайдиган», «отиб ташлайдиган» бўлди.

Бу, албатта ролда.

Саҳнанинг пастида бунақа ишларни қиладиганнинг боши ўнта!

НОМИ ЙЎҚ ТЎЙ

Асадулло Махсумнинг ўртанча ўғли Сайфулло кеча қамоқдан келди.

Ишдан келсан, кўча муюлишида беш-олти кўшним тўпланишиб туришилти.

— Қаёқда юрибсиз, кўшни, дарров у-буларингизни ташлаб чиқинг. Махсум акадан кўнгил сўраб кўямиз.

Хайрон бўлдим, нима деб кўнгил сўраймиз? Ўғли армиядан, ё бирон хайрли жойдан келмаган бўлса, нимасини сўраймиз?

— Э, бўлинг, бирров кирамизу чиқамиз.

Махаллачилик, элдан қолиб бўлмайди. Кирдик.

Ховлидаги сўриларга жой қилинган. Ичкари уйда қариялар. Айвонда Махсумнинг ёр-биродарлари. Битта сўри бўш. Назаримда артистлар ҳам айтилган бўлиши керак.

Олдига шолча тутилган бурчакдан Иса ошпазнинг боши кўринди. Беҳи шохига янгигина бўғизланган кўй орка оёғидан осиб кўйилиби. Махсумнинг қамоқдан келган ўғли бошига янги сурмаранг дўппи кийиб, келган-кетганларга кўл қовуштириб юрипти.

Буни қаранг-а, тўрт йил ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетибди. Махсумнинг шу ўғли истироҳат боғида маст бўлиб, бир шофёр болани пичоқлаб қўйган эди. Махсум у ёкка югуриб, бу ёқка югуриб, пичоқ еган боланинг танишини топди, ота-онасига одам юбортирди. Хуллас, боласи тирик қолганидан шукур қилган ота, даъво қимайсан, деб ўғлига қасам ичирди. Барибир даъвогар кечса ҳам хукумат кечмас экан. Сайфулло тўрт йилга кесилди. Мана, шу тўрт йил бир пиёла чой ичгунча ўтди кетди.

Тинмай одам келиб турипти. Куюқ-суюқ овқатлар тортиляпти.

Дастурхонга шиша оралаб колди. Концертини тугатиб, кеч бўлса ҳам артистлар етиб келишиди. Кексалар ўтирган жойда стол тагидан пиёла узатила бошланди. Ёшлилар жиринглатиб «жабрдийда», «чақувдан қамалган» боланинг саломатлигига ича бошладилар.

Ашула авжта чиқди. Унча-мунча кайф қилганларнинг овози қўтарила бошлади. «Чақувдан қамалиб келган» боланинг ўзи ўйинга тушди.

Кейинги пайтларда тўйми, азами, барибир нутқ сўзлайдиган одамлар пайдо бўлиб қолган. Бу йифин ҳам шундай бўлди.

Соч ўстирган бир йигит рюмка қўтариб, ўртага тушди. Хайрон бўлдим, у нима дейиши мумкин? Тўй бўлса, кўёв билан келинни табрикларди, именина бўлса тўй эгасини туғилган куни билан табрикларди. Чакалок тўйни бўлса, унга умр тиларди. Бирорни пичоқлаб, қамалиб келганинг йифинида нима дейиши мумкин?

— Ҳурматли биродарлар, мана шу табаррук уйнинг табаррук дастурхони устида ўтирибмиз. Ўзингизга маълум, Тошкентда кучли зилзила бўлди. Бизнинг бозоркоммизга карашли точкалар ҳам анча шикастланди. Шу билан демоқчиманки, азиз биродаримиз Махсум аканинг зурриёти бўлмиш Сайфулло бозоркомнинг вайрон бўлган точкаларини тиклашга ўз хиссасини қўшади, деб умид қиламиз. Шу кадаҳни Сайфуллонинг саломатлигига қўтиришларингизни сўраб қоламан.

Ичадиганлар жаранг-жуурунг қилиб уриштириди. Ичишиди. Ҳар қайси тўда Сайфуллони ёнига чақириб, алоҳида алоҳида кадаҳ тутишди. Сайфулло тушмагур соғинган экан, йўқ дейиш экисдан чиқиб, узатганни олиб ютаверди. То ош тортилгунча Сайфулло қамоққа кетишдан олдинги холига келди-қўйди.

— Вей, вей, қамоққа йигитнинг гули тушади. Иш билган одам ерда ҳам нонини топиб кетаверади.

Исталовойга завидиш бўлдим. Ҳа, ўшатдаям тортиб турдик. Ҳа, дўст!

У довдираб, алжираб ҳовлида чарх уриб юарди. Бирдан маҳалла комитетининг раисига кўзи тушиб қолди. Тепасига келиб, икки қўлини биқининг тираб туриб олди. Хабарим бор, милиция идораси Сайфуллонинг ахлоқи тўғрисида характеристика сўраганда, у тўғрисини ёзиб берган эди. Сайфуллонинг эсидан чиқмаган экан.

— Вей, қўлингдан хемири келмади-ку.

Маҳалла йигитлари Сайфуллонинг тирсагидан олиб, эшикка опчиқиб кетишиди. Биз қўшилар ҳам секин ўрнимиздан турдик. Чиқиб келаётганимизда Сайфуллони йўқлаб келган, ўзига ўхшаган ошналарига таин маъкулларди:

— Вей, мен, мен исталавойда завидиш...

Мана, шу воқеага ҳам бир ойдан ошди. Сайфуллоси тушмагур «шўх» бола эмасми, ёзлик кинонинг ёнида бир жувонга эрининг олдида тегишипти. Тўртта одам гувоҳ бўлиб, ўша заҳотиёқ милицияяга олиб кетишипти.

Шунда унинг гаплари эсимга тушиб ҳам ачиниш, ҳам истехзо билан дедим:

— Янги фармон чиқкан, энди исталавойга завидиш бўлмайдиган қилиб олиб кетишиди. Эсонлик бўлса, яна беш йилдан кейин учрашамиз-да!

МЕНИНГ ДЎСТИМ БАББАЕВ!

Неъмат Бобоев билан бир ҳовлида турамиз. У ёшликтан тепкилашиб катта бўлган оғайним бўлади. Чилонзордан уй олганимизда ҳам икковимиз бир жойга тушиб қолганмиз. У учинчи қаватда, мен иккинчи қаватдаман. Кечкурунлари ҳовлида домино ўйнаймиз. Термосда чой дамлаб тушиб, роса чойхўрлик қиласиз. Неъмат курмагур жуда одамжон нарса. Ҳар гапига мақол, мatal қўшиб гапиради. У шундок мөхрибон, шундок мөхрибон...

Мана, шу энг якин оғайним бир кун пастга пижама кийиб, бир қўлида термос, бир қўлида пиёла билан тушди.

— Қалай, ишлар жойидами? — дедим курсидан унга жой кўрсатиб.

— Аслида юзтадан отиб ташласак ҳам бўладиган.

Унинг гапига тушунолмай хайрон бўлиб турган эдим, ўзи ёрила қолди:

— Сабаби шуки, бугун министрлиқдан буйруқ олдим. Яъни, сизларнинг заводларингга директор бўлдим.

Хакиқатан ҳам бунақа янгилик учун юзта әмас, икки юздадан отсак ҳам бемалол бўлаверади. Аммо биз бунақа қилмадик. Мен дўстимни астойдил табрикладим. Тўғриси, илгариги директоримиз сал қўпoldўзрок эди. Мен неча йилдан бери заводда инженер бўлсан, унга биронта таклифимни ўтказолган әмасман. Бу тўғрида Невъматга қўй гапирганман. Невъмат бу гапларни эшитганда куйибённи кетарди. Директоримизни бюрократ, лакма, принципи йўқ, қўпол ва алланималар деб сўкарди. Унинг директор бўлиб келишига суйинганимнинг сабаби ҳам шу-да! Ҳар қалай, у тушунган одам. Ихтироимдан хабардор. Чертёжимнинг кўп жойларини ўзи билан маслаҳатлашганман. У доимо: «Агар шу ихтиро амалга ошса, завод йилига камида икки юз минг иқтисод қиласди» деб мени ишонтиарди. Мана, Невъматнинг ўзи директор. Ура!..

Эрталаб ишга вактли кетиб қолган экан. Қўшниларнинг айтишига қараганда, у ҳаворанг «Волга»да кетибди. Ҳай, мен ҳам заводга етиб келдим.

Смена охирлашиб қолган эди. Телефонда котиба мени директор чақираётганини айтиб қолди. Бордим. Эшикни очиб киришим билан Невъмат башарамга караб:

— Сизда маданият деган нарса борми? — деб қолса бўладими.

Ҳайрон бўлиб, эшик билан унинг столи оралинида тўхтаб қолдим.

— Котибадан, кирсам мумкинми, деб сўраш керак.

— Жинни бўлдингми, Невъмат?

— Мен сизга Невъмат әмасман, ўртоқ Баббаев бўламан, ўртоқ Ҳажжайип.

Муз-муз бўлиб кетдим. Индамай чиқиб кетдим-да, қабулхонадаги диванга ҳасрат-надомат билан ўтиридим. Бир маҳал устига чарм қопланган эшик тепасидаги қўнғироқ жиринглади. Котиба соchlарини тўғрилаб, ичкарига кириб кетди. У қайтиб чиқди-да, менга, киринг, деди. Кирдим.

Боя дурустроқ қарамаган эканман, илгариги директоримизда учта телефон бўлгучи эди. Энди бешта бўлиб қолти. Столдаги қизил мовут дастурхон эди, энди пушти бахмал ёпилган. Невъмат бурчакдаги пўлат сандикдан ниманидир олаётган экан, менга қарамай, калласини бир томонга сал ташлаб, туфлисини фирчиллатиб жойига келиб ўтириди.

Индамадим. Ўзи стол ойнасини бир оз чертиб ўтириб гап бошлади.

— Ўртоқ Ҳажжайип, сизни чақиртишининг сабаби шуки, биз сиз билан бевосита завод хўжалингига жавобгар кишилармиз. Ишлаб чиқариши минимумдан максимумга кўтаришда командирлик қилишимиз лозим.

Э, аттанг, дедим ичимда. Ҳар гапга мақол, матал кўшиб гапирадиган, бир оғиз гапи билан одамнинг ичига кириб кетадиган бола тамом бўпти-ку!

— Менга қара, қўй бу олифта гапларни. Тўппа-тўғри, одамга ўхшаб гапир.

Невъматнинг кўзлари дум-думалоқ бўлиб кетди. Афтидан, у раҳбар ходим, албатта жиддий гапириши шарт, кулиш, ҳазил қилиш раҳбарлар обрўсини тўқади, деб ўйласа керак, қўрқиб кетди. Яна ўзим гап бошладим.

— Албатта менинг чертёжим масаласида чақирган бўлсанг керак. Шунни энди амалга оширеак бўлар-а?

Невъмат ранглари оқариб, анграйиб турарди. Гапим тамом бўлиши билан бошини сарак-сарак қилди.

— Бу ердагилар ҳам, эски директор ҳам, икковимизнинг ўртоқ эканлигимизни яхши билишади. Агар лойиҳангни амалга оширадиган бўлсан, албатта ўз ўртоғини кўллаяти, дейишади. Умуман, бу лойиҳа бизга тўғри келмайди.

— Хўш, нега тўғри келмас экан?

— Биринчидан, бу дастгоҳни ясаш учун бир неча одам овора бўлади. Қуюв цехи ҳам, йиғув цехи ҳам планни бажаролмай судралаётган экан, унинг устига пландан ташқари хонаки қилиб сенинг дастгоҳингни юкласак, уларга жавр бўлади.

— Беш-олти кун жавр бўлгани билан бу ёғига коллективимизнинг қўлидан оғир ишни олади-ку.

— У кейинги гап. Нақди керак бизга. Бор дастгоҳларимиз бинойидек кунимизга яраб туритти.

Шундай тутақиб кетдимки, ўрнимдан туриб олганимни ўзим билмайман.

— Ҳой, менга қара. Ўзинг әмасмидинг, шу дастгоҳ битса, завод йилига икки юз минг иқтисод қиласди, деган. Ўзинг әмасмидинг, эски директорни бюрократ, ландовур, принципи йўқ, лакма деган...

Невъмат қўлларини икки томонга ёзди.

— Ташқаридан қараганда ҳаммамиз ҳам шунақа деймиз. Жавобгарлик бўйнимизга тушганда ўйлаб қоламиз.

— Ўз оғайнисининг ишини амалга оширяпти, дейишларидан қўрқаман, дейсан. Нима, шахсий ишимга карашяпсанми? Ҳамма ҳам ошна бўлса, бутун коллектив бир оғайнини бўлса, қандоқ яхши.

Нельмат ўрнидан туриб кетди.

- Бас қилинг, ўртоқ Хажжайип, гап тамом!
- Хўп, кечирасиз, ўртоқ Баббаев, — дедим.
Чикиб кетдим.

Кечқурун Нельмат яна термос қўтариб тушди. Мен унинг олдига бориб, мумкинми, ўтирасам, ўртоқ Баббаев, дедим.

- Отимни айтсанг ўласанми? Ўтиравер, — деди.
- Ахир, боя, заводда, кабинетингда...

Нельмат илжайди.

— У завод, бу кўча, уй. Хўш, соғлифинг яхшими, ғалати тарвуз олиб келдим, холодильникка тикиб қўйибман, хозир чикиб котирамиз.

Ё тавба. Шу ёшга кириб, бир умр бирга бўлган оғайнининг қанақалигини билмаган эканман. Шунча вактдан бери одамнинг жонидек бўлган йигит орқаси стулга тегди-ю, бошқача бўлди қўйди-я.

Шу кеча роса домино ўйнадик, мен уни ютавериб, тўрт марта стол тагидан эмаклатиб ўтказдим. Пешонасига эчкининг суратини ёпиширдим. Ҳамма ўйинларимиз самимий беғараз ўтди. Аммо...

Аммо эртасига ишга борганимда у яна бошқача бўлиб қолибди. Нуқул ўртоқ Хажжайип дейди. Отини айтсан, чирсиллаб, ўртоқ Баббаев дегин деб кўрсатма беради.

ОЛҚИНДИ

Кўзойнагининг бир пойи дарз кетган бу одамни илгарилари ҳам бир-икки қўрганман. У, доимо НЭП давридан қолган қўш қулфли портфель қўлтиқлаб юрарди. Башараси назаримда муҳри ўчиб кетган совунга ўхшарди. Уни кўпинча редакция коридорларида, почта кутиларининг ёнида қўтардим. Ўзи ким, нима тирикчилик килади, унисига эътибор килмаган эканман. Мана, бутун икковимиз бақамти келиб турибмиз. Гап бундок бўлган эди: қадрдан бир ошнам фарзанд қўрди. Эр-хотин ёш отани табриклагани бордик. У билан туғурукхонадаги чақалокнинг саломатлигига жиндак ичиб юбордик. Бундай пайлаларда, ичиш, умуман, гуноҳ саналмаса керак, деб ўйлайман. Ҳуллас, табиатим равшан, ширакайфгина бўлиб уйга қайтсан, эшигим олдида ўша олқиндибашара одам мени кутиб туриби.

Одатда кайфи бор одам бировга бошдан-оёқ бир йўла қараёлмайди. Бўлиб-бўлиб қарайди. Аввал туюнинг тизза-

сидек едирилиб, такир бўлиб кетган пешонасини, кейин тарвузни бутун ютгандек думалоқ қорнини, ана ундан кейин ҳар хил сиёҳ узун-узун томиб бекасамга ўхшаб кетган шимини қўрдим. Димоғимга бирдан гуп этиб мөнор ҳиди урилгандек бўлди.

Докторхона деворларида одамнинг совундан ясалган башараси, қўли, қулоғи ва бурнининг нусхаси илиғлик бўларди. Бу одамнинг ҳаммаёғи бирваракайига ўша докторхонанинг деворига ўхшаб кетди.

— Ука, — деди олқинди, — зарур бир иш билан келган эдим.

Уйга таклиф қилдим. Кирдик. У лойга ботган туфлисини остоңадаги латтага суртмай, тўплга-тўғри гиламни босиб кириб келаверди. Индаёлмадим. Ўтири. Маҳсига ўхшаб кетган портфелидан бешта тухум олиб, стол устига қўйди.

— Куруқ келишга кўнглим бўлмади. Болаларингизга насхиба. Товук ўзимизники.

У тилини танглайига босиброқ гапирав экан, «с» деганда «сх»га ўхшашроқ товуш чиқарди.

Боя меҳмонга кетаётсиб, шошилиб стол устини йиғиштирмаган эканмиз. Меҳмон лаган четидаги қошикни олиб, ўйнаб ўтири. Кошикнинг орқаси билан иягини қашиди. Жуда ғашим келди. Бир нима дёймай, дикқатим ошиб кетяпти. У қошиқ билан лаган ўтрасига уйиб қўйилган шовлани атрофга ётқизиб, лаганнинг гулини очди-ю, тикилиб туриб қолди.

Бир чеккаси ҷарчаганлигим, бир чеккаси кайф, кўзимни уйқу босиб келяпти. Кафтимнинг орқаси билан оғизимни тўсиб, тинмай эснаб турибман. Охири у кир дастрўмолига бурнини шилкиллатиб қоқиб, мақсадга ўтди:

— Ука, газетага мақола ёсангиз. Уч-тўрт сўм ишлаб олсҳангиз. Материал жуда пишиқ.

У ўзи ишлайдиган идоранинг бошлиғидан нолиб кетди. Уни порахўр, биорократ, ёмон одам, жудаям ёмон одам, деди.

— Аниқ фактлар борми? — дедим.

— Бор, — деди у тантана билан, — газетага ёзаверинг, мақола юзасхидан текшириш ўтказилганда ҳаммаси очилади. Бу иккинчи масҳала. Тўйларга борсха ҳаммадан олдин масҳт бўлиб олади. Буфетчидан пора олганини ўз кўзим билан қўрганман. Схиз ёзаверинг...

Унга бирорни айблаш учун бу гаплар асос бўлолмаслигини, бунақа материални, умуман газеталар босмаслигини уввало тушунтираманки, қани тушунса.

Хозир кайфингиз бор экан, кейинроқ гаплашамиз, бўлмасха.

— Кейин гаплашнинг хожати йўк, — дедим, — ўзингиз фактларни аниқ қилиб, редакцияга олиб боринг. Ўша ерда гаплашамиз.

Кейниги ганим малол келди шекилли, у қўлини силтаб ўридан турди.

— Мехнаткашларнинг шикояти шунаقا қолиб кетаверар экан-да! Хўп, майли, гаплашадиган жойда гаплашиб кўрамиз. Схизларни ҳам текширадиганлар бордир. Биз бечоралар арзимизни кимга айтамиз? Азбаройи ҳукуматимизга ёрдам бўлсхин, ҳукумат идораларида ноқобил одамлар ўтирасин деб атайн арз қилгани келсҳам, схиз эсхнаб ўтирибсхиз-а! Майли, гаплашиб қўямиз. Кеча қаерда бўлганингизни, бугун қаерда ичганингизни биламиз.

Олқинди зарда билан ўридан туриб, портфелини буқлаб, жавраганича чиқиб кетди. У кетди-ю, уйда аллақандай мөгор хиди билан бешта налаёда тухум қолди.

Орадан беш-олти кун ўтди. Уни икки марта кўрдим. Автобусда кета туриб, деразадан унинг почта кўтисига конверт ташлаётганига кўзим тушиб қолган эди. Ўтган куни уни яна редакциямизда ишлайдиган фельетончи йигитнинг орқасидан эргашиб кетаётганини кўрган эдим.

Бугун ишга келсан, муҳаррир йўқлатган экан. Кирдик. Муҳаррир столдан бош кўтармаёқ гапира кетди:

— Ўн тўртинчи январда қаерда ичган эдингиз?

Нима дейишими билмай, ҳайрон бўлиб қолдим. Ўйлаб-ўйлаб топдим. Ошнамнинг фарзанд кўриши саломатлигига ичган бир рюмка вино эсимга тушди. Эсимга тушди-ю, вино эмас, заҳар ичгандек бўлдим.

— Мана, — деди муҳаррир, майда қилиб ёзилган олти варақ қофозни қўлимга тутқазар экан. — Ўқинг!

Ўқингга тушиб кетдим. Хатда менинг пиянисталигим, кўчаларда маст бўлиб гандиралаб юришим, бир ичганда икки шишани кўрдим демай шимиришим, арз қилиб келгандардан пора олишим, мисол учун М. фамилияни бир меҳнаткашдан бешта тухум олганлигим ёзилган эди. Хат охирида... «Бунақа порахўр, пиянисталарга матбуот даргоҳидан жой берилмасин!» деб талаб қилинган эди.

Хатга аниқ имзо қўйилмаган. Фақат, махалла меҳнаткашлари, деб бир хил сиёҳда бир одамнинг қўли билан ўн олти хил имзо чекилган эди.

Хатин ўқиб туриб, олқиндини эсладим.

Муҳаррир бўлган воқеани гапириб берди:

— Бу иғвогар отнинг қашқасидек маълум нарса. Идораларга ёзган шикоятлари ёлғон чиққанидан, иғвогарлиги, тұхматчилиги очилиб қолганидан ўзи редакцияларга боролмай, ходимларимизнинг йўлини тўсиб, уйнга бориб, оғзаки муҳбирлик қилиб юриди. Эҳтиёт бўлинглар, иғвогар бамисоли калтакесак бўлади. Аллақаиси ковакдан чулдираб овози чиқади-ю, ўзи кўринмайди. Эзғилаб ташлайман десанг, дарров ковакка кириб кетади. Шу кириб кетганича кечалари ҳам чулдираб ухлатмайди. Иғвогарни йўлга ҳам солиб бўлмайди. Бу жиҳатдан у қўнғизга ўхшайди. Қўнғиз тўнкарилиб қолиб ўнгланолмай, тўнфиллай беради. Ўнглаб кўяй, деб кўл узатсангиз, қўлингизни саситиб юборади.

Каллам гувиллаб, кўзимга докторхона деворидағи совундан ясалган маразнинг башараси ва ахлат челягидага ётган бешта палаёда тухум кўриниб кетди.

1962 йил.

ПОРАХЎРНИНГ ЎЛИМИ

Магазин мудири Ҳомидхўжа туш қўрса, тушида ўлиб қолган эмиш.

Қабрга мункарнакр кириши билан у бошини кўтариб, ҳайрон қолди. Кўлида проводникларнинг фонарини ушлаб турган бу одам киёфасидаги нусха район савдо бўлмининг инспектори Аёзовга ўхшаб кетар эди. Аёзов билан Ҳомидхўжанинг ораси бузўқ эди. Чунки Ҳомидхўжа «Рубин» телевизорига нарх кўйиб сотаётганида шу Аёзов ушлаб олган ва ишини судга берганди. Ҳомидхўжа ёўлдираб ўридан турмоқчи бўлди.

— Ўртоқ Аёзов!

Аёзов — мункарнакр гурзисини кўтарди.

— Кўзингни оч, Ҳомидхўжа, сен ўлгансан. Нима гуноҳ қилгансан, шуни айт?

— Ҳеч гуноҳ қилмаганман.

— Ёлғон гапирма. Пора олгансан, пора бергансан, эсингдами?

Аёзов — мункарнакр авторучкаси билан обший дафтарга «дўзахга тушсин» деб ёзиб кўйди. Шу пайт иккита фаришта унинг икки кўлтиғидан кўтариб олиб кетди. Фаришталарнинг бири худди унинг ишини судга оширган терговчига ўхшарди.

Ҳомидхўжа дўзахда ўзидан олдин ўлиб кетган, умрини пора олиб ўтказган ўртоқларидан биронтасини ҳам

тополмади. Ўзидан ўзи «фақат мен пора олибманми, адолат борми, йўқми» деб диққат бўлар эди. Шундай қилиб, Ҳомидхўжа гоҳ қил кўприкнинг ярмидан қайтиб, гоҳ ўтда куйиб юраркан, бир нарса эсига келиб қолди. Жаннатга ўтиб кетишнинг иложи йўқмикин? У шундай хаёл билан каттакон оловли дарвоза олдида маҳорка чекиб, курт сотиб ўтирган қоровул чолнинг олдига борганини билмай қолди.

— Ха, бўтам, нима гуноҳ қилган эдинг? — деди чол.
— Пора еб қўйгандим.

Чол маҳорканинг аччиғидан тез-тез йўталар, папирос тополмаётганидан шикоят қиласр эди. Ҳомидхўжа дарров ёнидан бир пачка «Казбек» чиқариб, чолга узатди.

— Ўзи, асли жаннатбоп бола экансану, дўзахга янглиш тушиб қопсан-да. Жаннатга кирғизиб юборардим-ку, жиндек харажати бор-да.

Ҳомидхўжа шу топда бу чолга танасида тирик вактида ортиб қолган жонининг юкини ҳам сувга чайқаб беришга рози эди.

— Ота, бир нима берай десам, ҳеч балойим йўқ.
— Ҳу, жағингда йилтираб турган иккита тилла тишинг бор экан-ку?

Ҳомидхўжа қўлини оғзига тиқиб, тишларини шартта сугуриб олиб, бирор кўрмасин учун кафтини чанглаб туриб, чолга узатди.

— Кўрқма, бўтам. Пораҳўрлик ёруғ дунёда айб, бу дунёда айб ҳисобланмайди. Қани ўтавер, жаннат ўзингни-ки!

Ҳомидхўжа жаннатга кирди-ю, оғзи очилиб қолди. Бир одам беш панжасини ёзиб, жаннатнинг ўртасида ўзидан-ўзи алжиб юрарди. Ҳомидхўжа жаннатнинг самоварчисидан сўради.

— Бу одам нега қўлини кўтариб, панжасини ёзиб юрибди.

— Э, сўрама. Бу одам поранинг орқасидан олтига участка соглан, еттингисини қураётганда тунукасоз билан уришиб, томдан йиқилиб, ўлган. Ҳаммавақт: «Еттига участка қурдим, барибир ёруғ дунёдан қўлим очик кетди», деб жавраб юради.

Ҳомидхўжа жаннатда қанча юрганини билмади. Бу ерда пораҳўрларнинг иши йирик экан. Ҳомидхўжа тирик вактида ҳали ўлмаган Мирвали деган бир муовини бўлгувчи эди. Ўша муовини Мирвали жаннатнинг бозорида гилам сотиб ўтирибди.

— Ҳой, бола, қачон ўлдинг?

Мирвали қўл силтади.

— Сиз тирик вақтингизда ҳам шу томонларга эплаб, келиб-кетиб турардим.

Ҳомидхўжа Мирвалининг улдабурро бола эканини яхши биларди. Райторгнинг мудирига порани ўзи олиб боришдан кўркиб, шу муовини орқали бериб турарди.

— Ҳой, ука, ёруғ дунёда пора масаласи қалай?

— Порадан гапирманг. Пора берган ҳам, олган ҳам кия бўлиб кетялти.

Ҳомидхўжа шу пайтacha бир амаллаб тирилсаму, яна битта яхлитроқ пора олиб ўлсам, армоним йўқ эди, деб юрган эди. У Мирвали билан гаплашгандан кейин пора олмайдиган, пора бермайдиган оламда яшашнинг қизиги қолмаганини билиб, тақдирга тан берди.

Кечани Одам Отани жаннатдан бенасиб қилган буғдойзорда, кундузни уни шарманда қилган анжирзорда ўтказишга қарор қилди.

Ҳассасини иягига тираган бир чол ариқ бўйида ўтириб ўзидан ўзи фулдуарди.

— Бу пораҳўрлар жаннатни ҳам расво қилди. Анжирнинг сояси шуларники, фаришталарга ҳам унча-мунча бермасанг, дўзахга отади.

— Оббо! — деди Ҳомидхўжа, — эпласанг жаннатга туш-да, иғвогар!

— Э, ха, — деди чол Ҳомидхўжани хассаси билан туртиб, — сенлар келиб, жаннат дўзах бўлди, қадамларинг етган жой нақд дўзахнинг ўзи бўлади. Бор-э, жаннат сенларга бўлсин, ўша дўзахга мен туша қолай.

Чол Ҳомидхўжани савалаб кетди. У кочаман деса, оёғи юрмайди, додлайман деса, овози чиқмайди. Ҳомидхўжа бўғилиб, хириллаб кўзини очди. Тепасида муовини Мирвали унинг бошини ушлаб турарди.

— Ҳўжайнин, сизга нима бўлди?

— Қачон тирилдинг? — деди Ҳомидхўжа унга тикилиб.

— Ўлмай туриб тириламани, хўжайнин? Дўконни ревизия босди, Аёзов ревизия қиласмиш.

Ҳомидхўжанинг кўзига мункарнакр кўринди. Ундан кейин хира парда орқасида фариштага ўхшаган терговчи пайдо бўлди.

Ҳомидхўжа энди ўзининг ўлик-тириклигини аниқ билмасди...

ИКРОР

Рахмонали кўнгли пошишо бўлиб келарди. Бугун ҳам хотинини доёда колдириб, ўша жойга борди. Майшат кечагидан ҳам зўр бўлди. Бугун хотинига нима баҳона килса экан? У уйга яқинлашган сари, баҳона топишга шошарди. Шунга ҳам баҳонами? Кечаги мажлиснинг давоми бўлди, деб кўя колади-да!

Такси уларнинг эшиги олдига келиб тўхташи билан орқама-орқа яна бир такси келди. Ундан рўмолга ўралтган бир аёл тушди. Раҳмоналининг юраги орқасига тортиб кетди. Бу унинг хотини Зарофат эди. Оббо, пойлаб борганга ўхшайди. Билган, қаердалигини, кимнинг уйидалигини билган. Иккала такси ҳам коронгу қўчани ёритиб орқага қайтишиди. Раҳмонали юраги бетламай, бўшашиб сўради:

— Зарофатмисан?

Зарофат жавоб ўрнига хўнграб йиғлаб юборди.

Рахмоналининг баданига титрок кирди. Оёғи қалтиради. Энди нима қилсайкин? Тонсинми? Кўзини бакрайтириб туриб-а?

Зарофат пик-пик йиғлаганича унинг ёнидан ўтиб, эшикка калит солиб очди. Эр-хотин олдинма-кетин ҳовлига киришди. Раҳмоналининг калласи мокидай ишлардию, бефойда эди. Нима десайкин? Тониб бўлмайди. Бошқа баҳонанинг иложи йўқ. Ҳаммасини қўрган. Билган. Книмат қиласди. Хар ҳолда ҳовлида гап бошласа, тўполон бўлиб қўни-қўшилар эшитиши мумкин. Нима бўлса ҳам уйга кириб гаплашиш керак. Унинг кўнглини олиш керак. Хотинларни яхши гап билан йўлга солса бўлади. Қани, бир уриниб кўрсин.

Рахмонали шу ўйлар билан ичкарига кирди. Хотини столга бошини қўйиб, ҳамон пикиллаб йиғларди.

Бу ахволда уни ҳеч нарсага кўндириб бўлмайди, деб дилидан ўтказди Раҳмонали. Тўғрисини айтиб, тавба килиш керак. Бундан бошқа йўл йўқ! Раҳмонали журъатсизлик билан хотинининг тепасига келди.

— Хотин, нима десамикин? Нима бўлганини ўзинг билиб турибсан. Аҳмоқлик килдим. Нима қиласай, эгилган бошни килич кесмайди.

Зарофат ялт этиб унга қаради. Раҳмоналининг юраги жиғ этиб кетди. Муз парчасини ютвортандек, анча вактгача ўзига келолмай, энтикиб туриб қолди.

— Бунақа қарама-да, айбимни бўйнимга оляпман-ку, тағин нима дейсан? Шу икки боланинг ҳурмати, энди

бундай қилмайман. Кечаги мажлис ҳам ёлони эди. Кечаги ҳам ҳали ўзинг қўрган жойга борган эдим. Унини коп-кўзларига учибман. Ширин сўзларига учибман. Айб ўзимда, бола-чакалик кап-катта одам бегона хотинга айланишиб юрибман.

Зарофат яна унга қаради. Энди унинг кўзларидан ўт чакнарди. Раҳмонали бу қараашларга тоб беролтади. Бутун вужуди қарахт бўлиб, қотиб турарди. У кўзларини чирт юмганича яна гапирди:

— Истасанг, иккинчи бундай қилмасликка расписка бераман. Кўр эканман, қадрингни билмаган эканман. Майли, ур, уракол мени, теп, орқамга теп, розиман, мендақа ярамас эрнинг жазаси шу.

Зарофат унинг гапларига чидолмай, нариги уйга чиқиб кетди. Орқасидан Раҳмонали эргашиб кирди.

— Энди қўйгин, жон хотин, эрқак бошимни ҳам қилиб тўғрисини айтипман. Наҳотки кечирмасанг? Энди у хотиннинг башарасига ҳам қарамайман. Тамом. Пойлаб борибсан-да, ҳаммасини қўрибсан-да, шунчаки кўнгли учун бордим. Турган-битгани бўёқ.

— Нарин туринг, яқин келманг! Эсиз одамгарчилик.

Рахмонали тиз чўқди.

— Оёғимдан ўп десанг, ўпаман. Оркамдан эмаклаб юр десанг, эмаклаб юраман, мени кечирсанг бўлгани. Энди ишдан бир секунд ҳам кечикмай уйга келаман. Кўрасан, бундан буён моянамга барака киради. Айтди дерсан. У ярамас хотинга энди ҳеч нарса олиб бермайман.

Зарофат ўгирилиб қараган эди, Раҳмонали орқасида, оёғининг тагида тиз чўқиб, кўзларини пирпиратиб турибди. Зарофатнинг раҳми келиб кетди. Бир зумда калласидан: қилмишига пушаймон бўлиб турибди-ку, ҳаммасини айтиб беряпти-ку, майли, бу галча кечира қолай, деган ўтуди.

— Туринг ўрнингиздан. Уят керак. Бу галча кечирдим, иккинчи шунака иш қилсангиз, оstonага қадам кўймай, ўша ёқдан даб бўлинг.

Рахмоналига жон кирди. Хотинининг оёғидан, билакларидан, елкаларидан йиғлаб-йиғлаб ўпди.

— Мунни қара-я, борибсан-а, қўрибсан-а.

Зарофат пикиллаб қулиб юборди:

— Ҳеч қаёқка борганим йўқ. Сизни кутиб ўтириб ухлаб қопман. Туш кўрсам, сиз ўлиб қопсиз. Идорангиздагилар қабристонда митинг қилиб кўйиншиби. Уйрониб кетиб, бирам кўнглим фаш бўлдики, ётиб ётолма-

дим, ўтириб ўтиrolмадим. Хаёлимда сизга бир нима бўлгандек, ё автобус, ё трамвай уриб кетгандек бўлаверди. Идорангизга бормоқчи бўлиб таксига чиқаётсам, ўзингиз келиб қолдингиз. Мен бу ёқда қандок ташвишлар килиб юрибману, сиз бўлсангиз...

— Бўлди, бўлди, бу ёғини гапирма. Гапни тамом килдик-ку. Айлантирма.

Рахмонали ечина туриб, э аҳмоқ деб, пешонасига битта урди.

Бу ҳангома эр-хотиннинг орасида қолиб кетди. Аммо Раҳмонали эрталаб ишга кетаётганда хотинининг қўлидан ўпид, ишдан келганида пешонасидан ўпишини ёшитганлар нима гаплигини билолмай ҳайрон.

Борди-ю, олган маошининг тийин-тийинигача санаб, хотинининг қўлига беришини ёшитсалар, нима дейишаркан?

Хар қалай, уйдаги гапнинг кўчага чиқмагани дуруст бўлди. Раҳмонали бу сирни мендан бошқа кишига айтмagan. Мен ҳам ҳалигача сир сақлаб юрибман.

ТОВУҚ ТИЛИНИ БИЛАДИГАН ОДАМ

Боққанингга яраша товук ўлгур кунда түгса-да. Дон чўкишига қараганда, кунига иккитадан тұрадиганга ўхшайди. Қақолаши дунёни бузади. Ҳар қақолаганида қўни-кўшниларга ёшиттириб, ҳозир тухум тұғаман, тухумими ни кўриб ёқаларингни ушлайсизлар, дегандек хурпайиб сомонхонага кириб кетади. Шу кириб кетганича горшвода ўтирган боладек кўзларини жавдиратиб узок ўтиради.

Махбубахон ишлик одам. Эрталаб ишга кетганича кечкурун қайтади. Уйга келади-ю, болаларига овқат пиширишга уннаб кетади. Албатта сомонхонага кириб, товуқларнинг түккан-тұғмаганлигидан хабар олади. Тавба, тухум йўқ. Шунақа ҳам ёлғончи товук бўладими? Ё мушук-пушук кириб, тухумни еб қўярмикан?

Ўндоқ деса, сомонхонанинг эшиги берк туради. Ундан ташқари, ҳовлида каттакон ит бор. Мушук у ёқда турсин, чумолини ҳам йўлатмайди.

Кечаси телевизор кўриб ўтиришганларида Махбубахон товуқлардан нолиб қолди:

— Эгаси ўлгур безор бўлганидан сотган шекилли. Хитрий товук экан.

Эри Мансуржон бепарво жавоб берди:

— Э, хотин. Сен умуман чорвачилик, йўғ-е, наррандачиликдан бехабар одамсан. Қўйни биласан-а, янги келган уйда ем емайди. Ўрганиб кетгандан кейин шунакаям хўра бўлиб кетадики, асти қўяверасан.

Мансуржон шундай деярди-ку, кўзини яширишга уриниб, туппа-тузук ишлаб турган телевизорнинг мурватларини буради.

Оббо, нима қиласиз бураб? Ана, бузиб қўйдингиз. Эртага товукни сўйиб беринг, шўрва қиламиш.

— Ия, шундоқ товукни-я. Қўй, хотин, бир иложини қиламиш, туғиб беради. Мени айтди дерсан, ҳар куни тұрадиган қилиб бераман.

Хотин эрининг гапига ишонгандек бўлди. Эрталаб ишга кетаётганда, ўғлининг эски дўйисида дон опчикиб сочди. Товук қақолаб дон чўқиди, яна борми, дегандек Махбубахонга бир-икки қаради-да, қақолаб сомонхонага қараб чопди. Бир оздан кейин Махбубахон унинг оркасидан бориб, ичкарига мўралади. Товук сомон тўлдирилган ғалвирга бағрини бериб, унга қараб кўзларини мўлтиратиляти.

— Билиб қўй, бугун тухум тұғмасант, кечкурун шўрва бўласан, — деб кулди. Товук унинг гапига тушунгандек «қуқу» деб қўйди.

Дарҳақиқат, Махбубахон кечкурун келса, товук вадасининг устидан чиқиб, муштумдек тухум туғиб қўйипти. У қойил қилибманми, дегандек айвон олдида гердайиб юради.

Махбубахон ҳайрон қолди. Унинг ҳайронлигидан фойдаланиб Мансуржон керилиди:

— Шунақа, хотин, биз күш тилини ҳам биламиш. Эрталаб товукқа, бугун тұғмасант, опанг хафа бўлади, деб тайинлаб кетган эдим. Одобли товук-да, гапимни ерда колдиримади. Эртага ҳам шу, индин ҳам шу. Агар диккатимни оширсант, тайинлаб қўяман, тұғмай, қўяди. Аммо шуни билиб қўй, товук деган кунда тұгса, бехосият бўлади. Тухуми ҳам майдалашиб қолади. Кунора түккани дуруст. Иккитасининг қуввати биттасига ўтиб, калорияси ошади. Тайинлаб қўяман, кунора тұғсин. Маза бўлади. Энди сенга тухум сифатини ошириш масаласида хеч ким билмайдиган бир сирни айтиб қўй. Илло бирорвга айтмасликка сўз берасан. Сир шуки, товукка унча-мунча туз ялатиб туриш керак. Битта гуттурт кутисига туз солиб, сомонхонага опикириб қўй. Ўзи хоҳлаганда чўқилаб туради. Ана шунда тухум жудаям хушхўр бўлиб кетади.

Содда хотин эрининг куйиб-нишиб айтган бу гаплари га астойдил ишонди. Сирни бировга айтмасликка ваъда берди. Сомонхонага туз опкириб кўядиган бўлди.

Мансуржон товуққа яхшилаб тайинлаб кўйган экан, айтганини қилиб, кунора тухум тугаверди. Гугурт кутисидаги туз бемалол беш кунга етаверди.

— Хой дадаси, гапнинг рост чиқди, тухуми борган сари хушхўр бўлиб кетаётганга ўҳшайди.

— Ўҳшайди деганинг нимаси? Росмана хушхўр бўлти. Кунора туғиши билан туз ялашда гап кўп дедим-ку!

Кунлар шу хил ўтаверди. Товуқ аҳдини бузмади. Нима бўлди-ю, Мансуржон бир ҳафтага аллақаёқка командировкага кетадиган бўлиб қолди. У чамадонини кўтариб, эшикка етганда, тўхтади.

— Хотин, бир гап айтиш эсимдан чиқипти. Товуққа тайинлаб кўйдим. Келгунимча ҳар куни туғиб туради. Тузни ҳам чўқилама, кунига тухум очадиган нарсасан, жавр бўлади, дедим.

Эрининг бу гапи ҳам тўғри чиқди. Гугурт қутичадаги туз сира ҳам камаймади. Ҳар куни тухум тугаверди.

Махбубахон кўни-кўшиларга мақтанаради:

— Бир товуғимиз бор, ўлгур, одам тилини билади. Бало товуқ экан.

Махбубахоннинг қойил қолиши узоққа чўзилмади. Бир кун боши айланиб, ишдан вақтлироқ қайтди. Ўйга келса, сомонхона очиқ. Нима бало бўлди, деб мўраласа, Мансуржон ярим шиша ароқ олиб, пиёлани тўлдириди. Сомонга бағрини бериб ётган товуқнинг қанотидан кўтариб улоқтириди-да, тухумини олиб, устунга уриб чақди. Кейин гугурт кутисидаги туздан сепиб закуска қилди.

Махбубахон хеч нарса билмагандек, оёқ учида юриб, айвонга ўтиб кетди. Бир оздан кейин Мансуржон лабини ялаб ўйга кирди.

— Хотин, ишдан кепсан-ку. Айтганча, бугун товуқ тухум туғадиган кунми?

— Йўқ, бугун туғмайди, эртага туғади, — деди Махбуба.

— Ха, рост. Шундай деб тайинлаб кўйган эдим.

Хотин эрига шундай қараш қилдики, эр кўзини яширолмай уйқуси келмаса ҳам эснади. Шу пайт кўнглидан, билиб юрган экан, деган гап ўтди.

— Хотин, товуққа яхшилаб тайинлаб кўяман, энди кунда туғадиган бўлади. Ўлай агар, кунда туғади. Агар

хўп десанг, гапга тушунадиган шунақа товуқдан яна ўнта олиб келаман, йигирмата олиб келаман.

Хотин тик унинг олдига келди-да:

— Қани, бир «хух» деб юборинг! — деди.

— Мелисамисан, мен шофёрманим?

— Одамнинг ҳар нима бўлгани яхши? Яна ичибсиз! Юрагингиз яна ёмон бўлса, нима бўлади! Докторнинг гапи эсингиздан чиқдими?

Мансуржон аввалига бўйин эгиб турди-да, кейин баланд келди:

— Судга бер. Мелиса чакир. Сомонхонага ўғри тушди, деб дод сол!

— Сизни нега судга берарканман? Сизни товуқлар суд қилишин. Тилини биласиз-ку.

Эр-хотин хахолаб қулиб юборишиди. Уларга қўшилиб, ҳовлида донлаб юрган товуқ ҳам қақолаб кулгандек бўлди.

ЙЎФОН ТЕПА

Бугун шанба, идора ходимларига маош бериляпти. Одатда идора бошликларининг ҳурмати учун кассир кабинетга ведомость кўтариб киради.

Кодиров кассир узатган пулни санамай, стол тортмасига солар экан, деди:

— Нуралиевга айтинг, кирсин!

Сал ўтмай, бош бухгалтер Нуралиев кирди.

— Менга қаранг, бугун бир отамлашмайликми? Маошни бўлса, олдик. Пул хотиннинг қўлига тегдими, тамом. Пока қўлимиздалигига яйраб олайлик.

Бу гап Нуралиевга ҳам ёқди. Кодиров стол ёнидаги тугмани босди. Котиба кирди.

— Апсаматов билан Собировни дарров чакиринг!

Апсаматов билан Собиров узун-қисқа бўлиб кириб келишди.

— Қани, — деди Кодиров, — олти-олтидан чўзинглар. Йўғон тепага бориб, бир ошхўрлик қиламиз.

Апсаматов жон деб турган экан, дарров олти сўмни столга ташлади. Аммо Собиров гарданини қашиб туриб қолди.

— Бўлинг, бўлинг, — деди Нуралиев, — мунча латтачайнарсиз, олти сўм кимни ўлдирибди?

— Олти сўм ҳеч кимни ўлдирмайди-ю, аммо келинингиз қанча маош олишимни точний билади. Ундан ташқари, хотинсиз бирон жойга боролмайман.

— Э, садкайи эркак кетинг, қўйинг бу гапларни.

Собирров жонидан суғургандек килиб, олти сўмни кўли қалтираб столга кўйди.

Кодиров шофёрни чакириб, харажатга юборди. Иш соати тугаши билан тўрт киши Йўғон тепага қочишга аҳд қилишиди.

Шундок бўлди. Йўғон тепа вилоятда энг салқин, энг хушманзара жой. Тўрт улфат роса яираши. Шофёр ошга уста эди, ҳар битта гуруч ўзи ўрмалаб оғизга кириб кетаман дейди. Салатни айтмайсизми, кўк қалампир аралашган салат дунёда ягона бўлса ажаб эмас. Ошга бостирилган саримсок пиёз янги сўйилган қўйнинг илигидан афзал бўлса афзалки, камлиги йўқ.

Хулласи, тўрт улфат кеч соат ўн бир яrimгача майшат қилишиб, ўн иккidan сал ошганда шаҳарга қайтишиди.

Бундай пайтларда бошлиқлар жуда сахий бўлиб кетишади. Кодиров ҳам шундай фазилатдан ҳоли эмас. Шерикларини бир-бир эшиклари олдига ташлаб, уйига ўтиб кетди.

Ажойиб ош учун шофёрга раҳмат айтиб, ўзи ҳам дарвозаси олдида тушиб колди. Эшикни қоқди. Ичкаридан жавоб бўлмади. Яна эшик қоқди. Кўшнилар нима гап деб югуриб чиқиши-ю, Кодировнинг хотини чиқмади. Ярим соат эшик қоқди.

Хотини эшик орқасида турган экан, ахiri овоз берди.

— Нега эшик очмайсан, мажлисдан ўладиган бўлиб келсан ҳам, шунақа қиласанми?

— Борадиган жойингизга бораверинг. Ош еган жойингизда ётишга жой қилиб беришмадими? Ўшаққа бориб ётинг!

Кодировнинг дами ичига тушиб кетди. Анча вақтгача «фиринг» дейлмай туриб колди.

— Кўй, хотин, қўни-қўшиларнинг олдида шарманда килма. Уйда бафуржа гаплашамиз.

Хотин жавоб килмади. Оёқ товушининг узоқлашгани эшитилди. Ана шундан кейин Кодиров яна ярим соатча эшик такиллатди, бўлмади. Орқасига қайтди. Машина кетиб бўлган, соат бирдан ошиб, автобуслар ҳам сийраклашиб қолганди. Идора, ўх-хў, қанча жойда.

Кодиров соат икки яримларда идорага қайтиб келди. Қараса, кабинетининг кўча тарафга қараган деразасидан

ёруғ тушиб турибди. Уборшица пол юваётган бўлса керак, деб ўлади. Коровул, келинг ака, деб дарвозани очди.

— Отчётта тайёрланадиган эдим, шу ерда тинчгина...

Кабинет эшигини очиши билан ҳайрон бўлиб тўхтадиколди. Бош бухгалтер Нуралиев ечинмай, диванга чалқанча ётиб олган, кабинетни бошига кўтариб хуррак тортарди.

Нима бало, уйига ташлаб келган эдим-ку, деб ҳайрон бўлди Кодиров. У коровулдан план бўлимининг калитини сўради.

— Очик, ака, очик. Апсаматов иним диванда ётибдилар.

— Кадрлар бўлими-чи?

— У ер ҳам очик. Собирор ётибди.

Кодиров нима қилишини билмай, гаражининг калитини сўради.

— У ер ҳам банд, шофёргингиз «Волга»да ётибди.

Кодиров қаққайганча туриб колди.

— Менга қаранг ота, — деди у коровулга. — Сизга жавоб. Уйингизга бориб, ёта қолинг. Биз бугун тонготар отчёт тузамиз. Кўрпа-ёстиқни йиғманг. Чарчаганимда мен ёттураман.

— Умрингдан барака топ, болам. Кампирим отдихинг қачон, деб сўраётган эди. Жуда бопта бўлди.

Коровул чол дуо қилиб, уйига жўнаб қолди. Кодиров унинг ўрнига ёнбошлади.

Тўрт ошхўр идорани бошларига кўтариб, хуррак тортишади.

Айникса, бошбуҳ Нуралиев карнайга ўхшатиб тортар экан. Бу кеча тўрт ошхўрнинг хотини хафа, биргина коровул чолнинг хотини хурсанд эди.

ХОТИНБОЗ ЧУМЧУҚ

Бир журналда «Хотинбоз чумчук» деган ҳикоя босилди.

Ҳикояда нималар дейилганини бу ёкка қўйиб, уни ким ёзганидан гаплашайлик.

Чойхоначи Алимат бува ували-жували чол. Неварадари шундай кўпки, номларини адаштириб Солини Вали, Валини Соли деб янглишиб юради. Алимат бува неварадарига қайси эртакни айтса, буни айтгансиз, деб жанжал қилишиади. У ўйлаб, ичидан тўқиб эртак айтадиган бўлиб

қолган. Айникса, эртакка тўймайдиган битта Кенжавой деган невараси ҳам бор. Чой устида ҳам, ош устида ҳам:

— Бува, давай, эртак айтиб беринг, — деб хархаша қилаверади.

Чол дунёдаги жамики эртакларни айтиб бўлган. Янгисини тўқиб чарчаган. У охири, ўйлаб-ўйлаб эртак тўқиди, яъни:

— Бир бор экан, бир йўқ экан, битта чумчук бор экан...

Орадан анча вакт ўтиб, нима ҳам бўлди-ю, бир журналда ўша «Чумчук» лоп этиб чиқиб қолди. Чол мундоқ қараса, ўзи тўқиган ҳикоя бўлиб чиқибди. Ҳикоя-чанинг тепасига Кенжа Алиматов, деб ёзib кўйипти. Кенжа Алимат отанинг ўша зумраша невараси, энди ўн тўрт ёшга кирган. Самовардагилар «Хотинбоз чумчук»ни роса чўзғилаб ўқиб чиқиши.

Хай, бу ҳам ўтди. «Хотинбоз чумчук» одамларнинг эсидан ҳам чиқиб кетди. Аммо орадан бир ой ўтар-ўтмас, газетада «Хотинбоз чумчук» сарлавҳаси остида мақола чиқди. Газета кўлма-кўл бўлиб кетди. Ўқиган ҳам ўқиди, ўқимаган ҳам ўқиди. Мақола шундай бошланарди:

«Ёзувчи Кенжа Алиматов ўзининг «Хотинбоз чумчук» асари орқали орамиздаги хотинбозларни сатира ўти билан кўйдиришга уринган ва уни муваффакиятли ҳал кила олган.

Асарда ёзувчининг катта ҳаёт тажрибаси борлиги яққол сезилиб турибди. Унинг кўзи ўткир, фикри тиник. Айникса, тили ўйноқ ва жозибадор. Табиат манзараларини жуда уста рассомдек нозиклик билан чизади.

Автор ҳаётни ўз кўзи билан кўради. Ундан маълум даражада фалсафий хулосалар ҳам чиқаза олади. Ҳаёт тажрибаси, классикларни қунт билан ўрганиши, ўзидан олдин шу мавзуга кўл урган етук авторларнинг асарлариридан ижодий фойдаланиши автор маҳоратига ўз таъсирини ўтказган.

Айникса, асар охиридаги хотинбоз чумчукнинг бошқа чумчуқлар орасида фош бўлиб, ўз хотини томонидан ушлаб олиниши картинаси ниҳоятда ёрқин, ўқувчининг эсида қоладиган даражада аник тасвирланиши муваффакиятли таъминланган. Ўқувчи хотинбоз чумчукнинг прообразини кўз олдига келтириб туради. Ундан жирканади, нафраланади, фазабланади, в. б.¹

¹ в. б. «ва бошқалар» маъносидা.

Хотинбоз чумчук, Кант айтгандек, мен бор – олам бор, деб ўйлади.

Автор чумчук қиёфасини яратишда новаторлик йўлидан боради. Персонажини индивидуаллаштиради. Характер яратади. Мисолларга мурожаат қиласиз:

«Унинг иккита қаноти бор, бир тумшук, икки оёғи мавжуд».

Каранг! Накадар тиник, аниқ, ажойиб, ноёб портрет.

Кенжа Алимат чумчук ини орқали салбий чумчуқларнинг хусусий мулкчилигини аламли сатрларда фош қиласиди.

...Кекса тол поялари орасида ўзига хас-хашаклардан ҳаромхўрлик билан йигилган уя...

Юкоридаги мисоллар автор маҳоратини белгиловчи омиллар сифатида бизни қувонтиради. Яна мисол...

«Хотинбоз чумчук гулзор олдида бир сёғида ромашка ушлаб, тумшуғи билан унинг баргларини битталаб юляпти...

— «Келади, келмайди, келади...»

Ана, гулзор томондан олифта, сатанг чумчук пайдо бўлди.

Хотинбоз чумчуқнинг юраги ўйнади. Шошиб унинг истиқболига чиқди».

Бундай тасвирлар асарда кўп.

Аммо асар бир қатор камчиликлардан ҳам холи эмас.

Айникса, композицион тарқоқлик сезилади. (Чумчуқлар ҳар ёкка тарқаб, учиб юришади.)

Хотинбоз чумчуқнинг чирқиллаши жиблажибоннинг сайрашини эслатиб кўйяпти. Сатанг чумчук Қарқунокнинг худди ўзгинаси.

Асар сюжети кўпроқ очеркни эслатади.

Автор бундан буён чумчуқлар орасида кўпроқ бўлса, уларнинг ҳаётини ўрганса, тили, одатларини қунт билан кузатса, фақат ютади, яна ижод чўққиларига парвоз қиласиди.

Умуман олганда, «Хотинбоз чумчук» кенг китобхон оммасининг ўсиб бораётган дидини, талабларини қондира оладиган ажойиб, сермазмун асардир.

Биз талантли Кенжа Алиматдан ариқ бўйларидан совун ўғирлайдиган Загизон, узумларимизни чўқиб кетадиган Чукурчик, гилосларимизни еб кўядиган Тутхўрак сингари паррандалар ҳақида полотнолар кутишга ҳақлидирмиз...»

Ана шу мақола босилиб чиққан куни эртакчи чол Алимат буванинг зумраша невараси, яъни «ҳаётдан фалсафий хулосалар чиқариб оладиган ёзувчи КенжАлимат» томда ўз тенги болалар билан капитар қувиб курарди.

МУЛЛАЖОН

Кап-катта одам кўпчиликнинг ўртасида «хўнг-хўнг» йиғласа, жуда хунук бўлар экан.

— Кўйинг, Муллажон, астойдил севса, қайтиб келади.

Муллажон тасалли бераётган кишига қараб, нимадир демоқчи бўлди, аммо ўпкаси тўлиб, томоғидан гап ўтмай энтиқди, мўйловининг кўз ёшидан хўл бўлмай қолган бир учи сал-пал қўмирлади.

— Қайтиб келади, агар айб ўзида бўлса, албатта қайтиб келади.

Муллажон умидсиз бош чайқади.

Кўлига чамадон ушлаган ўрта ёшлардаги бир хотин келиб уйга кириб кетди. Бу Муллажоннинг хотини Башорат эди.

Муллажон ўрнидан туриб, хотинининг кетидан ҳовлига кирди.

— Хой, хотин, тавба қилдим, энди ичсам, бирордан пул олсан, гўримда тўнғиз кўпсин.

— Эски гап. Бу гапларни жуда кўп эшитганман. ЗАГС қофози қани?

Муллажон бирор човут солаётгандек, ён чўнтагини ўнг қўли билан ушлади.

— Эркак бошим билан оёғингга йиқиламан.

Хотин юзини тескари ўтиргди.

— Бир йилнинг ичиди ўн бир марта оёғимга йиқилдингиз. Энди йиқилсангиз, пешонангизни қашқа қиласиз. Кўйинг энди, ЗАГС қофозимни беринг.

Томга одам йифилди. Бу маҳаллада Муллажоннинг ҳовлисига одам йифилиши одат тусига кириб қолган эди. Кўчадан ўтган одам тинчлик бўлса ҳам «ғалва чиқмадимикин» деб албатта эҳтиёт шартидан уларнинг ҳовлисига кўз ташлаб ўтади. Бугунги шовқинга айниқса одам кўп йифилди.

Ўлгудек ичиб, кўз ёши қилаётган Муллажон ҳовлидаги ерўчаққа оёғини осилтириб ўтирас, ҳадеб раҳми келармикин деган ўй билан бир кўзини сал қисиб, тилини чиқазиб йўталарди.

— Бермайсизми? — деди хотин унинг олдига келиб, қатъий товуш билан.

Муллажон унинг кўзига мўлтираб қаради. Бу қараш Башоратга сира-сира таъсири қилмади. У Муллажон билан етти йил турмуш қилган бўлса, ҳаммавақт Муллажон қилғуликни қилиб қўйиб, хотинининг кўзига мўлтираб қараб, гуноҳини енгиллатиб келарди.

Бу гал ҳам унинг мўлтираб қаравши хотинида шафқат эмас, газаб қўзгаттанига ишонмасди. Муллажоннинг кўриниши шу аҳволда бўлса ҳам кўнгли мутлақо хотиржам. У, «бир пов этиб ёнади-ю, ўчади, хотинларнинг жамийкиси шунақа бўлади» деб ўйлар эди.

Бугунги жанжал нимадан чиқди? Тўпланган одамлар бу можарони аввалгиларига сира ўхшамаслигини билиб қолишиди.

— Ахир, мен ҳам одамман. Резинкани ҳам ҳадеб чўзаверсанг, охири узилади. Ха, турмуш бўлмай ўлсин бу! Нахотки, етти йил яшаб, бир кун ҳузур-халоват кўрмасам-а!

Башоратнинг гапини эшитган Муллажон ўчокнинг четига тирагиб, ўрнидан турди.

Бунақангি ғовғалар жонига теккан кўшни хотин кўлини пахса қилиб, Муллажоннинг олдига келди.

— Менга қаранг, кўшни. Маҳалладан қўчиб кетсан, тинчиймизми, а? Бизники шунча жондан басир қилдингиз, тағин ҳам Башоратнинг жони пўлатдан экан.

— Сиз аралашманг, эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушади.

Гапга Башоратнинг ўзи аралашди:

— Артелда тўрт минг растрат қилди, оёғимга йиқилиб, мана шунақа кўзини мўлтиратиб туриб олди, ҳар нима қилса, эрим дедим, тилла соатимни сотиб тўладим. Аллақайси складда уч ой ишлаб, икки минг олти юз қарз бўлди, яна кўзини мўлтиратди, иложим қанча, шўрим курсин, эрим экан, гиламимни сотдим. Атта ишлади, уч минг, батта ишлади, бир ярим минг қарз бўлди, бори-йўғимни сотиб битирдим. Бугун бир варакайига уч киши пул қистаб келса бўладими, хотиним беради, деб олаверибди. Шунча пулни қаердан оламан? Қилғиликни қилиб қўйиб, яна кўзини мўлтиратади-я. Унинг устига тилини чиқазиб, йўталадиган одат чиқазиби.

— Раҳми келармикин, дейди-да, — деди кўшни хотин.

Ҳамма ҳахолаб кулиб юборди.

— Сен гапга аралашма, — деди Муллажон. — Бош юваётганингда томдан қараганман, бўйнингда совун кўпирмас экан, сенга ким қўйибди гапга суқилишни?

Бу гапнинг хозир бўлаётган ровфага нима алоқаси борлигини билмаган кишилар «эгри мўридан — эгри тутун» деб, индамай қўя қолишиди.

— Ўзимни осаман! — деди Муллажон хотинига қараб.

Башорат қарзга сотилиб кетган бузоқнинг шафтолига осиғлиқ арқонини олиб унинг олдига ташлади.

— Вой, бу нима қилганингиз, нақ ўзини осиб қўяди-я, — деди кимдир Башоратнинг қулоғига шивирлаб. Башорат унга «хотиржам бўлинг» дегандек қараб қўиди.

Муллажон арқонни кўлига олиб, яна тилини чиқазиб йўтади. Кўзини сузиб хотинига қаради. Назарида хотин юмшамайдиган кўринди.

— Майлими? — деди Муллажон.

Хотин индамади. Муллажон белбоғининг қатидан носқовоғини олиб, кафтини тўлдириб нос отди, хотиржам юриб келиб айвоннинг даҳанига ўтириди.

— Гапнинг очинини айтайми? Кўядиган хотиним йўқ! Менга қара, Башорат, мени охирги марта хижолатдан қутқар, атиги ўн бир юз сўм керак. Зирағингга харидор топдим. Шу қарздан узилай, ундан кейин гўшт дўконига ишга кираман, еганинг пешиноб, кийганинг атлас бўлади.

Башорат, «эсиз одамгарчилик» дегандек унга бир ўқрайиб қаради-ю, тарс-турс юриб, ҳовлидан чиқиб кетди. Боядан бери ҳурпайиб, қулоғини қашиб ўтирган бароқ мушук Муллажонга «хайр» дегандек, кисқагина бир миёвлаб Башоратга эргашибди.

Шу билан хикоя битди. Балки ўқувчи, Башорат-ку кетди, у ўтли-шудли хотин экан, ўзини эплаб кетади, бироқ Муллажон нима бўлди, тузалиб одам бўлиб кетдими, деб сўрар.

Кечаги дам олиш куни Муллажонни товуқ бозорида кўриб қолдим, чоғимда, уришадиган хўроз қидириб юрган эди, шекилли.

1956 йил.

ТҮЙНУК

Бадалбек янги ичкуёв бўлганидан ҳали қўни-кўшниларини танимайди. Бугун дам олиш куни. Бадалбек нима қилишини билмай, ҳовлида айланиб юрибди. Кўчага чиқай деса, қаёққа боради? Битта-яримта ўртоғини бош-

лаб келай деса, ҳали қайнонасининг феълини билмайди. У қўлини орқасига қилиб, айланиб юраркан, девор тепасидан бир гишт қия бўлиб тушиб кетай-тушиб кетай деб турганини кўриб қолди. Дарров шотини судраб келиб деворга тиради. Шотининг бир поғонасига оёқ қўйиши билан калласига қўшнининг хотини кишидан қочадиган бўлса, андишалик иш бўлмасмикин, деган ўй келди.

У пўшт, деб девор тепасига чиқди-ю, қўшни ҳовлига қарамай, осилиб қолган гиштни олди. Бир маҳал:

— Хорманг, қўшни, — деган овозни эшитиб, беихтиёр ҳовлига қаради.

Мўйловдор бир йигит дераза мойлаётган экан, қўлидаги чўткасини банкага ташлаб, девор тагига келди.

— Қани, бир танишиб қўяйлик, почча, — деди у хам шотичасини судраб келиб, деворга тирмашар экан.

Уларнинг ҳар иккви хам девордан бел бўйи баравар кўтарилиб, қўл олиб қўришишиди.

— Буни қаранг-а, қўшни, йўқ-э, почча, битта шиша конъяк қачондан бери эгасини тополмай жавонимнинг бир чеккасини хира қилиб ётганди. Эгаси ўзингиз эканку. Ҳозир олиб чиқаман.

Қўшни Бадалбекнинг ҳай-хайлashingiga қарамай, шотидан тушиб уйга югурди. Бирпаста шимининг бир чўнтағида шиша, бир чўнтағида пиёла билан лапанглаб чиқди.

— Шошманг, — деди Бадалбек ҳам бўш келмай, — синглингиз антиқа вараки қилган эди, конъякка варакидан бошқа закуска ўтаверсин.

Бадалбек бир тақсимча қилиб вараки олиб чиқди.

Икки қўшни деворга бағриларини бериб, бир пиёладан отиб гапга тушиб кетишиди. Иккинчи пиёладан кейин деворга миниб олиб, хотиржам учинчи пиёланни ичишиди.

Бадалбекнинг қайнонаси қизини чақириб, эрингга айт, янги кўёв, қўни-кўшнилар олдидা уят эмасми, деб қолди. Ичкуёвга гўрни бир нима деб бўладими? Дунёда ичкуёдан нозик нарса йўғ-а!

— Менга қаранг, қўшни, — деди мўйлов. — Асли бизга деворнинг кераги йўқ экан.

Бу гап Бадалбекка ҳам ёғдек ёқиб тушди:

— Мана шу гапнингизга борман-да. Қўшни оши узатадиган кичкинагина туйнук очиб қўйсан бўларкан.

— Ия, ия, кичкина эмас, дурустрок, расмана бир лаган ош ўтадиган туйнук бўлиши керак.

Иккovi маслаҳатлашиб, ҳозирнинг ўзида туйнук очадиган бўлишиди. Қўшни у томондан, Бадалбек бу томондан теша уриб тушиб кетишиди. Конъяк зўр келиб,

бирпасда туйнук очилди. Аммо мүлжал түгри бўлмаган экан, ёнма-ён икки туйнук очилиб қолди. Қўшни ҳазилга олиб, биттаси закуска узатишга, деб хиринглаб кулди.

Туйнукнинг четларини сомонли лой билан чиройли килиб суваб қўйишиди. Туйнук-ку чиройли чиқди-я, аммо Бадалбекнинг кўёвлик сарполари расво бўлди. Хотини фиринг деёлмади, ичкуёвга гўрни бир нима деб бўладими!

Конъяк конъяклигини килди-ю, Бадалбек айвонда ухлаб қолди. Бир нарса тарақлаб уйғотиб юборди. Бошини кўтариб караса, кимдир тунука томни тарақлатиб юрибди. Бадалбек жаҳл билан ҳовлига тушди. Бир бола томда капитар қувиб юрибди.

— Хой, қанақа ярамас боласан, туш томдан. Хе, ахлоқсиз!

Туйнукдан қўшнининг мўйлови қўринди.

— Почча, ундоқ демасинлар, биззи эркатоя!

Бадалбек индамай уйга кириб кетди. Кечга яқин қўшнининг сўқингани эшилтилди:

— Ху эгангга ўҳшамай ўл!

Бадалбек хайрон бўлиб турган эди, бароқ мушук туйнукдан жонҳолатда сакраб ўтиб, унинг оёғига сўйкалди.

— Хой, қўшни, унақа демасинлар, мушук ҳайвон, билмаган-да!

Уч-тўрт кунгача иккала қўшни не-не умидлар билан очилган қўш туйнукка яқин келолмай юриишиди. Ичкуёвчилик эмасми, Бадалбек сал нарсага зарда киладиган, сал нарсага аразлайдиган қилиқ чиқазди. Қайнонаси унинг бу феълидан қуийниб насиҳат қилган эди, Бадалбек бобиллаб берди. Хотин орага тушиб, ишни катта қилиб юборди. Бутун оила аъзолари уч кунгача бир-бирларига тўрсайиб юриишиди. Рўзгорчилик эмасми, яна бояги-бояги бўлиб кетишиди. Булар-ку унутиб юборишиди, аммо уйдаги гап туйнукдан чиқиб кетган экан, оғиздан оғизга, қулоқдан қулоқка ўрмалаб ўтиб, мошдек гап тарвуздек бўлиб уйга қайтиб келди. Бадалбек қўшниникига эмас, кўчага туйнук очганини билиб қолди. Қўшни тушмагур буларнидан тиқ этиб товуш чиқса, туйнук тагига келиб ўтириб олар экан.

Тўйга келолмаган оғайниларидан уч-тўртаси Бадалбекни табриклиш учун совага магнитофон кўтариб келиб колишиди. Ҳовлига сув сепиб, супага жой қилдириб, ўртоқларнинг олдига дастурхон ёзди. Йигитлар магнитофонни кўйиб юборишиди. Девор орқасидан қўшнининг ўйталганини Бадалбек эшилтиди. Қўшни қаттикроқ ўйталди. Бадалбек яна эшилтиди. Охири қўшни туйнукдан бош чиқариб соат сўради. Аммо Бадалбек қўшнининг меҳмон-

лар олдига чиқкиси келаётганидан бехабар, билагига қараб, чоракам олти, деб қўя қолди. Қўшни бирнасадан қейин яна туйнукдан бош сукби, авторучканинг сиёхи борми, деб сўради. Бадалбек йўқ, деди.

Меҳмонлар ўйин-кулги қилиб ўтиришипти. Бадалбек елиб-югуриб хизмат қилиб турибди. Қўшни эшиқдан кириб меҳмонлар билан бирма-бир кўришиб, телефон қилмокчи эдим, деб айвонга ўтиб кетди. Анча вақтгача ким биландир чўзилиб гаплашди. Ҳеч ким уни дастурхонга таклиф қилмаганидан, зарда билан трукбани жойига ташлади-ю, олифта юриш қилиб чиқиб кетди. У чиқиб кетганидан сал ўтмай, девордан тутун ёпирилди. Меҳмонлар ўтирган супа девор тагида бўлганидан, тутун буралиб-буралиб уларнинг устига ёпирилади. Бирор йўталиб, бирор кўз ёшини артиб, нима бўлди, дегандек Бадалбекка қарди. Бадалбек бўлса жаҳл билан туйнукка бошини сукди. Караса, қўшни девор тагида катта самоварга ҳўл ўтин ташлаяпти.

— Хой, қўшни, инсоф керак, самоварни сал нарроқка олинг.

Кўшни унинг бетига қарамай тўнғиллади:

— Энди ўз уйимда ҳам чой қайнатиб ичолмайманми?

Бадалбекнинг қайнонаси қўшнининг феълини биларкан шекилли, айвонга жой қилиб, меҳмонларни ўша ёққа тақлиф қилди. Магнитофон яна сайраб кетди. Бир маҳал туйнукдан қўшнининг хотини бош сукди:

— Хой, инсоф деган нарса борми? Боламни ухлатолмаяпман-ку! Анави савилнинг овозини ўчирсанглар-чи! Қанақа бетамиз ичкуёв экан бу!

Бадалбекнинг зардаси қайнаб, шартта ўрнидан турди-ю, туйнук оғзига самовар патнисни михлаб келди. Қўшни ҳам даранглатиб бир балони қоқиб ташлади. Эртасига иккала қўшни лой қоришиб, бир-бирининг бетига қарамай, туйнукни суваб қўйишиди.

Ана шундан кейин қўшнилар тинчиб кетишиди. Яқинда Бадалбек эшигининг олдидаги толни сувораётганида маҳалла комиссиясининг муовини бир гап айтиб қолди. Қўшни унга, сизга атаб Еревандан бир шиша антика конъяк олдириб келган эдим, манави турки совуқ қўшни ичиб қўйди, конъяк ҳам қулоғини ушлаганча увол кетди, деганимиш. Бадалбек ҳам бўш келмади.

— Яхши ҳам сизга буюргани, конъяк эмас, ичига қант куйдириб солинган ўзимизнинг жайдари ароқ эди, — деди.

Икки қўшни юзқўрмас бўлиб кетишарди-ю, кўпчилик бўлиб, яна туйнукни очиб қўйишиди. Қўшни синглисини

куёвга чиқазаётган эди, махалла активлари ўртага тушиб, Бадалбекнинг ховлисига қозон куришди. Ўша туйнук бошқатдан очилиб, ундан палов ҳам ўтди. Мастава ҳам. Тўй ўтиб, ҳали туйнук бекилгани йўқ. Ишқилиб, кўз тегмасин, охири баҳайр бўлсин, шу туйнук баҳона олинг қўшним, беринг қўшним, бўлиб турибди.

Ха, айтганча, қўшни уч-тўрт киши бўлиб, от сўйиб қази килдираётган экан, Бадалбекка, сиз ҳам шерик бўлинг, деб катта бошини кичик қилиб атайин чиқибди. Бадалбек ҳам одам, бир гап айтди:

— Телефонга қийналяпсиз, икковимизники бир номер бўла қолсин.

Қўшни севинганидан, битта конъягим бор, олиб чиқайми, деб колди.

Бадалбек йўқ деёлмади.

Ўша куни икки қўшни бир-бирини ялашди, юлқашди. Бири акамсан, деди, бири укамсан, деди. Охири шу бўлдики, бунака ахил қўшниларга девордаги туйнук торлик қилаётгани маълум бўлди.

Ҳикояни нима билан тугатай? Улар шу хилда ахил бўлиб кетишиди десаму кетидан бир ишқал чиқиб қолса нима киласман?

Ўлиптими, ишқали чиқмас.

* * *

Ушбу ҳикоя битиб нашриётга олиб кетаётганимда, янги гап эшишиб колдим.

Икки қўшни қалин оғайни бўлиб, оғиз-бурун ўпишиб кетишипти. Ўртадаги деворни бузиб, қоқ кесагини токларининг тагига солишибди. Хозир ўша девор ўрнида тароққа ўхшаган чиройли панжара қўндиришипти.

Бўёқ қўшнидан, бўяш Бадалбекдан.

АРИЗА

«Одатим ёмон, бирон қизни яхши қўрсам, дарров тилдан қоламан.

Биринчи уйланганимда ЗАГСга бордиму тилдан қолдим қўйдим. Довдираб, ЗАГС дафтарида хотинимнинг фамилиясига ўтиб қопман.

Характеримиз тўғри келмай, бир йилда ажрашиб кетдик. Хотин кетди-ю, фамилияси менда қолди.

Кейинги уйланганларимда анча пишиб қолган эдим, фамилиямга эҳтиёт бўлиб турдим.

Уч марта уйландим. Учала хотинимни ҳам аввалги первый хотинимдан қолган фамилияга ўтказдим.

Дунёда муросаи мадора деган нарса қийин гап экан. Кейинги хотинимни қўйишимга яхлит сабаб йўқ эди. Фақат дилимда армон қолмасин, ўз фамилиямга ҳам битта хотин олиб қўяй, деб ният қилдим.

Шунинг учун сиз, ЗАГСдаги опахонларимдан илтимосим шуки, ўз фамилиямни қайтиб беришларингни сўрайман.

Илтимос ила:

Фазлиддин ПОШШАХОНОВА».

ШЕР

Ёшлик пайтларимда Қўзивой деган ўртоғим бўлгувчи эди. Буни қаранг, шу кўчадан ўтиб кета туриб, ўшани кўргим келиб, самоварга кирдиму суриштирдим.

— Қайси Қўзивой, — дейишди самовардагилар ҳайрон бўлишиб.

— Мўминжон аканинг ўғли-да.

— Э-ха, — деди ўқулогига танга қистирган мўйловдор самоварчи. √ Қўзивой деманг, Шервой денг. Шундок бўлиб кетган.

Ҳайрон бўлдим √ Қўзи қўйнинг боласи, ювош нарса бўлади. Мўминжон ака ҳам ўз отидан маълумки, қўй оғзидан чўп олмайдиган одам. Нега шу одамнинг не умидлар билан, мўмингина бўлсин, деб исм қўйган боласи бирдан шерга айланиб қолди? Мени ҳайрон бўлаётганимни сезган самоварчи кулиб, гап қўши:

— Қўзивойни шер эмизган, шер бокқан.

У шундок деди-ю, самоварнинг тагига чўп тикиб, ўз ишига овора бўлиб кетди. Ундан бошқа гап сўрломадим. Индамай чиқиб кетаётган эдим, катта толнинг тагига бир такси келиб тўхтади. Ундан қорин ташлаган, соқолмўйлов қўйган бир киши тушди. Тикилиб қарасам, Қўзивой. Вой тавба, одам деган ҳам шунақа тўлишиб кетадими. Қўзивойнинг очиқ қўкрагидан ёли буралиб-буралиб чиқиб турибди. Башараси ҳам, қўкраги ҳам худди шерга ўхшайди. Шер дейишлари бежиз эмасга ўхшаб қолди. Ўхшайди, ўлай агар, ўхшайди.

Ўзимни танитган эдим, Қўзивой қучогини очиб келиб, бағрига босиб қўришиб кетди. Вой-бў! Одам боласида шунақа куч бўладими? Қовурғаларим кисирлаб кетди-ку! Шер деганича бор. Шер, шер!

— Шер бўлиб кетибсан-ку, — дедим белимни силаб.

Бизнинг учрашувимизни кузатиб турган самоварчи яна гап қотди:

— Шернинг нормасини уриб тургандан кейин шер бўлади-да! √

Унинг гапига тушунолмадим.

Самоварга кирдик. Кўзивой халтасидан бир бўлак сон гўштини олиб патнисга ташлади:

— Ковурма-повурма қилиб ташла, ошнам келиб қоптилар. Колганини битта-яримтага пулларсан.

Ўша куни кечгача қолиб кетдим. Ковурма жуда антика бўлган экан, гапнинг очигини айтсам, бунака ширин гўштни умримда емаган эдим.

— Менга қара, Кўзи, қаерда ишлайпсан? Нима иш киласан?

— Сўрама, ошна, ишимнинг мазаси йўқ. Сенга ўхшаган оғайниларим катта-катта ишларда туриб, мен бечора қаёқдаги паст ишларда юрибман. Ҳайвонот боғида завхозман. Қаёқдаги ҳайвонлар орасида юрибман.

Унга ростданам раҳмим келди. Бир ўнг келиб қолса, дурустроқ ишга ўтқазиб қўйишни ният қилиб қўйдим. Ростда, гавдаси ҳам, кучи ҳам шерга teng келадиган бир қадроним ҳайвонлар орасида юрса, яхшими!

√ Орадан ўн кунлар чамаси ўтиб, болаларни ҳайвонот боғига олиб бордим.

Айланиб, турли-туман ҳайвонларни томоша қилиб юрибман. Замбилғалтакка суяқ-саёқларни солиб, ғидди-ратиб келаётган Кўзивойга кўзим тушиб қолди. У фалтагини шер камалган қафаснинг олдига келиб тўхтатди.

Шер ўладиган даражада озиб, чўп бўлиб кетибди. У Кўзивойга хўмрайиб қаради-да, кейин юзини тескари ўгириб олди.

Астойдил қарасам, қафасдаги ростакам шер бир вақтлар мен билган Кўзивойга ўхшаб қопти. Илдак ингичка Кўзивой росмана шерга айланиб кетибди. Назаримда Кўзивой қафасда-ю, шер бу ёқда турганга ўхшайди.

Энди билдим. Самоварчи билиб айтган экан.

Кўзивой шерга бериладиган гўшт-ёғларни еб, ўзи шер бўлиб, шерни Кўзивой қилиб қўйибди.

ГУВАЛА

Ҳазил

Район советининг сессиясида мактабларда ишлаб чиқариш таълим масаласи кўрилар эди. Район маориф бўлимининг мудири бу масала юзасидан жуда яхши доклад килди. Аммо у ўн тўртингч мактабда политехника таъли-

ми устахоналари ҳалигача қурилмаган, район қурилиш бошқармаси бу ишга юзаки қарабётганини танқид қилди. Ана шундан кейин шу мактаб директорининг ўзига сўз берилди. Директор қурилиш трестига кўшилиб танқид қилинганига чидамай ўтирган эди. У қизишиб гапга тушиб кетди:

— Майли, трестдаги ўртоқлар шундай масъулиятли ишга панжа орасидан қараб келган эканлар. Бу алоҳида гап. Аммо биз ички имкониятлардан тўла фойдаланиб, политехника таълими ишларини яхши қўйиб юборганимиз. Мен бунга конкрет мисоллар келтириб, ўз ишларимизни намойиш қилишим мумкин.

Зал бирдан жимиб қолди. Устахонаси йўқ мактабда қандай қилиб политехника таълими йўлга қўйилиши мумкин эканини билишга қизиқиб, қўлларини кулоклари орқасига тутиб, директорнинг оғизга тикилиши.

— Ҳамма қилган ишларимизни айтиб вақтингизни олмайман. Аммо энг характерлилари билан таниширишм мумкин. Ўтган биринчи чорак давомида тўққиз ва ўнинчи класс болалари ўқитувчиларнинг уйлари, участкаларига бориб кирк мингдан ортиқ ҳом фишт, ўн беш мингдан ортиқ гувала қуйиб бердилар. Гувалалар сифатли қуйилгани бизни қувонтиради. Саккизинчи класс болаларидан тўрт киши физика ўқитувчisinинг янги ҳовлисига бир кир ўра, бир савзи ўра ва бир чукур ўра қазидиларки, бу сифатли ураларни алоҳида қайд этмасдан ўтолмайман. Ҳозир шу учала ўра муваффақиятли равища эксплуатацияга топширилди. Имтиҳон комиссияси ўраларнинг чукурлиги ва кенглигини ўлчаб кўриб, беш баҳо қўйишни лозим топди.

Қизларимиз ҳам машғулотларга мунтазам қатнашиб туриптилар. Айниқса, саккиз, тўққиз ва ўнинчи класс қизлари мактаб маъмурияти ходимларининг уйларига бориб, рўзгор ишларига қарашмоқдалар. Қизларимиз ташаббуси билан ўқитувчilarимизнинг уйларида ўттиздан ортиқ кўрпа қавилди. Кир ювиш, дазмол босиш, қозон-товоқ ювиш ихтисослари бўйича дуруст натижаларга эришмоқдалар.

Бошлангич мактаб болаларини ҳам политехника таълимидан четда қолдираётганимиз йўқ. Уларга ҳам ўзларига бол иш топганимиз. Масалан, улар ўқитувчilarимизнинг ёш болаларини опичиб, ҳовлиларини супуриб бермоқдалар.

Энди келгуси режаларимиздан гапираман. Қурилиш трести шундай сусткашлик қилар экан, бунга ҳам чора топганимиз. Масалан, ўқувчilar кучи билан мактаб

дарвозаси биқинига пойафзал ремонт қиладиган мастерсой, бир сартарошхона қурамиз. Ўғил болалар сартарошликтар ва туфли ямашни ўргансалар, қизларимиз кассирликни машқ қиласында.

Аммо ишларимизда нұксон борми, бор. Масалан, ушбу мастерскойларимиз ҳали бүлмагани учун биз бошқа ташкилоттарга бола юбориб, хунар ўрганишга мажбур бүлмокдамиз. Ҳозир шаҳар ҳаммомида түрт бола ходимгарга шогирд берилди. «Хуш келибсиз» қабристонининг старший гўркови икки боламизга ўз мутахассислигини тинмай ўргатяпти. Катта маҳалла фассоли икки ўқувчи мизни қунт билан тарбияламоқда.

Катта кўчадаги комхоз кесиб кетган теракларнинг тўнкасини яқинда умумий ўқувчиларимизнинг ёрдами билан ковлаб олдик. Етти ва саккизинчи класс ўқувчиларининг ташаббуси билан тўнкалар саржин қилинди. Биз мана шу йўл билан ўз ўқитувчиларимизни қишик ўтиңкумир, яъни ёқилги билан тўла таъминлай олдик.

Шу пайт чой олиб кирган чол луқма ташлади:

— Умириндан барака топ, болам. Мен ҳам қариб колдим. Айникса, обед пайтида чойхўрлар шошириб қўйишяпти. Ўқувчи болаларингдан менга ҳам чой ташийдиган шогирд бер.

Ўтирганлар орасида ғовур-ғовур бошланиб кетди. Булар райондаги турли ташкилотларнинг вакиллари эди.

Директорни эсанкиратиб қўйишиди.

— Чорраҳани асфальт килишга ишчи кучи етишмаяпти. Йигирмата бола юборинг.

— Саксовул складига қирқ бола.

— Күшхонага қўй ҳайдаб келиш учун ўн беш бола.

— Туғуруқхона деворини оқлашга олти бола.

— Ошхоналар трестига карам тузлаш учун ўн бола.

Шу пайт қўлида портфель билан ўн тўртинчи мактаб завхози кириб келди. Унинг афти-башараси қоп-кора эди.

— Ўртоқ директор, ўн уч машина қўмур олиб келдим. Шофферлар дод, деб миямни ачитиб юборишиди. Илмий мудирингиз, учинчи класс болалари тушириб беради, деяпти. Бўлмайди, ўнинчи билан тўққизинчига рухсат берсангиз.

— Ҳозир, ҳозир, — деди директор. — Ўртоқлар, биз политехника таълим мини мана шу йўл билан олга сурдик. Саволлар бўлса, марҳамат. Аммо саволлар ёзма равишда берилса, яхши бўларди.

Ана шундан кейин унга ёзма саволлар ёғилиб кетди. Минбарга ёғилган қоғозлар орасида унинг ишдан олинга-

ни ёзилган маорифнинг буйруғи ҳам бор эди. Политехника таълимида ҳам гап кўп-да. Директорни ўнинчи класс болаларидан тўрттаси чалпак қилиб залдан опчиқиб кетишиди.

ГУГУРТ

Ишдан жуда табиатим равшан қайтдим. Энди қўлимга гулқайчини олиб айвонга чиқкан эдим, эшик тақиллаб қолди.

— Айтганча, эсимдан чиқибди, — деди жияним. — Мирвали ака икки марта ўғлини чиқазди. Уйида меҳмонлар бор эмиш, чиқармишсиз. Ҳойнаҳой яна бола чиқазади.

Эшикни очсам, дарҳақиқат, Мирвалининг ўғли. Ўша гап. Ҳозир чиқаман дедиму, ўйланиб қолдим. Чиқсам, албатта ичкилик бўлади. Чиқмасам, киёматли қўшни, хафа бўлади. Ноилож кийиниб, Мирвалиниги қараб кетдим.

— Э, шунақаям бўладими, шу ҳам қўшничиликми? Киринг уйга. Ишхонадан хўжайинлар келишган.

Мирвали аллақайси базада экспедитор. Демак, база ходимлари келишган. Улар билан қандай тил топаман. Нимани гаплашаман. То ўйлаб бўлгунимча, Мирвали қўлимдан судраб ичкарига бошлади. Бир уй одам. Юқорида, ўнг юзида данақдек холи бор ўрта яшар бир киши каҳрабо сопли пичоқ билан қази тўғраяпти. У қазини ҳар япроқлаганда, пиёлани бўшатган кишини оғзига ўзи солиб қўяди. Холдор киши мен билан тирсагини тутиб қўришиди.

— Аъзамжон ака, — деди Мирвали холдор кишига мени таништириб, — бу киши каминангизнинг ён қўшниси бўладилар. Ўзимизнинг бола. Киришимли.

Кўпчилик бу гапдан кейин менга тўрдан, Аъзамжон аканинг ёнидан жой берди. Ўтиридим. То нафасимни ростлагунимча, пиёла қўлимга келиб қолди.

— Оласиз, оласиз. Мирвалининг эсонлигига.

Ноилож қолдим. Қўзимни чирт юмид туриб ичиб юбордим. Аъзамжон ака ўз қўллари билан оғзимга закуска солиб қўйдилар. Пастроқда ўтирган, қўлига узук таққан йигитга Аъзамжон ака таъна қилиб қўйдилар:

— Бўлди, сен ичма, рулда ўтирадиган нарсасан.

У йигит қўлини кўксига қўйиб: «Хўп, ака», — деди-ю пиёлани олиб, яна шимирди. Аъзамжон ака пешонасини тириштириб: «Шунақасан-да», — деб қўйди.

Үртага кабоб келди. Аъзамжон ака ўз қўли билан иккى-икки сиҳдан расамади билан меҳмонларнинг ликоп-часига қўйди. Боя мен кирганда, гап аллақандай артикул тўғрисида борарди. Кабоб устида узилган гап уланиб кетди:

— Ўзидан қўрсинг, неча марта айтганман, ревизор билан орани бузма, деб. Ревизор халки топаман деса, хар қанақасидан ҳам иштал топади.

— Суннатингиз хаддидан ошиб кетди ўзи. Рўзгорига ҳам савдонинг пулидан олди. Сотувчининг шўри десангиз-чи, — деди узук тақсан йигит.

Уларнинг гапига қулоқ солиб ўтириб, шу базадан мол оладиган бирон дўконда иштал бўлганини сездим. Уларнинг хотиржам гаплашишида, дўкон мудири эплаштириб тинчб кетишига ҳам ишониб қўйдим.

Аъзамжон ака ҳозир пора билан иш битказиш мумкин-маслиги, пора берган ҳам, пора олган ҳам қия бўлиб кетишини айтиб қолди.

Шунда бир гап эсимга келиб, мен ҳам сухбатга аралашиб қолдим:

— Аллақайси бир базанинг мудири порани санамасдан оларкан, — дедим. Аъзамжон ака кавобни чайнамай, лунжига босиб туриб, башарамга каради:

— Ҳўш, қандоқ қилиб оларкан?

— Ўзининг ҳар қайси дўкон мудирига кесиб қўйган таксаси бор экан. Улар мол олгани келишганда папирос сўраркан, папирос берса, гугурт сўраркан. Гугуртни чакиб ё қайтиб бераркан, ё ёнига солиб қўяркан. Ёнига солса, ўша дўкон мудирининг иши битгани, қайтиб берса, шўри қуригани экан.

— Шунақами? Биринчи эштишиш, — деди Аъзамжон ака. — Бунақасини биринчи эштишиш.

— Ўша гугурт кутисида пул бўларкан, чўпини ёнди-раётгандан ичига қараб пулнинг бор-йўқлигини биларкан. Пул бўлса, ёнига соларкан, бўлмаса, қайтиб бераркан.

Аъзамжон ака оғзидаги гўштни бир-икки марта лунжига айлантириб ютолмади, оғзидан олиб хонтахтанинг тагига ташлади.

— Биринчи эштишиш. Тавба, сизга ким айтди?

Ўлай агар, кимдан эшитганим эсимда йўқ эди, шунинг учун ҳам тайинли бир гап айттолмадим.

Шундан кейин гап гапга қовушмади. Сухбат муз бўлиб кетди. Меҳмонлар ичкиликка зўр беришди. Тилим қичиб яна битта қизиқ воқеани айта бошлаган ҳам эдимки, Аъзамжон ака жеркиб берди. У анча кайф қилиб қолган эди.

— Ука, сиз бу гапни бир ёққа қўя туринг, аввал бояги гапни айтинг. Ким ўша порахўр? Шуни айтинг.

Нима дейишига ҳайронман. Фулдулладим.

— Йўқ, айтинг. Айтмаганингизга қўймайман. Ислот килинг. Шунақа.

Нима бўляпти? Аъзамжон ака нима деяпти, сира тушунолмасдим.

— Айтмайсиз, шундайми? Демак, қўлингизда далилларингиз йўқ. Гаплашамиз, тегишли жойда гаплашамиз. Гугурт кутисидаги пулни ўз кўзингиз билан қўрганмисиз? Ушлаб олганмисиз? Жавоб берасиз! Ҳа, шунақа. Қачон, қайси вактда айтасиз. Кимдан, кимнинг олдида, айтасиз. Гувоҳларингиз борми?

Меҳмонга чиқмай ўлай. Ўз бошимга қандай балони орттириб олдим. Нима қиласдим ҳикоя айтиб.

— Сиз билан тегишли жойда гаплашиб қўяман. Бўйнимга қўйиб бермасангиз, шармандангизни чиқазаман. Бекорга бенавот бўладиган пайтлар ўтиб кетган.

Мирвали деразадан мени имлаб чакирди. Ўрнимдан туратганимда Аъзамжон ака этагимдан тортиб, ўтқазиб қўйди.

— Ўтирасан. Кетадиган бўлсанг, фамилиянгни айтиб, кейин кетасан, — деб туриб олди. Жаҳл билан этагимни силтаб турдиму чиқдим-кетдим. Орқамдан у ҳамон жаварар эди: — Бўйнимга қўйиб берсин, исбот қилсин. Унақа замонлар ўтиб кетган.

Мирвали ташқарига чиққанимда ўпкалангандек бўлди:

— Нима қиласдингиз, қўшни, шу гапни айтиб. Энди зиёфат ҳам татимайди.

— Нега у кишига алам қиласди? Мен бутунлай ўзимга ҳам нотаниш одам тўғрисида гапиряпман-ку.

— Э, содда экансиз-ку, қўшни. Эгасини топиб гапирдингиз. Бу ўтирганларнинг ёнидаги гугуртлар энди чўнтақдан чиқмайди.

— Бўлмаса, энди кетай, ўтиришингларни бузмай, — дедим-да, эшикка қараб юра бошладим. Уйдан ҳамон Аъзамжон аканинг овози келарди:

— Фамилияси Хайжайил-а, гаплашиб қўяман!

МУЗЕЙ

Яқинда район Маданият уйига бордим. Инструкторни тополмай ҳайрон бўлиб турган эдим, қоровул чол чойга таклиф қилиб қолди. Раҳмат айтиб, узр сўрадим.

— Бўлмаса, болам, клубга бора қолинг. Томоша қиласдиган нарсалар кўп.

Бу гап менга маъқул тушди-ю, кирдим. Чинакамига антика клуб экан. Бир чеккадан томоша қила бошладим.

Кираверишда ҳар бири эллик килограммдан келадиган йигирмата кадоқ тош баҳмал қопланган столга териб қўйилган. Деворда яланюч полвонларнинг ҳар хил суратлари.

Сал нарироқ бордим. Ажойиб плакатлар осилган, каттакон фанерда мойли бўёқ билан пашшанинг қанот кериб турган сурати, унинг ёнида картон қозозга пашшадан тарқайдиган микроблар сурати ишланган. Ҳар хил схемалар. Ҳар хил ҳашаротларнинг сурати.

Ундан сал нарига ўтдим. Ичига сомон тикилган бўри, тулки, бўрсиқ, кирғовул, ўрдаклар қалашиб кетган.

Залнинг охирига бордим. Саҳнага яқин жойда деворга болта, теша, темир чантак осиб қўйилибди. Ўнга яқин картонга ўт тушган уйлар, ўт ичидан қолган болани опчиқаётган ит, кўлида папирос билан ухлаб қолган киши суратлари чизилган.

Энди залнинг бу тарафига ўтдим. Бунда деворнинг ўзига бир товоқ палов, бир-бирига мингаштирилган икки сих кабоб, буғи чиқиб турган икки коса мастава, бир тарелка чучвара сурати солинган.

Яна нари кетдим. Иккита катта шкаф. Бирида тиржайиб турган одам скелети. Биттасида сартарошлик буюмлари. Иккала шкаф ҳам кулф.

Хайрон бўлиб ташқарига чиқдим. Чол яна чой тутди. Чой устида клубдаги буюмларни кўриб хайрон бўлаётганимни айтиб қолдим.

— Хайрон бўладиган нимаси бор. Ҳаммаси қонуний, ҳаммасининг ҳам инвентарь номери бор. Бу нарсаларни кўз қорачигидек асрایмиз. Ҳар йили инвентаризация пайтида бирма-бир санаб чиқамиз. Баҳоларни ведомостга қараб солиштириб қўрамиз.

— Майли, — дедим. — Албаттга пулға келган нарса бўлгандан кейин асраш керак. Аммо бу нарсалар қандоқ килиб клубга келиб қолди, ахир?

— Э, шундок демайсизми, мулла. Сабаби бор. Бесабаб хеч нарса бўлмайди. Эшигин. Бир чеккадан тушунтириб берай.

Коровул шундай деди-ю, ўрнидан туриб, мени яна клубга олиб кирди. Бир чеккадан тушунтира бошлади:

— Клубимизнинг биринчи мудири полвон эди. Манови тошларни ўша киши олдирганлар. У кишидан кейин илгари санитария идорасида ишлаган бир йигит мудир

бўлган эдилар. Манови пашшанинг суратини шаҳарга тушиб, каттакон художникка икки юз сўмга ишлатиб келган эдилар. Яхши одам эдилар, у киши ҳам пешонамизга сифмадилар. Илгари овчилик қилган бир қизиқчи йигит мудирликни қабул қилганди. Манови бўри, тулки, кирғовулларнинг ичига икковимиз сомон тикиб, қотириб қўйганмиз. Ундан кейин пожарнийда ишлаган антика серуйку киши мудирликка ўтди. Манови болта, чангларни ўша киши деворга михлатган эдилар. Ундан кейин ошпаз йигит мудирликка келди. Аммо пармуда сомсага уста эди. Мен жилд очиб бериб турардим, у туғиб ташлайверарди. Деворга уч юз эллик сўмга кабоб, палов суратини чиздирган. Ишқивоз одам эди, бечора. Ўлиб кетибди, деб эшигидим. Рост бўлса, худо раҳмат қилсин.

Кейин сартарош йигит мудир бўлди. Клубга ким кирса, бўйнига сочиқ осиб кўрарди. У киши ҳам пешонамизга сифмадилар. Аммо-лекин соқол олдириш текин бўлиб қолганди. Ҳай, майли. Ҳозирги мудиrimiz бўладиган бола. Мияли, эсли-хушли, докторликка ўқыйди. Анови одам суягини бухгалтер билан жанжаллашиб юриб, билмадим, неча сўмга олдирди экан.

Ичимда ўйлар эдим. Агар яна беш-олтита мудир ўзгарса, клуб биринчи категорияли музейга айланиб кетиши турган гап.

ПАЙПОҚ

Орифжон шу трестга ишга ўтгандан бери хотинидан тинмай гап эшигади. Трест бошлиғи серулфат одам экан. Ҳар куни ишдан кейин Орифжонни машинага ўтқазиб, шаҳардан ташқарига опчиқиб кетади. Соя-салқин чойхоналарда ошхўрлик килишиб, қош қорайганда жавоб беради.

Албатта, бу хил ўтиришларда ҳадеб бошлиққа сарф килдирвериши инсофдан эмас. Хотинининг кунлик берадиган обед пули ўзидан ортмайди, текин еяверишга Орифжоннинг юзи чидамайди.

Орифжон хотинига билдирмай ёрдам кассасидан унчамунча пул оладиган бўлди. Икки марта маош устидан аванс ҳам олди. Ҳар куни, ўлдим деганда, ўн беш сўм сарф бўлаверса, пул чидайдими?

Бошлиқ-ку Орифжони унчалик харж қилишга қўймайди. Ора-сира уйига чақириб зиёфат қилиб қўяди. Шундок бўлгандан кейин Орифжон ҳам уни уйига чақирмаса, уят бўлади-да!

Бошлиқ биринчى келганды жуда мамнун бўлиб кетди. Бир ҳафтагача: «Бай-бай-бай, келиннинг мантиси, ҳали ҳам мазаси оғзимда турибди-я», деб тамшаниб юрди.

У ҳадеб шундок деб турганда Орифжон индамаса одамгарчиликка кирмайди, албатта:

— Яна ташкил киламиз, — деворди.

Шу гапни дейишга деди-ку, қандоқ қилиб хотинига айтишини билмай, бир-икки кун чайналиб юрди. Охири хотини очилиб-сочилиб турганда айди. Хотинининг тепа сочи тикка бўлиб кетди.

— Қандоқ суллоҳ одам у? Ейдиганини еб кетди! Яна нима дейди?

Орифжон хотинини босиб қўйди:

— Үндок дема, хотин! Хўжайн нарса. Айтганини килмасак бўлмайди. Яқинда маоши икки баравар кўп ишга ўтказмоқчи. Сен мантини боплайвергин, буёғига худо хоҳласа, ошигимиз олги бўлиб кетади.

Хотини ундоқ деса, мундоқ деди, мундоқ деса, ундоқ деди, хуллас, бир гал мантига кўндириди. Аммо битта шарт билан. Зиёфат харжини Орифжоннинг ўзи топиб келиши керак. Рўзгорга ажратилган маблағга тегиш йўқ.

Оббо! Ёрдам кассасидан қарз бўлса, мояна устидан икки марта аванс олган бўлса, бу ёгини қайдан топади?

Орифжон ўйлаб-ўйлаб, бирордан қарз кўтарадиган бўлди. Утган моянадан ўн тўрт сўм, ёрдам кассасидан олган пулдан саккиз сўм, аванс пулдан етти сўми бор. Ҳаммаси бўлиб йигирма тўққиз сўмни пайпоғига яшириб қўйган. Толеига Орифжоннинг оёри андек исланиб турди. Икки кун пайпоғини янгиламаса, уйга пашша тўлиб кетади.

Ана, шунинг учун ҳам эр-хотин кир ювиш ишларини ўзлари бўлиб олишган. Орифжон пайпоқни ўзи ювади, бошқа кирлар хотинининг бўйнида. Пайпоқса хотин қўл урмайди. Пул яширишга пайпоқдан яхши жой йўқ.

Орифжон хотиндан яшириб, пайпоқда сақлаб юрган пулларини шу зиёфатга ишлатмоқчи эди, янги гап чиқиб қолди. Йигирма олтинчи куни бошлиқнинг туғилган куни эмиш. Идорада ҳамма уч сўм-уч сўмдан килиб пул йиғишишти. Соат тақдим қилишар эмиш. Орифжондан пул олишмади.

— Сиз бошлиқка қадрдон одамсиз, ўзингиз каттароқ совға қиласиз.

Энди нима бўлади? Орифжон пайпоқдаги пулга совға оладиган бўлса, зиёфат учун бирордан қарз кўтариши керак. Шундай қилди. Бир ошнасидан икки ҳафта муҳлат

билан йигирма беш сўм қарз кўтарди. Иккита конъяқдаёқ пуллининг ранги ўчиб кетди. Шу пулдан ҳам уч сўм қайриб, пайпоқка урди. Гўшт-ёғ рўзгордан чиқди.

Бошлиқ ёлғиз келмади. Икки ошнасини эргаштириб келди. Орифжон билан бўлиб тўрт кишига иккита конъяқ нима бўлади? Жиянини чиқарип, магазиндан яна бир шиша уч юлдузлигидан олдириб келди.

Аммо келин мантини яна боплабди. Бошлиқ ҳар гал мантини оғзига солаётганда келиннинг пазандалигини мақтаб, Орифжоннинг кўли очиқлигини таърифлаб турди.

Ярим кечада меҳмонлар тарқашди. Улар кетишаётганда Орифжон эшиккacha кузатиб чиқди.

— Жуда эрта кетяпсизлар-да, бир сикимгина ош қилмоқчи эдик. Келиннинг ошни қийворади-да.

Бошлиқ машинага ўтирас экан, самимий миннатдорчилик билдириди:

— Ошни келаси гал еймиз. Хўпми? Хафа бўлманг, албатта келамиз.

Орифжон ҳам ўзини тутолмади. Бошлиқ шундок деб тургандан кейин аниқроқ бир гап айтиш керак.

— Битта ош экан-ку, кабобига ҳам тайёрмиз. Аммо қачонлигини айтиб аниқ ваъда бериб кетасизлар.

Бошлиқ орқа кабинада ўтирган ошналарига қаради:

— Келаси оддихга вақтларинг қалай? Менинг вактим бор.

Ошналар, ихтиёр сизда, дейиши. Шундан кейин машина гуриллаб жўнаб кетди. Машина кетди-ю, шу кетишида яна битта зиёфатнинг ваъдасини ҳам олиб кетди. Орифжон пешонасига биттани урди.

— Лакма бўлмай ўл! У гапирганда сен тинч турсанг ўлармидинг? Бу ёгини хотинга қандоқ тушунтирасан!?

У ўзига, хай майли, келаси оддихгача нима гапу нима сўз, бу ёфи кейин маъдум бўлади, деб уйга кириб кетди.

Мехмон келган уй, албатта, ивирсимиай иложи йўқ. Ҳовлиниг ҳаммаёғида палирос қолдиқлари, қоғоз парчалари. У ёқда кир сочиқ, бу ёқда ювиқсиз идиш-товор. Орифжон ўзини мастиликка солиб, дарров ёта қолди. Эрталаб ишга кетаётганида каравотнинг тагига қараса, хотини янги пайпоқ қўйибди.

— Хотин, пайпоғим қани?

— Пайпоғингиз қурсин, бижғиб кетибди, оташкуракка кисиб, кўчадаги ахлатга опчиқиб ташладим.

Орифжоннинг дармони қуриб, ўзини ёстиқка ташлади. Бирдан ҳовликиб, ич кўйлакда кўчага югурди.

Ахлат машинаси энди жойидан қўзғалган экан. Қараса, қўшниси ҳам ич кўйлақда машина кетидан чопиб кетяпти. Етолмади. Машинага етиб бўладими? Орифжон ҳафсаласи пир бўлиб, оstonага ўтириб қолди. Қўшниси ҳаллослаб қайтиб келди. Орифжон сир бой бермай, бўшашганча қўшнисидан сўради:

— Нима гап, тонг саҳарлаб машина қувиб юрибсиз?
Кўшни пешонасига шатиллатиб бир тушириди.

— Мени худо уриб қолди! Бирорвга айтмангу, пайпокка икки юз эллик яшарган эдим, болалар ахлатга ташлаворишибди.

Орифжоннинг ичида бир нима узилиб кетгандек бўлди. Хайрият, буники атиги ўттиз икки сўм эди, қўшнисиникига урвоқ ҳам бўлмайди.

Икки қўшни бир-бирларига қараб, ранглари кум оқариб, индаёлмай туришарди. Бу пайт ахлат машинаси икковининг икки юз саксон икки сўмларини номаълум тарафга олиб кетарди.

ТОМОША

(Кинокомедия учун сценарий)

Ер қимирлаганда Усмон отанинг уйи ҳам анча шикастланди. Райижрокомдан ремонт учун у-бу беришди.

Шу кунда нима кўп, кўлига андава ушлаган уста кўп. Ўра қазиши, бўяши, тандир қуриши, қозиқ чопиши, барини биламан дейдиганлар кўпайиб кетди. Усмон ота ҳам уста қидириб чиқканда шунақасига дуч келди.

— Ука, шувоқقا қалайсиз?
— Шувоқни бизга чиқазган-да, ойнадек силлик қиворамиз.

Ота ўша устани уйига олиб кетди. Нархини келишишибди. Алебастр қаерда, кум қаерда, кўрсатди. Кўшнисиникидан ўн беш метрли резина шланг опчиқиб берди.

— Водопроводдан ташиб юрманг. Шуни жўмракка кийдирсангиз, хоҳлаган жойга сув келади.

Уста отанинг меҳрибонлигига тан берди.
— Госстрахдан пулингни олиб кет, деб шоширишяпти. Бу ёенини ўзингиз эплаб турасиз. Дарров қайтиб келаман.

— Хотиржам бўлинг, разрядли устамиз, боплаймиз.
Ота хотиржам чиқиб кетди.

Уста алебастр қопларни ташиб келиб бир жойга тўқаверди. Бирпасда йигирма қоп алебастр одам бўйи дўнг бўлди. Бир машина кумни эламай алебастрга ара-

лаштириди. Кейин алебастр дўнгининг ўртасини ҳовуз килиб, шлангда сув оқизиб қўйди. Оғзидағи носини тупуриб, бисмилло деганича шимининг почасини шимарип, кетмон билан ўрага тушди. Шлангдан вариллаб келиб турган сув бирпасда ҳовузчани тўлдирди. Сув устанинг сонигача чиқди. Алебастр сувга тушганда аввал қатикка ўхшаб юмшоқ бўлди. Уста маза килиб кориштираверди. Сал ўтмай, чиппа котиб, унинг сонидан сикканича тошга айланди-қолди.

Устанинг умрида алебастрга иши тушмаган эди. Аввалига хайрон бўлди. Кейин кўркиб кетди. Ўтирай деса тиззасини алебастр сикиб қўйган. Букилмайди. Ноқсовоқ ўлгур марзанинг четида қолган экан, олай деса, қўли етмайди.

Тепадан офтоб уриб турибди. Сонни тош сикиб ташляяпти. Қани оғриғига чидағ бўлса. Бир машина кум, йигирма қол алебастр, аллақанча сув қўшилиб энг камида олти тонна юкка айланган...

Оёкни тортиб бўлмайди. Олти тонна юк билан туриб кетиши филнинг ҳам кўлидан келмайди.

Усмон ота Госстрахдан пул ёздиргунча, энг камида тўрт соат ўтди. Одамлар ишдан қайтадиган пайт. Автобус, троллейбусларга йўлаб бўлмайди. Бечора хижолат. Овқатсиз, чойсиз устанинг ҳоли нима кечди экан. Аксига олиб, кампири кўзи ёриган келининикига кетган.

Ота ҳаллослаб эшигининг олдига келса, ҳовлисидан кўтарма краннинг учи кўриняпти. Ие, бу менинг уйимми, деб хайрон бўлди. Қараса, ўзининг уйи. Шошиб кирди.

Уйи тўла пожарний, доктор, милиция, маҳалла активлари.

Доктор хотин пожарнийларнинг бошлиғига тушунтияпти:

— Бу ерда иложи йўқ. Алебастрни синдирамиз деб оғини синдириб қўйишимиз мумкин. Яхшиси, ўша ёқда оғини ажратиб оламиз.

Бирдан машина мотори гуриллади. Кўтарма краннинг тўртта илтагини котиб қолган алебастрнинг тўрт чеккасига илиб қўйишибди. Олти тонна алебастрни уста-пустаси билан кўтариб, экскаваторларни у ёқдан-бу ёққа обориб қўядиган зўр машинага чиқазиб қўйишибди.

Ҳаммаёқда одам. Бирор ундоқ дейди, бирор бундок дейди. Кўча муюлишида ботинка мойлайдиган Исахор деган йигит бир гап айтди:

— Кинога олишяпти шекилли. Антика комедия чиқадиган ўхшайди.

Ота ҳам бу гапга чиппа-чин ишонди дўнгиллади:

— Кино олишга бизникидан бошқа жой йўқ эканми? Картинка деганда артист ўйнагучи эди, нима қиласи менинг устамни ўйнатиб? Пулинин тўлаб бўпман.

ТАМОМ, ДАВОМИ ЙЎҚ

Эр-хотин баҳтиёр эди.

Хотин лампочкага боласининг пайпоғини кийдириб, товонини ямаб ўтиради. Эр диванга ёнбошлаб, беозор мудрарди. Хотин эрининг мудрашини тарқатмоқчи бўлиб, бирон гап ўйлаб топаман дейди-ю, гап ўлгур кела қолмайди. У ўйлаб-ўйлаб охири бир гап топгандек бўлди:

— Хой, эр, мунча мудрайсиз? Мундок эрқакларга ўхшаб қизик-қизик гапларни айтиб қулдирсангиз-чи.

Эр бир кўзни аранг очиб эснади-да, эшик ғичиллаганга ўхшаш, ғалати товушда пўнгиллади:

— Ҳа, қиз боламидингки...

У шундай деди-ю, яна кўзини юмди.

— Шошманг, шошманг, кўзингизни очинг. Мабодо ўн саккиз яшар йигит бўлиб қолсангиз, нима қиласдингиз? Яна ўзимга уйланармидингиз?

Эр энсаси қотгандек жойидан қўзгалди. Эринчоқлик билан диванга чордана куриб олди-да, лабининг бир томони билан илжайди.

— Бу масалани дурустрок ўйлаб кўриш керак бўлади. Қани энди, ўша ўн саккиз ёшим қайтиб келса, ўзим билардим-а, ўзим билганим шуки, сенга уйланмасдим, вообще, уйланмаслигим ҳам мумкин.

Эрнинг бирдан файласуфлиги тутиб кетди:

— Агар инсон боласига икки марта яшаш имконияти берилса, қўп хато ишлар тўғри бўлиб кетарди. Мана, ўпкамнинг мазаси йўқ, бу нимадан, папиросдан. Биринчидан, шу куриб кеткурни чекмасдим. Мана, ошқозонимнинг мазаси йўқ. Нимадан, ичкилиқдан. Иккинчидан, шу ароқ ўлгурни ичмасдим. Кўриб турибсанки, асабимнинг мазаси йўқ, бунинг нимаданлигини билмайсан-а, билмайсан. Бу сенинг жаврингдан. Ўн саккиз ёшга сирпаниб қайтиб тушиб қолсам, энг биринчи қиласидан ишим сенга уйланмаслик. Мабодо ўзингга уйланадиган бўлсам, олдинга қўядиган шартларимни битта общий дафтарга эринмай ёзиб чиқардим. Масалан, унда шунака шартлар бўларди:

«Дазмол босишни биласизми, жоним? Пиёз тўғраган пичноқда қовун сўймайсизми? Тугма деган жониворни

қадашни биласизми? (Вообще, тутманинг тешиги қаердаги лигини биласизми?) Телефоннинг қулоги сиздан бўшайдими? Улама сочни уйдаям тақиб юрмайсизми? Бирон жойга меҳмонга борадиган бўлсак, вакътироқ кийиниб олиш кўлингиздан келадими? Бирон йили курорт деган жойдан қоласизми? Меҳмон келса ҳаммадан олдин тўрга чиқиб олиб, ишни менга ташлаб қўймайсизми? Ёнган нонингиздан кил чиқмайдими? Мажлисдан, йўқ, вообще, кеч келганимда костюмимнинг ёқасини ҳидлаб кўрмайсизми? Хуллас, мени тинч қўясизми, йўқми...»

Мана шу шартларга кўнсанг, ўзингга уйланардим. Бўлмаса кимга уйланишни, барака топкур, ўзимга қўйиб бер!

Хотин хандон ташлаб кулди. Унинг бу кулгисида алам билан заҳарханда аралашга ўхшарди. Эр яна тилга кирди:

— Хўш, энди сен айт. Мабодо, фалакнинг гардиши айланиб, сен ўн саккиз яшар қиз бола бўлиб қолсанг, яна ўзимга тегармидинг? Биламан, албаттга ўзимга тегардинг, мендақа тайёр эр, вообще, мендақа лакма эр космосда ҳам, ерда ҳам топилмайди.

Энди хотин тилга кирди:

— Мабодо, атом бомбасини бир елкамга, водород бомбасини бир елкамга осиб қўйиб, шу Сотимхўжага тегмасанг, ҳозир портлатвораман деса, портлатвор-е, жоним роҳат олади, дердим.

Эр икки кўзини соққадек дум-думалоқ қилиб, «войбўй» деб юборгани билмай қолди.

Агар яхшиликчасига, шунга тегасанми, деб сўрашса, олтита одамни гувоҳ қилиб, уч том китобга сифадиган шартларни олдингизга кўндаланг қилиб қўярдим. Шартларим мана бундок бўларди:

«Синглингизга мени ёмонламайсизми? Кайф устида боғчадаи ўзингизни қолиб, бирорни боласини етаклаб келмайсизми? Папирос қулини гиламга ташламайсизми? Эчки гўшти билан қўй гўштининг фарқини биласизми? Дугоналарим меҳмонга келганда тўрга чиқиб, суюлиб ўтириб олмайсизми? Маст бўлиб қолиб, мени танимай, ўзимни ўзимга ёмонламайсизми? Тиш чўткаси билан брезент ботинкангизни тозаламайсизми? Саккизинчи мартнинг нима экани ни биласизми? Мажлисдан келганингизда ён чўнтагингиздан иккита кино билети чиқмайдими? Маош олганда пайпоққа пулbekitmaysizmi? Mensiz mehmonga borganiningizda galstugingizni teskari taqib, tonq otariga yakin kelmaysizmi...»

Эр, «вой-дод», деб ўрнидан туриб кетди. Хотин яна давом этиromoқчи эди, эр қўлини кўксига кўйиб, тавба қилдим, деганга ўхшаш фалати кўз сузди. Йўқ, хотин бўш келмади. Охир эр тиз чўкиб, хотинининг этагини ўпди.

— Жон хотин ўргилай хотин, энди бас қил, ўн саккиз ёшга қайтиб тушмай мен ўлай. Вой-бў... ичингда шунча дардинг бормиди! Кўй энди, кечқурун мажлисга борадиган одамман, настроенамни бузма.

Хотин икки қўлини белига тираб энгашди:

— Нима, бугун дам олиш куни, қанақа мажлис бўлади?!

Эр нима дейишини билмай, кўзларини пирпиратиб туриб қолди.

(Тамом, давоми йўқ.)

ЮК

Купега кирганимда пастки қаватнинг иккаласи ҳам банд эди. Ўнг томонда ҳассага таяниб бир мўйсафид, чап томонда эса, тугунчасини тиззасига кўйиб ҳомиладор хотин ўтиради. Хотин мени кўриши билан ўрнидан турди.

— Жойингизни олиб қўймадимми?

Менинг жойим юқорида эди. Уни тинчтиби, чамадон-чамни полкага ирғитдим-да, ўзим ҳам бир сакраб чиқиб олдим. Поезд жўнашига учинчи қўнғироқ урилганда икки қўлида зилдек чамадон кўтарган, бўйни елкасига туташиб кетган бир киши кирди. У атрофга қарамай, тўппа-тўғри хотинга юзланди:

— Жойни бўшатинг, бу менини.

Хотин ийманиб ўрнидан турди. Шу пайт эшик олдида проводник пайдо бўлди:

— Гражданин, сиз юқорига чиқа қолинг, бу одам, кўриб турибсиз-ку, ҳомиладорлар.

Бўйни йўғон пассажир истеҳзо билан кулди.

— Аттанг, билет олаётганда кассирга коринни кўрсатмаган эканман-да.

Хотиннинг лаблари титраб, кўз милклари намланди. Бу беодоб одамнинг қилиқларига чидаёлмаган чол ўз жойини бўшатиб, инқилаб юқорига чиқди. Хотин хижолат, чол тажанг. Бўйни йўғон бўлса, пиҳиллаб, қоринни қашийди.

Мен унинг совук қилиқларига қараб ётиб, ёшликтаги бир ўртоғимни эслаб кетдим. Болалигимда Оппон деган бир ўртоғим бўларди. Сира бошидан қасмоқ аримасди.

Онаси уни чўмилтирадиган бўлса, эрталабдан бошига қатиқ чаплаб қўярди. Оппон кўчага чиқибок бошидаги қатиқни бармоғи билан сидириб ялаб қўярди. Оппон билан сойда мол боқардик. Сигирларни ўтга ҳайдаб, юмонқозиқнинг инига сув қўйиб ўйнардик. Ошнам дўпписида сув ташир, мен эса, ин оғзида юмонқозиқнинг чиқишини кутиб ўтирадим. Бир гал ошнам жуда узоқлаб кетди. Кутиб ўтириб зерикдим. Уни қидириб борсам, сигиримизнинг тагига кириб, миқ-миқ эмяпти.

Икки оёкли бузоқнинг баднафслигига чидай олмаган сигир шатирлатиб унинг пешонасига тепди. Ошнам ўтга думалаб кетди.

Бу бўйни йўғон одамнинг қаериdir ўша ошнамга ўхшаб кетарди. Ахир, орадан 30 йилдан ортиқ вақт ўтди. Унутган бўлишим мумкин. Ўша ошнамнинг ўнг пешонасида сигир түёғининг изи бор эди. Энгашиб қарадим. Беихтиёр қичкириб юбордим:

— Ҳой, ҳой, менга қара! Оппон эмасмисан?

Ошнам бўйнининг йўғонлигидан дарров қарай олмади. Бутун гавдаси билан бурилди. Қошларини кериб, елкасини қистандек бўлди. Елкаси билан бўйни бир бўлганидан корнининг ўзи силкинди, холос.

— Танимаяпман, биродар, ўзингизни танитинг.

Чўккалаб ўтириб олдим.

— Наҳотки танимаяпсан?! Пешонангдаги тиртиқ...

Оппон энди таниди.

— Э, у гаплар ўтиб кетган.

— Қаердасан? Нима иш қиляпсан?

Оппон бу саволга ҳали-бери жавоб бермоқчи эмас эди. Олдига ёзиб қўйган яхна гўшт, шоколад, саримсоқ пиёз, олмаларни битта-битта танлаб лунжига тиқарди. Унинг ўрнига чол жавоб қилди:

— Оппонбек ёғлик иш топиб олганлар. Туфурукхонада передача қабул қиладилар. Унча-мунча суюнчи олиб турадилар.

Чол Оппонни гапиргани қўймай, кулфи-дили очилиб кетди:

— Эсингиздами, Оппонбек, келинимдан хабар олгани борганимда сизга йўлиқкан эдим. Қофозга ҳам қарамай, жавоб қилган эдингиз. Келинингиз ўғил туғди, невара муборак, деб беш сўмимни олган эдингиз. Шу гапдан кейин келиним роса икки ҳафта ўтганда киз тукқан.

Оппон киррали стакан лабига тухум уриб чақди-да, яхшилаб арчиб, лунжига солди. Кейин палағда товуш билан пўнғиллади:

- Тухмат.
- Ахир, Оппон, жиянинг сени институтни битириб, инженер бўлди, деган эди-ку.

У тухумни ютиб, кетидан оғзига соладиган нарса қидиравкан, жавоб берди:

- Ёнингда битта дипломинг бўлса бикинингдан тешиб чиқмас, бирон кунингга яраб қолар.

Каттагина бир станцияга яқинлашар эдик. Оппон шошиб-пишиб юкларини йигиштириб коридорга отилди. Кунепда ундан ёдгор тухум пўчоқлари, шўр балиқнинг думи, фижимланган қорозлар қолди.

Чол афсуслангандек ух тортиб қўйди.

Худо кўрсатмасин, шунаقا одамлар ҳукуматга бир иш кўрсатиб қўйса борми, трамвайга ҳам пул тўламай қўяди. Шу тоифа одамлар ҳамиша юрт мендан қарздор деб билади. Юртдан қарзи бўлса бермайди. Ахир номард, йўлинг бир станциягина экан, нима қиласдинг хотин кишини безовта қилиб?

Чол стол устида тебранаётган стаканга қараб ниманидир ўлади.

— Поезд тезлаб кетдими дейман?

— Ҳа, — дедим, — бояги оғир юқ тушиб қолди. Паровоз яна тезлаб кетади энди.

Дарҳакиқат, поезд учар, проводник бўлса, Оппондан қолган сарқитларни киртишлаб сўқинарди.

ҚОЙИЛМАН

(Furt ёлғон ҳикоя)

Вокзалга шошилаётган эдим, кўча ўртасида такси тўхтатдим. Шоффёр яхши бола экан, шартта эшикни очиб тушиб-ю, қўлтиғимдан олиб ичкарига киритиб қўйди. Вокзалга етгунимча эллик тўққиз тийин бўлди. Сахийлик қилиб олтмиш тийин бердим. Шоффёр ёнини ковлаб, бир тийин қайтиб берди.

Ресторанга кирдим. Одам кўп. Официантка (соатга қараб турган эдим) бир минуту ўн саккиз секундда айтган нарсаларимни муҳайё қиласди. Еган нарсаларим бир сўму йигирма уч тийин бўлти. Бир сўм ўттиз тийин бердим. Етти тийинини қайтиб берди.

Бир қизни яхши кўярдим. Учратиб қолдим. Кинога опкириб кетаётган эдим, хотиним ўғлимни боғчадан обеклаётган экан, кўриб севиниб кетди ва мени чин кўнглидан табриклади.

ПАЛОВГА ЭЪТИБОР

(Пазанде маслаҳати)

Палов шарқ ҳалқлари ўртасида кенг таркалган овқат бўлиб, революциядан оддин уни қўл билан ейишган.

Бой-феодаллар меҳнаткаш ҳалқни паловни тўғри истеъмол қилишдан маҳрум қилиб келганлар. Улар бир лаган ошни етти-саккиз кишининг ўртасига қўйиб, ким қанча ошам олишини хисобламаган ҳолда улар орасига низо солишга уринганлар. Ана шунинг натижасида ошатиш ва лаган тагида қолган ёққа фамил чой қуйиб ичиш каби ярамас одатлар вужудга келган. Паловни ўтмишда амалдорлар ва тўралар истеъмол қилганлар. Ана шунинг учун бўлса керак, эксплуататорлар паловга «Паловхонтўра» деб ном берганлар.

Мана шу ўтмиш сарқитини таг-томири билан қўпориб ташлаш мақсадида, паловдан тўғри кўлланиш тадбирлари изчиллик билан ишлаб чиқилди.

Ҳар бир кишига калкуляция бўйича, алоҳида кося ёки тарелкада палов сузилади. Айрим ҳолларда лагани билан ўртага қўйиб, ҳар кишига биттадан тарелка берилади. Истеъмолчи ўртоқ кераклигини қошиқ билан олиб, ўз тарелкасига солади.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, ҳар қошиқ солгандан иккитадан гўшт олишга чек қўйиш пайти келди.

Паловдан тўғри фойдалана билиш керак. Қазилик палов ёз ойларида зўрлик қиласди. Баъзи ошхўр ўртоқларимиз ош устига иккитадан кабоб ейишга одатланиб қолганлар. Албатта, бунга чида бўлмайди. Девзира гуручдан дамланган паловга бодрингиз, фақат оқпнёз, кўк қалампир, волгоградская деган помидордан килинган салатни истеъмол қилиш энг маъқул тадбири деб хисобланади.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, девзира гуручнинг палови фамил чойни хуш кўрмайди, аксинча тўқсон бешинчи кўк чой унга энг муносиб чанқов бостиридан. Кейинги пайтларда ошхўрчилигимизда яна битта ёмон хусусият сезилмоқда: Ош пайтида арок истеъмол қилиш. Ана шунинг пировард-оқибатида ёш ошхўрлар палов лаззатидан маҳрум бўлмоқдалар. Бу одатга кўлдан келганча барҳам бериш керак.

Кейинги сухбатимизда чучварани қандай тугиш ва уни қозоннинг қайси тарафидан ташлаш ҳакида маслаҳат берамиз.

СОБИК

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, биринчи куниёқ тўққиз тонна пахта терибман. Аввалига ўзим ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Тавба, шунча пахтани ўзим тердими, ё бирор кўшиб кўйдими? Эртасига бир гайратга ўн гайрат билан пахта териш мана бунаقا бўлади, деб ишга тушиб кетдим. Тўққиз ярим бўпти. Ўша куни областдан, Тошкентдан мухбирлар босиб кетди. Овозимни лентага ёзиб, радиодан эшигтиришди. Телевизорда икки марта кўрсатиши. Ҳаммаёни хат босиб кетди. Бунаقا обрў кимнинг тушига кириби дейсиз. Рухим тетик, бир гапириб, ўн куламан. Йўталсан ҳам лаббай, деб туришади. Раисимиз у ёққа борсам, у ёққа, бу ёққа борсам, бу ёққа эргашади. Бечора мени еру кўкка ишонмайди. Икки гапнинг бирода:

— Ўзингни тут, катта-кичикнинг олдида шарманда килма. Сен бизнинг машъалимизсан. Ҳа, шундоқ, соқолингни кунда олиб тур. Дазмол босилмаган шим кийма, — деб насиҳат қилиб туради.

Икки кундан кейин газетанинг биринчи бетида чаккамга пахта қистириб қулиб турган суратим чиқди. Ўша куни раис Бердиали ака, яп-янги «Волга»сини ишлаб турган жойимга юбориби. Тез етиб келсин, деб тайинлабди. Оббо, бир гап бўлганга ўхшайди, деб ишни ташлаб идорага қараб кетдим. Борсам, раис икки оёғини бир этикка тикиб, кутиб турган экан.

— Келдингми, ука, тез бўл. Кенгашга кетасан. Поезд билетинг тайёр, уйингга бориб кийиниб олгину, йўлга чиқ.

Кетдим. Кенгаш эртасига очилар экан, уч кун областда қолиб кетдим. Келган кунимоқ тўппа-тўғри далага чиқиб, энди машинага етай деб колган эдим, яна ўша «Волга» олиб кетди. Идорага киришим билан етти-саккиз одам атрофимни ўраб олса бўладими. Киночилар экан. Пахта теришимни кинога оламиз, деб атайнин Тошкентдан келишибди. Раиснинг гапини қаранг. Умматалининг машинасида кинога тушсин, ўша томонда пахта яхши очилган, кинода чиройли чиқади деб туриб олди. Умматалининг ерига қараб кетдик. Киночилар ўларча эзма, шошмаган одам бўлишар экан, икки кун овора қилишса бўладими. Мана, чиқиб қолса кўтарсизлар, қандоқ қилиб машина ҳайдашимдан тортиб, пешонамдаги терни қанақа қилиб, кайси кўл билан сидириб олишимгача аппаратта олишибди.

Киночилардан қутулиб уйга ҳолдан тойиб келдиму, кийим-бошим билан ухлаб қопман. Эрталаб раиснинг ўзи уйогоди.

— Тез бўл, кутиб қолишибди!

— Тағин киноми? Кеча тамом қилишган эди-ку?

— Йўқ, бошқа гап. Районда янги қурилган маданият уйининг очилиш маросими бўлади. Илфор механизаторлардан бир киши табрик нутки сўзлаши керак. Сен гапирасан. Қани, кетдик.

Гапни ҳам, аммо-лекин, бопладим. Кунора нутқ сўзлаб тургандан кейин уста бўлиб кетаркансан. Роса чапак бўлди. Ичкарига меҳмонлар учун жой қилдириб қўйишган экан. Артистлар билан бирга ўша ёққа кирдик. Роса пивохўрлик бўлди.

Уйга келиб ётган эдим, эшик тақиллаб қолди. Чиксам, соч қўйган ингичка мўйловли бир йигит туриби. Елкасида бир метрли фанер сумка.

— Хизмат ука, ишлари бормиди?

— Атайнин ўзларини йўқлаб келдим. Суратингизни ишлашим керак. Виставкага қўйилади.

Ундоқ десам, бундоқ деди, бундоқ десам, ундоқ деди. Сира гапимга кўнмайди. Жанжаллашиб раиснинг олдига бордик. Раис койиб бердилар.

— Эсинг жойидами? Бу виставкага қўйиладиган суратларнинг рўйхатини областдан тасдиқлашган. Қани, дарров бўл.

Ўзингиз биласиз, раисимизнинг гапини икки қилиб бўлмайди. Ишга тушиб кетдик. Рассоми тушмагур ҳали ёш, тажрибаси пишмаган экан. Роса тўққиз кунда ўзимга ўхшатди. Бу орада уйим хатта тўлиб кетди. Пионерлар билан учрашув, медицина ходимлари билан учрашув, мебель фабрикаси илфор ишчилари билан учрашув... Албатта раис буларга ўзи билиб муомала қилди-ю, аммо районимиздаги пожарний командасининг кекса ходими пенсияга чиқаётгани сабабли табриклишни менга юклаб қўйса бўладими. Бордим. Буларнинг тантанаси ғалати бўларкан. Ёлғондакам ўт кетди қилиб, бирдан гупир-гупир югуриб қолишибди. Бири сув сепяти, бири болта билан эски яшикларни парчалаб ташляяпти. Роса одам йифилди. Мен учинчи бўлиб сўзга чиқдим...

Ўша куни шамоллаб қолган эканман. Тўрт кун ётиб олдим. Дармоним қуриб ишга кетаётсам, раис қовоқдимогини осилтириб самоварнинг сўрисида ўтириби. Индамай ўтиб кетиш уят. Одобдан эмас. Кўрка-писа саломлашдим. У мени кўрди-ю, кўзлари яшнаб кетди.

— Э, бормисан? Жуда узок ётиб олдинг-ку. Бу ёқда шунча иш, шунча жойдан таклиф. Сен бўлсанг, арзимаган касални баҳона килиб ётибсан. Аллақаёқдан атоқли полвон келаётган эмиш, вокзалга чиқиб, кутиб олувчилар рўйхатининг бошида сен турибсан. Шу бугун кеч соат еттида поезд келади. Кечикмай етиб бор. Машинани тайинлаб қўйганман.

Бир нима дей, десам, раиснинг феълидан қўрқаман. Чидамадим. Охири ёрилдим:

— Ахир, раис бува, бу ёқда шунча...

Айтдим-ку, раис оғиз очиргани қўймайди деб, уришиб берди.

— Унча-мунча одам қадам босолмайдиган жойларга боряпсан. Ноз қилма. Йигит кишининг бошига баҳт бир қўнади. Қани тур, тайёргарлигинги кўр! Физкультура комитетидан телефон килиб, миямни кокиб қўлимга бериши. Уялтирма-да, ука.

Худди соат еттида станцияга чиқдим. Конток тепадиганларнинг жамиқиси гул кўтариб келган, поезднинг олтинчи вагони эшигидан бўйи салкам бир терак келадиган экскаватор нусха бир одам тушиб келяпти. Тиқилиб қарасам, бир йил домотдихга борганимда тарвузни бутун ютиб ўйин кўрсатган полвон. Районимизга тош отиб ўйнашни кўрсатгани келган экан. Тўрт киши, тўрт киши бўлиб йигирмата тошни судрашиб тушириб қўйдик. Станция буфетида жиндек хозирлик кўриб қўйишган экан, ўтиришдик. Полвонни табрикладик. Яхши кутиб олганимиздан севинган полвон охирида сўзга чиқиб, олти кишиликни бир килиб косага қўйиб қадаҳ кўтарди. Ҳаммамиз кайф килиб қолиб, тошлар станцияда қолиб кетаверибди. Колса колавермайдими, уни кўтарадиган мард каёқда.

Мана, октябрь ойи ҳам охирлаб қолди. Машина терими тугай деб турибди. Ҳарна бўлса озрок териб олай, деб далага чиқсан, машинам жойида турибди. Бечорани бирам чанг босибдики, кимдир бўр билан ёнига: «Колхозимизнинг собиқ водители фалончи мавсумда бир хафта далага чиқиб, шу машинада пахта терган» деб ёзиб кетибди. Жуда алам қилди.

Бунақа беодоб гап ёзган одамни топиб, роса таъзирини берардиму, ишм тифизроқ эди-да. Ахир бугун ёш дружиначилар билан район марказидаги сомсалазликни текширишимиз, калориясини аниқлашимиз керак.

ЛАЪЛИ БАДАХШОН

Унинг асли исеми Лаълихон бўлса ҳам, дугоналари Лаъли Бадахшон деб чакирадилар.

Лаъли Бадахшоннинг асл башараси қанақалигини ҳали ҳеч ким билмайди. Мен ҳам уни ўн йилдан бери танийман. Аммо башарасидаги чоракам бир кило бўёқ асли юзининг қанақалигини билдирамайди. Сочи ҳалигача ўрим кўрмаган. Кош-кўзини тутиб кетган соchlари елкаси-ю, қулок-чаккасидан айланиб, худди калта паранжи ёпинганга ўхшатиб кўрсатади.

Коши корамой суртгандек йилтирайди. Киприкларига негадир ҳаво ранг бўёқ суртган. Кизил сиёҳ ичгандек лаби қип-қизил. Кўйлаги ҳамниша тиззасидан юкорида туради. Бирор билан хайрлашаётганда панжаларини қўлтининг тагига обориб қимирлатади.

У кинони, танцани, машинада юришни жонидан яхши кўради. (Шуни ҳам айтиб қўяйки, бир ўтирганда икки кило морожнини кўрдим демайди). Қачон қарасангиз, жаги қимирлаб туради. Ё шоколад, ё конфет сўриб турганини кўрасиз.

Мана шу Лаъли Бадахшон ўзи тенги йигитларни назарига илмай юрарди. Машинаси бўлмаса, театрларда олдинда ўтирмаса, оладиган маоши ўзидан ортмаса, нима қизиги бор? Эр бўлгандан кейин моянасига қўшимча пенсияси ҳам бўлиши керак-да.

Хуллас, Лаъли Бадахшон ниятига етиб, тепакал, қадди сал букилганроқ эрга чиқди. Агар Лаъли Бадахшоннинг йигирма икки ёшини қуёвнинг етмиш саккиз ёшига қўшса, янги йилда роппа-роса юзга киришар экан. Эрининг маоши мўлжалдан сал ошикроқ, каттагина пенсия ҳам олади. Унинг устига «Волга»си бор.

Сал кунда Лаъли Бадахшон эрини ўз кепатасига солиб олди. Унга тор шим тикирди. Ўпкадек қип-қизил галстук тақиб қўйди. Тепа тарафида сочи бўлмаса ҳам, ён томонига ишониб, чаккасидаги попраткасини устаранинг тифидек учли қилдириди. Соқол ҳам қулоғини ушлаганча кетди. Тупукдеккина мўйловининг ўзи қолди.

Энди куёв тўра циркнинг отидек гижинглаб, келин боланинг кетидан сумка кўтариб юрадиган бўлди.

Омонат кассадаги пулларнинг ранги ўча бошлади. Ресторан чолғучилари улар столга ўтиришлари билан тепаларига келиб, сурнай чалишади. Куёв яшариш учун эрталаб туриб радионинг қулоғини бурайдиган, жисмоний тарбияни охиригача адо этиб, токнинг зангидек бужмайиб

колган бўйинларини хўл сочиқ билан аввал кўкариб, кейин қизариб кетгунча ишқайдиган бўлди.

Бугун янги йил арафасида шахсий «Волга»нинг бажхонасини тўлдириб бозордан қайтаётганларида куёв бола ўйл четида олазарак бўлиб турган ўрта яшар чиройлигина жувонни кўриб, бесаранжом бўлиб қолди. Машинадан туша солиб, унга караб югурди. Лаъли Бадахшон унинг бу ахволини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди.

Бу қанака шармандалик? Ўз хотинининг кўз олдидаги!

Лаъли Бадахшон ундан кўзини узмасди. Эри бўлса, жувонни бағрига босиб кўришди. Уни авайлаб скамейкага ўтқазди-да, елкасига кўлинини ташлаб, нималардир деб бошлади. Лаъли Бадахшон чидамади. Зарда билан улар тарафга юрди. Қараса, эри жувоннинг икки кўлинини ховучлари орасига олиб илжайди. Лаъли Бадахшоннинг жон-пони чиқиб кетай деди.

Эри ёнини ковлаб кармонини олди. Ундан иккита эллик сўмлик олиб, жувонга узатди. Лаъли Бадахшоннинг сабри тугади. Тарс-турс юриб, улар тепасига келди. Эри дик ўринидан турди-да, жувонга уни танишира бошлади.

— Мастан, бувинг билан танишиб кўй.

Лаъли Бадахшон шошиб қолди. Чунки у йигирма икки ёшга кириб, эллик яшар неварасини энди кўраётган эди.

Қўлдошич

Унинг асли исми қанакалигини, ўзи қаерда ишлашини бирор аниқ билмайди. Таниган ҳам, танимаган ҳам уни Қўлдошич, деб ҷақиради.

Шу Қўлдошич кўпдан бери қурилиш трестига қарашли тахта омборига сукилишни ният қилиб юрарди. Кўп уриниб кўрди, эплолмади. Трест бошлигини танимаса, унга нима деб учрашади. Бир-икки марта юрак ютиб трестга борди. Қараса, бошлиқ қовоги солик, гапни қисқа қиласиган одам. Ундан ёруғлик чиқишига ишонмаган Қўлдошич тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди. Барибир кўнгли ўлгур тахта омборида. Нима қилиш керак? Яна трестга борди. Бошлиқ келадиган пайтни мўлжаллаб туриб, унга куюқ салом берди. Бошлиқ одати бўйича бошини кўтармай алик олиб, ўтиб кетди.

Мана шу хил боришларнинг бирида бошлиқ идорага кира туриб, ёнидан папирос чиқазди-ю, чўнтагини ковлаб гугурт истаб қолди. Қўлдошич шошиб гугурт ёқиб, унга тутди. Бошлиқ яна бошини кўтармай раҳмат айтиб, кириб кетди.

Бу қандоқ бўлди? Ким салом берганини, ким гугурт чакканини билмади-я!

Қўлдошичининг хафсаласи бутунлайига пир бўлди.

Орадан анчагина вакт ўтиб, бир воқеа унинг жонига оро кирди-ю, яна фимиirlab қолди. Бошлиқ аллақаёқда командировкада эди, жияни ўлиб қолди. Қўлдошич унинг жияни қаерда туришини бирорлардан суриштириб, аzonlab етиб борди. Ҳаммага бош-кош бўлиб, белини боғлаб, кўз ёши қилиб, келган-кетганларга патнис ташиб юрди. Кун ёйилмай, бошлиқ етиб келди. Унинг кўзида ёш, қадди анча буқчайган эди. Қўлдошич унинг қорасини кўриши билан столдаги чойнакни олди. Қўзларини пирпиратди. Унгача бошлиқ ёнига яқинлашиб қолган, жиянининг жасади ётган уйга кирмокчи бўлиб турган эди. Қўлдошич бир-икки марта тамшаниб, зўрга:

— Жиянчадан жудо бўлиб қолдик, — деёлди. Кейин кўлидаги чойнакни тушириб юборди-ю, оҳ деганича ўзини ўйлнинг ўртасига ташлади. Кўнгли кетди.

Бошлиқ жиянини ҳам унутиб унга югурди. Уч кишилашиб кўтаришганча нариги уйга кўтариб кириб ётқизишиди. Иккни киши бараварига елишина кетди. Бошлиқнинг ўзи унга қайнок-қайнок чой тутди. Жаноза тугаб, Қўлдошични бошлиқ машинасида уйига обориб қўйди. Бир ҳафтагача ҳар куни катнаб ҳолидан хабар олиб турди...

Омборга мудир бўлишми, бе, шу ҳам ишми, ҳозир Қўлдошич трест бошлигининг шахсан ўзига биринчи ўринбосар.

ЖАНОЗА

Зокирjon маданият уйининг мудирига учрашиди.

— Ука, кечаси кинодан чиқадиганлар ариққа тушиб кетишияти. Қўприк қурдириб қўйсангиз бўлмайдими?

— Хўп бўлади.

Мудир хўп бўлади, деб қўйди-ю, кўприкни қурмади. Зокирjon яна учрашиди.

— Ука, кўприкни курмадингиз-ку. Арзимаган нарса, иккита тахта-ю, тўртта қозик билан бўладиган гап.

— Бўпти, боплаймиз.

— Гапингизга ишонмай қўйдим.

— Уч кунда бўлади.

— Ростми?

— Оббо, ишонмас экансиз-да, агар ўлиб қолмасам, уч кунда битади, эшитяпсизми, ўлиб қолмасам. Всё!

Шу гапга ҳам ўн кун бўлди. Аммо мудир кўприкни кўрмади. Зокиржон уни қидириб борган эди, тополмади. Ҳайрон бўлиб чикиб келаётганда Салимжон деган мухбир ошнасини учратиб қолди.

— Ҳа, Зокиржон, нима қилиб юрибсиз? Қаёқдан келяпсиз?

— Э, ука, бошимизга кулфат тушиб қолди. Маданият уйининг мудири ўлиб қолди. Жанозадан келяпман.

КАРНАЙЧИННИГ ТЎЙИДА

Махсум карнайчи анча табаррук бўлиб қолган одам.

У кўп одамларнинг тўйида хизмат қилган, юртнинг дуосини олган киши.

Ҳар тўқисда бир айб дегандек, Махсум карнайчининг ҳам дилида битта армони бор эди. У эсини танибдик, тўйларда карнай чалади. Аммо унга худо биттагина ўғил бермади. Қани мен ҳам ўғил кўрсаму, юртни йигиб ош берсам, деб эртаю кеч овқат устида ҳам, карнайни юваётганда ҳам тилақ тилайди.

Бундан тўрт йил олдин Махсум карнайчининг тонгларда тилаган тилаги ижобат бўлиб, худо унга кўчкордек ўғил берди. Бола йўлга кирди, дадасининг карнайига миниб, от қилиб ўйнайдиган бўлди.

Махсум карнайчи энди юртдан еган ошларини узиш ниятида тўй тараддудига киришди. Ташқари ҳовлига тандир курдирди. Кўрпа қавитди. Хуллас, тўй яқин қолди.

Дурадгорнинг тўйида дурадгор, қассобнинг тўйида қассоб дегандек, албатта карнайчининг тўйида карнайчи хизмат қиласди.

Махсум карнайчи ёр-биродарларига ҳат жўнатди. Ўзбекистоннинг ҳамма областларидаги карнайчи биродарларига таклифнома юборди. Тоҷикистон, Қирғизистон тарафларда анчагина шогирдлари бор эди. Улар устознинг тўй қилишини тўрт кўз бўлиб кутиб туришган экан. Ҳат бориши билан йўлга чиқишиди.

Катта ҳовлига одам сифмай кетди. Созандаларга алоҳида жой, карнайчиларга қилинган икки сўри торлик қилиб қолди. Эллик тўрт карнайчи карнайларини келин тушган уйининг самоваридек тиш порошок билан ялтиратиб келишиши.

Қассобникига борган гўшт ейди. Боғбонникига борган олма, узум ейди. Новвойникига борган нон ейди. Карнайчиникига келган карнай эшитади экан.

Тўй қизиб кетди. Созандаларга аранг бир марта тал келди. Шогирдлари ҳунарларини астойдил намойини қила кетишиди. Эллик тўрт карнайчининг ҳар бири ярим соат чалганда ҳам йигирма етти соат тинмай карнай чалинини керак. Бир сутка-ю уч соат ват-ват.

Тўй бошқараётган киши анча тадбирли экан, ўн икки соатдан кейин бошқа карнайчилар армонда қолмасин, деб ўттиз карнайчини тўплаб, умумий марш таклиф қилди.

Ўттиз карнай, нофора, сурнай бир чалиш қилдики, шаҳар момакалдиrok ичида қолгандек бўлди.

Тўй куни мен Андижонда йўқ эдим. Аммо карнай товушини Тошкентда bemalol эшитиб турдим.

ХОДИВОЙ

Теримга тайёргарликнинг бориши ҳакида Ҳодивой раис ахборот берар экан, пастдан лукма ташлаб гапини гапига қовуштиришмади.

— «Хой Ҳоди, сенсиз тайёргарликни кўриб қўйғанмиз. Яхшиси, курортда қанака дам олганингни гапириб қўя қол!»

Раис, «гапирайми-йўқми, биррас хап турсанглар-чи», дегандек қилиб залга қошини кериб, елкасини қисиб қаради.

— Пилла хусусида тил қисиқлик жойим йўқ. Планни бир юз ўн, бир юз ўн бир процент қилиб қўйғанман. Пахтани ҳам бир юз ўн бир бўлмаса ҳам юздан ошириш им турган гап. Райондаги катталарга шунақа деб ваъда берганман. Чорвам ёмон эмас. Ҳар сигирдан етти юз литрдан соғиб олсан...

Раиснинг гапи оғзида қолди. Ўрта каторда ўтирган ойболта соқолли киши лукма ташлади:

— Уни ундоқ бажардим, буни бундоқ бажардим, деяпсан. Қойилмиз. Нега энди сут масаласига келганда «мунча соғиб олсан» дейсан? Уни ҳам соғиб олсан дея қол!

Раиснинг жон-пони чиқиб кетди.

— Уста, асқияни чойхонага чиқиб қиласиз. Бу мажлис. Гапингиз бўлса, панада сасимай, манави ёқка чиқиб гапиринг!

— Шунақами? Мажлисчасига гаплашайми? Менга сўз беринглар!

Уста елкасига ташлаб олган чорсисини белига сириб боғлаб, минбарга чиқди.

— Ҳодивой, аччиғинг чиқмасин-ку, анчадан бери гапингдан латта ҳиди келадиган бўлиб қолган. Энди сен

айтадиган гапингни дилингда пухталаб тур. Қизишиб кетсанг, мендан кейин яна сўз оласан.

Уста мажлис аҳлига қараб бирпас ўйланиб турди-да, гапира кетди:

— Йигирма уч йилдан бери колхозга аъзо бўлиб биринчи марта даврага чиқиб гапиришим. Гапим мажлиснинг гапига ўхшамаса айбга буюрмайсизлар. Хўш десангиз, мана шу раисимиз Ҳодивой билан болаликдан тепкилашиб ўстганмиз. Бир отинойида ўқиганмиз. Аммо Ҳоди болалигига ҳам сал фўдайғанроқ эди. Шунинг учун ҳам ўртоқларимиз уни Ҳодивой отига мослаб «Ходавой» деб аташарди. Шу отинойининг Тўхтахон деган кекирагидан окма қизи бўлгувчи эди. Кимки уни опичиб юрса, ўқишидан озод бўлар эди. Ҳодивой ҳар куни уйидан ёнғоқ, туршак олиб келиб ҳаммадан олдин Тўхтахонни опичиб оларди-ю, кечгача маза қилиб йўқ бўлиб кетар эди. Ҳодивой тахтадан хафтиякка ўтибдиямки, елкасидан Тўхтахон тушмади.

Пастдан, керакли гаплардан айтинг, одамларнинг вақтини бекорга олманг, деган овоз чиқди.

— Шошилманглар. Бердисини айтгунча сабр қилинглар. Бу Ҳодивойнинг болалигидаги шайтонлигидан бир хикоя, холос. Энди ҳозиргисини айтамиз. У то раис бўлгунча сельсоветнинг ўслини опичиб юради. Исполкомнинг қайниси ўғил тўйи қилганда тўй болани опичиб гулхан атрофидан айлантирган ҳам шу Ҳодивой эди.

Залда ғовур-ғовур, гап бошланди. Устанинг гапларидан энсаси котиб ўтирган Ҳодивой раис «шахсиятга тегилмасин» деб қўйди.

— Ҳўп, жоним билан, — деди Уста қўлини қўксига қўйиб, — энди колхоздаги ишлари ҳақида гапираман. Ҳодивой, пилла планини бир юз ўн бир процент қилдим, дейди. Зинҳор қилдим, демасин, қилдик десин. Плани тўлдирганлар бошқа. План мана шу бир юз ўн бир процент бўлгунча, йигитларимизнинг пешонаси юз ўн биттадан фурра бўлди. Сабаб, раис супрадаги унга қарамай, тандирга ўт қалайдиган хилидан. Колхоз ерини дурбин билан кидирсанг ҳам тут дараҳтидан нишон топмайсан. Акам орқа-ўнгларига қарамай, қурт уруғига зўр берадилар. Қурт даҳага кирдими, колхоз араваси кетма-кет шахарга фириллади.

Махаллама-махалла изғиб, ўсма кетди, сурма кетди деб юрадиган чорбозорчига ўхшаб бирорларнинг тутини кесиб юради. Кестиришга бирор унайди, бирор унамайди.

Ана бир йил кестиради, икки йил кестиради. Нанини ўн йилдан бери ахволимиз шу бўлса! Бу йил эрта кўкламда қанақа ҳангомалар бўлдики, барг кесиб келган давантидек йигитларнинг қўпи шаҳарлик хотинлардан калтак еб, чаккасини фурра қилиб келишди. Инсоф ҳам керак-да! Шу ўн йил ичиде кўчат ўтқазганимизда биласизми, қанақа катта тутзор бўларди? Гапирганимиз. Қулоқ солмаган. Шаҳарда маржондек оппоқ бўлиб турган тутини кестириб қўядиган анойилар бор-да! Энди яна битта гап: ўтган йили паҳтани қойил қилдим, дединг. Ҳоди, минбаъд мундай дема! Қойил қилдик, дегин. Экканлар ҳам, терганлар ҳам бошқа. Сен чигит экканимизда жағингга тилла тиш қўйдиргани Марғилонга кетган эдинг. Авжи фўза парвариши вақтида қайтиб келдинг. Далага чиқмай, бир-икки ҳафта уйингда қайнатма шўрва ичиб ётдинг. Фўзани кўндалангига ишлаётган универсалчини ёнингга олиб «Волга» олгани Тошкентга кетдинг. «Волга»га тушиб йўл-йўлакай Шоҳимардонми, Поччаотами роса айланиб келдинг. Қўзингни оч, бу йил мұнақаси кетмайди. Кузда ҳашарчини паҳтага ўйлатмаймиз. Машинада ўзимиз терамиз. Терим машинаси деса, қийшанглайдиган бўлиб қолибсан, бу қилиқ қаёқдан чиқди? Эгнингдаги посон костюминг агар кўлда тепчиб тикилган бўлса киярмидинг? Машина зотидан автомобиль билан телефондан бошқасини тан олмай қолибсан. Ҳўв, қўзингни оч, бола. Бу йил ҳам курортни канда қилмадинг-а! Энди дамингни олган бўлсанг, далага чиқ. Устахонага кир, хирмонларни кўр! Бултурига ўхшаб комиссияга нариги колхознинг гуриллаб кишина турган машиналарини меники деб қўрсатиб юрма! Бўлди энди лўттилик! Гапим тамом! Шахсиятингга теккан бўлсан, хафа бўлсанг ҳам, бўлмасанг ҳам ўзинг биласан! Ҳодивой отингни Ҳодавой деганимга тавба қилдим.

Устанинг гапи қийқирик, чалак билан тугади. Раис бир қизариб, бир бўзарди.

Сўзга чиқмоқчи бўлиб қўл қўтарганинг сони кўпайиб кетди. Мажлис раиси: «Бухгалтер Корабоев сўзга тайёрлансан» деб, 15 минут танаффус эълон қилди.

Эртасига колхоз самоварида латифага ўхшаш бир гап бўлди.

Ҳодивой раисликдан олинишига қўзи етгандан кейин правление аъзолариға бир шарт қўйган эмиш: «Раисликка ўрганиб қолганман. Машинани, печатни олмасанлар раисликдан тушаман, бўлмаса, қўз олдиларингда печатни лиқ этиб ютиб юбораман».

Унинг бу шартига Уста ака чистон қилиб жавоб бериди:

— Майли, ютсанг ютвора қол. Колхоз печатини худа-бехудага боса бериб сийқа қилиб, хатларини ўқиб бўлмайдиган қилиб юборган экансан. Бошқасини ясатиб оламиз. Аммо-лекин кўз олдимизда ютасан.

Ходивой печатни ютиб юбордими, йўқми, уни ҳеч ким билмайди. Аммо раисликдан олингани рост. У ҳар куни самоварга чиқиб, олдига бир чойнак кўк чойни кўйиб, ҳадеб янги раисни чалпийди.

— Раис бўлиб, машинада керилиб ўтиришни билмаса, печать деганин аввал оғизнинг ховури билан намлаб, кейин босишини билмаса, подлиси ҳам кўримсиз, қизил қалам турганда кўк сиёҳга бало борми?

1959 йил.

ЛУҚМОН

Лукмонбек махаллада отнинг қашқаси. Эрталаб бозорга кетаёттанида икки қўли қўксига, ҳаммага тавозе билан салом беради. Қайтишда кайфи тарақ бўлиб, эрталаб саломига алик олганларни туртиб ўтади. У илгарилари одамларникида бинойидек гишт қўйиб, том суваб, тириклигини ўтказиб юради. Нима бало бўлди-ю, бозорга айланишиб катта-кичикнинг фарқига бормай қўйди. Чўнтағи пул кўрди. Тили бийрон, қўли пахса бўлди. Махалланинг қариялари, Лукмон пул унадиган бўлса, эски маҳсии шимишдан ҳам тоймайди, дейишади. Бу гап рост.

У биргина стадионнинг орқасидан бинойидек участкали ҳам бўлиб олди. Билмаган одам албатта бу гапга ишонмайди. Тошкентдаги «Пахтакор»га эллик минг одам сифишига ҳамма ишонади. Футбол ишқибозларининг ярми лимонад ичганда ҳам ўйиндан кейин йигирма беш минг дона шиша қолади. Лукмонбек умрида футболга ишқибоз бўлмаган. У ўйиндан кейин шиша йиққани боради. Ёнига жиянини олиб, кўш қоп билан шиshalарни бир чеккага уяверади. Қарабисизки, ярим соатта қолмай, юз-юзлаб шиша йигилиб колиби. У ўша куннинг ўзидаёқ «бу бойликларни» дўконга топшириб, икки чўнтагини қаптайтириб олади. Бунақа иш учун уни ҳеч ким «испикулан» демайди. Лукмонбек бир сезон шундай қилди-ю, кейин ундан бошка ҳам шиша шинавандалари кўлайиб, унга нон колмади. Стадиондан насибаси қирқилган Лукмонбек ўйлаб-ўйлаб ўзи қалтисроқ бўлса ҳам даромади яхши бир иш топди.

Кўлига ҳасса ушлаб, бошига нари-бери салла чулраб, чекка-чекка маҳаллаларга бориб, хонадонлар эшигини қокади, фалон қабристоннинг ремонти учун бунча сўмдан фуқарога солик тушди, дейди. Бунақа нозик нарсалардан ҳатик пул аямайди. Албатта, ахийри бир кун борадиган жойим деб, белгиланган «соликни» унинг қўлига беради. Лукмонбек участкасининг томини ўши тарика мозор пули билан ёпиб олди. Лукмонбекнинг бир андишаси ҳам бор эди: қилиб юрган ишларим маҳалла фуқароларининг кулоғига етмаганмикин? Шу «иғвогар» чолларнинг оғзига бир нима билан уриб қўйиш керак. У шундай қилди ҳам. Махалланинг тобути эскиб қолгани сабабли савоб учун янги тобут ясатиб берди. Энди милициядан одам келиб, Лукмон қанақа одам, деганда, албатта, кўп химматли бола дейишлари аниқ.

Бу томонидан хотиржам бўлган Лукмонбек ишни катта қилиб юборди. Кечалари санқиб, автомат телефонларнинг кулоғини силкитиб, у ёқ-бу ёғини ковлаштириб, тангаларни дўпписига тўкиб олади. Автобусларда олд томондан билетга узатилган пулни тикилинчда ёнига солиб қўяди. Ошхоналарда-ку, нуқул тушлигини текин қиласди. Айтишларига қараганда, гугурт қутичани тўлдириб олган пашшадан биттасини косага ташлаб, шовқин кўтарармиш:

— Бу қанака бемазагарчилик! Ошдан пашша чиқди.

Тўполонга одам йигилади, директор ҳам пайдо бўлади. Охири уни юпатиб, ўтган ишга салавот, деб овқатга ҳам пул олмай, яна ундан узр сўраб эшиккacha иззат билан кузатиб қўйишади. Эртасига бошқа ошхонанинг таомидан худди шунақа пашша чиқади...

Лукмонбекнинг бу тарика қилмишларини маҳалла қариялари билиб юришган экан. Чолларнинг гапини Лукмонбек аввало эламади, кейин унинг кирдикорларини бирма-бир айтиб, тахтага тортишгач, нафаси ичига тушшиб, фиринг деёлмай қолди.

— Ҳали ёшсан. Бирор хунарнинг бошини ушлаб ол. Бўлмаса бир кунмас бир кун хор бўласан. Элнинг назаридан қолишга қолдинг. Ҳали ҳам бўлса эсинг борида этагингни ёпиб ол. Харом иш тез каритади одамни.

Лукмонбекнинг рангига кон югургандек бўлди.

— Ҳали мен ҳаромхўр бўлдимми? Хо, топганимиз ҳарому садакамиз ҳалол бўпти-да.

Лукмонбек бу билан маҳаллага ясатиб берган тобутини айтмоқчи эди. Буни қариялар унинг оғзидан чиқмай турибоқ пайқашган эди.

— Ука, тобутинг ўзингга буюрсии. Унга ҳали ўлик соганимиз йўқ. Ювилган ўликни қандоқ қилиб ҳаромдан келган тобутга солиб бўлади? Кириб ола қол, тобутхонанинг бир чеккасида ётиби.

Лукмоннинг тилига калтак келганиданми, ё шошиб турганиданми, бир нима деб жавоб қайтара олмади. Тез-тез соатига қараб, ўрнидан турди. То эл ухлагунча эшигининг олдида папирос чекиб у ёқдан-бу ёқка юраверди. Охири муюлишдан юк машинасининг чироги кўринини билан шошиб дарвозасини оча бошлиди. Машина ичкарига кириши биланок яшил дарвозанинг икки қаноти бекилди. То тонг ёришгунча тунука товуши эшитилиб турди.

Эрталаб ишга кетаётгандар унинг дарвозаси олдида тобут кўриб ҳайрон бўлишиди. «Бечора кеча чойхонада сухбатнинг гули бўлиб ўтирган эди-я, одамзоднинг умри шу-да! Эртага нима бўлишингни билмайсан». Бирпаста тумонат йигилди. Ҳар ким ўзи билганча мархумни таърифлadi.

- Бечора, дуруст бола эди.
- Худо урган расво дессангиз-чи.
- Унака деманг, ўлганинг орқасидан ёмонлаб бўлмайди.
- Тўғрисини айтиш керак-да!

Шу гапларнинг устига участковой келиб қолди. У кечаси шу уйга артелдан ўғирланган тунука туширилганини эшигтан, мол билан кўлга тушириш учун атайлаб сахарлаб келган эди. У эшик олдида тобут кўриб ҳайрон бўлди.

- Нима гап?
- Лукмонбекдан айрилиб қолдик, ўртоқ начайлик, — деди бир мўйсафид кўзига ёш олиб.

Милиционер уйга киришини ҳам, кирмаслигини ҳам билмай, туриб қолди. Шундай бир баҳтсизлик юз берган жойга нима деб киради? Ўгрисан, деб ўликни ушлайдими? Дарҳақиқат, милиционернинг боши қотган эди. У ўйлаб-ўйлаб, бошини қашиганича орқасига қайtdi.

У кетиши билан кўзларини ишқалаб Лукмонбекнинг ўзи чиқиб қолди. Нима бўлди? Ўлик тирилдими? Ё Лукмонбекнинг арвоҳими?! Юраги ёмонроқлар тўдадан сувурилиб жўнаб қолди. Қани бирордан садо чиқса-чи! Лукмонбекнинг ўзи тилга кирди:

- Ўзи нима гап?
- Ўлмаганимдинг?!

Сир очилди. Маълум бўлишича, кеча Лукмонбек маҳаллага ясатиб берган тобутини писандада килгани учун

аччиғи келган маҳалла қариялари тобутни азоңда Лукмонбекнинг эшиги ташлаб кетган экан.

Бирор қулиб, бирор сўқиниб эл тарқади. Лукмонбек тобутнинг бир чеккасига ўтириб папирос тутатар экан, такси ҳайдаб кетаётган шофёр йигит кабинадан бони чиқариб гап қотди:

— Бек ака, ўрнашиброқ ўтиринг, йўлда тушиб қолиб одамларни овора қилиб юрманг!

Жаҳали чиқиб кетган Лукмонбек ичкарига қараб қичкирди:

— Ҳой, тирикмисанлар, болтани олиб чиқларинг!

Бояга такси йўловчини ташлаб келаётганида Лукмонбек тобутни тилка-пора қилиб бўлган эди. Шофёр бола яна гап отди:

— Кичикроқ келиб қолдими? Уста размерингизни билмас экан-да!

Лукмонбек унга кўлидаги болтани отмоқчи бўлиб турган эди, муюлишдан милиционер кўринди. Қандоқ қилиб дарвозага кириб кетганини ўзи ҳам билмай қолди.

1960 ил.

«ҚЎРИҚХОНА»

Тайёр ҳикоя

Одатда ёзувчи бирон асар ёзмоқчи бўлса, бош қаҳрамоннинг ташки қиёфасини бир одамдан, қиликларини бир одамдан, саргузаштини яна бир одамдан олади. Вокеа ўтадиган жойни ҳар хил ерлардан йигиб, яхлит бир мансара яратади.

Шу йил баҳорда республикамизнинг жанубий районларидан бирига борганимда, тайёр ҳикояга дуч келдим. Қаҳрамоним қиёфасини ҳар хил одамлардан йигиб олмадим. Қиликлари ҳам, гап-сўзлари ҳам, саргузашти ҳам, вокеа юз берган жой ҳам аниқ. Ўзимдан ҳеч нарса қўшмасдан ёздим. Агар ёлғон гапираётган бўлсан... келинг, қасам ичмай қўя қолай.

Ҳожиниса опанинг ери шундоққина катта йўлнинг бўйида. Янги каллакланган тутлар орқасидан шийпони кўриниб туради. Қачон қараманг, шийпон ортидан тутун чиққани-чиққан. Ҳожиниса опа ўтакетган чойхўр бўлгани учун самоварининг оташхонасидан ўт аrimайди.

Дала шийпонига олиб борадиган йўл бошида чой яшигининг қопқоғига битилган: «Чет кишилар кириши

тақиқтанади. Штраф 15 с.» деган ёзув бор. Бу ёзувни күрган киши борки, хайрон колмай иложи йўқ. Бу ҳам етмагандек, йўлнинг чап тарафидағи тутга кимдир «Қўриқхона» деган ёзув илиб қўйиди.

Хайрон бўлдим. Бу жойда қўриқхона нима қиласди?! Ундан ташқари, «Штраф 15 с.» дегани нима дегани? Ўн беш сўмми, ўн беш сутками, нима ўзи?

Чет кишилар кирса нима қилибди? Бу ер завод бўлмаса, илмий лаборатория бўлмаса, ажаб? Нима, ёзга тупини ўғирлаб кетадими?

Бу томонларга илгари ҳам кўп келганман. Аммо Кумушсой қишлоғига негадир йўлим тушмаганди. Лекин таърифини кўп эшитганман. «Кумушсой»ни баъзан парилар қишлоғи ҳам деб аташарди. Бу жойининг қизларидақа чироили қиз наинки Ўзбекистон, ҳатто Ўрта Осиё ва Қозоғистонда топилмайди, дейишарди. Қиз эмас, пари. Парилардан нуксон топса бўлади, лекин буларнинг хуснинан тариқча нуксон топиб бўлмайди. Қишлоққа жамики республикалардан совчилар келади. Не-не номдор артистлар, номи оламга кетган олимлар, атоқли шоирлар шу ердан уйланишган. Ҳатто «Бахор» ансамблида ҳам кумушсойлик қизлардан учтаси бор.

Қачон янги кино олинадиган бўлса, бош ролда ўйнаш учун Кумушсойдан қиз олиб кетишади.

Шундай қилиб, Кумушсой қизлари ҳар тарафга учирма бўлиб кетаверишиди. Ҳожиниса опа шу тўғрида кўп ўйлайдиган бўлиб қолди. Раисга: «Қизларимиз бошқа ёқка кетиб қолаверадими?» деганда, раис елкасини кисиб: «Қўнгил-да, ҳар ким хоҳлаган ошини ичади», деб ланж жавоб қилганди. Ҳожиниса опа оддий бир кетмончи аёл эди, гапи кимга ҳам ўтарди. Аммо тўрт йилдирки, у бригадага бошлиқ. Мехнат Каҳрамони деган унвон олган. Область Советига депутат бўлиб сайланган. Энди қўлини қаёққа узатса етади. Раис ҳам у билан хисоблашадиган бўлиб қолган. У ишни бригададан йигитларни ҳайдаб, қизларнинг ўзини қолдиришдан бошлади. Биринчи мажлисида: «Менинг рухсатимсиз эрга тегмайсанлар», деган масалани ўртага қўйди.

— Агар йигит-яланг бригада ерини оёкости киладиган бўлса, мендан ўпкаламайсанлар. Мард бўлса, совчи юборсин. Совчиларни ўзим мана шу шийлонда иззатиикром билан қутиб оламан.

Қизлар чувиллашиб бири астойдил, бири қўнгил учун хўп, деган бўлишиди. Ана шундан кейин Ҳожиниса опа

бригадага олиб борадиган йўл бошига: «Чет кишилар кишиши тақиқланади. Штраф 15 с.» деб ёзиб қўйди.

Иш пайтида пакал четидан қизларни имлаб чакиради ган йигитлар кўп бўларди. Тахтачадаги ёзувни писанд қилмайдиганлар ҳам кўп эди. Ана ўшанақаларни ушлаб, тахтача олдига олиб келишар, бурнини тахтага ишқаб:

— Ўки, ўки, нима деб ёзилган? — деб сўрашарди.

— Ўн беш сутка жазо, — деб жавоб қиларди масхара қилиб йигит.

— Йўқ. Тушунмабсан, — дерди Ҳожиниса опа. — Ўн беш сотих ер чопасан, деган гап бу.

Ана шундан кейин қўлга тушган йигитнинг уст кийинмини ечиб, майкачан қолдиришар, қўлига кетмон бериб, ер чопишга мажбур қилишарди.

Кунига иккича йигит қўлга тушар, шу йўсун киркэллик сотих ўзга чопиқдан чиқарди.

Колхоз механизаторлари эрталаб идорада иш таксимотида раисдан қизлар бригадасига юборишни сўрашарди. Бир кун ишлаб эртасига келмайдиган бўлиб кетишарди.

Шукур деган кош-қўзи попукдек тракторчи йигит кўпдан шу қизлар бригадасида бир кун бўлса ҳам ишлаб «яйраш»ни ният қилиб юрарди. У ниятига етиб, тракторини тариллатиб, Ҳожиниса опанинг ерига илжайиб келиб қолди. Якtagини ечиб, шийпон қозигига илдию олифта юриш қилиб тракторига ўтириди. Чой ичмай ишга тушиб кетди.

Қизлар у пайкалга кириб кетиши билан яктагининг елкасига қизил помадада иккича жойга лаб нусхасини туширишиди. Ҷўнтағига духи сепилган, чети гажим рўмолча солиб қўйишиди.

Шукур кечқурун ҳамма қизлар билан маза қилиб, қўл бериб хайрлашиб уйига кетди. Аммо эртасига юз-қўзи тимдаланиб, идорага дод деб келди. Хотини чўнтағидан духи сепилган чети гажим рўмолча топиб олиб, унинг устига, яктагида қип-қизил лаб изини кўриб, қипти тўполонни, қилип тўполонни!

Ана шундан кейин, Шукур қизлар бригадасига иккичи қадам босмайдиган бўлиб, бадар кетди.

Эртасига бригадага бошқа механизатор келди. Униси хушёрроқ экан, ечган кийимини қийиқчага тугиб, кабинага олиб кириб қўйди. Тушлиқда шийпонда овқатини еб, хотиржам мудради. Аммо қизлар ҳам бўш келмади. У мудраганда, кошига ўсма суртиб қўйишиди. Бечора кечқурун уйига бормай, ўргонинг «қуёв чакирди» тўйига борибди. Бўпти кулги, бўпти кулги.

Ана шундан кейин ёшгина, уятчангина механизатор бола келди. Онаси уни анчадан бери уйлантираман деб, муносиб келин тополмай юрганди. Қаёққа совчиликка борса, ўғлингиз латта экан, деб қайтаришарди. Бугун онасининг маслаҳати билан йигитча атайин киз танлагани шу бригадада ишишга келганди. Бригада қизлари бир қарашибдай үнинг бўшанглигини билишди. Лакиллатмоқчи бўлишди.

Тушлик пайтида овқатланиб бўлиб, қизларнинг бирин дўпни тикар, бошқаси шеригига соч ўрдиради. Сожида деган шаддод киз бурма болишини бағрига босиб ётаркан, бир чеккада хўриллатиб мастава ичаётган йигитчага гап хотди:

— Дадаси, овқатингизни ичиб бўлдингизми? Келаколинг энди, ўринни иситиб турибман.

Йигитчанинг қўлидаги коса тушиб кетай деди. Ўзилавлагидай кип-қизаридай кетди. Аввалига киприкларнини пирпиратиб турди-да, кейин: «Э, бор-э», деб шарт ўрнидан туриб, девор орқасига ўтиб кетди. Аммо Сожида ҳамон бўш келмасди.

— Ҳой дадаси, ўсма сиқяпсизми, мунча ҳаяллаб кетдингиз?

Йигитча бошидан дўпнисини олиб, тиззасига икки-уч марта шапиллатиб урдию даланинг ўртасидан орқасига қарамай кетди. Шу кетганча кайтиб қорасини кўрсатмади.

Ҳожиниса опа қизларнинг шаддодлигидан ташвишга тушиб қолганди. Бригада ерига механизатор зоти қадам босмайдиган бўлиб кетди. Опанинг ўзи яхшигина механизатор эди. Ҳазилнинг таги зил бўлиб кетганидан, ноилож ўзи трактор бошқаришга мажбур бўлди. Ёнига икки-уч кизни олиб, руль бошқаришни ўргата бошлади.

Ишк дегани бошқача нарса экан. Йигитлар барибир паналаб, жўяклар орасидан эмаклаб бўлса ҳам киз имлагани келишарди.

Киз болани такик билан ушлаб туриб бўлармиди. Улар ўрик коқиб келиш, олма териш, молга ўт юлиш баҳонаси билан четта чиқиб дийдор кўришиб туришарди.

Бугун мен катта йўл бўйида опанинг шийпонига караб, кирайми, кирмайми деб ҳардамхаёл туардим. Бир маҳал кизил «Жигули»ни гуриллатиб, Ҳожиниса опанинг ўзи келиб қолди.

— Ха, нима қилиб турибсиз?

Мен тахтachedаги ёзувни имлаб кўрсатдим.

— Сизга мумкин, — деди Ҳожиниса опа кулиб. — Бу ёзув ошик йигитлар учун.

У бу тарафдаги «Кўриқхона» деган ёзувни кўрмаган экан, жаҳл билан юлиб олдию кабинага ташлаб қўйди.

— Аламзада йигитлар килган, эътибор берманг.

Машинага ўтирдик. Йўл-йўлакай «Кўриқхона» сўзининг маъносини чақишига уринардим. Назаримда, бу дала, бу бригада ерлари чиройли қизларни сақлайдиган кўриқхонадай эди.

Ярим йўлга етганимизда, садакайраоч тагидан бир йигит чўчиган мусичадай патирлаб тура қочди.

— Анзиратга келган. Югуршида область чемпиони. Бир ойдан бери тутолмаймиз. Барibir тутаман. Қопқон қўйиб бўлса ҳам тутаман. Бурнини ерга ишқаб ишлата-ман.

Зимдан Ҳожиниса опага қарайман. У ниҳоятда кўхлик аёл эди. Тўмтоқ кошлари, чакнаган қўзлари бир кўрганини довдиратиб қўярди. У машинани бир маромда юргизар, кабинага кирган шамол ўримга сўз бермаган соч толаларини елкасидан олиб бўйнига ташлар, юзларини беозор савалагандек бўларди.

Ғўзалар бир текис чопилган. Аммо йўл ёқасидаги салкам бир гектарча ерда унча-мунча ўт қўриниб қоларди.

— Опа, ергизга ўт оралаб қоптими? — дедим.

— Парво қилманг. Эртагаёқ ораста бўлади. Бу ошиклар участкаси.

Маълум бўлишича, қоидани бузиб қиз имлагани келган йигитлар қўлга тушганда, чопиш учун қолдирилган участка экан.

Шийпонга етиб келдик. Шийпон эмас, янги тушган келиннинг уйи деса ҳам бўлади. Ҳаммаёқ озода, ораста. Атроф чиннидек супурилиб, қўлоблаб сув сепилган. Ариқ бўйида каттакон сариқ самовар вақирлаб қайнаб турибди. Деворда журнallардан қийиб олинган хинд киноартистларининг суратлари. Шу пайт орка тарафдан овоз эшитилди:

— Ҳожи онага тўқсон бешдан дамла!

Ҳожиниса опа кулиб қўйди.

— Куриб кетмагурлар, каттиққўллигим учун шунака деб чакиришарди. Ўзим ҳам ўрганиб кетибман. Аччиғим чикмай қўйган.

У гапини тугатмаган ҳам эдики, тутзор томондан қизларнингчувиллашган овози эшитилди. Ўша тарафга қарадик. Беш-олти қиз боя қайраоч тагидан кочган чемпион йигитни судрагандек олиб келишарди. Йигит қизлар қўлидан кутулишга уринмас, гўё тақдирга тан бергандек, индамай келарди.

— Ха, кўлга тушдингми? Ўн беш сотих чопасан.
— Тан бердим, опа.
— Кўйлагини ечиб олинглар, — деди Ҳожиниса опа буйруқ оҳангидга.

— Менинг ҳам битта шартим бор, — деди йигит ялингандек. — Чанқаганимда чойни Аңзират оборсин.

— Яна нимани кўнглинг тусайди? Ўша жойга пақирда сув обориб кўяминиз, истаганингча ичаверасан. Гап тамом. Қўлига каттароқ кетмон беринглар.

Йигит бошқа бир сўз демай, йўл бошлаган қиз орқасидан кетмонни судраб кетди.

Кун оғиб, узок-яқиндан бузоқларнинг маърашлари эшитила бошлаган эди. Опа билан хайрлашиб йўлга тушдим. Боя ўт босибди, деган жойимда чемпион йигит кора терга тушиб фўза чопарди. Узоқда қўлига чойнак ушлаб турган Аңзират яқин келолмай, опанинг кўзини шамғалат қилиш пайдада эди.

— Ха, куёв бола, — дедим кулиб. — Ахвол қалай?

Йигит кетмонини бир дам марзага кўйиб, қаддини ростлади. Бошини сарак-сарак қилиб илжайди.

— Ҳамма дардга бор даво, ошиқнинг дарди бедаво, деб бекорга айтишмаган экан.

— Ия, шоир экансиз-ку, оғайни.

— Шоир ҳам галими, — деди у, — халқ шоири, деяверинг.

У билан хайрлашиб, йўлимга кетдим. Орқадан кетмоннинг қарс-қарс ерга урилиши эшитилиб турарди.

СУЯНЧИҚ

Нима бало бўлдию Қумри холанинг Мозамбик деган юртни кўргиси келиб колди. Аслида-ку у бунақа мамлакат борлигини билмасди. Каёқдан невараси рангли телевизорни бураб кўйган экан, Мозамбикда пахта экинга ёрдамлашаётган ўзбек мутахассислари орасида қорақалпоғистонлик мусобақадоши Гулойим Ширимбетова экранда лоп этиб кўриниб қолса бўладими! Ие, Гулойим борган жойга мен боролмайманми, дедиу ўша ёқка бориш ҳаракатига тушиб колди.

— Ҳой, менга қара, — деди чоли Шодмон ота. — Ёшинг бир жойга бориб қолган кампир бўлсанг, узок юртларда бир бало бўлиб қолсанг, ҳаммага ташвиш бўласан-да. Бу ёғини ўйладингми?

Қумри хола шу одамга текканига эллик йил бўлган бўлса, эллик йилдан бери гапини ўтказиб келган.

Бирон марта тўшакда чўзилиб ётганимни кўрганимиз, йўқ, аввал айтинг, вой бошим, вой оёғим,вой белим, деганимни эшитганимисиз? Туғилганимдан буён градус даражам ўттиз олтию иккidan юқори чиқмаган бўлса, кўзим бир чакирим наридаги одам билагидаги соатнинг неча бўлганини кўрса, кулогим ўша соатнинг чиқиллаганини эшитса, хўш, нега мен бир бало бўлиб одамларга ташвиш бўларканман?! Бунақа хом гапларни гапирманг.)

— Билиб кўй, — деди Шодмон ота, — агар сен борадиган бўлсанг, мен ҳам бораман.

Қумри хола хандон ташлаб кулди:

— Вой тавба, сиз Мазамбайда нима қиласиз?

Шодмон ота шартга унинг гапини бўлди:

— Мазамбаймас, Мозамбик. Аввал номини бил.

— Гапимни бўлманг, у томонларга монтёр керак, деб сизга ким айтди. Паҳтакор керак, пахта экинши ўргатадиганлар керак. Шунинг учун бормоқчиман-да!

Чолнинг қовоқ-димоги осилиб кетди.

— Йўқ, аввал менга бир айтиб кўйинг, қачонгача боладек орқамдан эргашиб юрасиз! Дастингиздан на курортга бороламан, на қурултойга. Тўй-пўйга борсам ҳам орқамдан бола кириласиз. Мажлисга борсам, деразанинг тўғрисида термосдан чой хўплаб ўтириб оласиз. Биламан, қизғанасиз. Рашқ ўлсин, шунақа бўлса. Ёшим ўлгур етмишга етганда, қайси бели майишган чол мени опқочиб кетарди.

— Нега бўлмасам мажлисга борганингда ярим соат ойнага қараб пардоз қиласан?

— Ажин ўлгурни бекитай, дейман-да. Дурустрок кўринсам, кимга яхши? Сизга яхши. Палончининг хотини ҳалиям ўзини олдирмалти, деса ёмонми?!

Бунақа ғиди-биди гаплар уларга ош билан қатиқдек бўлиб кетган. Икковлари рўзгор қуришганларидан бери мана ўн бир бола, ўттиз иккиси невара кўрибдиларки, шу ғиди-биди тўхтамайди.

Бу ҳали ҳолва. Нақ ғалвалар бўлардики, қўни-қўшни ўртага тушарди. Хотинлар, келинчаклар, болалар томга чиқиб томоша қилишарди.

Шодмон ота унинг баланд пошнали туфлисини ўчоққа тиққанидан ҳам, бели бурма кўйлагига гугурт чакиб юборганидан ҳам бутун маҳалла хабардор эди.

Бир кун кок ярим кечаси дод-вой бўлиб қолди. Яна одам ёғилди.

Мўйловининг бир томони юлингандан Шодмонбой амаки ич кўйлакда, сочи ёзилган Қумри холани ховлида қий-

киртириб қувлаб юрипти. Ҳадеб, ўйнашингни кўрсат, дея бақиради.

Нима бўпти дeng, Шодмонбой туш кўрса Қумриниса зоотехникнинг ўғли билан ўшишаётганмиш. Шодмонбой уйқу аралаш ёнида ётган хотинини қучининг борича шапалоқлаб юборипти. Чўчиб уйғонган Қумри аввалига нима бўлаётганини билолмай ҳанг-манг бўлиб турипти-да, жонхолатда эрининг мўйловига ёпишипти. Мўйловининг бир пойини узиб опти. Ана энди томошани кўринг. Хотин-халаж, катта-кичик ўртага тушиб уларни аранг тинчтишган.

— Э, туш ўлсин, тушга нималар кирмайди. Эсинг жойидами, Шодмон?

— Дод, бу рашкчи эрнинг дастидан! На уйқумда ҳаловат бор, на ўнгимда.

Яна бир куни куппа-кундузи жанжал чиқиб қолди. Шодмонбой хотинининг жемперини боши устида айлантириб, дод устига дод соляти:

— Мана кўриб кўй, халойик. Гапларимга ишонмасанглар, манави савил қолгурни бир ҳидлаб кўринглар.

Том-тошдагилар тапир-тупир ерга сакраб унинг кўлидаги жемперни ҳидлаб кўра бошлашди. Ҳақиқатан ҳам жемпердан гуп-гуп тамаки хиди келарди.

— Кайси кашанданинг кўйнидан чиқиб келдинг? Ҳозир айтасан. Айтмаганинга қўймайман.

— Айтаман. Айтганим бўлсин. Ҳой, одамлар, гувоҳ бўлинглар. Манави шарманданинг нодонлигига гувоҳ бўлинглар. Бугун правление мажлиси бўлди. Янги бухгалтер ўлтур орқамга ўтириб қопти. Шунақаям чекарканки, асти чида бўлмайди. Чекканда ҳам кошки дурустроқ папирос чекса. Фирт тамакининг ўзини газитга ўраб чекаркан. Одамзод экану тупркулоснинг микробига тегса тил тортиримай ўлдиради-я. Тутуни ўлтур жемперларимнинг орасидан ўтиб, вужуд-вужудимга сингиб кетди-я!

Бу ҳам ўтди. Қош қорайган маҳали яна бир жанжал чиқди.

— Пиянистасан. Қайси алкаш ошифингнинг олдидан келдинг? Мана, тумонат олдида айт. Қани энди қўлга тушдингми?

— Э, боринг-э, — деганди ўшандада Қумрихон. — Кўзингиз кўрми, мана, лунжгинам шишиб ётганидан ҳам билмадингизми? Милкларим пилла бўлиб кетган. Дўхтирга бориб жаф тишмни олдиридим. Дўхтириларимга спирт суртиб қўйган. Шунинг хиди бу.

Агар бу хонадондан эллик йил мобайнида бўлиб ўтган фалваларни рақамлаб бир дафтарга ёзиб чиқилса, сони мингдан ошади, тахминан йигирмата обший дафтар тўлади.

Гал Қумри холанинг Мозамбикка кетиши масаласида бошланган эди. Ана энди шу гаплардан кейинги фалвалардан эшитинг. Шодмон ота невараларини, келину кўёвларини ўртага қўйиб уни сафардан қайтариш ҳаракатига тушди. Раисни ҳам, парткомни ҳам ўртага солди.

Албатта узок сафарга чиқадиган одам докторлар назоратидан ўтиши керак. Область касалхонасининг профессори Қумрихонни обдан текшириди. Томир уришидан тортиб, нафас олишигача текшириди. Кардиограмма қилди. Кон олди, ҳатто тупугини ҳам микроскопга солиб кўрди.

— Ёшингиз нечада, ўртоқ Ҳайитова?

- Олтмиш еттида.
- Қанақа касал бўлгансиз?
- Ҳеч қанақа.
- Қанақа дорилар ичгансиз?
- Умримда дори ичмаганман.
- Неча болангиз бор?
- Ўн бир болам бор. Невара-чеварапарим қанчалиги эсимда йўқ.

- Чекканмисиз, ичганмисиз?
- Йўқ.
- Тишларингиз ясамами ё ўзингизникуми?
- Ҳаммаси ўзимники, яқинда биттасини олдиридим. Олдиридим тушимда ёнғоқ чаққандим. Дарз кетган экан, олдириб ташладим.

— Ё тавба! — деди профессор. — Бунақа соғлом одамни энди кўришим. Юрагингиз ҳам, томир уришингиз ҳам, ўпкангиз ҳам, борингки, бор вужудингиз ўн саккиз яшар қизники билан бир хил.

— Бунданам яхши бўлардиму амакингиз рашкчи-да, кийнагани-кийнаган.

Профессор кўлларини икки томонга ёзиб ширин жилмайди.

— Агар менинг ҳам шунақа хотиним бўлса борми, рашк килиш нима экан, ҳатто кўчага чиқазмай уйга қамаб, эртадан-кечгача кўш кўзойнак билан жамолига тикилиб ўтирадим. Бунақа хотинни хотин дейилмайди, бебаҳо хазина дейилади. Бунчалик ёш, навқирон сакланишингизга нима сабаб?

Қумри хола жавоб тополмай ўйланиб қолди.

— Ким билади, дейсиз. Балки жисмоний меҳнат билан шуғулланганимдандир, балки тез-тез ювениб турганимдандир, балки бирорларни ифво қилмаганимдандир, балки бўлар-бўлмасга кўймаганимдандир, балки ҳаром емананимдандир...

— Ана, ана, — деди профессор буюк бир янгилик қашф қилгандек кўзлари яшнаб. — Э, яшанг. ҳамма гап шунда. Агар шу хилда яшаши давом эттирангиз, юз йил яшайсиз. Унча-мунича оралаган ажин чекинади. Юзларингиз накш олмадек яна қизил тортади. Чет элга боришга рухсат көгози ёзиб бераман.

Кумри хола профессор олдидан қайтиб чиқса, чоли эшик олдидаги навбатчи билан чойхўрлик килиб ўтириди.

— Ха, нима бўлди? — деди унга.

— Бўлди, соппа-соғ эканман.

Шодмон отанинг ичи зил кетди.

Эртасига райкомнинг биринчи котиби Кумри холани сухбатга чакирди. Дунёда бўлаётган сиёсий воқеалардан сўради. Ҳаммасига яхшилаб жавоб берди. БАМда нима бўлаётганини, КАМазда нима бўлаётганини, қайси космонавт қачон учгани, канча учганини сўради. Кумри хола котириб жавоб берди.

Хуллас, Кумри хола паҳтакорларга консультация бериш учун Мозамбикка иккى ойга кетадиган бўлди.

Шодмон ота уни йўлдан қайтириш мақсадида минг хил баҳона кидирарди. Охири ўйлаб-ўйлаб жуда зўр баҳона топди: кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Бир хафта ўрнидан турмади. Тинмай кечаю кундуз вой-войлайверди.

— Хотин, омонатга ўхшайман. Беш кунлигим борми, йўқми? У ёкларда юрганингда бир бало бўлиб қолсан, энгагимни ким бойлайди?

Кумри хола кўрқиб кетди. Ростанам чолининг мазаси йўқ. Овқат ҳам емай қўйди. Алаҳсираб нуқул ўлиб кетган онасини чақиради. Ҳатто васият ҳам қилди.

— Мени чикараётгандарингда орден-медалларимни битта ёстиққа эмас, ўн битта ёстиққа қадаб кўйинглар. Бегоналар кўтармасин. Урушда олган орденларимни ўғилларим, меҳнатдан олган орденларимни кизларим, медалларимни невараларим кўтарсин. Пенсия книжкамни собесга ўз кўлинг билан топшир. Янги уйланганимизда бирга тушган суратимизни катталаштириб ойнага солиб, ҳу анаву ерга илиб қўй. Хотин, сени жонимдан ҳам яхши кўярдим. Сенсиз бир минут ҳам туролмасдим. Сенсиз

қаро гўрда қандоқ ётаман? Тез-тез бошимга бориб тур. Фарид бўлиб ётмай...

Кумри хола фарёд уриб юборди. Ўша қуниёқ Мозамбикка бормайман, деб жавоб қилди. Билетлар топширилди. Ҳужжатлар бекор қилинди.

Мана шу воқеадан кейин чол ўрнидан туриб кетди. Дард кўрмагандек яна дикиллаб юраверди.

Бу айёрикни сезган Кумри хола унга таъна қилмади. Ёнида шундоқ муҳаббатли, меҳрибон, кадрдон одами борлигидан кўнгли яйраб кетди. Ишдами, кўчадами юрганда лоп этиб кўзи олдига чоли келар, ички бир хаяжон билан дунёда шундай қадрдони, суянчиғи борлигидан энтиқиб-энтиқиб кўярди.

Тезроқ уйга боришга, чолининг оғзига ёқадиган бирон овқат пишириб беришга шошиларди.

О, муҳаббат, бир кун келиб сен буюк бир суянчикка айланишингни ёшлар билишармикин?

БИР ЛАТИФА АЙТАЙМИ?

Ҳажвий фожиа

Нурматжон магазиндан ароқ олганида, «уйга бориб, ёнбошлиб майдалайман», деб ўйлаган эди. Лекин сумкасидаги шиша ҳар гал оёғига текканида эти сесканиб, оғзининг сўлаги оқаверди. Охири чидамай, чойхоначидан битта пиёла сўраб, «пича ютиб олишга» қарор қилди.

Чойхонада махалла оқсоқоллари гурунг қилиб ўтиришган экан. Нурматжон қанчалик ичагон бўлмасин, то кайф килгунча оқсоқоллар олдидан одоб билан ўтарди. Кайфи ошгандан кейин, уларни бемалол туртиб ўтиш ҳам кўлидан келарди.

У, ассалому алайкў-ўм, деб кириб келди. Чолларни кўриши билан бу ерда ичишнинг сира иложи ўқлигига акли етиб пешонаси тириши. Орқасига қайтмоқчи бўлиб турганида Абдурайим ота деган чол кўлига бир пиёла чой тутқазди. Нурматжон атрофга аланглади, девордаги: «Сииртли ичимликлар истеъмол қилиш, бедана уринтириш, қарта ўйнаш тақиқланади», деган ёзувга кўзи тушиб баттар энсаси қотди. Боя у кирганда Абдурайим ота қизикроқ гапни бошлиб кўйган экан шекилли, чоллар, бу ёғини ҳам айтинг, дегандек унинг оғзига тикилиб туршиарди.

— ...Шундай қилиб Насридин Афанди эрталаб уйғониб, оғилхонасига кирса, эшаги ўрнида бир йигит боғлиқ турган эмиш...

Нурматжон хам, бу ёғи нима бўларкин, деб кулок тутди. Абдурайим ота хикоясини давом эттириди:

— Афанди хайрон бўпти. Ҳой, йигит, кимсан, бу ерда нима қилиб турибсан, эшагим қани, дебди.

Йигит тилга кирибди:

— Мен сизнинг эшагингизман. Аслида, мен туппа-тузук бир одамнинг фарзанди эдим. Аммо қўп ичардим. Қўп ичишимдан безор бўлган дадам, эшак бўлиб қол, деб қарғаганлар. Ана ўшандан кейин эшак бўлиб қолгандим. Сиз мени сотиб олганингизда бир хафталик нораста эшак эдим. Беш йил мени миндингиз. Хизматингизни ҳалол бажардим. Бугун тонг маҳали яна одамга айландим. Едирган емларингиз ҳурмати хайрлашиб кетай, деб кутиб турган эдим.

Насриддин Афанди унинг гапларига чиппа-чин ишонди. Яқинига келиб пешонасини силади.

— Отинг нима, йигит? — деди меҳр билан.

— Мирза Баҳром, — деди йигит.

Насриддин унинг бўйнидан арконни олиб, кўчага етаклаб чиқди.

— Энди гап бундок, укам, — деди у, — иккинчи ичма, дадангни хафа килиб, яна ичворсанг, тағин эшак бўлиб қоласан. Тушундингми? Онангга, aka-укаларингта мендан салом айт. Агар яна ичиб, эшак бўлиб қолсанг, сени сотиб олмайман, шуни билиб қўй.

Насриддин эртасига бошқа эшак харид килгани бозорга борган эди, Мирза Баҳромни учратиб қолди.

— Ҳа, Мирза Баҳром, тинч-омон, шўхлик қилмай юрибсанми? — деб сўради у.

— Мен Мирза Баҳром эмасман. У киши акам бўладилар. Каминанинг оти — Мирза Раҳмон. Акам яна ароқ ичиб қўйдилар. Ҳу ана у — даллол арқонидан ушлаб турибди.

Насриддин қараса, эшаги бошини осилтириб турибди. Жаҳл билан унинг олдига борди-да, кулогига шивирлади:

— Мирза Баҳром бўлмай, хар бало бўлгин. Яна ичибсанда?! Сандақа субутсиз, ичадиган bemаза эшакни олмайман...

Бу латифани эшитиб ўтирган оқсоколлар кула-кула мулоҳаза килишга тушишди.

— Ичадиган одамда субут бўлмайди, деб шуни айтади-да.

— Муни каранг-а, шунча йил эшак бўлиб, яғири чиқса ҳам яна ичиби-я, вої ҳайвон-е...

Бу гап нимагадир Нурматжонга тегиб кетди. Абдурайим ота атайин унга тегизиб айтдими ё гапнинг пайрови тўғри келиб қолдими, ким билади, дейсиз. Нурматжоннинг қошлари чимирлди. Бир нима деб Абдурайим отани узиб-узиб олай деса, тилига гап келмайди. Негаки, шу Абдурайим отанинг ўзига неча марта иккинчи ичмайман, деб сўз бергану яна ичворган.

Нурматжон зарда билан шарт ўрнидан турди-ю, кўчага чиқди. Шу ярамас ароқни ичмасам ўлиб қоламанми, деб уйи томонга равона бўлди. Лимонад дўконининг орқасида қофоз стаканга ароқ қуйиб ичаётган йигитга кўзи тушиб, худди катта тезлиқда кетаётуб тормоз берган самосвалдек фийқиллаб тўхтаб қолди. Йигит ичиб, афтини буриштирганча дўпписининг астарини ҳидлади. Нурматжон унинг олдига қандоқ бориб қолганини билмайди.

— Укам, истаканинг бўшадими? Бериб туринг!

Ичадиган одам бир-бирига ҳамиятли бўлади. Бир-бирини кўллади.

— Бемалол, дўстим.

Нурматжон сумкасидан шишпани олиб, копқоғини тишида очиб, қофоз стаканга қуя бошлади. Стакан икки нотаниш ошна ўртасида уч марта бориб-келгандан кейин сухбат илашимли бўлди.

Гапни биринчи бўлиб ким бошлаганини у ҳам, бу ҳам эслайлмайди. Фақат Абдурайим деган чол уни эшак деганини айтганида, янги дўсти юпатиш учун юзидан чўлпиллатиб ўпгани эсида, холос.

— Шунақа дедими. Ҳафа бўлма, ошна. Дунёда ёмон одам кўп. Қани айт-чи, кимга ёмонлик қилибмиз. Мусичадек ювошгина бўлиб бир чеккада ароғимизни ичиб юрибмиз. Шуни ҳам кўролмайдиганлар бор. Ҳа, пулига чидасант — сен ҳам ич. Буни йигитнинг ҳўрози ичади.

Янги дўстининг гапи Нурматжонга жуда ёқди. Шинаванда йигитлиги гапидан билиниб турибди.

— Тўғри айтасан, кадрдоним. Зар қадрини заргар билади, чилангар нимани билади. Яна битта опчикайми?

— Кел, дўстим, эсадалик учун дўппиларимизни алмаштирамиз, — деди Нурматжон.

— Бўпти, — деди йигит.

Дўппидан кейин камарларини алмаштиришди. Ундан кейин кўўл соатларини алиштиришди. Охири яна нимани алиштирганликларини ўzlари ҳам билмай қолишиди.

Хуллас, Нурматжон кок ярим кечада goҳ эмаклаб, goҳ деворларни ушлаб аранг уйга етиб келди. Хотини, болалари ухламай, тиқ этса эшикка қараб ўтиришган экан.

Хотини унинг гиж бўлиб келганини қўрди-ю, энсаси қотганидан бетига ҳам қарамай нариги уйга кириб кетди.

— Нега салом бермайсан? — деб бакирди Нурматжон унинг орқасидан.

Хотини йигламсираб жавоб килди:

— Яна ичибизсиз-да...

Хотиннинг гапи оғзида қолди. Нурматжон бобиллаб берди:

— Нега мени эшак дейсан?

Хотин ҳайрон бўлди:

— Қачон эшак дедим сизни?

— Яна ичдингизми, деганинг, сен эшаксан, деганинг бўлади, билдингми?

У гапини ҳам тугатолмади, орқасига тисарилиб-тисарилиб охири гуп этиб палосга чалқанча йиқилди. Йиқили-ю, котди-қолди.

Бир маҳал томоги қақраб уйғонганида қаердадир, сичқонми, бир бало ниманидир тикирлатарди. Нурматжон тимирыклиниб бориб чироқни ёқди. Кўшнининг мушуғи каравот тагидан салчиб чиқиб ўзини балконга урди. Нурматжон ошхонага чиқиб умивальник жўмрагига оғзини тутиб сув ичмоқчи бўлди. Қани энди оғзи очилса. Чакклари қотиб қопти. Йикки бармовини зўр билан оғзига тикиб, пастки жағини силтаб тортди. Жиндеқ очилгандек бўлди. Гўдакка ўхшаб жўмрақдан сув сўра бошлади.

Муздек сувдан сал ўзига келгандек бўлди. Тилини аллантирган эди, танглай сип-силлик. Нима гап? Танглай тиши қани? Тепа лаби худди туюнинг лабига ўхшаб осилиб қопти. Ясама тишим ўлгур қаерда тушиб қолди экан, деб ўйлай бошлади. Бир маҳал қараса, тиши каравот тагида ётиби. Шошиб олди-ю, ювиб, лунжига тиқди. Ўзиникига ўхшамайди. Ё боя қочган мушук кечаси билан мужиб хирпи қилиб қўйдимикан? Нурматжон ясама тишини қўлига олиб, астойдил тикилиб қаради. Ростдан ҳам уники эмас. Нурматжоннинг танглай тишининг ўнг томонидан иккита кумуш қопламаси бор эди. Бунда йўқ. Ё мушук таталаб олиб ташладимикан. Нурматжон каравот тагига эмаклаб кириб, роса қидирди. Йўқ. Бу танглай тиш катта. Милкларига ёпишмай тушиб кетяпти. Ахир, тиш нозик нарса. Этик бўлса бошқа гап. Кенг бўлса пайтава ўраб кийиб кетаверасан. Ясама тишига пайтава ўраб бўлмаса...

Нурматжон кўп ўйлади. Ўйлаган билан маст одамнинг ўйлагани нима бўларди: бир нарсани ўласа, охири

бошқа нарса билан тугайди. У бирон соат чамаси ўйлаб, бирдан калласига ярк этиб кеча бирга ичган ошинаси келди. «У билан дўппимни алмаштиридим, камаримни алмаштиридим, соатимни алмаштиридим, ундан кейин нимани алмаштирган эдим, ия, танглай тиши ўлгурни ҳам алмаштирворган эканман-ку! Ошнамнинг оти нима эди? Уйи каерда эди? Оббо, энди нима қилдим?»

Боя ичган муздек сув ичида ҳазм бўлмай ётган арокка қўшилиб яна қайфини ошириб юборди.

Бундай пайтларда одам ё зўр бўлади, ё доно бўлиб кетади. Нурматжон зўр бўлмади-ю, доно бўлиб кетди. Ясама тишининг бирон чорасини топиш харакатига тушди. Балконга чиқиб чироқни ёқди. Ўғли авиомодел ясашга ишқибоз эди. Унда хилма-хил асбоб-ускуналар, елимлар бўлар эди. Нурматжон бурчақдаги яшикни кавлаштириб, сиқма елимни топди. «Супер цемент» деб аталган бу елим, дарҳақиқат, сувни сувга ёпиштиришдан бошқа ҳар қандай нарсани ёпиштира оларди. Бу гални у ўғлидан ўшиштан. Синган чойнак борми, гул туваги борми, стулнинг синган оёғи борми, барини ўғли шу елим билан ёпиштиради.

Нурматжон оғзида шакир-шуқир қилиб айланиб турган ясама тишини олди-ю, ич томонига бир қултумдан кўпроқ елим сиқиб туширди. Кейин дарров оғзини очиб, танглайига босди. У оғзини очганида ҳаво кириб, елим чунонам милкларини қисишига тушди, қани энди чида бўлса. У ҳар нафас олганида елим баттар қотар, милкларини жингиртоб қилиб ташлар эди.

Тонготар маҳали «дод-дод»дан ҳамма уйғониб кетди. Нурматжон икки кафти билан чаккларини босиб у ёқдан-бу ёқка югурап, додлар, бола-чақалари орқасидан ёргашиб нима бўлганига ҳайрон эдилар.

Уни «Тез ёрдам» олиб кетди.

Докторлар Нурматжоннинг жағига тиргович қўйиб ялтироқ омбур билан танглай тишини чиқариб олишиди. Буни қаранг, танглай тишига илашиб кабонинг битта жазидек қип-қизил гўшт ҳам узилиб чиқиби.

Лекин қўшни палатадаги беморнинг ахволи ундан ҳам оғир эди. У оғзини чанглалаганча дод солар, милкини қисаётган протезга докторларнинг қўлини теккиздирмай, яқин келганни тепарди.

Ўша палатада ётган чол унинг бақиришларидан безор бўлиб, докторларга бир маслаҳат берди:

— Носми, мурчми ҳидлатинглар. Бир акса урса, оғзидан отилиб чиқиб кетади.

Кари билганин пари билмас, дегандек, чолнинг гапи рост чиқди. Ошхонадан бир кафт мурч опкелиб бурнинг катагига сепишган эди, чунонам бир акса урдики, ясама танглай тиш экан-ку, ҳатто пастдаги иккита бутун тиши ҳам отилиб чиқиб кетди, чиқмай ўлсин, дераза онасига урилиб чил-чил килди...

Бу воқеага ҳам анча бўлди. Нурматжон ўшандан бүён маҳалла чойхонасига кирмай кўйган. Абдурайим отага бақамти келиб қолишга юзи чидамайди.

Бу ҳам майли-я, телевизорда нима айб. Айникса, «Хайвонот оламида» деган кўрсатувга сира тоқати йўқ.

Чунки эшак ҳам хайвонот оламига алоқадор маҳлук. Лоп этиб экранда кўриниб қолиши хеч гап эмас-да...

БУЗОҚ

(А. Қаҳҳорнинг газабига учраган ҳикоя)

Сотимжонни кўрмаганимга роппа-роса йигирма саккиз йил бўпти. Ўрта мактабни битирганимизда иккаламиз ҳам ўн еттида эдик.

Иттифоқо уни шу бугун учратиб қолдим. Семириб кетибди, негадир лабидан, оғзидан эски хурмачанинг иси келади.

Бундан йигирма саккиз йил олдин унинг қанақалигини айтиб берай.

Биринчи синфдан то ўниничигача Сотимжон билан ёнма-ён туриб ўқиганимиз. Тўғрисини айтсам, у ўлгудек ношуд, ўйлини топиб юролмайдиганлардан эди. Математика дарсида масалани мен ечиб берардим. Расм дарсида-ку, шарманда бўларди. Ўрдакнинг суратини ишласа, лайлакка ўхшаб қоларди. Майли, буларни ҳам гапирмай кўяқолай. Унинг антика бир қилиги бор эди. То ўрта мактабни битиргунимизча ҳам у онасини эмарди.

Катта танаффусда ҳамма буфетга кириб кетса, у уйига чопарди. Онасини миқиллатиб тўйиб эмиб, яна чопиб қайтиб келарди.

Мабодо онаси тўйгами, азагами кетган бўлса, ўшакқа бориб йўлакка чакиритирарди, эшик орқасида тикка турганча эмиб, яна бўталоқдек ўйнаб кетарди.

Сотимжоннинг дадаси у еттига кирганда ўлган эди. Ёлғиз қўл она, тирикчилик экан, анча қийналиб қолади-ю, орадан уч йил ўтказиб бошқа эрга тегади. Унчалик катта тўй бўлиб, сурнай чалинмаса ҳам, ҳарқалай одамлар келишган, яллачилар қўшиқ айтишган эди. Тўй тугаб,

келин чимишлдикка кирган эди. Биз билан раккосани томоша қилиб турган Сотимжон хумор қилиб, бирдан ўзини чимишлдикка уради. Күёв олдида уялиб ўтирган онасига ҳикиллаб, куёвнинг энсасини қотириб, тўйиб эмиб олади.

Етгингчини битирганимизда бутун синфимиз билан болалар оромгоҳига юборишган. У пайтларда болалар оромгоҳларида жуда қаттиқ интизом бор эди, болаларни ташқарига чиқаришмасди. Сотимжон бир кундаёқ озиб чўп бўлиб қолди. Онасига одам юбордик. Келиб эмизиб кетди. Шундан кейин бечора она ҳар куни келиб завтрак ва тушлик олдидан эмизиб, хотиржам уйига кетадиган бўлди.

Мана, орадан қанча вақт ўтиб кетди. Бу орада қанча воқеалар бўлди. Йигирма саккиз йил деганда уни энди учратдим.

Район ветеринария участкасига ишга ўтдим-у «Илфор» колхозидаги мол фермасида иккита сигир ҳаром ўлиби, деб эшишиб, акт тузгани бордим.

Буни қарангки, Сотимжон шу ерда ферма мудири экан. Қучоклашиб кўришдик. Ҳатто, ўпишдик ҳам. Ўпишгандан лабидан, мўйлабидан ҳали ҳам эски хурмачанинг иси келарди.

Онасини сўрадим. Бечора бундан ўн бир йил олдин қазо килган экан.

Энди иш тўғрисида гап кетди. Ферма ходимларини чакириб, иккала сигирнинг қанақа қилиб ўлганини суриштиридим.

— Бири анчадан бери касал эди. Кариб қолгандида, — дейишибди. — Аммо говмуш ўладиган эмасди. Мана, мудишимиз Сотимжон акамииздан сўранг, яхши говмуш эди. Сотимжон акамиз факат шу говмушнинг сутини ичардилар.

Унинг гапини бошқаси тузатиб қўйди:

— Ичардиларинг нимаси, эмардилар, дегин.

Шундок, шундок. Бечора жуда ювош эди, эмаётгандарида худди ўзининг бузозидек индамай, туриб берарди.

Масала менга равшан бўлди. Аммо ўлимининг сабаби равшан эмасди.

— Нима бўлиб ўлди?

— Менимча ўлимига сабаб елини ийиб колгани. Сотим акам дом отдиҳта кетган эдилар. Ўн беш кун ҳазил гапми?! Соғай десак, ўн йилдан бери соғилмаган сигир — олдига одам йўлатмайди. Бошқа сигирнинг бузозини юборсак, тениб ташлайди. Сотимжон акамга ўхшатиб мўйлаб ёпишириб эмгани борсак ҳам тениб ташлайверди. Икки

марта Сотимжон акамга телеграмма юбордик, етмапти. Бечора говмуш ўн беш кун соғилмай, эмизмай елини ириб кетди-ю, то Сотимжон акам келгунларича дунёдан ўтди.

Сотимжоннинг кўзларида ёш йилтиради.

— Шундок бўлди, говмушимдан айрилиб қолдим.

У шундай деди-ю, бирдан йиғлаб юборди. Уни юпата бошладим:

— Говмушим деб йиғлама, оқ сут берган онам деб йиғла.

Ана щундагина унинг лабидан, мўйлабидан нима учун хурмачанинг иси келганига тушундим.

ҚАРИГАН ҚАСАМ

Кампир тушида ўлиб қолганмиш. Чоли белини бойлаб йиғлаш ўрнига хиринг-хиринг кулармиш. Айниқса, жасади қабрга қўйилаётганда чоли аллақайси ашулани хиргойи қиласётган эмиш.

Кампир чўчиб уйғониб кетди. Караса, чоли бемалол хуррак отяпти. У жаҳл билан чолининг бикинига биттани солди. Чол ховлиқиб ўрнидан туриб кетди. Тирсаги ясама тиш солиб қўйилган сув тўла стаканга тегиб кетди. Стакан сўридан тушиб синди.

— Хой, бу нима қилганинг, кампир?

Кампир кўрпани елкасига тортиб ўтириб олган, чолини ғажиб ташламоқчилик ўқрайиб турипти.

— Жинни-минни бўлдингми, бу нима қилиқ?! Соат учдан ошди-я, жанжалга кундузи вақтинг етмайдими-а?

— Менга қаранг, мен ўлсан суйинасизми, хафа бўласизми?

Чол хайрон бўлди. Нима дейишини билмай бирпас анграйиб, унга қараб турди.

— Қўй, хотин, ўлма. Ўлсанг мен нима қиламан? Аввал мен кетай: доғингни қўрмасдан олдин кетай.

— Хитрийлик қилманг. Ичингиизда, қачон ўларкинсан, деб турибсиз, билман.

Чол э, боре, деб янга ёстиқка бошини ташлади.

Коқ ярим кечаси кампирнинг жанжал бошлишига кўрган туши сабаб бўлса, бунақа туш кўришиига нариги маҳалладаги Бувниса кампирнинг бева қолиши сабаб бўлди.

Бувниса кампирнинг эри ўтган ой қазо қилди. Ана, щундан кейин буларнинг турмушидан файз кетди. Кампир эри сал кеч кайтса, пиёлани чойнакка, чойнакни товокка уриб жанжал бошлайди.

Бунақа жанжалнинг ҳам сабаби бор. Чол бирон ойдан бери ховлига қарамай кўйди. Телевизорни тузаттириб келман деб дастурхонга тугиб айвонга опчикиб қўйганича, ҳали ҳам ўшандок турипти. Ҳар йили икки-уч марта хомток қилинадиган ток сўрида бир-бирига ўралишиб, узуми қайси, барги қайси билоб бўлмай қолди. Фўраснга аллақачон кул тушиб кетган. Семиренка олма ўлгир-ку, тиргович қўйилмаганидан шохлари ерга тегиб ётибди. Чол бўлса, эрталаб чиқиб кетганича кечаси қайтади. Қаёқда санқиб юради, сўраса, ҳазилга олиб, кундошингнинг рўзгорини бутляяпман, эртага томини суваб бераман, лейди.

Гапнинг очиини айтганда, бева қолган Бувниса кампир қиз пайтида кампирнинг эри билан дон олишган. Ҳатто, иккаласи ота-оналарига билдиримай қочиб кетишиганда Қўктерак деган жойдан тутиб келишган. Бувнисанинг дадаси, қизим эрсираб копти, деб зудлик билан бир косиб йигитта бериб юборган. Ўшанда кампирнинг эри, Бувнисани бир кун бўлса ҳам хотин қилмасам палон бўлай деб қасам ичиб қўйган экан. Орадан олтмиш бир йил ўтди. Кечаги ой Бувнисанинг эри қазо қилди. Кампирнинг назарида худди ўша кундан бери эри уйга вактида келмай қўйганга ўхшайди.

Мана, ҳатто, бугун тушида ҳам шу ишга алоқадор воқеанинг гувоҳи бўлди. Ҳеч бир дунёда олтмиш йиллик қадрдоми ўлганда хиринглаб куладими? Бу туш бежиз эмас. Бир балоси бор, бу чолнинг.

Чол ёнбошига ағдарилиб хуррак тортиди. Кампирга унинг бу қилиғи баттар алам қилди. Агар эртага ҳам кеч қайтадиган бўлса, онамниги кетиб қоламан, деб дилига тушиб қўйди. Қани, ёлғиз қолиб кунини кўрсин.

Айтганча кампир етмиш тўртга кирган. Онаси уни ўн тўрт ёшда туқкан бўлса, бу йил саксон саккизга кириб ҳилвираб турибди. Ўша ёкка борашибиши.

У шундай ният билан ўёқдан-буёққа ағанаб ухлаб қолди. Эрталаб чолнинг бақиришидан уйғонди.

— Афзал, турсанг-чи, фафлат босиб ётаверасанми?! (Чол уни тўғич ўғлининг номини айтиб чақиради).

Кампир шошиб қўзини очди.

— Нима дейсиз, Афзал? (Кампир ҳам эрини тўнгич ўғлининг номи билан чақиради).

— Протез тишим қаёқда?

— Мен қаёқдан билай, истаконни ўзингиз тушириб юборган эдингиз-ку, Тузукроқ қаранг.

— Карадим, истакон синифидан бошқа нарса йўқ. Бекитган бўлсанг бер.

— Вой, нега бекитаман? Кечаси Мош ўлгир девор тагида бир нимани қитирлатиб ёётган эди. Ўша жойни каранг.

Чол девор тагини қараса, ясама тиши икки бўлиниб ётиби. Мош ясама тишини суяк деб ўйлаб, бир-икки ғажиб кўрган, мазаси суякка ўҳшамаганидан ташлаб кетган эди. Чол тишини қўлига олиб бошини сарак-сарак килди. Нима қилишини билмай, анча вақтгача айвон лабида ўтири. Кейин хотининг ялингандек сўри ёнига келди.

— Афзал, сенинг протезинг менга тушармикан?

— Вой, нима деяпсиз? Афзал, сиз от жағсиз, сизга тўғри келмас.

Чол унинг гапига қарамай, стакандаги кампирнинг протез тишини олиб лунжига тикиди. Дарҳақиқат кичик экан, оғзининг ўртасида қолиб кетди.

Бир ҳисобда чолнинг тиши сингани яхши бўлди. Хадеб Бувниса ўлгирнинг олдида гижинглайвермайди.

Кампир якин бир ойдан бери унинг кийимларига дазмол босмай қўйган. Олифта бўлиб юраверадими. Чол соқолини шилта қилиб яктагига сув пуркаб дазмол босарди. Бугун тиши синиб баттар бўлди. Энди кўчага ҳам чиқолмайди.

Чолга алам қилган экан, чойга ҳам қарамай маҳаллага чиқиб кетди. Намозхон чоллардан ясама тишингни бериб тур, деб икки-учтасига ялиниб кўрди, бўлмади. Бири тўйга борадиганман, деди, бири бернамоз одамга тишими бермайман деди, бири хибсихатга тўғри келмайди, деди.

Кампир ховли супураётганда тажанг бўлиб қайтиб кирди-ю, подвалдан омбир, сим опчикиб ясама тишини бир соатча уриниб омонатгина қилиб улади. Ариқ бўйида ётган мушукка ҳокандоз отиб чиқиб кетди.

Кампир унинг орқасидан мазза қилиб қулиб қолди. Чолининг қаёқка кетганини билади. Бошқа тиши ясатгани дўхтирга кетган.

Бирдан кампирнинг юрагини ваҳм босди. Чол ўлмагур шу қилганингга мана, деб Бувнисанинига кўчиб кетсаня! Худо асрасин-е!

Чол шу кетганича коронгу тушганда қайтди. Тиши докторининг миясини ачитиб, куни билан тепасида туриб янги тиши ясатиб опти.

Чол щошиб овқат еди-ю дазмол қиздириб шимига, яхтакларига боса бошлади.

— Ҳа, мунча қистов? Уйланяпсизми?

— Шундан бошқа гап йўқми? Самарқандга кетяпман. Тўрт кунда келаман. Чемоданларимни тайёрлаб қўй.

— Самарқандда нима бор экан? Пенсияга чиққан одам уйда ўтирангиз бўлмайдими?

— Сен нимани тушунардинг. Афросиёбдан топилган сопол синиқларини текшириб кўришга қарашиборгин, дея Яҳёхон жияним чакиртиряпти.

Кампир ишонмади. Аммо бир сўзли чолга кор қилиш кийинлигидан энсаси қотиб, юзини тескари ўгирди.

— Билиб қўйинг, тўрт кунда келмасангиз, ойимникига кетиб қоламан.

Эртасига чол кетди. Кампир армиядаги ўғлига посилка жўнатаман деб почтага кетаётган эди, эшигининг олдида ўтирган Бувнисани кўриб тўхтади. Ичидা, адойи тамом бўпти-ку, деб қўйди.

Дарҳақиқат, Бувниса кампир, айникса, эри ўлгандан кейин икки буқчайиб қопти. Кўзи ҳам унча қўрмайди шекилли, кампир яқинига келганда ҳам танимади. Овозидан аранг билди. Ҳол-аҳвол сўрашиди. Кампир ундан кўнгил сўради. Бувниса ёлғизлигидан нолиди. Кейин кампирнинг тирикчилитини суриштириди.

— Турмуш ўртоғингиз омон-эсон юроптиларми? (Бувниса ҳам телевизор кўрадиган кампирлардан бўлиб, янгича гапларга ўрганиб қолган эди). Чолим ўлиб, пенсия тўхтаб қолди. Менга бермаяти. Закска қофозинг йўқ, дейди. Турмуш ўртоғингиз йўл-йўриқ биладиган одам, битта ариза битиб берармиканлар, деган эдим.

Кампирнинг хаёли бирпаста минг ёкка бориб келди. Эрим Самарқандга кетдим, деб мени лакиллатиб, Бувнисанинида бекиниб ётган бўлса-я! Йўғ-е, ўлиптими!

Ундоқ десам, чолим бир сўзли. Йигит пайтида қасам ичкан-а, бир кун бўлса ҳам Бувнисани хотин қиласасам, палон бўлай... Вой шўрим!

Тўрт кун эмас, уч кунда чол қайтиб келди. Кампирига шифон отрез, бир халтада кўйк майиз, бир халтада қовурилган нўхот, олтига нони пўлодий олиб кепти. Яҳёхон жияни билан Шохи Зинда олдида суратга тушган экан, шуларни кўриб кампир эрининг Самарқандга борганига аниқ ишонди.

Хотиржамлик яхши нарса-да, одамнинг тушига ҳам яхши нарсалар киради.

Буни қаранг, кампир яна туш кўрди. Тушида келинлик пайти эмиш. Эри негадир эшиқдан кирмай, ўз уйига девор ошиб тушаётган эмиш. Бир маҳал қараса Бувниса эрини калтак олиб қувиб келаётган экан, эри шунинг учун ҳам эшик қолиб девор ошаётган экан.

Кампир ўйғониб, тушини яхшиликка йўйди.

— Хайрият, эримнинг қасамини худо дилидан кўтариши. Бўлмаса шундок йигитни Бувниса калтак олиб кувлармиди...

Шундан кейин кампир ёнбошлаб хуррак тортаётган эрининг орқа қурагини авайлаб силай бошлади.

Шу топда эрининг улар уришиб қолган пайтларида, ху, қўша қаринглар, деган мулланинг соқоли куйсин, деб сўкишлари сира эсига келмасди.

Чолнинг соқолига ўхшаб оппоқ тонг ота бошлади.

ГЎШТИНИГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА

(1917—1991)

Хурматли ўртоқ газийта директори!

Газийтангизнинг саккизинчи сахифасида босилган фан кандидоти Найим Каримупнинг шифрий қорхатини ўқидиму тела сочим тик бўлиб кетди.

Кўй гўштининг бир килоси олтиши сўм бўлиб турган пайтда қорхатга бало борми. Ўзингизга маълумки, чоризм исканжасида инграган халқ оқ поишшонинг абллаҳлигидан бири икки бўлмай, кийими жулдур бўлса ҳам икки юзи қип-қизил, ўзи дўмбоккина бўлиб инсонийлик қиёфасини ўйқотган эди.

Улуғ Октябрь инқилоби бундай ярамас ҳолга чек қўйди. Совет фуқаросининг қомати новдадек ингичка бўлиши шарт эканлигини ўзбеклар чор Россиясининг чекка ўлкасида яшашига қарамай дарров тушунди. Халқлар отаси Иосиф Сталин улуғ Лениндан илҳомланиб: «Йўколсин бойлар!» деди. Бойлар йўқолди. Фирт камбағаллар қолди. Мамлакатимиз камбағал, одамларимиз камбағал, хазинамиз камбағал, рўзгоримиз камбағал бўлиб қолди. Худо ҳар кимнинг феълига яраша берар экан. Етмиш тўрт йилдирки фирт камбағаллик гаштини сурис келаяпмиз. Бой бўлишни асло истамаймиз. Бой бўлсак, албатта синф сифатида тутатилиб кетишимизни биламиш.

Хориждаги капитал исканжасида фарёд ураётган юртдошлиаримизга қаратади: Кўринг, ҳавас қилинг, мен совет ватанининг фуқаросиман, деб айтиш ҳукуқига эга бўлганимиз оламшумул тарихий воқеа бўлди. Раҳмат!

Қорхатда гўшт тўғрисида ҳам анча пасти-баланд гаплар ёзилиби. Очигини айтиб қўяйки, масалани гўшт ҳал қилмайди. Шу гўшт ўлгирни емасак ўлиб қолмасмиз. Гўшт емагани учун ўлса Лев Толстой ўларди. Рабинранат Тагор ўларди ва ниҳоят олти болани бокиб, ўзи гўшт ёмаган Толиб Йўлдош аллақачон, аллақачон қўкариб чиқарди!

Толстойлар, Тагорлар худонинг марҳамати билан энг узок умр кўрган инсонлардир. Толиб Йўлдош ҳам иншиооллоҳ, юз ёшдан ошганлар қаторига кирса ажаб эмас.

Доҳий васиятларига содик қолиб, гўшти кўрсак тескари қараб ўтиб кетадиган бўлдик. Натижка ёмон бўлмади. Ҳаммамиз ёппасига хипча бел бўлиб олдик.

Тўғри, бу борада принципизлил килган пайтларимиз ҳам бўлди. Айниқса, олтишинчи йилларда Брежнев халқ саломатлигини ўйламай магазинларни озиқ-овқатга тўлдириб ташлади. Ўша йилларда унинг кўкраги орденга, бизнинг курсофимиз овқатга тўлди. Ана шундан кейин семиришлар бошланди. Қора қош доҳиймиз ҳалқни гўшдан сикмаганларга этак-этак орденлар сочди, ўзи ҳам ҳовучлаб олди. Костюмининг орқа томонига ҳам орден тақди. (Олд томонида жой қолмаган эди.)

Ўша кезларни эслаганда ширин туш кўргандек бўламан. Қайта қуриш шабадаси эсиб, яйраган кўнгилларимиз янада яйраб кетди. Биз қайта қуришни меҳнаткашнинг корнидан бошладик. Халқ соғлиғига шикаст етказадиган жамики гўшт-ёғларни йўқотдик. Шунинг шарофатидан девқомат ака-укаларимиз «Богатир» деган пахлавонлар магазинига бормай «Детский мир»дан кийим оладиган бўлдилар.

Сиз, ўртоқ газийта директори, шифрий қорхатни босиб чиқариш ўрнига гўштининг инсон саломатлигига қанчалик зарар эканлиги тўғрисида мутахассислардан интервью олиб босишингиз керак эди. Афсуски, бундай қилмадингиз.

Қорхатда, қўлга тушган одам йигирма-ўттиз кишига ош дамлаб, сомса ёпиб, норин кориб, зиёфат қилишин керак, деб айтилган. Умарали Норматуп бир камбагал фан доктори, камтаргина профессор, хайратда коладиган даражада хизмат кўрсатган фан арбоби, дорилғунуннинг бирорвга зарари тегмайдиган кафедра мудири ва ниҳоят Ҳамза мукофотининг жимтина лауреатидир. Ойлик машини учма-уч зўрга эплаштирадиган, рўзгорга келин аянинг машини, кизи ва ўғлининг стипендиясини қўшмаса тирикчилиги танг ахволга тушиб қолиши мумкин бўлган иочор оила бошлиғидир.

Рўзгорини амал-тақал қилиб ўтказаётган бир профессоринага уялмай-нетмай қорхат ёзишга Найим Каримупни ким ва нима мажбур қилди?

Норматуп қўли очиқ, мард одам. Қорхатда айтилган жами таомларни бирордан қарз кўтариб бўлса ҳам пишириши мумкин.

Лекин масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Қорхат зиёфатига ўргангандар ёмғир хат, шабнам хат, киров хат,

жала хат деган янги-янги одатларни ўйлаб чиқармаслик-ларига ким кафил бўлади?

Ўртоклар, Брежневнинг хатосини такрорламайлик. Гўшт ейиш каби ўтмиш сарқитларидан қанча тез кутулсак, шунча яхши.

Ўзбекнинг нимаси кўп, оши кўп. Тирикнинг ҳам, ўликининг ҳам ошини ейди. Никоҳда ош, суннатда ош, мархумнинг йигирмасида ош, йилида ош. Э, бунақада кадли-коматдан ажralиб қоламиш-ку!

Биз бу соҳада балет раққосаларидан ибрат олишимиз зарур. Балетчилар бир ойда етги-саккиз кун овқат емай, коматларини асрайдилар. Биз ҳам шундай қилсан бўлмасмикан? Овқатни қанча кам есак, қайта қуришга шунча кўп хисса қўшган бўламиш.

Йўқолсин корхат! Йўқолсин ёғли кўй гўшти! Йўқолсин қассоб! Йўқолсин хўппа семизлар!

Биз камтар одамлармиз. Бўлар-бўлмасга мақтнавермаймиз. Қандайдир бир маҳбус қамоқхонада беш-олти кун очлик эълон қилганини бир йил газийтага ёзишди. Аммо биз етмиш тўрт йилдан бери эълон қилмасдан оч юрибмиз. Фиринг деганимиз йўқ-ку! Чунки ўша кунлари пешонамизга коммунизмнинг порлок нури тушиб турганди. Коммунизмда ифтор қиласиз, деб етмиш тўрт йилдан бўён туз тотмай рўза тутяпмиз. Бу бугунги авлодимизни коммунизмда яшашига ишонганимиздандир. Нурли даргоҳга хипчагина, кичкинагина бўлиб кириб борсак қандай яхши. Раҳмат!

Ўзбек паҳтакорларининг яна бир отаси (отамиз бунча кўп экан?) Никита Хрущев ўн беш йилда коммунизм қурамиз, деб айтган эди. Шу гапни совутмай, дарров коммунизмни қуриб олсан бўлар экан. Аттант, энди кечикдик. Ўн беш йил нима деган гап. Кўз очиб юмгунча ўтди-кетди. Ўша пайтда ўн беш йилга кесилиб кетганлар муддатларини ўтаб, қамоқдан қайтиб келарканлар биздан, коммунизм тайёрми, деб сўрамоқдалар.

Андижонда қассобларни калтаклашипти. Жуда тўғри иш бўпти. Нурли даргоҳ сари дадил кетаётган ҳалқимизни семиртирадиган ҳар қандай хатти-харакатни қоралаймиз. Юнон саркардаси Искандар Зулқарнайнми, хизмат кўрсатган артист Ёдгор Саъдиевми «Дастурхон тирикчилигимизнинг ойнасидир» деб айтган экан. Ана шундай тиник ойнамизга ҳар хил емишларни кўйиб уни хира, доғ қилмайлик.

Жаннатда кўрмоқ бор, емок йўқ, дейдилар. Коммунизм ҳам худди шунинг ўзи. Фақат фарқи шуки, унда кўрмоқ ҳам, емок ҳам йўқ. Бори ҳам талонга.

Хурматли Норматуп, иғволарга учб қорхат ёзганларга ош қилиб берманг. Акс ҳолда, келажак авлод олдида, инсоният олдида юзи қора бўлиб қолишингиз мумкин.

Найим Каримупдек қандидотларга то фан доктори бўлмагунча орамизда жой йўқ. У «Корхат» эмас, ёмонликдан дарак берувчи «Қорахат» ёзганлигини яна бир марта таъкидлаб ўтаман.

ОФТОБГА ЧИҚҚАН МУШУК

Идора бошлиғи эрталаб ишга мушугини ҳам олиб келадиган одат чиқарди. Тиззасига мушукни ўтқазиб, бир қўлида уни силаб, бир қўлида хужжатларга имзо чекадиган бўлди.

Йигин пайтида ҳам колектив олдида у мушугини силаб туриб нутқ сўзлади.

Шунда ходимлардан бирининг ғаши келиб:

— Хўжайин, ташқарида ҳаво яхши, офтоб чараклаб турибди. Мушукни қўйиб юборинг, офтобда бир яйрасин, — деди.

Хўжайин шунақа гапни бир ҳафтадан бери кутарди. У салмоқланиб деди:

— Бу мушук текинга офтобга чиқмайди.

Шу-шу бўлди-ю, идора ходимлари ойига икки мартадан мушукни офтобга олиб чиқиб ўйнатиб келадиган бўлишди. Мушукнинг офтобга чиқиши унчалик қиммат эмас. Бир кишига эллик сўмдан, холос.

Хўжайин бир йилга қолмай мушук пулидан ўғлига «Жигули» олиб берди.

АЗИЗ ВА БОНАПАРТ

(Ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод уйидан репортаж)

Азиз Абдураззоқ хона эшигини очиши билан ваннахонада сув шилдираётганини эшилди. Ичкарига кирди. Қўлювгичда битта бақалоқ шиша устига жўмракдан сув оқаяпти.

— Ё пирим! — деди Азиз ҳайратда.

У эрталаб нонуштадан кейин кўчага чиқиб кетганича таксида магазинма-магазин юриб, икки соат давомида анаву ўлгирдан бирон шиша тополмай қайтиб келаётган эди. Қаранг, худонинг ўзи бир шиша бақалоғидан юборипти. Уни кўлига олди. Қофози сувда ивиб хати ўчиб

кетибди. Зар қопқоғига қаради. Үнда «Париж, Конъяк» деган сүзлар ёзилган. Бу албатта «Наполеон», деган конъяк бўлса керак, деб ўйлади у. О, жуда қимматиданку! У шошиб шишанинг бурама қопқоғини очмокчи бўлди. Тўхтади. Шошма, балки бирор янгилишиб менинг хонамга ташлаб кетгандир? Ёзувчилар ижод уйининг хоналари бир хил. Коронғи йўлакда ракамини илғаш ҳам кийин. Йўқ, эгаси бошқа.

Қўлида бир шиша француз конъяги қилқиллаб... турганда қайси мард ўзини тия олади? Азиз турди, турди, охири нафс ғолиб қелди.

— Абдураззоқов, — деди у ўзига ўзи. — Бошингга қўнган баҳт қушини қалтак билан ҳайдама. Оч. Ич! Эгаси янгилишган бўлса, ўзидан кўрсан. Нодон бўлмаса шундек конъякни бирорникига ташлаб кетадими! Эгаси келмай туриб оч. Бир-икки култумини заҳар бости қил.

У шундай дедиу шиша қопқоғини бураб очди. Қопқоқ бир марта очилган экан, дарров бурала қолди. Шиша оғзини ҳидлаб кўрди. Бай, бай, бай! Ҳиди бўйига етган кизнинг бўйиндан келадиган исга ўхшайди-я!

Шишини деразадан тушиб турган офтоб нурига солиб кўрди. Бирар тиникки, орка томондаги жами нарса аниқ кўринади-я. У битта пиёлани тўлдириб кўйди. Кўрқиб-кўрқиб битта хўплади. Томоғига, бўғзига атири ҳиди урилди. Пиёлани бир симирища бўшатди. Боши бир ёқимли гарантиси. Иккинчи пиёладан кейин қулогига «Чўли ироқ» куий қелди. Учинчи пиёладан кейин Брежневнинг пленумдаги нутки эшитилди. Брежнев нутқ ирод қилаётганида эшитилиб турадиган тишининг шақиљлаши Қаҳрамон Даҳаев чирмандасининг тарақлашини эслатди. Кейинги икки пиёла унга шундай роҳат бағишлидики, худди уйланган кунининг эртасидаги оқшом лаззати қайтиб келгандек.

Эшик очилиб, «Азизвой», деган товуш қелди. У бошини қўтариб эшикка қаради. Үнда бошига кемани тўнтириб кийгандек қалпоқ билан Наполеон Бонапарт турарди.

— Э, Азиз, бормисан, жуда соғинтирдинг-ку. Мсье Холмирзаевни Бойсунда кўргандим, айтдими? Айтган бўлса дуруст, отасига раҳмат.

У келиб диванга ўтириди. Азизнинг мош-гурунч соқолларига меҳр билан боқди. Алпдек қоматига қараб кўзлари ўйнади.

— Кел азизим, шу тарихий учрашувимиз учун биттадан отайлик. Борми?

— Йўқ-да, оғайни, — деди Азиз хижолат чекиб.

— Бўлмаса Қибрайга чиқиб, дўкондан олиб кела қол, деди Бонапарт қалпоғини диванга бепарво ташлар экан.

— Кечирасан, мсьё Бонапарт. Пул йўқроқ.

— Сенда қачон пул бўлгандики, энди бўлади, — деди Бонапарт ўпкалаб. — Ҳамид Гуломникига, Асқадникига, Пиримкулникига бор. Биттагина шишани сендан аяшмас. Бир шиша арак одамнинг хунимики...

Азиз астойдил куйиниб гапира бошлади.

— Шунақа дейсану, Бонапартчик, Ҳамид Гуломникида Симонов, Асқадникида Мустай, Рамзникида Привалов деганлар ўтирипти. Пиримқул аканикига қандай кираман? У кишининг уйларида устод Айний домла ўтириптилар.

— Оббо, — деди афсусланиб Наполеон. — Бўлмаса Толибникига ғир этиб бориб кел. У қўли очиқ, мард одам.

— Иложи йўқ, — деди Азиз. — Беш кундан бери девонайи Машраб билан иккови жазавага тушиб кўчаларни, чойхоналарни бошига қўтариб ғазал ўқиб юришибди.

— Бўлмаса Мирмуҳсинникига бор. Мени танийди. Кисловодска бирга дам олганмиз. Йўқ, демайди. Бу масалада у жуда мард.

— Буниям иложи йўқ, — деди Азиз афсусланиб. — Мирмуҳсин аканикида Хоразмшоҳ, Темур Малик, Жалолиддинлар ўтиришипти. Хозир у ерда матбуот конференцияси бўляпти. Якинига йўлаб бўлмайди.

Бонапартнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Қоғоз тақчиллигидан фойдаланиб ҳамманг оғзаки адабиётга ўтиб кетдиларинг, шекилли. Бор, Одил Ёқубовнинг олдига бор. Бермаса хафа бўлишимни айт.

— У роман ёзаман деб Искандар Зулкарнайнни чакирган экан. Уч кундан бери эшикни бекитиб гаплашгани-гаплашган. Ҳаммаёқ қилич-қалқонга тўлиб кетган.

Бонапарт ўйланиб қолди. Энди нима қилиш керак, деган савол кўз олдида кўндаланг туриб қолди.

— Менга қара, Абдулазиз, шу якин ўтада Абдулла Қаҳхорнинг боғини олган бир ёзувчи бор дейишади. Шундан топилмасмикан?

— Топилади. Үнда ҳар хилидан бор. Фақат валютага беради.

— Долларгами, лирагами ё франкка?

Бонапарт шундай деб чўнтакларини титкилай бошлади. Анча уринди. Бирон чақа чиқмади.

— Хотиним, ярамас, чўнтағимни қоқлаб қўйган экан.

Буюк саркарда, жаҳонга машҳур император, Москвадан қочган Наполеон билан Дўрмон сultonни, Арғининг иҳтиёрий депутати Азиз Абдураззоқ иккови узок сукутда

колишиди. Охири Азиз гапни бошқа ёқка бурмоқчи бўлиб ўзига хос, телетомошибинларга, радиотингловчиларга кўпдан таниш овозда деди:

— Ўзинг биз томонларда нима қилиб юрибсан, оғайни?

Бонапарт дарров жавоб берди. Унинг жавобида қанчалар ғам, қанчалар андух борлиги яримта нокка ўхшаган бурнидан билтиниб турарди.

— Москвадан ўз иктиёrim билан қайтиб кетаётганимда бир кунимга яраб колар, деб олтинларимни йўлдаги кўлга ташлаб кетган эдим. Уша кўлни тополмай қидириб юрибман. Қидириб-қидириб Орол бўйидан чиқиб қопман. Оролнинг Ороллиги колманти. Мен бўлганимда... — у шундай дея туриб аламдан кўксига муштлади. Кўли шапалоқдек орденга тегиб интраб юборди. Жаҳт билан ордени шартта юлиб олди. — Обор, шуну Олой бозорига обориб сотиб кел, ўлдим деганда ўн минг сўмга кетади.

— Э, — деди Азиз ҳафсаласи пир бўлиб. — Ўтган бозорда Людовик XII нинг орденини зўрға икки юз элликка сотганман.

— Мени ўша ландавурга тенг килдингми? Бунақа гапни иккинчи оғзингга олма. У хасиснинг ордени темирдан эди. Менини олтин. Бриллиант бежамалари бор. Ўн мингга кетади!

Азиз унинг кўлидан орденини олди, шошганча ҳовли томон кетди. Остона ҳатлаши билан ҳандалак пўчоғини босиб олиб, оёғи тойиб кетди. Чалқанчасига йиқилди. Йиқилдию хуши жойинга келди. Қараса, кўлидаги нарса орден эмас, чойнакнинг қопкоғи.

Шу пайт ҳовлиниб Исҳоқ Ўқтамов келиб қолди.

— Азизжон, — деди у. — Эрталаб келган меҳмон эсингиздами? Хонангизда бир бақалок шиша тўла қўтирга суртадиган дориси қолиб кетиби. Битта-яримта ичиб кўймасин, деб телефон қилди. Бу дорининг бир томчиси одамни жинни қиласи, деб уч марта тайинлади.

Ўқтамов энгашиб унинг юзига қаради. Қарадию қўрқиб кетди. Мехмон уч марта тайинлаб айтган иш бошланганга ўхшайди. «Укажон, сизга нима бўлди», деб қўлтиридан кўтарди.

Азиз мингиллади.

— Менинг хонамда Кутузовнинг тенкисини еса ҳам одам бўлмаган абллаҳ, аферист Наполеон ўтирипти. Ҳайданг, уни!

— Хўп, хўп, укажон, Наполеон экан-ку, Гитлер бўлса ҳам Нюрнберггача қувиб борганим бўлсин.

Азиз қулди. Бу кулги соғ одамнинг кулгисига унчалик ўхшамасди.

НАПОЛЕОН МАМАЖОНОВ

Бу воқеани ёшлигимда тушимда кўрганманми, ўнгимда кўрганманми, эсимда йўқ. Балки ёшлик пайтларимда ўз кўзим билан кўргандирман, ё бирордан эшитгандирман. Лекин айтуб берса арзигулик воқеа.

Маҳалламиизда Мамажон лўмбоз деган девдек киши бўларди. Бўйи унчалик дароз эмасди-ку, аммо энига қаричлаб ўлчаса икки газдан ошиқ чиқарди. Ўтирганда думбаси кўймоққа ўхшаб ёйилиб кетиб уч газча доира ясарди. Корни шу қадар осилиб кетгандики, ўтирганда ерга ёзса бир кўрпачалик жойга нари кетиб қоларди. Киндиги қичиганда кўли етмай, оташкурак билан қашларди.

Унинг фарзандлари эсли-ҳушли, топармон-тутармон, тўқис, ҳамиятли бўлишиди. Улар ўз оталарини сира ўқситиб қўйишмасди. Ювинтириб, кийинтириб туришарди. Чол ўрнидан туролмас, ташқарига чиқолмасди. Шунинг учун ҳам болалари у ўтирган полнинг тагидан тешик очиб, пакир осиб қўйишганди. Чол ортиқча қийналмай, азиат чекмай, ўтирган ерида ишини битқазаверарди.

Бир куни ҳовлига ўзбекча биладиган битта ўрис билан Абдуллајон деган биолог олим кириб келди. Чол билан қуюқ қўришиб, ортиқча чайналмай мақсадни айтуб қўяқолишиди.

— Сизга бир илтимос билан ҳайвонот боғи маъмуряти номидан келдик. Африқадан олиб келган түяқушимиз овқатдан заҳарланиб, ўлиб қолди. Түяқушнинг бу хилидан дунёда атиги иккитағина қолганди. Макиён бизда, хўроzi Буюк Британияда. Яқинда уни Лондонга обориб хўроziга бостириб келгандик. Раҳматлидан икки дона тухум қолган. Уларни бостириб чиқаришга биронта ўзига мос парранда йўқ. Шу ой ичи бостирмасак палағда бўлиб қолади. У холда тарих бизни кечирмайди. Агар шу тухумларни йигирма кун босиб берсангиз, жаҳон фанига буюк хисса қўшган бўлардингиз. Номингиз тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиларди. Балки бирон илмий марказ ҳовлисига ҳайкалингиз қўйилиши ҳам мумкин. Йўқ деманг, агар муваффакият билан очиб чиқарсангиз, сизни умрбод нафака билан таъминлашни ёзма равишида расмийлаштирамиз.

Мамажон лўмбоз, кечирасизлар, Мамажон ота ўйланниб қолди. Нима деса экан? Модомики, иш шу даражага етган экан, шу арзимаган юмуш билан бутунлай йўқолиб кетаётган парранданинг наслини сақлаб қолар экан, йўқ,

дайиш гунох-ку. Йўқ, деса худонинг разабига учрамайдими? Чол ўзини ў ёққа-бу ёққа ташламай, дарров хўп деди.

— Опке, туюқшинг тухумини, ўзим яхшилаб босиб, очиб чиқариб берганим бўлсин.

Ўша куни тушликка қолмай ҳайвонот боғидан усталар келиб уйларни оқлашди. Деразаларга оқ докалар тутишди. Полларни ярқиратиб ювиб чиқишиди. Эшик ва дераза тутқичларини спирт билан артишди. «Хонага халатсиз кириш ман қилинади», деган ёзув осиб қўйишиди.

Кечга якин иккита пар ёстиққа эҳтиёт қилиб ётқизилган, ҳар бири Мирзачўлнинг қовунидек келадиган тухумларни усти очиқ «Волга»да мелиса қўриқчилигига олиб келишиди.

Отахоннинг кўпчиган хамирдек килкиллаб турган корнининг киндик томони тагига патнис тиқиб аста қўтаришиди. Ўрис олим қорин тагига эмаклаб кириб иккита тухумни қўйиб чиқди.

Шундан кейин айвонга иккита йиғма каравот қўйилиб, устига охорли оппоқ филоф кийдирилган кўрпа-ёстиқлар тўшалди.

Мелисадан одам келиб, кўча бошига мошин киришини тақиқловчи белги билан «объезд» деган тахтacha илиб қўйди.

— Отахон, — деди ўзбек олим. — Менинг фамилиям Абдуллаев. Манавунинг фамилияси Соколов, билиб қўйганингиз яхши.

Икки олим унинг атрофида гирдикапалак бўлиб айланышар, сув деса сув, ош деса ош, оғзидан чиқмай муҳайё қилишарди. Кунига уч-тўрт маҳал кўлтиғига филнинг иссиқлигини ўлчайдиган бир ярим газ келадиган харорат ўлчагични қўйиб қўришарди. Йўталса иккови баб-баробар сакраб туришарди.

Шу алпозда йигирма икки кун ўтди. Ҳамон жўжадан дарак йўқ.

Бир куни Абдуллаев отага деди:

— Отахон, синглим қизини чиқазаётган эди. Бир кунга рухсат берасиз. Эрталабки ошни ўтқазаману орқамга кайтаман, сизга Соколов қараб туради.

— Боравер, болам, бемалол тўйинги ўтказиб кела-вер, — деб унга рухсат берди Мамажон ота.

Авжи саҳар пайти эди. Осмон тўла юлдузлар биринкетин кўз юма бошлаган фараҳли тонг палласида чолнинг киндиги тагида бир нима чирс эттандек бўлди. Сал ўтмай кетма-кет чирсиллаган товуш қайтарилаверди. Худди ўша ерида нимадир ғимирлаётганга ўҳшади. Ўҳшади эмас,

росмана ғимирлади. Чол қўркиб кетди. У ўрис тилини яхши тушунарди-ю, гапириши «твоя-моя» эди.

— Сакалўп, — деди у ташвишли бир товушда. Моя живёт землетресения делает.

Соколов аввалига чол нима деяётганига тушунмай сэррайиб турди. Кейин бирдан ўйинга тушиб кетди. Шу ўйнаганича кўчага чиқиб, икки йигитни бошлаб кирди.

— Ну-ка, патсани, бабайский живёт поднимим.

Икки йигит чолнинг қорнини кўрпанинг қатини очаётгандек қилиб кўтариб туришиди. Соколов қорин тагига эмаклаб кириб кетди-ю, сал ўтмай иккита лўмбоздек жўжани кўтариб чиқди.

— Айда маладес, айда Мамаджан, — деб қичкиради у. — Один петух, одна маржа, айда маладес.

Агар йўлингиз тушиб қолса, шахримиздаги ҳайвонот боғига бир киринг. Албатта, киринг. Паррандалар сакланадиган жой олдида бир дам тўхтанг. Тепасига «Мамажон отанинг фарзандлари», деган ёзув илингандан катакка қаранг. Унда етти-саккизта туюқуш жўжаси диконглаб ўйнаб юрипти. Буни қарангки, гердайиб юрган битта жўжахўрзини Наполеон Мамажонов деб чақиришар экан.

Ишонмадингиз-а? Майли, ихтиёр ўзингизда.

БЕБОШ ҚАЛАМНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

(Турсунбойнинг олтин кони)

Абдулла Қаххорнинг боғига Турсунбой деган бир паҳлавон йигит тез-тез келиб турарди. У боғда гулларнинг тагини чопар, ўт юлар, даражатларни суборарди. Абдулла ака ундан пулни аямасди. Кибриё опа ўтин ёрдириб, даражатларнинг қуриган шоҳларини кестириб Абдулла акага билдиримай пул берарди. Абдулла ака ҳам унга машина ювдириб Кибриё опага билдиримай чўнтагига пул солиб қўярди. Турсунбой кетар чоғида Абдулла ака: «Қани Кибриё, Турсунбойнинг меҳнат ҳакини беринг», деб яна икки кишини номидан пул беришарди.

Хабиб Абдуллаев, Халил Раҳматуллин, Муҳаммаджон Ўрзобоев ва Ҳадиҷа Сулаймоновалар малинахўрликка келишиди. Дастурхон тўкин. Ҳабиб ака Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари тўғрисида, олтин ҳам, жез ҳам, нефть ҳам истаганча топилишини гапириб ўтиради.

Шу пайт боғ этагида ўт юлаётган Турсунбой дарахт панасига келиб, Абдулла аканни имлаб чакирди. Абдулла ака нима гапи бор экан, деб ёнига борди. Турсунбой уни

етаклаб боғ этагига бошлади. Ниманидир астайыдил ҳаяжон-ланиб гапиради. Бир оздан кейин Абдулла aka кула-кула қайтиб келди.

— Нима гап, тинчликми? — деди Ўрзбоев.

— Турсунбой тушмагур олтин кони топиби. Эртага бориб иккаламиз қазиб олайлик, деяпти. Ўзингиз қазиб олаверинг, менда олтин кўп, дедим.

Мехмонлар бу содда, довдир одамнинг гапидан кулиб кўя қолишиди.

Кечкурун Турсунбой юз-қўлини ювиб сўрига келиб ўтириди. Абдулла aka бояги гапни сўради. Турсунбой нима деганини эсломади. Абдулла aka қанча айлантирса ҳам нима деганини билмади.

Олтин кони масаласи унинг калласига бир келиб қайтиб кетган эди. Абдулла aka ундан: «Энди нима қилмоқчисиз?» — деб сўради.

— Қишлоққа бориб қариндош-уруғларни шилдим. Ҳамма жиянларимдан, тоғаю поччаларимдан уч сўм-уч сўмдан олдим. Ҳозир белимда эллик етти сўлқавой бор. Белим бақувват пайтида Москвага бориб бир ўйнаб келмоқчи-ман. Ўшанақаси Намангандаги ҳам ўтиб келаман, — деди Турсунбой.

Абдулла aka унга ҳазил қилди.

— Мен ҳам бирга борардиму пулим йўқ-да.

— Ташвишланманг, Абдулла aka, эллик етти сўм икко-вимизга бемалол етади. Ортганига совфа-саломлар оламиз. Вақтимиз бўлса Хрушевни ҳам бирров кўриб чиқамиз. Ўзбекларнинг одамгарчилигини кўрсатиб қўяйлик.

Маслаҳат билан икковлари Москвага борадиган, хара-жатларни Турсунбой қўтарадиган бўлди.

Эрталаб нонушта пайтида Абдулла aka, энди нима қила-миз, деб сўради. Турсунбой кеча нима тўғрида гаплашганини бутунлай унуганди. У вокзалнинг орқасидаги ка-салхонага бориб, тоғасини кўриб келмоқчилигини айтди...

Абдулла aka оламдан ўтгандан кейин Турсунбой кўрин-май кетди. Ким билади, у Хрушев билан учрашдими, ўзбекнинг кимлигини кўрсатиб қўйдими, билолмадик.

ҚИЛИЧ КЕСОЛМАГАН БОШЛАР

Фафур Фулом Аҳмаджон заргар деган бир қадрдони билан боғ сайрига бориб, беш кун қолиб кетди. Ҳаёл билан бўлиб уйга огохлантириб кетиш эсларига келмабди.

Беш кундан кейин қайтиб келиб, уйга қандоқ ки-ришни билмай, ўйланиб қолишиди. Аҳмаджон aka кўча-

даги автомат телефонданFaфур аканинг уйига қўни-рок қилди:

— Мухаррам опа, хавотир олманг, Faфур aka бизни кида эдиштар. Андижондан меҳмонлар келишган эди, кўлио лишнинг сира иложи бўлмади. Бугун албатта борадиглар. Хотиним бечора меҳмон кутаман, деб чарчаб колди.

Мухаррам опа жавоб қилди:

— Хотинингиз сизни қидириб бизнисига келгандар. Ҳозир ёнимда турнитилар. Трубкани берайми?

Аҳмаджон aka бўшашиб трубкани жойига илиб қўйди.

Иш чатоқ. Энди ҳеч қанака баҳона ўтмайди.

— Аҳмаджон, — деди, Faфур aka. — Қўлга тушдик. Этилган бошни қилич кесмайди. Айда кетдик.

Икки ўртоқ дастрўмларини оқ байроқ қилиб эшик-дан киришди.

— Таслим бўламиз, бир қошиқ қонимиздан кечинглар, — дея гуноҳ қилган ёш боладек ҳикиллаб туравериши-ди.

Мухаррам опанинг кечиришдан бошқа иложи қолма-ган эди.

ҚАЙСИ ОЙБЕК?

Ойбек aka янги асар устида ишлатётгандада жуда хаёлчан бўлиб қоларди. Бир марта кўришган одам билан кўзи тушиб қолса, яна кўришаверарди.

Домла Союз деворий газетасининг 1 май сонида: «Ойбек янги романини тугатиш арафасида» деган ахборотни ўқиб туриб:

— Ойбек? Қайси Ойбек, оббо ўйдайган-е, — деб юборди.

Шундан кейин хуши ўзига келиб, деворий газетага, кечирасиз-да, деб, залга кириб кетди.

БЕЛИМДАН ЮҚОРИСИ ИШЛАМАЯПТИ

Союзда мажлис бўладиган эди. Ойбек билан Faфур Фулом учрашиб қолишиди.

— Фофир, — деди Ойбек. — Мажлиста кирасан-а? Бир кўп масалалар бор.

— Мазам йўқрок, — деб баҳона қилди Faфур Фулом.

— Ия, нима бўлди, ўртоқ?

Faфур aka чап кўкрагини кўрсатиб, шу ерим қаттиқ оғриб турнити, деди.

Бир оздан кейин иккови яна учрашиб қолишиди.

— Фофир, мажлисга кирасан-а, бир кўп масалалар бор.

— Мазам йўқ, — деди Фофур ака.

— Ия, нима бўлди, ўртоқ?

Фофур ака аввал қайси кўкрагини кўрсатганини унтиб ўнг кўкрагини кўрсатди.

— Шу ерим жуда оғриб турипти.

— Боя чап кўкрагим оғрияти дегандинг. Энди ўнг кўкрагингни кўрсатяпсан. Мени лақиллатяпсанми, ғўдайган?

Фофур Фулом дарров жавоб қилди:

— Э, оғайни, умуман, белимдан юкориси мутлақо ишламай кўйди.

Ойбек аканинг унга раҳми келди.

— Ундоқ бўлса дарров уйингга бор. Шофферга айтаман, обориб кўяди.

Фофур ака унга миннатдорчилик билдириб, машинага ўтириди-ю дўсти Аҳмаджон заргарнинг тўйига равона бўлди.

ЛУЧЧАК ШАФТОЛИ

Хоразмлик шоир Раҳим Бекниёз умрида луччак шафтолини кўрмаган экан. Абдулла Қаҳхорни кўргани боғига киргандга домла дастурхонга ялтираб турган бир сават луччак шафтоли кўйди.

— Ия, — деди Раҳим Бекниёз, — домла, бу шафтолиларнинг жуни қани?

Абдулла Қаҳхор жавоб қилди:

— Раҳимжон укам, сиз келасиз, деб шафтолиларни Қибрайдаги сартарошхонага опчиқиб жунини кирдириб келдим.

— Раҳмат, раҳмат, домла, бекорга овора бўпсиз-да, — деб миннатдорчилик билдириди Раҳим Бекниёз.

«КАЗБЕК» ТЕКИНГА ТУШДИ

Бир шоир (хозир Халқ шоири унвонини олган) Шайхзода домладан 200 сўм пул қарз олиб, бормай қочиб юрганди.

Домла пулдан кўнгил узолмай юради. Бир куни у Туроб Тўла билан учрашиб қолди.

— Бир иш бор, шоир афандим. Агар эпласангиз, осонгина 150 сўм ишлаб оласиз. Бир шогирдимиз мендан 200 сўм пул қарз олган. Шу қарзни сизга 50 сўмга сотаман, оласизми?

— Инсоф қилинг, Шайх ака, — деди Туроб тўла. Миртемир домла ўша шоирга қарз берган 500 сўм иулини менга уч сўмга сотдишар. Агар хўп десангиз, ўша икки юз сўмингизга икки сўм берай. Ўндиrolmasam нақд икки сўмга куйиб қолишим мумкин.

Шайхзода ўйланниб туриб қўлини силтади.

— Бўйти. Унмайдиган 198 сўмдан нақд икки сўм яхши. Бўгун ўнг ёнбошим билан турган эканман, икки қадам босмасидан икки сўм ишладим. Қани, чиқазинг, шоир. Бир пачка «Казбек» текинга тушди!

ҚОВУН ТУШИРАЙ ДЕБМАН-КУ!

Миртемир домла кейинги пайтларда яхши эшитмайдиган бўтиб қолтандилар. Туйғун деган шоир вафот қилган куни жанозага машинасиз борақолтай, деб кўчадан такси тўхтатдим. Карасам, таксида домла Миртемир бир қучоқ гул кўтариб ўтириптилар. Аввалига, китобхонлар билан учрашивдан келяптилар, деб ўйладим. Аммо ёнларидағи ўриндиқда бир коробка «торт» билан тўрхалтада иккита коњякни кўриб ҳайрон бўлдим.

— Йўл бўлсин, домла? — дедим.

— Туйғунникига. Союздан телефон қилиб соат иккита Туйғунникига келинг, дейишди. Тўйга куруқ бормай, деб магазиндан у-бу олдим.

— Домла, — дедим, — Туйғунникида тўй бўлаётгани ўйқ. Бечора бандаликни бажо келтирипти. Пешин намозида жанозаси ўқилади.

— Ия, ия, оз бўлмаса қовун туширай депман-ку.

У шундай деб, шоффернинг елкасига қўлини кўйди.

— Бўтам, орқага қайт. Манавуларни уйга ташлаб, кейин борамиз. — Сўнг домла менга ўғирилиб: — Жанозадан кейин бизнисника келамиз. Икковимиз манавуларни ичиб, Туйғуннинг «поминка»сини ўтказамиз, — деди.

ҚАЙТИБ БЕРМАСАНГ ҲАМ МАЙЛИ

Туйғун Ёзувчилар уюшмасида партком секретари эди. Ўша кезлари ёзувчилар пайдар-пай қамалиб турган пайт.

Собир Абдуллани «Алломиш» пьесаси учун нари обориб, бери опкелиб турган эдилар. Собир ака ана олиб кетади, мана олиб кетади, деб кечаси кийимини ечмай, тайёр бўлиб, тиқ этса эшикка қулоқ солиб ётарди.

Союздан секретар ўрис хотин телефон қилиб эрталаб

соат ўнга зудлик билан ўртотк Туйғун Шуқуржоновга утрашинг, деб хабар қилди.

Собир ака Саодат опа билан, бола-чақалари билан, кўришолмай қолсак хайр энди, деб ҳаллослаганча уюшмага етиб келди. Қабулхонада бир соат ўтириди, икки соат ўтириди, уч соат ўтириди. Туйғун у ёкка ўтади, индамайди, бу ёкка ўтади, индамайди. Охири, тоқати ток бўлган Собир Абдулла эшикни очиб кўрка-писа ичкарига мўралади. Туйғун:

— Киравер, Собир. Бу ерда нима қилиб юрибсан? — деб сўради ундан.

— Соат ўнга чакирган экансан. Нима гап, тинчликми? Очигини айтавер, ҳаммасига тайёрман.

Туйғун унинг гапларига тушунмай ҳайрон эди.

— Айтавер, айтавер, нима гап?

Туйғун узок ўйлангандан кейин гапи ёдига тушди:

— Ха, энди эсимга тушди. Рӯзгорга пул қолмаяпти. 50 сўм қарз сўрамоқчи эдим. Шунга чакирдим. Ойлик чикқанда қайтариб бераман.

Собир ака севиниб кетди. Ёнидан бир даста пул олиб столга ташлади.

— Шу икки юз сўмнинг ҳаммаси сенга. Қайтиб бермасанг ҳам майли.

У шундай деди-ю, тезроқ уйга бориб, бола-чакаларини тинчтиши учун хонадан ўқдек отилиб чиқиб кетди.

ЮР, ЮВАМИЗ!

Урушнинг охирларида «Бадавлат келин» деган ҳикоям «Ёшлар» газетасида босилган эди. Ҳикояда урушдан қайтиб келиб уйланомай юрган бир йигитнинг заёмдан 25 минг сўм пул ютгани ва шу пулга уйланиб олгани тасвирланган эди.

Ҳақиқатан ҳам ўша йилларда тириклик оғир, қимматчилик эди. Йигитлар тўйга пул тополмай осонгинаси шу, деб фронтдан уйланиб қайтишаётган эди.

Ўша ҳикоямни «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Бизнинг воқеалигимизга тухмат, фаровон хаётимизни коралаб кўрсатган» деб ёзиши.

Ўша куни редакция олдида хафа бўлиб турган эдим,Faфур ака келиб қолдилар. Ахволимни кўриб, сенга нима бўлди, деб сўрадилар. Мени газетада уриб чикканларини айтдим. Домла қулдилар.

— Вой тентак-е. Шунга хафа бўлиб ўтирипсанми? Биласанми, бир пайлар мени уриб чикмаган газета

қолмаган. Ҳатто Қўйлиқдаги корейслар газетасида ҳам дўппослашган. Бу ҳам майли-я, Ачавотдаги лўлилар маҳалласида чиқадиган «Қизил лўли» деворий газетасида ҳам «Faфир Филом вараг народ» деб ёзган. Фельетон бўлмаган ҳофиз ҳофизми, газетда урилмаган ёзувчи ёзувчими. Айда, кетдик. Газетада урилганингни ювамиз.

Кечгача Faфур ака билан юриб, хафачилигим ёзилиб кетганини билмай қолибман.

МАЗА БИЛМАСЛИК ДАРДИ

Дилда дардинг бўлмаса,
Сардафтаримни ковлама.

МАШРАБ

Бир ошнам бор. Овқатнинг мазасини билмайди. Паловми, шовлами, шўрми, нордонми, унга барибир. Ишқилиб, овқат бўлса бас.

Бир куни ундан, маза билмайсан-ку, еган овқатингдан қандай роҳат қиласан, деб сўрадим.

— Таним роҳат қылганини ўзим билмаслигим мумкин. Ҳаёт учун мазанинг аҳамияти йўқ. Гап мазмунда. Қозонга гўшт тушганини, ёғу гурунч тушганини кўриб турсам, бўлди, бу масалликларнинг инсон ҳаёти учун қандоқ аҳамияти борлигини биламан.

— Шакар билан тузни қандоқ фарқ қиласан? — деб сўрайман ундан.

— Бу жуда осон нарса. Масалан, столнинг бир томонига жичча туз, яна бир томонига жичча шакар сепиб қўяман. Пашиб талагани шакар, пашиб таламагани туз. Пашиб талаганидан бир қошигини чойга соламан, пашиб таламаганидан ярим қошигини тўғралган помидорга сепаман.

Мана шунака таъм билмайдиган одамнинг қўлига шеър тушиб қолса (худо бу кунлардан асрасин) нима бўларди?

Менимча, мана бундок бўлади-ёв!

«Шеър энига, яъни горизонтал ўттиз беш ҳарфдан иборат (9 см). Юкоридан пастта, яъни вертикал 14 сатр (25 см). Еттига ўхшатиш (биттаси жонсиз нарсага, олтигаси жонли нарсага ўхшатилган). Тўртта муболага (Иккитаси токқа, биттаси боққа ва яна биттаси денгизга қиёсланган). Жонворлардан: булбул, товус ва фил. Булбул 35 грамм, товус 4 кг. Фил олти тонна. Жами: 600435 кг.

Чет сўзлардан форсча битта, арабча иккита, татарча битта, ўрисча битта, қорақалпокча битта. Шеър охирида шоирнинг тахаллуси битта».

Қаранг: Бу шеър таҳлили эмас. Чайқовчининг уйи тинтилганда топилгән буюмларга тузилган милиция акти.

Албатта инсон боласи учун маза билмаслик бир дард. Аммо адабий танқидчиликда маза билмаслик наинки дард, дард устига чиқкан чипқон.

Шеър бу күй. Уни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Кани, ким «Муножот»ни сўз билан тушунириб беради?

Шеър шоирнинг дилига фойибдан тушган нур. Шу нур шоир юрагидан чиқиб, шеърхоннинг юрагига кўчади. Ў мудраган хужайраларни уйғотади. Томирларини дутор ипидек тараған тортоб чertади. Йиғлатади, кулдиради. Бутун вужудингни аллақандай хузур, аллақандай майнинглик, аллақандай ҳазинлик чулғаб олади. Шеър күй, шеър дард. Ў дилда айтилмай колиб кетган армон...

Шеърни ўлчаб бўлмайди. Заргар тарозига хожат йўқ. Шеър тарозиси ўқувчи қалбида.

Гаранглар кўшик конкурсларида ҳакамлик қилса, сўқирлар рассомларга ранг танлашни ўргатса, хид билмаслар гулзор оралаб юрса, алам қilmайдими?

Мухтарам ўқувчи, «мақола автори биринчи сатридан то охиригача ҳаммага отнинг калласидек таникли танқидчига тош отибди», деб ўйламанг. Худо хаққи, бу гап хаёлимга ҳам келмаган. Агар бевош, тизгиниз қаламим мендан сўрамай қоғозга ёзиб қўйган бўлса, менда айб йўқ.

МАСАЛИ ГУРБА*

Бир пошто мушугини силаб, таҳтда мудраб ўтирган эди. Нариги пошшодан базмга таклиф қоғози келди. Пошто шоша-пиша бошига тож кийиб, совфасини кўлтиклиб йўлга тушди.

Базм чинакамига шохона бўлди. Саройни айтмайсизми, ҳашамлари кўзни оламан, дейди. Дастурхонда дунёнинг жами бурчидан олиб келинган ноз-неъматлар бор. Пошто оёғига нимадир суйкалётганини сезди. Энгашиб стол тагига қараса, мушуги. Жонивор пошшога эргашиб, изма-из келган экан. Пошто бирор сезмасин деб икки этигини жуфтлаб мушукни беозор қисиб ўтираверди.

Кайтишда пошто мушугидан сўради.

— Зиёфат зўр бўлди-а. Мен пошто бўлатуриб бунақа меваларни кўрмагандим. Қалай, базм сенга ёқдими?

Мушук бош чайқади.

— Менга ёқмади. Шундок катта саройда битта ҳам сичқон йўқ экан.

* Гурба – мушук.

Қиссадан ҳисса:

Адабиётимиздан сичқон қидирадиганлар кўнайиб кетмадимикин?

ЯНА БИР ТУРДИВОЙ

(Хотира)

Турди пучукнинг айни кучга тўлган бўз болалиги туғишган она шахридан олиса, юрт соғинчи билан ўтди.

Бундан эллик икки йил олдин биз боя айтганимиздек, Турди пучук ҳеч кимга сўз бермайдиган: ўтирган ерини пулга сотиб оладиган, бошидан дўпписи тушиб кетса, пул тўлаб, бирорвга кўтартирадиган, орияти баланд йигит эди.

Бир хунук воқеа бўлдию бечора болалиги ўтган кўчаларни, сув ичган арикларини ташлаб, олис юртларга бош олиб кетишига мажбур бўлди.

Маҳалла йигитлари гап ўйнашарди. «Гап»нинг нималигини биласизми? Ҳафтада бўладиган ўртоклик базми. Ҳар бир базм иштирокчиси навбати келганда жўраларини меҳмон қиласи. Ўша меҳмондорчиликда жўралардан бирига палов ошатилади. Агар у оғзи тўла ош билан отасининг номини айтса, қутулади, айттолмаса, зиёфат навбати унга берилади..

Турди пучук тўйларнинг хўроzi, базмларнинг булбули эди. Ҳеч кимга сўзини бермасди. Жўралар унинг тилини қисиқ қилиб қўйиш чораларини ўйлашарди. Бир базмда Турди пучук мусалласни қўп ичиб ухлаб қолади. Жўралардан бири унинг тагига бир коса сув куяди. Турди пучук ўзига келганда караса, таги хўл. Сахар пайти зиёфат бўлган уйдан кочади. Кўча қаттиқ совук эди. Турди уйига келгунча шимининг оркаси музлаб қолади. Турди икки кун қўчага чиқмай уйида кимирламай ўтиради.

Турди пучукнинг таги хўл бўлиб қолгани эртасига ёқ маҳаллага овоза бўлиб кетади. Ана шундан кейин Турди пучук тугилган маҳалласини, ёр-жўраларини, чўмилган анхорларини ташлаб, узоқларга бош олиб кетади.

Мана бугун орадан эллик икки йил ўтиб, у маҳалласига келяпти.

Қадрдон кўча, дилга ўрнашиб қолган пасти-баланд, баъзи жойларида наҳраси бор пахса деворлар...

Турди бобо келяптилар. Даставвал у киши болаликда ош еб, чойхўрлик қиласидиган, қўприк бикинидаги чойхонага кирдилар. Чойхона ўша-ўша. Энди унда Ленин

бурчаги йўқ, Маркснинг суврати ўрнига Навоийнинг сувратини рамкага солиб илиб қўйишипти.

Турди бобо чой буюрдилар. Патнисда иккита нон, бир сиким қанд билан чой олиб келган болани гапга солдилар.

— Болам, маҳалла аҳли тинч-омонми? Ўзбеклардан кўпчиликмисизлар? — деб сўради. Кейин у, шу самоварда Жўравой деган чойхоначи бўлгучи эди. Соғ-омон юриптими, — деб ўсмокчилади.

Бола ўйланиб қолди. Кейин бирдан эсига тушиб суюниб кетди.

— Дадам айтган эдилар. Жўравой самоварчи Турди пучук деган бир дўсти орқасини хўл қилиб қўйгандан бир йил ўтиб, ўлган экан.

Турди бобо ғалати бир ахволга тушиб қолди. Бу қандай гап, орадан эллик икки йил ўтиб, бир авлод алмашса ҳам, арзимас бир ишни одамлар унтуломаса!

Бу дунёда ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди, деган гап чиппа-чин экан.

Турди бобо маҳаллани айланиш ниятидан кечиб, орқасига қайтди. Ким билади, у бу томонларга қачон келади. Келадими, йўқми? Ўзи келмаса ҳам, Турди пучук номи маҳаллада ҳали узоқ яшашига ишонди.

ЭКОЛЎГИЯ ВА БИЗ

(Зарарлик қасб)

Трестнинг хисоб-китоб ишлари бошлиқнинг таъбири билан айтганда, мўшний. Битта ҳайҳотдек катта хонада бош бўғолтири, учта ёрдамчиси, тўртта кичик бўғолтири, иккита хисобчи ва кассир Донохон ишлайди. Хонадаги-ларнинг Донохондан бошқа ҳаммаси чекадиганлардан. Чекканда ҳам тутунини тутунга улаб чекадиган кашандалар. Айниқса Ҳидиров деган биттаси бор, бай-бай-бай, сигаретни чекяптими, еяптими билиб бўлмайди. Кўз очиб юмгунча олдиаги тоғорадек кулдон тахта омборхонасида-ги хода ўюмига ўҳшаб қолди. Чекиши авжга чиқкан пайларда ким қаерда ўтиргани кўринмай кетади. Шундай пайларда коғозларни тимирскилаб топиб, бир хонада бўлишларига қарамай, бир-бирлари билан телефонда таплашишади.

Донохон тамаки тутунидан сасиб-бижғиб уйига келганди қайнонасидан, эридан эшитадиганини эшитади.

— Ҳой келин, нима бало, чилимнинг сувига бош ювганимисиз, сасиб кетибсиз-ку.

— Йўқ, — дейди пичинг билан эри. — Бизди хотин чилимди сувига бош ювмаган, тамакини қайнатиб «пепси-кўла» қилиб ичган. Э, боре, ати-патир суртиб ол, бўлмаса кечаси нариги уйга чикиб ётаман.

Бу хил хаёт жонига теккан Донохон кашандада ҳамхоналари устидан вазирликка шикоят ёзиб юборди. Шикоятга хадеганда жавоб келавермади. Икки-уч марта телефон ҳам қилди. Охири, қўнғироқ қилганида, аризангиз колле-гияда қўриладиган бўлди, деб жавоб қилишди.

Охири, вазирлик коллегиясининг карори келди. Ка-рорда Донохоннинг маоши узоқ қаҳратон шимол конларида, газ ва кимё саноатида, atom электрстансияда ишлайди-гандар маоши билан тенглаширилган эди. Ва шу ойлик устига қўшимча етмиш фоиз компенсасия тўлансан, ҳамда у хар куни бир пакет сут, 50 мискол сарёғ билан таъминлансан, харажатлар режадан ортиқ етиштирилган маҳсулот хисобидан олинсин, деб кўрсатилган эди.

Бу карордан Донохоннинг қўнғли унчалик тўлмади.

«Тамаки тутунидан сасиб кетган жемпирларимга, қўйла-гу каствюмларимга, сочларимга ўрнашиб қолган сассик хидга ким кампенсасия тўлайди» деб нолиб, вазирликка яна ёзди.

Хозир Донохон коллегиянинг адолатли карорини кўтмоқда.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

(Муносиб мукофот)

Бошқармадан устига сурғуч ёпиштирилган иккита конверт келди. Бирда корхона маъмуриятидан зудлик билан алоҳида ўрнак кўрсатган ишчилардан беш кишини «Фахрий ёрлиқ» қа тавсия қилишлари сўралган. Иккinci-сизда илбор ишчиларни мукофотлаш учун йигирма беш минг сўм ажратилгани айтилган.

Шу муносабат билан директор Дармонов бош муҳандис Даҳашевни, рабочкўм ранси Зайнуллинни, бош бўғолтири Маллаевни хузурига чакирди. Мукофотлар эга-эгасига топшириладиган бўлди.

Ортиб колган беш минг сўм билан битта «Фахрий ёрлиқ»ни кимга бериш кераклиги тўғрисида узоқ ўйлашди. Маслаҳат бошбуҳ Маллаевнинг ўзидан чиқди.

— Ахрайник -- Сангин отага бериб қўяқолайлик.

— Сангин ота Дармонов акамизнинг қайноталари бўладилар, гап бўлмасмикин?

— Бўлмайди. Бунга мен кафил, — деди Зайнуллин.
— Ундоқ бўлса, у кишининг қайси хизматлари учун мукофот берамиш?

Бу саволга Маллаев жавоб топди.

— Албатта, у кишининг дарвозахонада таҳорат қилиб, намоз ўқишидан бошқа ишлари йўқ. У кишини корхона мулкини талон-тарож қилишга, ўғриликка йўл бермаган фидойи ахрайник деб ёзамиш.

Дадашев ҳам қизишиб кетди.

— Мундок қилайлик, бўлмасам. Учинчи сехда ишлайдиган Сарваров ҳар кўчага чикиб келишида икки килодан сарёғни салафан халтага солиб, шимининг ичидаги опчишиб кетади. У кунига икки мартадан кўчага чикиб келмаса кўнгли жойига тўшмайди.

— Бўлмайди, — деди бунака ишларни ўзи ҳам кўп қилиб кўрган Зайнуллин.

— Сарваров ҷолни бир урса ўлдириб кўяди. Девдек кучи бор. Бунака ҷолларнинг қўлига тушадиган анойилардан эмас у.

— Э, қизиқ одам экансиз-ку. Ўзи билан гаплашамиз. «Фахрий ёрлиқ» пенсага чикишингда керак бўлади, пули отахонга деймиз. Қўлга тушиб беравер, ўртоқлик судида кўриб ўзимиз оқлаб оламиш, деймиз. Йўқ демайди. Кўндиришни менга қўйиб бераверинглар.

Шу куниёқ Дадашев Сарваровни кўндириди. Эртага смена тугаш пайтида шу тадбирни ўтказадиган бўлишди.

Сарваров вахтадан ўтаяётганда ахрайник отахон шартта билагидан ушлаб, қани, иштонни еч, депти. Сарваров унинг кўлини қайриб орқасига бир тепкан экан, чол муккаси билан тушиб қимирламай қопти. Оғзидан оқ қўпик келаётганини кўрганлар дарров «Тез ёрдам» чақиришилти.

Эртасига Дадашев сехга кириб Сарваровга ўдағайлади.

— Одам эмас экансан! Сўзида турмайдиган номард экансан. Нега ваъдангни бажармадинг? Ахир келишган эдик-ку.

Сарваров тўнғиллади.

— Иккинчи чикишимда ушлаши керак эди. Биринчи чикишимдаёқ ушлаб ўтирипти бу мияси айниганди чол. Солдим, айлантириб...

Зайнуллин ўйлаб-ўйлаб яна бир чора топди. Чолни ўғри ушлаш пайтида шикастланган қаҳрамон, деб мукофотга ёзадиган бўлишди. Сарваров эса «Фахрий ёрлиқ»-ларнинг керак эмас, менга тўрт хонали квартира берасанлар, бермасанглар қилган ишларингни овоза килиб

юбораман, деб ғалва кўтарди. «Фахрий ёрлиқ» рўйхати бошқармага юборилган эди. Энди уни қайтариб бўлмасди.

Шундай қилиб Сарваров ҳеч бало қилмай қўшалоқ мукофот эгаси бўлди.

Ахрайник ҷолга ҳали ҳам қон қўйиш давом этмоқда...

ЁР ИЗЛАБ

(Бадиий очерк)

Саънат саройида бўлаётган Саккизинчи март ҳалқаро хотин-қизлар кунига бағишлиланган тантанали йиғилишга мени киритишмади. Эшиқда турган тилла тишли жужурний хотинга ичимда йиғилиб қолган ҳамма гапларни тўкиб солдим.

— Ахир, мен ўн гулидан бир гули очилмаган 72 ёшли йигит бўлсанам, нечукки сен мени отахон, дейсан. Мен бу ерга ўзимга муносаб ёр излаб келганимни биласанми?

У бўлса мени масҳара қилаётгандек тилла тишини кўрсатиб кулди. Қулиб туриб менга ғалатироқ қараш қилди. Хе йўқ-бе йўқ, мени олмайсизми, деб юборди-я! Сесканиб кетдим. Унга дурустроқ қарадим. Биноидек. Қадди-комати ҳам жойида. Ҳали қирқдан ошмаган, баширасида битта ҳам ажин йўқ. Жуда менбоп аёл экан. Унга сузилиб туриб, «олганим бўлсин», дедим. У бўлса эртага МВДга совчи юборинг, улар министрнинг олдига кириб, подполковник Холдоровага совчиликка келдик, деб айтишсин, деди.

Бир қочиш қилдим! Ўлай агар, бунақа қочишига ОБХССнинг ити ҳам етолмайди.

КЕЧАСИ СОАТ З ДА БЕВА ЁЗУВЧИННИГ КАЛЛАСИГА КЕЛГАН ГАПЛАР

Қайта қуриш бундан қирқ йил олдин бошланган бўлса-ю, отанг билан онанг ҳам қайта ишланган бўлса, сени ким туғарди?

* * *

Бақироқ, ёқимсиз қўшиқчи энди авжига чиққанда тўхтатиб, соат неччи бўлди, деб сўраш керак.

* * *

Баъзи ўш қизлар ёзувчиларнинг пули кўп деб ўйлашади. Ёзувчига эрга тегиб қўришса қанақалигини билишар-

ди. Шу мирқұруқ ёзувчига-қу, әрга тегібсан, күраяпсан-
ки тирикчилик ұтмаяпты. Ажраладиган бұлсанг, бүйнинг-
даги етти шода дурни, қулогингдаги бриллиант құзли
зиракни, бармоғингдаги олмос қадалган узукни сотмасдан
олдин ажралсанг бұлмаасмиді?

* * *

Телестудиядаги чироїли диктор кизларни ишдан
бүшатыб, ўрніга кампирларни қўйиш керак. Чолларнинг
кўнгалини бузишга йўл қўймаймиз. Ветеран пенсионерлар-
нинг талаби шу!